ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ СТАТИСТИКА АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИ

2024 ЙИЛ
ЯНВАРЬ-ДЕКАБРЬ

Тошкент – 2025 й.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати – Ўзбекистоннинг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Нашр 22 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек, ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Ахборотномада саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, нарх, меҳнат бозори, аҳоли турмуш даражаси ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги томонидан шакллантириладиган маълумотлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг қатор вазирлик ҳамда идоралар маълумотлари ҳам келтирилган.

Тезкор ҳисоблар асосидаги маълумотларга келгусида аниқлик киритилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар келтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Статистика агентлиги

Таҳрир ҳайъати:

А.А. Икрамов – Директор ўринбосари

З.М. Зияев – Директорнинг рақамлаштириш
бўйича ўринбосари

МУНДАРИЖА

Номи	бет
МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР	**8**
I. ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ	**9-53**
Макроиқтисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар бошқармаси бошлиғи – А.А. Мамаджанов	
1. Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти	9-23
2. Ўзбекистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулоти	24-53
II. САНОАТ	**54-81**
Саноат ва энергетика статистикаси бошқармаси бошлиғи – С.Б. Жўраев	
1. Республикада фаолият кўрсатаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари	54
2. Ўзбекистон Республикаси саноатининг асосий кўрсаткичлари	55-56
3. Саноат ишлаб чиқаришининг асосий тармоқлари	57-79
4. Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши	80-81
III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ	**82-113**
Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бошқармаси бошлиғи – Ш.А. Гуломов	
1. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажми	83-89
2. Деҳқончилик маҳсулотлари	90-98
3. Чорвачилик маҳсулотлари	99-105
4. Чорва моллари ва паррандалар бош сони	106-113
IV. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ	**114-142**
Инвестициялар ва қурилиш статистикаси бошқармаси бошлиғи – М.М. Жомолов	
1. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар	114-128
2. Асосий капиталга ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитлар	128-130
3. Ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши	130-132
4. Қурилиш ишлари	132-142

Номи	бет
V. ХИЗМАТЛАР	**143-169**
Хизматлар соҳаси статистикаси бошқармаси бошлиғи – А.Ю. Мирзахидов	
1. Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумот	143
2. Ҳудудлар кесимида хизматлар соҳасининг ривожланиши	144-146
3. Хизматлар соҳаси ривожланишининг асосий кўрсаткичлари	147
4. Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари	148-169
VI. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА	**170-193**
Хизматлар соҳаси статистикаси бошқармаси бошлиғи – А.Ю. Мирзахидов	
1. Фаолият кўрсатаётган ва янги ташкил этилган транспорт корхоналари сони	170
2. Ўзбекистон Республикасида транспорт фаолиятининг асосий кўрсаткичлари	171-185
3. Транзит ташувлар	185
4. Йўл-транспорти ҳодисалари	186-188
5. Алоқа ва коммуникация соҳаси	188-193
VII. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ	**194-201**
Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бошқармаси бошлиғи – Б.С. Иргашев	
1. Фаолият кўрсатаётган савдо корхоналари	194
2. Чакана савдо товар айланмаси	195-199
3. Улгуржи савдо айланмаси	199-201
VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ	**202-226**
Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бошқармаси бошлиғи – Б.С. Иргашев	
1. Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси иштирокчилари сони	202
2. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси	203-210
3. Ўзбекистон Республикаси экспорти	210-218
4. Ўзбекистон Республикаси импорти	218-226

Номи	бет
IX. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК	**227-252**
Ишбилармонлик муҳити кузатувлари ва тадбиркорлик статистикаси бошқармаси бошлиғи – М.А. Сатимов	
1. Кичик тадбиркорлик субъектларининг сони таҳлили	227-232
2. Кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари	233-245
3. Кичик корхона ва микрофирмаларнинг танланма кузатувлари натижалари	246-252
X. НАРХЛАР СТАТИСТИКАСИ	**253-290**
Нархлар статистикаси бошқармаси бошлиғи – М.Т. Умаров	
1. Истеъмол нархлари	253-274
2. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси	275-290
XI. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ	**291-306**
Ишбилармонлик муҳити кузатувлари ва тадбиркорлик статистикаси бошқармаси бошлиғи – М.А. Сатимов	
1. Корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари	291-296
2. Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик қарздорлиги ҳолати	296-299
3. Корхона ва ташкилотларнинг кредиторлик қарздорлиги ҳолати	300-302
4. Корхона ва ташкилотларнинг мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича дебитор ва кредитор қарздорлик ҳолати	303-306
XII. КОРХОНА ВА ОБЪЕКТЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ	**307-310**
Ишбилармонлик муҳити кузатувлари ва тадбиркорлик статистикаси бошқармаси бошлиғи – М.А. Сатимов	
XIII. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	**311-348**
Статистик регистрларни юритиш ва тизимли хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи – Н.А. Шералиев	
1. Ўзбекистон Республикаси бўйича корхона ва ташкилотларнинг сони	312-320
2. Корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича маълумотлар	321-328
3. Тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича маълумотлар	329-337
4. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар	338-348

Номи	бет
XIV. АҲОЛИНИНГ УМУМИЙ ДАРОМАДЛАРИ	**349-376**
Аҳоли турмуш даражаси ва кузатувлари статистикаси бошқармаси бошлиғи – У.К. Мадаминов	
1. Аҳоли умумий даромадлари таркиби	349-368
2. Ҳудудлар кесимида аҳоли даромадлари тўғрисида маълумот	368-373
3. Умумий даромадлар таркибида, кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар улуши	373-376
XV. ЮРИДИК ШАХС МАҚОМИГА ЭГА БЎЛГАН КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРДА ИШЛОВЧИ ХОДИМЛАРНИНГ ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ	**377-400**
Демография, меҳнат ва гендер статистикаси бошқармаси бошлиғи – З.Т. Юлдошев	
1. Ўзбекистон Республикаси бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи	377-383
2. Иқтисодий фаолият турларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи	383-400
XVI. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ	**401-426**
Демография, меҳнат ва гендер статистикаси бошқармаси бошлиғи – З.Т. Юлдошев	
1. Ўзбекистон Республикасининг демографик ҳолати	401
2. Доимий аҳоли сони	402-405
3. Туғилиш	406-408
4. Вафот этганлар	409-412
5. Никоҳлар	413-415
6. Никоҳдан ажралишлар	416-419
7. Миграция	420-426
XVII. ҲУҚУҚБУЗАРЛИК	**427-445**
Ижтимоий соҳа ва барқарор ривожланиш статистикаси бошқармаси бошлиғи – Д.Е. Қирғизов	
1. Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган жиноятлар сони	427-436
2. Ўзбекистон Республикасида жиноят содир этган шахслар сони	437-445
XVIII. ТУРИСТИК ОҚИМ	**446-466**
Ижтимоий соҳа ва барқарор ривожланиш статистикаси бошқармаси бошлиғи – Д.Е. Қирғизов	
1. Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқаролари	447-456
2. Туристик мақсадларда кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари	457-466

Номи	бет
XIX. ТАЪЛИМ	**467-499**
Ижтимоий соҳа ва барқарор ривожланиш статистикаси бошқармаси бошлиғи – Д.Е. Қирғизов	
1. Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим	468-475
2. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим	476-482
3. Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус таълим	483-487
4. Ўзбекистон Республикасида профессионал таълим	488-493
5. Ўзбекистон Республикасида олий таълим	494-499
XX. ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР	**500-513**
Ижтимоий соҳа ва барқарор ривожланиш статистикаси бошқармаси бошлиғи – Д.Е. Қирғизов	
1. Ўзбекистон Республикасида илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари	501-507
2. Ўзбекистон Республикасида инновациялар	508-513
XXI. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ	**514-526**
Ижтимоий соҳа ва барқарор ривожланиш статистикаси бошқармаси бошлиғи – Д.Е. Қирғизов	
XXII. ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ	**527-537**
Ижтимоий соҳа ва барқарор ривожланиш статистикаси бошқармаси бошлиғи – Д.Е. Қирғизов	
1. Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти	528-533
2. Ўзбекистон Республикасида ногиронлиги бўлган шахслар	534-537

Қисқартма ва шартли белгилар

%	–	фоиз	м.	–	марта
млрд.	–	миллиард	-	–	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.	–	миллион	га	–	гектар
млн.АҚШ долл.	–	миллион АҚШ доллари	т	–	тонна
кв.	–	квадрат	йўловчи/км	–	йўловчи-километр
км	–	километр	Мбит/с	–	Мегабит /сония
м	–	метр	[1], [2], [3].....	–	изоҳнинг мавжудлиги
ф.п.	–	фоиз пункт	ф.д.	–	фоиз даража
0,0	–	катта бўлмаган миқдор			

Макроиқтисодий кўрсаткичлар
(2024 йил январь-декабрь)

	Млрд. сўм	***2023 йил январь-декабрга нисбатан % ҳисобида***
Ялпи ички маҳсулот	1 454 573,9	106,5
Саноат маҳсулоти	885 818,9	106,8[1)]
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари	467 041,5	103,1
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	493 652,0	127,6
Қурилиш ишлари	233 832,9	108,8
Юк айланмаси *(млн. т/км)*	79 507,4	103,1
Йўловчи айланмаси (*млн. йўловчи/км)*	162 629,7	106,0
Кўрсатилган бозор хизматлари, жами	818 428,3	112,9
Чакана савдо товар айланмаси	403 431,8	109,9
Ташқи савдо айланмаси, *(млн. АҚШ долл.)*[2)]	65 934,0	103,8
Экспорт	26 948,2	108,4
Импорт	38 985,8	100,8
Сальдо *(+,–)*	-12 037,6	x
Истеъмол нархлари индекси *(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %.)*	x	109,8

[1)] *Физик ҳажм индекси (ФҲИ)*
[2)] *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг аниқлаштирилган маълумотларини ҳисобга олган ҳолда*

I. ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ

1-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТИ

2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)[1]

2024 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЯИМи ҳажми жорий нархларда 1 454 573,9 млрд сўмни ташкил этди ва 2023 йил билан таққослаганда 6,5 % га ўсди. ЯИМ дефлятор индекси 2023 йилдаги нархларга нисбатан 113,3 % ни ташкил этди.



2020-2024 йилларда ЯИМнинг дефлятор индекси
(ўтган йилга нисбатан % да)



☑ ***Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)*** *иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ)нинг асосий кўрсаткичларидан биридир.*

☑ ***ЯИМ физик ҳажм индекси (ўсиш суръати)*** *доимий нархларда, яъни ўтган йилнинг мос даври нархларида ҳисобланган ҳисобот даври ЯИМ (реал ЯИМ)ни жорий нархлардаги ўтган йилнинг мос даври ЯИМига нисбати орқали ҳисобланади.*

[1] *Бу ерда ва кейинги ўринларда 2020-2024 йиллар учун норасмий ва яширин иқтисодиётни статистик баҳолаш бўйича ўтказилган кузатувлар натижаларини қўшган ҳолда аниқлик киритилган маълумотлар келтирилган.*

2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ
(жорий нархларда, трлн сўм)

2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси ЯИМи
(млрд АҚШ долларида)

Жорий даврда ўртача алмашув курси бўйича ҳисобланган номинал ЯИМ ҳажми 114 962,0 млн АҚШ долларини ташкил этди.



Маълумот учун: *2024 йилда АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўртача расмий курси 12 652,7 сўм, 2023 йилда 11 737,2 сўм, 2022 йилда 11 051,2 сўм, 2021 йилда 10 610,0 сўм, 2020 йилда 10 055,8 сўмга тенг бўлган.*

2020-2024 йилларда ЯИМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)



2024 йилда ЯИМ ўсишига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи 0,6 ф.п., саноат тармоғи – 1,7 ф.п., қурилиш тармоғи – 0,6 ф.п. ва хизмат кўрсатиш тармоғи – 3,3 ф.п. ижобий ҳисса қўшди. Маҳсулотларга соф солиқларнинг ўсиши ҳисобига ЯИМ 0,3 ф.п. га кўпайди.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми ЯИМ умумий ҳажмининг 95,3 % ини ташкил этди ва 6,6 % га ўсди (ЯИМ мутлақ ўсишига таъсири 6,2 фоиз пунктни ташкил этди). Маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 4,7 % ни ташкил этди ва 2023 йил билан таққослаганда 6,0 % га ўсди (ЯИМ мутлақ ўсишига таъсири – 0,3 ф.п.).

2020-2024 йилларда иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМ таркиби
(жамига нисбатан % да)



2024 йил якунларига кўра, ЯИМ таркибида катта бўлмаган ўзгаришлар кузатилди. ЯИМ (ЯҚҚ) таркибида хизматлар соҳасининг улуши 46,2 % дан 47,4 % га, саноатнинг улуши 25,3 % дан 26,4 % га ошди.

Шу билан бирга, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши 21,2 % дан 19,2 % га ҳамда қурилиш тармоғининг улуши 7,3 % дан 7,0 % га камайди.

2020-2024 йилларда аҳоли жон бошига ЯИМ
(жорий нархларда, минг сўм)



Йиллар

Маълумот учун: *Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисининг ўртача сони 2020 йилда 34 232,1 минг киши, 2021 йилда 34 915,1 минг киши, 2022 йилда 35 648,1 минг киши, 2023 йилда 36 412,4 минг киши ва 2024 йилда 37 171,5 минг кишини ташкил этган.*

2024 йилда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ ҳажми жорий нархларда 39 131,4 минг сўмни (ёки 3 092,7 АҚШ доллари эквивалентида) ташкил этди.

2020-2024 йилларда аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиш (камайиш) суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % ҳисобида)



Йиллар

Юқорида келтирилган диаграммадан кўриниб турганидек, 2024 йилда аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмининг реал ўсиши 2023 йилга нисбатан 4,4 % ни, 2020 йилга нисбатан эса 19,5 % ни ташкил этди.

☑ ***Аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯҲМ)*** *муайян даврда жорий нархлардаги ЯИМ (ЯҲМ) ҳажмини мамлакат (ҳудуд)нинг ўртача аҳолиси сонига бўлиш орқали аниқланади.*

2020-2024 йилларда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ялпи қўшилган қиймати



2024 йил якунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми 266 565,0 млрд сўмни ташкил этди ва 2023 йил билан таққослаганда 3,1 % га ўсди. Ушбу тармоқда 2023 йилда 4,1 %, 2022 йилда – 3,6 %, 2021 йилда – 4,0 %, 2020 йилда – 2,9 % даражасида ижобий ўсиш қайд этилди.

Кузатилаётган даврда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида норасмий иқтисодиётда яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми 169 526,7 млрд сўмни, унинг ушбу тармоқ ялпи қўшилган қийматидаги улуши 63,6 % ни ташкил этди.

Маълумот учун: *2024 йилда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 467 041,5 млрд сўмни ташкил этди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари умумий ҳажмининг 96,6 % и – деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар, 2,5 % и – ўрмон хўжалиги, 0,9 % и – балиқчилик хўжалиги ҳиссасига тўғри келди.*

2024 йил якунларига кўра, ушбу тармоқдаги ижобий ўсиш суръатлари деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматларнинг 3,1 % га ва ўрмон хўжалиги – 3,0 % га ўсиши билан боғлиқ.

2020-2024 йилларда саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати



2024 йил якунларига кўра, саноат тармоғида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми 365 894,6 млрд сўмни ташкил этди ва 2023 йил билан таққослаганда 6,8 % га ўсиш кузатилди.

Ушбу тармоқдаги ижобий динамика, асосан тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш тармоғининг қўшилган қиймати 1,9 % га, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатнинг 7,7 % га, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тармоғининг 5,4 % га ҳамда сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш тармоғининг 5,6 % га ижобий ўсиши ҳисобига таъминланди.

2024 йил якунларига кўра, саноат тармоғида норасмий ва яширин иқтисодиётда 32 737,8 млрд сўм ялпи қўшилган қиймат яратилган бўлиб, унинг ушбу тармоқ ялпи қўшилган қийматидаги улуши 8,9 % ни ташкил этди.

2020-2024 йилларда саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати динамикаси



2020-2024 йилларда саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби

(жамига нисбатан % да)

2020-2024 йилларда қурилиш тармоғининг ялпи қўшилган қиймати



2024 йил якунларига кўра, қурилиш тармоғида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми 96 801,9 млрд сўмни ташкил этди ва 2023 йил билан таққослаганда қурилиш ишлари ҳажми 8,8 % га ўсди.

Жумладан, ўсиш суръатлари бино ва иншоотлар қурилишида 105,5 % ни, фуқаролик объектлари қурилишида 124,7 % ни ва ихтисослаштирилган қурилиш ишларида 106,4 % ни ташкил этди.

Кузатилаётган даврда қурилиш тармоғида норасмий ва яширин иқтисодиётда 39 967,1 млрд сўм ялпи қўшилган қиймат яратилган бўлиб, унинг ушбу тармоқ ялпи қўшилган қийматидаги улуши 41,3 % ни ташкил этди.

***Маълумот учун**: 2024 йилда қурилиш ишлари ҳажми 233 832,9 млрд сўмни ташкил этди. Қурилиш ишларининг умумий ҳажмида йирик қурилиш ташкилотларининг улуши 23,6 %, кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг улуши 46,2 %, жисмоний шахсларнинг улуши 30,2 % ни ташкил этди.*

2020-2024 йилларда қурилиш тармоғининг ялпи қўшилган қиймати ҳажми
(млрд сўм)

2020-2024 йилларда қурилиш тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан % да)



2020-2024 йилларда хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати



2024 йил якунларига кўра, хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати ҳажми 657 348,5 млрд сўмни ташкил этди ва 2023 йилга нисбатан 7,7 % га ўсди. Шу жумладан, савдо хизматлари 11,5 % га, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 10,7 % га, ташиш ва сақлаш хизматлари 8,5 % га, ахборот ва алоқа хизматлари 24,7 % га, бошқа хизматлар 4,5 % га ўсди.

2020-2024 йилларда хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан % да)



2020-2024 йилларда савдо тармоғининг ялпи қўшилган қиймати



2020-2024 йилларда савдо тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби динамикаси
(жамига нисбатан % да)



2024 йилда савдо тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркибида энг катта улуши чакана савдо (автотранспорт воситалари савдосидан ташқари)га тўғри келди ва 56,1 % ни ташкил этди. Улгуржи савдо (автотранспорт воситалари савдосидан ташқари)нинг улуши 30,9 % ни, автотранспорт воситаларининг улгуржи ва чакана савдоси ҳамда уларни таъмирлашнинг улуши 13,0 % ни ташкил қилди.

2020-2024 йилларда ташиш ва сақлаш тармоғининг ялпи қўшилган қиймати



2024 йил якунларига кўра, ташиш ва сақлаш тармоғининг Ўзбекистон Республикаси ЯИМидаги улуши 5,4 % ни ташкил этди.

Ташиш ва сақлаш тармоғининг қўшилган қиймати таркибида энг кўп улуши автомобил транспортига тўғри келди ва 55,7 % ни ташкил этди. Мазкур тармоқ умумий қўшилган қийматида қувур транспортининг улуши 13,4 %, темир йўл транспортининг улуши 8,4 %, ёрдамчи транспорт фаолиятининг улуши 14,9 %, ҳаво транспортининг улуши 7,6 % ни ташкил этди.

2020-2024 йилларда ташиш ва сақлаш тармоғи қўшилган қиймати таркиби *(жамига нисбатан % да)*



2020-2024 йилларда ахборот ва алоқа тармоғининг ялпи қўшилган қиймати



2020-2024 йилларда ахборот ва алоқа тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби *(жамига нисбатан % да)*



2024 йилда ахборот ва алоқа тармоғининг мамлакат иқтисодиётидаги улуши 2,7 % ни ташкил этди. Мазкур тармоқ ялпи қўшилган қиймати таркибида асосий улуш алоқа хизматларига (симли ва мобиль алоқа хизматлари, интернет тармоғи ва бошқаларга) тўғри келди ва 35,0 % ни ташкил этди. Тармоқда яратилган ялпи қўшилган қийматнинг қолган 65,0 фоизи ахборот ва алоқанинг бошқа тармоқлари (нашриёт фаолияти, компьютер дастурлаштириш соҳасидаги фаолият, дастурлар яратиш бўйича фаолият, телекўрсатув ва радио-эшиттириш в.б.) ҳиссасига тўғри келди.

2022-2024 йилларда АКТ хизматларининг ялпи қўшилган қиймати



2024 йилда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) хизматларининг мамлакат иқтисодиётидаги улуши 2,4 % ни ташкил этди.

Тармоқда яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажмининг 38,2 фоизи алоқа хизматлари, 43,3 фоизи компьютер дастурлаштириш, маслаҳат бериш ва бошқа ёрдамчи хизматлар, 9,6 фоизи маълумотларни жойлаштириш ва ишлов бериш бўйича хизматлар, Web-порталлар, 5,5 фоизи дастурий таъминотни чиқариш, қолган 3,4 фоизи компьютерлар ва алоқа ускуналарини таъмирлаш хизматлари ҳиссасига тўғри келган.

2024 йилда кичик тадбиркорлик (бизнес)да яратилган ялпи қўшилган қиймат

Таркиби,
жамига нисбатан % да



ЯИМда кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг улуши,
ЯҚҚга нисбатан % да



2024 йил якунлари бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан 753 226,9 млрд сўм миқдорида қўшилган қиймат ёки иқтисодиётдаги ялпи қўшилган қийматнинг 54,3 % и яратилган. Шундан 33,9 % и қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, 12,6 % и саноат, 10,1 % и қурилиш тармоқлари ва 43,4 % и хизматлар соҳасига тўғри келди.

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари улуши иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 95,8 %, қурилишда 78,4 %, хизматлар соҳасида 49,8 % ва саноатда 25,9 % ни ташкил этди.

2024 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйича кузатилмайдиган иқтисодиёт



2024 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикасида кузатилмайдиган (норасмий ва яширин) иқтисодиётнинг ялпи қўшилган қиймати ҳажми 505 650,1 млрд сўмни ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 34,8 % ни ташкил этди.

Шундан норасмий иқтисодиётнинг ялпи қўшилган қиймати ҳажми 383 643,7 млрд сўмни ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 26,4 % ни ташкил этди. Яширин иқтисодиётнинг ялпи қўшилган қиймати ҳажми эса 122 006,5 млрд сўмни ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 8,4 % ни ташкил этди.

2024 йилда кузатилмайдиган иқтисодиётнинг тармоқлар бўйича таркиби
(жамига нисбатан % да)

2024 йилда норасмий ва яширин иқтисодиёт ҳажмининг тармоқлар бўйича таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 63,6 % ни, қурилиш 41,3 % ни, хизматлар соҳаси 40,1 % ни ва саноат 8,9 % ни ташкил этган.

✔ ***Кузатилмайдиган иқтисодиёт*** *– доимий статистика кузатувларида тўлиқ ёки билвосита усуллар орқали баҳоланадиган иқтисодий фаолият турлари.*

✔ ***Норасмий иқтисодиёт*** *– уй хўжаликлари ёки жисмоний шахслар томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган ҳолда амалга ошириладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) билан боғлиқ иқтисодий фаолият.*

✔ ***Яширин иқтисодиёт*** *– қонун билан ман этилмаган, аммо солиққа тортилмаслик ва қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик мақсадида давлат органларидан атайлаб беркитилган иқтисодий фаолият.*

2-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Статистика дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги томонидан 2024 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ялпи ҳудудий маҳсулотни дастлабки баҳолаш ишлари амалга оширилди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) *миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент-институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди.*

2024 йилда ЯИМни шакллантиришда ҳудудларнинг иштироки[2]
(жамига нисбатан % да)

2024 йилда республика бўйича ЯИМнинг шаклланишида Тошкент шаҳри 19,3 % улуш билан энг катта ҳисса қўшди. Тошкент ва Навоий вилоятлари 10,1 % ва 8,1 % кўрсаткичлари билан кейинги ўринларни эгаллаб турибди. Республика ЯИМини шакллантиришда энг кам улуш Сирдарё (1,9 %), Жиззах (3,0 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига (3,1 %) тўғри келган.

[2]*Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда*

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2024 йилда Қорақалпоғистон Республикасида ЯҲМ ҳажми 6,3 % га ўсди ва 45 658,5 млрд сўмни ташкил этди. Қуйидаги асосий тармоқларда ижобий иқтисодий ўсиш кузатилди: қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 103,6 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 23,5 %), саноатда 106,8 % (20,5 %), қурилишда 107,4 % (8,0 %) ва хизматлар соҳасида 107,3 % (48,0 %). Аҳоли жон бошига ЯҲМ 4,9 % га ошди ва 22 645,8 минг сўмни ташкил этди.

2022-2024 йилларда ЯҲМ ҳажми *(млрд сўм)*

Йиллар	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат
2024	45 658,5	10 445,7	9 100,9
2023	39 166,2	9 479,9	7 523,4
2022	35 541,6	8 252,5	7 133,4

Йиллар	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2024	3 560,1	21 337,5	1 214,3
2023	3 120,3	17 460,2	1 582,4
2022	3 088,9	14 708,0	2 358,8

2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари

2022-2024 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби *(ЯҚҚга нисбатан % да)*

2022-2024 йилларда ЯҲМнинг ўсиш (камайиш) суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)

ЯҲМ



Йиллар

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги



Йиллар

Саноат



Йиллар

Қурилиш



Йиллар

Хизматлар



Йиллар

Маҳсулотларга соф солиқлар

Йиллар

2022-2024 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)

ЯҲМ

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги

Саноат

Қурилиш

Хизматлар

Маҳсулотларга соф солиқлар

2022 йил 2023 йил 2024 йил

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Андижон вилоятида ЯҲМ ҳажми жорий нархларда 90 522,1 млрд сўмни ташкил этди ва 2023 йил билан таққослаганда 6,6 % га ўсди. Қуйидаги асосий тармоқларда ижобий ўсиш кузатилди: қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 103,1 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 31,0 %), саноатда 107,3 % (28,8 %), қурилишда 111,0 % (5,9 %) ва хизматлар соҳасида 108,6 % (34,3 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 26 409,0 минг сўмни ташкил этди ва 2023 йилга нисбатан 4,4 % га ўсди.

2022-2024 йилларда ЯҲМ ҳажми *(млрд сўм)*

2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари

2022-2024 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби *(ЯҚҚга нисбатан % да)*

2022-2024 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)

ЯҲМ



Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги



Саноат



Қурилиш



Хизматлар



Маҳсулотларга соф солиқлар

2022-2024 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)

ЯҲМ

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги

Саноат

Қурилиш

Хизматлар

Маҳсулотларга соф солиқлар

2022 йил **2023 йил** **2024 йил**

БУХОРО ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Бухоро вилоятида ЯҲМ 71 560,4 млрд сўмни ташкил этди ва 2023 йил билан таққослаганда 6,6 % га ўсди. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 102,7 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 35,0 %), саноатда 106,4 % (19,9 %), қурилишда 114,9 % (9,9 %) ва хизматларда 108,6 % (35,2 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 4,8 % га ўсди ва 34 729,6 минг сўмни ташкил этди.

2022-2024 йилларда ЯҲМ ҳажми *(млрд сўм)*

2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари

2022-2024 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби *(ЯҚҚга нисбатан % да)*

2022-2024 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)

2022-2024 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Жиззах вилоятида ЯҲМ ҳажми 5,3 % га ўсди ва 43 057,9 млрд сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг тармоқлар таркибида ўсиш суръатлари: қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 101,3 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 40,5 %), саноатда 107,2 % (17,3 %), қурилишда 107,8 % (6,2 %) ва хизматлар соҳасида 109,0 % (36,0 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 3,1 % га ўсди ва 28 281,0 минг сўмни ташкил этди.

2022-2024 йилларда ЯҲМ ҳажми *(млрд сўм)*

2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари

2022-2024 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби *(ЯҚҚга нисбатан % да)*

2022-2024 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)

ЯҲМ

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги

Саноат

Қурилиш



Хизматлар



Маҳсулотларга соф солиқлар

2022-2024 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)

ЯҲМ

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги

Саноат

Қурилиш

Хизматлар

Маҳсулотларга соф солиқлар

2022 йил 2023 йил 2024 йил

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Қашқадарё вилоятида ЯҲМ ҳажми 80 658,3 млрд сўмни ташкил этди ва 2023 йил билан таққослаганда 6,5 % га ўсди. ЯҲМнинг тармоқлар таркибида ижобий ўсиш суръатлари: қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 104,2 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 32,7 %), саноатда 108,0 % (17,7 %), қурилишда 112,1 % (8,0 %) ва хизматлар соҳасида 106,8 % (41,6 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 4,2 % га ўсди ва 22 405,1 минг сўмни ташкил этди.

2022-2024 йилларда ЯҲМ ҳажми *(млрд сўм)*

2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари

2022-2024 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби *(ЯҚҚга нисбатан % да)*

2022-2024 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)

ЯҲМ



Йиллар

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги



Йиллар

Саноат



Йиллар

Қурилиш



Йиллар

Хизматлар



Йиллар

Маҳсулотларга соф солиқлар



Йиллар

2022-2024 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)

ЯҲМ

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги

Саноат

Қурилиш

Хизматлар

Маҳсулотларга соф солиқлар

2022 йил **2023 йил** **2024 йил**

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Навоий вилоятида ЯҲМ ҳажми 117 297,8 млрд сўмга етди ва ўсиш 7,7 % ни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиши ҳудуд иқтисодиёти тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 103,8 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 10,7 %), саноатда 108,2 % (72,1 %), қурилишда 113,9 % (4,2 %) ва хизматларда 106,9 % (13,0 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 5,8 % га ўсди ва 108 108,6 минг сўмни ташкил этди.

2022-2024 йилларда ЯҲМ ҳажми *(млрд сўм)*

2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари

2022-2024 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби *(ЯҚҚга нисбатан % да)*

2022-2024 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)

ЯҲМ



Йиллар

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги



Йиллар

Саноат



Йиллар

Қурилиш

Йиллар

Хизматлар



Йиллар

Маҳсулотларга соф солиқлар

Йиллар

2022-2024 йиллар ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)

ЯҲМ

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги

Саноат

Қурилиш

Хизматлар

Маҳсулотларга соф солиқлар

2022 йил **2023 йил** **2024 йил**

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Наманган вилоятида ЯҲМ 68 915,7 млрд сўмни ташкил этди, бу эса 2023 йил маълумотларига нисбатан 7,6 % га кўпдир. ЯҲМнинг ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 104,3 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 29,8 %), саноатда 108,3 % (16,7 %), қурилишда 112,8 % (8,0 %) ва хизматлар соҳасида 108,8 % (45,5 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари билан боғликдир. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 5,3 % га ўсди ва 22 238,7 минг сўмни ташкил этди.

2022-2024 йилларда ЯҲМ ҳажми *(млрд сўм)*

2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари

2022-2024 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби *(ЯҚҚга нисбатан % да)*

2022-2024 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)

ЯҲМ



Йиллар

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги



Йиллар

Саноат



Йиллар

Қурилиш



Йиллар

Хизматлар



Йиллар

Маҳсулотларга соф солиқлар



Йиллар

2022-2024 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)

ЯҲМ

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги

Саноат

Қурилиш

Хизматлар

Маҳсулотларга соф солиқлар

2022 йил 2023 йил 2024 йил

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Самарқанд вилоятида ЯҲМ ҳажми 99 866,1 млрд сўмни ташкил этди ва бу эса 2023 йилнинг маълумотларига нисбатан 6,9 % га кўпдир. Ушбу ҳудудда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 102,7 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 32,5 %), саноатда 107,6 % (16,7 %), қурилишда 111,7 % (5,9 %) ва хизматлар соҳасида 109,2 % (44,9 %) ўсиш суръатлари кузатилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 4,6 % га кўпайди ва 23 481,3 минг сўмни ташкил этди.

2022-2024 йилларда ЯҲМ ҳажми *(млрд сўм)*

2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари

2022-2024 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби *(ЯҚҚга нисбатан % да)*

2022-2024 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)

ЯҲМ



Йиллар

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги



Йиллар

Саноат



Йиллар

Қурилиш



Йиллар

Хизматлар



Йиллар

Маҳсулотларга соф солиқлар



Йиллар

2022-2024 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)

ЯҲМ

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги

Саноат

Қурилиш

Хизматлар

Маҳсулотларга соф солиқлар

2022 йил **2023 йил** **2024 йил**

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Сурхондарё вилоятида ЯҲМ 5,9 % га ўсди ва 54 354,1 млрд сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсишига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 103,2 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 39,1 %), саноатда 108,9 % (9,6 %), қурилишда 108,8 % (9,4 %) ва хизматлар соҳасида 107,4 % (41,9 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари таъсир қилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 18 670,0 минг сўмни ташкил этди ва 3,4 % га ўсди.

2022-2024 йилларда ЯҲМ ҳажми *(млрд сўм)*

2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари

2022-2024 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби *(ЯҚҚга нисбатан % да)*

2022-2024 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)

ЯҲМ



Йиллар

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги



Йиллар

Саноат



Йиллар

Қурилиш



Йиллар

Хизматлар



Йиллар

Маҳсулотларга соф солиқлар



Йиллар

2022-2024 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)

ЯҲМ

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги

Саноат

Қурилиш

Хизматлар

Маҳсулотларга соф солиқлар

2022 йил **2023 йил** **2024 йил**

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Сирдарё вилоятида ЯҲМ ҳажми 28 003,3 млрд сўмни ташкил этди ва 2023 йилнинг маълумотлари билан таққослаганда 4,5 % га кўпайди. ЯҲМнинг ўсишига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 101,7 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 32,6 %), саноатда 106,9 % (27,3 %), қурилишда 100,3 % (7,6 %) ва хизматлар соҳасида 106,9 % (32,5 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари таъсир қилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 30 359,2 минг сўмни ташкил этди ва 2,6 % га ўсди.

2022-2024 йилларда ЯҲМ ҳажми *(млрд сўм)*

2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари

2022-2024 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби *(ЯҚҚга нисбатан % да)*



2022-2024 йилларда ЯҲМнинг ўсиш (камайиш) суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)

ЯҲМ



Йиллар

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги



Йиллар

Саноат



Йиллар

Қурилиш



Йиллар

Хизматлар



Йиллар

Маҳсулотларга соф солиқлар



Йиллар

2022-2024 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)

ЯҲМ

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги

Саноат

Қурилиш

Хизматлар

Маҳсулотларга соф солиқлар

2022 йил 2023 йил 2024 йил

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Тошкент вилоятида ЯҲМ 6,7 % га ўсган ҳолда 146 385,2 млрд сўмни ташкил этди. Ушбу ҳудудда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 101,5 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 17,7 %), саноатда 106,9 % (44,5 %), қурилишда 110,1 % (7,2 %) ва хизматлар соҳасида 109,3 % (30,6 %) ижобий ўсиш суръатлари кузатилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 2023 йилга нисбатан 4,7 % га ўсди ва 47 526,1 минг сўмни ташкил этди.

2022-2024 йилларда ЯҲМ ҳажми *(млрд сўм)*

2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари

2022-2024 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби *(ЯҚҚга нисбатан % да)*

2022-2024 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)

ЯҲМ



Йиллар

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги



Йиллар

Саноат



Йиллар

Қурилиш



Йиллар

Хизматлар



Йиллар

Маҳсулотларга соф солиқлар

Йиллар

2022-2024 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)

ЯҲМ

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги

Саноат

Қурилиш

Хизматлар

Маҳсулотларга соф солиқлар

2022 йил 2023 йил 2024 йил

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Фарғона вилоятида ЯҲМ ҳажми 6,8 % га ўсди ва 91 333,0 млрд сўмни ташкил этди. Ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва баликчилик хўжалигида 104,9 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 28,2 %), саноатда 107,6 % (19,8 %), қурилишда 108,5 % (7,3 %) ва хизматлар соҳасида 107,3 % (44,7 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 4,6 % га ўсди ва 22 259,5 минг сўмни ташкил этди.

2022-2024 йилларда ЯҲМ ҳажми *(млрд сўм)*

2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари

2022-2024 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби *(ЯҚҚга нисбатан % да)*



2022-2024 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)

2022-2024 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Хоразм вилоятида ЯҲМ ҳажми 6,4 % га ўсди ва 51 261,0 млрд сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиши қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 103,0 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 34,8 %), саноатда 108,2 % (16,0 %), қурилишда 111,4 % (8,9 %) ва хизматлар соҳасида 107,8 % (40,3 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 4,4 % га ўсди ва 25 452,4 минг сўмни ташкил этди.

2022-2024 йилларда ЯҲМ ҳажми *(млрд сўм)*



2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари

2022-2024 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби
(ЯҚҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)

ЯҲМ



Йиллар

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги



Йиллар

Саноат



Йиллар

Қурилиш



Йиллар

Хизматлар



Йиллар

Маҳсулотларга соф солиқлар



Йиллар

2022-2024 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)

ЯҲМ

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги

Саноат

Қурилиш

Хизматлар

Маҳсулотларга соф солиқлар

2022 йил 2023 йил 2024 йил

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Тошкент шаҳрида ЯҲМ ҳажми 281 147,4 млрд сўмни ташкил этди ва 2023 йил билан таққослаганда 10,4 % га ўсди. Саноат тармоғида 108,1 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 27,8 %), курилишда 109,9 % (9,2 %) ва хизматлар соҳасида 111,5 % (63,0 %) ўсиш суръатлари кузатилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 91 376,6 минг сўмни ташкил этди ва 7,6 % га ўсди.

2022-2024 йилларда ЯҲМ ҳажми *(млрд сўм)*



2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари

2022-2024 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби *(ЯҚҚга нисбатан % да)*



2022-2024 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)

ЯҲМ



Йиллар

Саноат



Йиллар

Қурилиш



Йиллар

Хизматлар



Йиллар

Маҳсулотларга соф солиқлар

Йиллар

2022-2024 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)

ЯҲМ

Саноат

Қурилиш

Хизматлар

Маҳсулотларга соф солиқлар

2022 йил 2023 йил 2024 йил

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган МҲТнинг асосий кўрсаткичларидан биридир.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент - институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди.

Аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯҲМ) муайян даврда жорий нархлардаги ЯИМ (ЯҲМ) ҳажмини мамлакат (ҳудуд)нинг ўртача аҳолиси сонига бўлиш орқали аниқланади.

Ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати (ишлаб чиқариш) ва ишлаб чиқариш жараёнида тўлалигича истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар қиймати (оралиқ истеъмол) ўртасидаги фарқ орқали аниқланади.

Маҳсулотларга солиқлар – товар ёки хизматнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда солинадиган солиқлар. Уларга қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, экспорт ва импорт учун солиқлар ва бошқалар киради.

Маҳсулотларга субсидиялар – давлат бюджетидан товарлар ёки хизматларнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда тўланадиган маблағлар (субсидиялар).

Маҳсулотларга соф солиқлар маҳсулотларга солиқлардан маҳсулотларга субсидияларни айириш орқали аниқланади.

ЯИМ физик ҳажм индекси (ўсиш суръати) доимий нархларда, яъни ўтган йилнинг мос даври нархларида ҳисобланган ҳисобот даври ЯИМ (реал ЯИМ)ни жорий нархлардаги ўтган йилнинг мос даври ЯИМга нисбати орқали ҳисобланади.

ЯИМ дефлятор индекси иқтисодиётда нархларнинг ўртача ўзгаришини ифодалайди ва номинал ЯИМ (жорий нархлардаги ҳисобот даври ЯИМ)нинг реал ЯИМга нисбати орқали ҳисобланади.

Кузатилмайдиган иқтисодиёт – доимий статистика кузатувларида тўлиқ ёки билвосита усуллар орқали баҳоланадиган иқтисодий фаолият турлари.

Норасмий иқтисодиёт – уй хўжаликлари ёки жисмоний шахслар томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган ҳолда амалга ошириладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) билан боғлиқ иқтисодий фаолият.

Яширин иқтисодиёт – қонун билан ман этилмаган, аммо солиққа тортилмаслик ва қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик мақсадида давлат органларидан атайлаб беркитилган иқтисодий фаолият.

II. САНОАТ

1-БЎЛИМ. РЕСПУБЛИКАДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ВА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН САНОАТ КОРХОНАЛАРИ

Бугунги кунда республикада 55,6 мингта саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда, шундан 10,7 мингтаси (рўйхатдан ўтган корхоналар умумий сонининг 19,2 % и) Тошкент шаҳрига, 6,2 мингтаси (11,2 %) Тошкент вилоятига, 5,6 мингтаси (10,1 %) Фарғона вилоятига, 4,7 мингтаси (8,5 %) Самарқанд вилоятига ва 4,4 мингтаси (7,8 %) Андижон вилоятига тўғри келмоқда.

Жами фаолият юритаётган корхоналар сони

(1 январь ҳолатига кўра)

Жами фаолият юритаётган корхоналардан саноат корхоналарининг улуши

Жами янги ташкил этилган сони

(1 январь ҳолатига кўра)

2-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНОАТИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Саноат бу – хомашёни қайта ишлаш, ер ости бойликларини ўзлаштириш, ишлаб чиқариш воситалари ва халқ истеъмоли молларини яратишни қамраб олувчи ишлаб чиқариш тармоғи.

Саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажми индекси ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмининг таққосланадиган даврлардаги ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткичдир.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми (январь-декабрь, трлн сўмда)



Дастлабки маълумотлар бўйича 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида республика корхоналари томонидан 885,8 трлн сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2023 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажми индекси 106,8 % ни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқариши ФҲИ (ярварь-декабрь, % da)



**2024 йил январь-декабрь ойлари маълумотлари яширин иқтисодиётни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган*

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ҳудудлар кесимида

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тақсимланиши йирик саноат корхоналари жойлашганлиги ҳисобига Навоий вилоятида (133 706,3 минг сўм), Тошкент шаҳрида (55 499,8 минг сўм) ҳамда Тошкент вилоятида (45 168,2 минг сўм) ўртача республика даражаси кўрсаткичидан (23 830,6 минг сўм) сезиларли даражада юқорилигини кўрсатмоқда.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши ҳажми (январь-декабрь, трлн. сўмда)

Республикада аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати (январь-декабрь, % да)



3-БЎЛИМ. САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИНГ АСОСИЙ ТАРМОҚЛАРИ

Саноат ишлаб чиқариши таркибида энг катта улуш ишлаб чиқарадиган саноат ҳиссасига тўғри келиб, 753,6 трлн сўмни, жами саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 85,1 % ни ташкил этди.



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида республикада жами саноат ишлаб чиқаришидаги юқори улуш Тошкент шаҳри (19,3 %), Навоий вилояти (16,4 %), Тошкент вилояти (15,7 %), Андижон вилояти (10,2 %), Фарғона вилояти (5,4 %) ҳамда Самарқанд вилояти (5,2 %) ҳиссасига тўғри келди.

Шунингдек, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан юқори ФҲИ Сурхондарё вилоятида (108,9 %), Наманган вилояти (108,3 %), Хоразм ва Навоий вилоятларида (108,2 %) ва Тошкент шаҳрида (108,1 %) кузатилди.



Жами саноат ишлаб чиқариши ҳажмидаги улуши (январь-декабрь, % да)

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, ҳудудлар кесимида

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш – табиатда қаттиқ жинслар шаклида уйчрайдиган (кўмир, руда), суюқ ҳолатда учрайдиган (нефть) ёки газсимон ҳолатда учрайдиган (табиий газ) фойдали қазилмаларни қазиб олишни ўз ичига олади.

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноати корхоналари томонидан 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 67,8 трлн сўм ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмидаги улуши 7,6 % га тўғри келди.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми (январь-декабрь, трлн сўмда)





Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашининг жами саноат ишлаб чиқариши ҳажмидаги улуши

Саноат ишлаб чиқариши ФҲИ, (январь-декабрь, % да)



Йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

(Январь-декабрь ойларида, ўтган йилнинг тегишли давригa нисбатан % да)*



** йирик корхоналар бўйича, тегишли давр учун саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ҳисоблаш методикасига кўра*

Йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми

Саноат маҳсулоти	*2023 йил январь-декабрь**	*2024 йил январь-декабрь*
Кўмир, минг т	6 469,0	8 166,1
Нефть, минг т	779,7	713,4
Табиий газ, млн куб.м	46 710,4	44 597,6
Газ конденсати, минг т	1 198,0	1 214,3

** 2023 йил январь-декабрь ойлари учун ишлаб чиқариш хажмлари корхоналар томонидан йиллик балансга мувофиқ аниқлик киритилган маълумотлар асосида шакллантирилган*

Ишлаб чиқарадиган саноат ҳудудлар кесимида

Ишлаб чиқарадиган саноат бу – тармоқ янги маҳсулот чиқариш мақсадида модда ёки компонентларни, материалларни, гарчи ишлаб чиқаришнинг маълум тури учун бирдан-бир тўлиқ меъзон ҳисобланмаса ҳам, физик ёки кимёвий қайта ишлашни ўз ичига олади.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 753,6 трлн сўмни ёки жами саноат маҳсулотлари ҳажмидаги улуши 85,1 % ни ташкил этди.





Ишлаб чиқарадиган саноатнинг жами саноат ишлаб чиқариши ҳажмидаги улуши



Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган айрим турдаги маҳсулотлар

(Январь-декабрь ойларида, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да)*



Ўтган йилнинг мос даври билан солиштирганда ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоқнинг улуши 1,3 % ни (2023 йилнинг январь-декабрь ойларида 1,5 %), ўрта-юқори технологияли – 22,2 % (24,6 %), ўрта-қуйи технологияли – 37,7 % (37,5 %), қуйи технологияли 38,8 % (36,4 %)ни ташкил этган.



Жами ишлаб чиқарадиган саноат таркибида машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, тиркамалар, ярим тиркамалар ва бошқа тайёр буюмларни ишлаб чиқариш соҳасининг улуши – 20,8 % (2023 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 106,5 %), металлургия саноатининг улуши – 22,7 % (2023 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 106,3 %), тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши – 16,9 % (2023 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 110,6 %) га тўғри келди.

** тегишли давр учун йирик корхоналар саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ҳисоблаш методикасига кўра*

Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган айрим турдаги маҳсулотлар

(Январь-декабрь ойларида, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да)*

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши – 17,7 % (2023 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 104,1 %), кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқаришнинг улуши – 7,7 % (2023 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 108,1 %) ни ташкил этди.



** йирик корхоналар бўйича, тегишли давр учун саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ҳисоблаш методикасига кўра*

Йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида республикада 1 282,1 минг тонна автомобиль бензини (2023 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 3,8 % га камайган), 616,7 минг тонна ип калава (3,3 % га кўпайган), 230,6 млн литр пиво маҳсулотлари (1,7 % га камайган) ҳамда 996,3 минг тонна юмшоқ буғдой ва спелта уни (6,2 % га камайган) ишлаб чиқарилган.

Саноат маҳсулотлари	*2023 йил январь-декабрь**	*2024 йил январь-декабрь*
Енгил автомобиллар, (махсус енгил автомобиллардан ташқари) дона	395 724	399 327
Юк автомобиллари, дона	3 557	3 634
Автомобил двигателлари дона	269 247	269 943
Юмшоқ буғдой ва спелта уни, минг т.	1 062,3	996,3
Пахта толаси минг т.	659,1	672,7

** 2023 йил январь-декабрь ойлари учун ишлаб чиқариш хажмлари корхоналар томонидан йиллик балансга мувофиқ аниқлик киритилган маълумотлар асосида шакллантирилган*

Юк автомобиллари ишлаб чиқариш
(январьдекабрь ойларида)

Юк автомобиллари – барча турдаги юкларни ташиш учун мўлжалланган дизел ёки бошқа турдаги ёқилғи ёрдамида ҳаракатланувчи транспорт воситаси.

Республикада 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида йирик корхоналар бўйича жами 3 634 дона юк автомобиллари ишлаб чиқарилди. Юк автомобиллари ишлаб чиқаришда ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 2,2 % га кўпайиш кузатилди.



Автобус ишлаб чиқариш
(2024 йил январь-декабрь ойларида)

Автобус – 9 ва ундан ортиқ ўринли йўловчилар ташийдиган техник жиҳатдан механик моторли транспорт воситаси.

Республикада 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида йирик корхоналар бўйича жами 827 дона автобус ишлаб чиқарилиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10,2 % га камайиши кузатилди.



** тегишли давр учун йирик корхоналар саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ҳисоблаш методикасига кўра*

*** йирик корхоналар бўйича*

Ўзбекистон Республикасида йирик корхоналар томонидан енгил автомобиллар ишлаб чиқариш

(январь-декабрь ойларида)

Енгил автомобиллар – умумий ёки “махсус енгил автомобиллар”га бўлиниб, 2 кишидан 8 кишигача мўлжалланган транспорт воситаси.

Автомобиль ишлаб чиқариш саноатида 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида 164 887 дона “Cobalt” (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 39,5 % га ошди), 6 301 дона “Chery” (35,9 % га камайди), 19 328 дона “KIA” (28,5 % га ошди), 12 837 дона “Gentra” (84,4 % га камайди), 101 912 дона “Damas” (14,3 % га ошди), 25 481 дона махсус енгил автомобиллар (2,3 % га ошди), шунингдек, 45 918 дона “Tracker” (4,5 % га камайди), 41 661 дона “Onix” (36,2 % га ошган), 2 473 – дона “Haval” (18,5 мартага ошди), 6 дона “Lada” ва 4 004 – дона “BYD” автомобиллари ишлаб чиқарилди.

“Cobalt”

Йиллар	
2024	164 887 дона
2023	118 159 дона
2022	101 617 дона
2021	71 082 дона
2020	79 908 дона

“Gentra”

Йиллар	
2024	12 837 дона
2023	82 133 дона
2022	87 105 дона
2021	51 061 дона
2020	50 052 дона

“Damas”

Йиллар	
2024	101 912 дона
2023	89 141 дона
2022	72 235 дона
2021	55 068 дона
2020	51 692 дона

Maxsus yengil avtomobillar

Йиллар	
2024	25 481 дона
2023	25 599 дона
2022	20 941 дона
2021	17 308 дона
2020	9 023 дона

давоми

“Tracker”

Йиллар
2024 — 45 918 дона
2023 — 48 082 дона
2022 — 9 088 дона

“KIA”

Йиллар
2024 — 19 328 дона

“BYD”

Йиллар
2024 — 4 004 дона

“Lada”

Йиллар
2024 — 6 дона

“Onix”

2024 — 41 661 дона
2023 — 30 596 дона

“Chery”

2024 — 6 301 дона
2023 — 9 829 дона
2022 — 421 дона

“Haval”

2024 — 2 473 дона
2023 — 134 дона

Ўзбекистон Республикасида йирик корхоналар томонидан бамперлар ишлаб чиқариш

(январь-декабрь ойларида)

Бампер – автомобилнинг олд ва орқа томонида жойлашган қисми, махсус мослама бўлиб, автомобилни кичик бахтсиз ҳодисаларда жиддий шикастланишдан ҳимоя қилишдир.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида йирик корхоналар томонидан 11 525,0 минг дона бамперлар ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 27,8 % га ошган.



Автомобил двигателлари ишлаб чиқариш

(январь-декабрь ойларида)

Автомобиль двигатели – автомобилни ҳаракатга келтирувчи асосий қурилма бўлиб, 2,3,4 ва ундан ортиқ цилиндрли бўлиши мумкин.

Республиканинг машинасозлик саноатида йирик корхоналар томонидан 269,9 минг дона двигателлар ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,3 % га ошган.



** тегишли давр учун йирик корхоналар саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ҳисоблаш методикасига кўра*

*** йирик корхоналар бўйича*

Аккумулятор ишлаб чиқариш
(январь-декабрь ойларида)

Аккумулятор – кейинчалик фойдаланиш мақсадида энергияни тўплаш ва сақлаш учун мўлжалланган қурилма.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида машинасозлик саноатида, жами йирик корхоналар томонидан 1 146,6 минг дона аккумуляторлар ишлаб чиқарилди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,9 % га ошган.



Совутгич ва музлатгичлар ишлаб чиқариш
(январь-декабрь ойларида)

Совутгич – иссиқлик изоляция қилинган хонада паст ҳароратни сақлайдиган қурилма. **Музлатгич бу** – алоҳида жиҳоз ёки музлатгичнинг ажралмас қисми, музлатиш ва сақлаш учун мўлжалланган.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида жами йирик корхоналар томонидан 371,7 минг дона совутгич ва музлатгичлар ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 36,5 % га камайган.



** тегишли давр учун йирик корхоналар саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ҳисоблаш методикасига кўра*

*** йирик корхоналар бўйича*

Йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми

Саноат маҳсулотлари	*2023 йил январь-декабрь**	*2024 йил январь-декабрь*
Акрил ва винил полимерлари асосидаги бўёқлар ва лаклар, сув муҳитида, т	16 238,1	15 887,6
Портландцемент, минг т	12 423,4	16 007,3
Тамаки маҳсулотлари, млн дона	12 753,3	14 957,4
Дизель ёқилғиси, минг т	1 012,5	948,9
Автомобиль бензини, минг т	1 332,9	1 282,1

** 2023 йил январь-декабрь ойлари учун ишлаб чиқариш ҳажмлари корхоналар томонидан йиллик балансга мувофиқ аниқлик киритилган маълумотлар асосида шакллантирилган*

Йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

(Январь-декабрь ойларида, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да)*

Технологик жиҳозларни капитал қайта тиклаш ишлари, кимё корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳажмини ошириш имконини бериб, динатрий карбонати ишлаб чиқариш 2023 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 104,5 % ҳамда калий хлорид ишлаб чиқариш 110,3 % ни ташкил этди.

** тегишли давр учун йирик корхоналар саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ҳисоблаш методикасига кўра*

Металлургия саноати

Металлургия саноати – чўян ишлаб чиқариш ва қора ва рангли металларни қайта ишлаш, жумладан, қуйма чўян ва тоза металларга кимёвий элементлар қўшган ҳолда суперқотишмалар ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, металлургия саноатининг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 22,7 % бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан физик ҳажм индекси 6,3 % га ўсди ва ишлаб чиқариш ҳажми 171 432,1 млрд сўмни ташкил этди.



Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш

Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш – минераллар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ишлаб чиқариш турларини ўз ичига олиб, шиша ва шишадан маҳсулотлар, керамик буюмлар, кафель, черепица, терракота буюмлар, цемент ва хомашёдан тайёр маҳсулотгача ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноатининг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 5,6 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан физик ҳажм индекси 18,0 % га ўсди ва ишлаб чиқариш ҳажми 41 980,8 млрд сўмга тўғри келди.



Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш – ейиладиган қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқчилик (озиқ-овқат) маҳсулотларини, спиртсиз ичимликларни, минерал сувларни ва бошқа идишдаги сувларни ўз ичига олади.

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 13,8 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан физик ҳажм индекси 104,5 % ва ишлаб чиқариш ҳажми 103 692,9 млрд сўмга тўғри келди.



Ичимликлар ишлаб чиқариш саноати

Ичимликлар ишлаб чиқариш – спиртсиз ичимликлар ва минерал сувларни ишлаб чиқаришни, спиртли ичимликларни ишлаб чиқаришни, асосан ферментация методи орқали; пиво ва вино, шунингдек, дистилланган алкоголь ичимликлар ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, ичимлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 3,3 % бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан физик ҳажм индекси 99,0 % ни ташкил этди ва ишлаб чиқариш ҳажми 25 074,2 млрд сўмга тўғри келди.



Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати

Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш – тўқимачилик толасини тайёрлаш ва йигириш, шунингдек, тўқимачилик газламаларини ва тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тўқмачилик маҳсулотларига ва кийимларга безак бериш, тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 11,9 % ни ташкил этган, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан физик ҳажм индекси 11,1 % га кўпайиб, ишлаб чиқариш ҳажми 89 451,2 млрд сўмга тўғри келади.



Кийим ишлаб чиқариш

Кийим ишлаб чиқариш – барча материаллардан (масалан, тери, тўқимачилик газламалари, тўқилган ва трикотаж газламалари ва ҳ.к.) барча тикиш маҳсулотларини кийимларнинг барча турлари, эркаклар, аёллар ва болалар учун ички кийимлар, иш, офис ёки спорт кийимлари ва ҳ.к.) ва аксессуарларни ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида кийим ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 4,5 % бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан физик ҳажм индекси 9,4 % га ошди ва ишлаб чиқариш ҳажми 33 764,2 млрд сўмга тўғри келди.



Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш – кимёвий жараёнлар ёрдамида органик ва ноорганик хомашё, материалларни қайта ишлашни ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 5,4 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан физик ҳажм индекси 3,4 % га ошди, ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми 40 621,2 млрд сўмни ташкил этган.



Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш – фойдаланиш учун тайёр бўлган хом нефть ва кўмир маҳсулотларини қайта ишлашни ҳамда этан, пропан ва бутан каби газ маҳсулотларини, нефтни қайта ишлаш заводи маҳсулотларини ўз ичига олади.

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 3,7 % ни, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан физик ҳажм индекси 100,5 **%** ни ташкил этди ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми 28 041,6 млрд сўмга тўғри келди.



Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш

Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш – резина ва пластикдан маҳсулот ишлаб чиқаришни, ишлаб чиқаришда фойдаланадиган хомашё материалларини ўз ичига олади. Лекин бу бўлимга ишлаб чиқаришнинг барча турлари ва материаллари киради дегани эмас.

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 2,4 % ни, физик ҳажм индекси 127,2 % ни ташкил қилди ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмида 17 755,2 млрд сўм кузатилди.



Электр ускуналари ишлаб чиқариш

Электр ускуналари ишлаб чиқариш – электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ва тақсимловчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Шунингдек, бу бўлим электр ёритувчи, сигнал ускуналари ва маиший электр асбоблар ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги электр ускуналари ишлаб чиқаришнинг улуши 3,5 % ни, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан физик ҳажм индекси 104,5 % ни ташкил этди ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми 26 256,4 млрд сўм экани кузатилди.



Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш

Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш – «тоза металлардан аралашмасиз» буюмлар ишлаб чиқариш, узатиш мосламалари каби, кўрсатилган металлар (баъзида бошқа металлар билан) ва анча мураккаб бирикмалар қотишмаларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 2,4 % ни, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан физик ҳажм индекси 86,8 % ни ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми 17 914,4 млрд сўмни ташкил этди.



Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим тиркамалар ишлаб чиқариш

Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим тиркамалар ишлаб чиқариш – йўловчилар ёки юкларни ташиш учун автотранспорт воситалари ишлаб чиқаришни шунингдек, тиркамалар ва ярим тиркамаларни ишлаб чиқаришни ҳам ўз ичига олади.

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим тиркамалар ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 11,8 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан физик ҳажм индекси 4,5 % га ошди, ишлаб чиқариш ҳажми 88 725,4 млрд сўмни ташкил этди.



Электр, газ буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, ҳудудлар кесимида

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – электр энергиясини, табиий газни, буғни, иссиқ сувни ва шу кабиларни доимий тармоқлар кабеллар, қувурлар, сув қувурлари орқали етказиб бериш билан боғлиқ фаолиятни ўз ичига олади.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 59,9 трлн сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 6,8 % ини) ташкил этган.



*Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг жами саноат ишлаб чиқариши ҳажмидаги улуши**

Электр, газ буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш соҳасида йирик саноат корхоналари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми

Саноат маҳсулотлари	*2023 йил январь-декабрь**	*2024 йил январь-декабрь*
Жами ишлаб чиқарилган электрэнергия,млн.квт.с	**77 673,0**	**81 287,9**
шундан:		
йирик корхоналар томонидан (ҳисобот маълумотларига асосан)	*77 019,6*	*70 780,9*
кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан (кузатув маълумотларига асосан)	*653,4*	*10 507,0*
Иссиқлик энергияси, минг гкал	**24 302,7**	**22 798,1**
Кўмирни ер остида газга айлантириш натижасида ҳосил бўлган газ, млн куб. м	**77,4**	**107,4**

** 2023 йил январь-декабрь ойлари учун ишлаб чиқариш ҳажмлари корхоналар томонидан йиллик балансга мувофиқ аниқлик киритилган маълумотлар асосида шакллантирилган*

Электренергия ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш
(Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да)*

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан электренергия ишлаб чиқариш 91,9 % ни, иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш эса 93,8 % ни ташкил этди.



** Йирик саноат корхоналари томонидан тегишли давр учун саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ҳисоблаш методикасига кўра*

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, ҳудудлар кесимида

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш – қаттиқ ва суюқ, саноат ва маиший, шунингдек, заҳарланган чиқиндиларнинг барча турларига ишлов бериш (йиғиш, қайта ишлаш ва йўқотиш)ни ўз ичига олади.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 4,5 трлн сўмга (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,5 % ига) тўғри келди.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми (январь-декабрь, трлн сўмда)



Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишнинг жами саноат ишлаб чиқариши ҳажмидаги улуши

Саноат ишлаб чиқариши ФҲИ (январь-декабрь, % да)



Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндмларни йиғиш ва утилизация қилиш корхоналари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми

Саноат маҳсулотлари	*2023 йил январь-декабрь**	*2024 йил январь-декабрь*
Оқова сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар, млрд сўм	464,6	637,9
Ахлат ўраларни, тиндиргичларни ва септикларни бўшатиш, тозалаш ва ишлов бериш бўйича хизматлар млн сўм	422,2	410,3
Тўқимачилик чиқиндилари, т	19 744,7	22 635,6

** 2023 йил январь-декабрь ойлари учун ишлаб чиқариш ҳажмлари корхоналар томонидан йиллик балансга мувофиқ аниқлик киритилган маълумотлар асосида шакллантирилган*

Оқова сувларни йўқотиш, транспортир қилиш ва ишлов бериш ва ахлат ўраларни, тиндиргичларни ва септикларни бўшатиш, тозалаш ва ишлов бериш бўйича хизматлар
(Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да)*

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан тўқимачилик чиқиндиларида 14,6 % га камайиш, оқова сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматларда 37,3 % га кўпайиш кузатилди. Шунингдек, ахлат ўраларни, тиндиргичларни ва септикларни бўшатиш, тозалаш ва ишлов бериш бўйича хизматларда 2,8 % га камайиш кузатилди.



** Йирик саноат корхоналари томонидан тегишли давр учун саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ҳисоблаш методикасига кўра*

Кичик бинес тадбиркорлик субеъктлари томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Ҳисобот даврида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 286,7 трлн сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, унинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 32,4 % ни ташкил этди. 2023 йилнинг январь-декабрь ойларида кичик бизнес субъектларининг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 27,0 % ни ташкил этган.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми (январь-декабрь, млрд сўмда)



Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами саноат ишлаб чиқариши ҳажмидаги улуши



Жами саноат ишлаб чиқаришидаги улуши (январь-декабрь, % да)



млрд сўм — *улуши, % да*

Сурхондарё	9 652,2	64,8
Фарғона	26 178,9	54,5
Самарқанд	23 694,7	51,3
Наманган	15 970,3	50,0
Бухоро	17 448,3	41,2
Сирдарё	8 127,6	40,9
Тошкент ш.	67 214,3	39,4
Қорақалпоғистон Респ.	9 218,0	37,5
Қашқадарё	14 155,4	35,8
Андижон	27 085,4	29,9
Тошкент	41 463,2	29,8
Жиззах	7 014,4	27,2
Хоразм	6 106,0	21,0
Навоий	13 346,5	9,2

4-БЎЛИМ. ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР, БУТЛОВЧИ ҚИСМЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

Маҳаллийлаштириш даражаси – ишлаб чиқаришда ишлатиладиган маҳаллий материаллар, меҳнат ва интеллектуал ресурсларнинг улушини белгилайди; маҳаллийлаштириш даражасини ҳисоблашда харажатлар, солиқ тўловлари ва ишлаб чиқариш жараёнига бевосита алоқадор бўлмаган бошқа имтиёзлар ҳисобга олинмайди.

Республикада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръатларига эришишда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Мазкур дастур доирасига киритилган 2 270 та лойиҳа бўйича 110,2 трлн сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан 1 136,3 млн АҚШ доллари миқдорида экспорт қилинди. Шу билан бирга 15 311 та янги иш ўринлари яратилди.

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми – корхона томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар, ярим тайёр, четга сотишга мўлжалланган, носаноат бўлинмаларга ва капитал қурилишга мўлжалланган маҳсулотлар ҳажмини ўз ичига олади:

ишлаб чиқарилиши ҳисобот даврида тугалланмаган узоқ муддатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ишлар; саноат тусидаги ишлар (хизматлар).

Саноат ишлаб чиқаришида ўзгариш индекслари – солиштирма даврларда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) физик ҳажмининг ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткичдир.

Натура кўринишида саноат ишлаб чиқариши ҳажми – бошқа корхоналарга жўнатиш учун ёки ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотларни, шу жумладан, корхонанинг саноат эҳтиёжлари учун сарфланган маҳсулотларни ўз ичига олади, яъни ялпи маҳсулот.

Ишлаб чиқаришни технологик ривожланиш даражасига кўра гуруҳлаш Евростат технологик фаолиятининг таснифи асосида ишлаб чиқилган.

Маҳаллийлаштириш даражаси – ишлаб чиқаришда ишлатиладиган маҳаллий материаллар, меҳнат ва интеллектуал ресурсларнинг улушини белгилайди; маҳаллий-лаштириш даражасини ҳисоблашда харажатлар, солиқ тўловлари ва ишлаб чиқариш жараёнига бевосита алоқадор бўлмаган бошқа имтиёзлар ҳисобга олинмайди.

Маҳсулот сотиш ҳажми – савдо нархларида келтирилади (ҚҚС ва аксиялар бундан мустасно).

Миллий валютада экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг қиймати – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ҳисоб-китоб қилган ҳолда тўлдирилади.

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш – табиатда қаттиқ жинслар шаклида учрайдиган (кўмир, руда), суюқ ҳолатда учрайдиган (нефт) ёки газсимон ҳолатда учрайдиган (табиий газ) фойдали қазилмаларни қазиб олишни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқарадиган саноат – янги маҳсулот чиқариш мақсадида модда ёки компонентларни, материалларни физик ёки кимёвий қайта ишлашни, гарчи ишлаб чиқаришнинг маълум тури учун бирдан-бир тўлиқ мезон ҳисобланмаса ҳам, ўз ичига олади.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – электр энергиясини, табиий газни, буғни, иссиқ сувни ва шу кабиларни доимий тармоқлар – кабеллар, қувурлар, сув қувурлари орқали етказиб бериш билан боғлиқ фаолиятни ўз ичига олади.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш – қаттиқ ва суюқ, саноат ва маиший, шунингдек, заҳарланган чиқиндиларнинг барча турларига ишлов бериш (йиғиш, қайта ишлаш ва йўқотиш)ни ўз ичига олади.

III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ

2025 йил 1 январь ҳолатига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) сони – 30 952 бирликни, шундан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматларда – 28 109 бирликни, ўрмон хўжалигида – 228 бирликни ҳамда балиқчилик хўжалигида – 2 615 бирликни ташкил этди.

2024 йил январь-декабрь ойида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) сони – 9 117 бирликни ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари, бирликда)

01 Деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар

02 Ўрмон хўжалиги

03 Балиқчилик хўжалиги

Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, энг кўп корхона ва ташкилотлар Қашқадарё вилоятида – 3 965 бирликни ёки республика бўйича мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган жами корхона ва ташкилотларнинг 12,8 % ини ташкил этган бўлса, аксинча энг кам корхона ва ташкилотлар Тошкент шаҳрида – 589 бирлик (1,9 %) қайд этилди.

Ҳудудлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони
(2025 йил 1 январь ҳолатига кўра, бирликда)

Қорақалпоғистон Респ.	2 343
Андижон	1 318
Бухоро	2 839
Жиззах	2 785
Қашқадарё	3 965
Навоий	1 939
Наманган	1 441
Самарқанд	2 305
Сурхондарё	2 232
Сирдарё	1 742
Тошкент	3 574
Фарғона	1 237
Хоразм	2 643
Тошкент ш.	589

1- БЎЛИМ. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТ (ХИЗМАТ)ЛАРИ ҲАЖМИ

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши – соҳада ўз истеъмоли ва сотиш учун яратилган маҳсулот ва хизматларнинг умумий қиймати. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши, овчилик хўжалигида, ўрмончилик ва ёғоч тайёрлаш, балиқ овлаш ва аквакультура соҳасида етиштирилган маҳсулот (хизмат)лар қиймати асосида шакллантирилади.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 467 041,5 млрд сўмни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 451 019,6 млрд сўмни, ўрмон хўжалиги – 11 778,4 млрд сўмни, балиқчилик хўжалиги – 4 243,5 млрд сўмни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми
(млрд сўм)

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,1 % ни (2023 йилнинг январь-декабрь ойлари мос равишда 2022 йилнинг январь-декабрь ойига нисбатан – 104,1 %), шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 103,1 % (104,1 %)ни, ўрмон хўжалиги – 103,0 % (102,9 %)ни, балиқчилик хўжалиги – 97,2 % (104,1 %)ни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажмининг ўсиш суръати *(% да)*

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – ҳисобот даврида фермер хўжаликларида, деҳқон ва томорқа хўжаликларида ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг жами қийматини белгилаб, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришнинг умумий ҳажмини ифодалайди.

Овчилик хўжалиги — овчилик ва ёввойи ҳайвонларни тутиш, бу соҳаларда хизмат кўрсатиш, шунингдек, парваришхона ва фермаларда ҳайвонларни сақлаш, кўпайтириш ва даволаш харажатлари ҳисобга олинади.

Ўрмон хўжалиги – фаолият тури ўрмон ресурсларини такрор ишлаб чиқариш ва ўрмон ресурсларидан фойдаланиш, хусусан ўрмончилик, ўрмонзорларни барпо этиш ва ёғочни қайта ишлаш тармоқлари учун бинокорлик думалоқ ёғочларини етиштириш, шунингдек, ёввойи ҳолда ўсувчи ўрмон маҳсулотларини йиғиш билан боғлиқ бўлган соҳа.

Балиқчилик хўжалиги – балиқ овлаш ва сув биоресурсларини, аква-культурани сақлаш, сув биоресурсларидан олинадиган балиқ ва бошқа маҳсулотларни етиштириш ва сотиш бўйича фаолият тури.

Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари умумий ҳажмининг тақсимланиши *(% да)*



2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари умумий ҳажмининг 96,6 % и – деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар (2023 йилнинг январь-декабрь ойларида 96,5 %), 2,5 % и – ўрмон хўжалиги (2,5 %) ва 0,9 % и – балиқчилик хўжалиги (1,0 %) ҳиссасига тўғри келди.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳудудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг энг юқори ҳажми Самарқанд (57 452,0 млрд сўм), Андижон (46 494,9 млрд сўм), Тошкент (44 379,0 млрд сўм), Қашқадарё (44 293,5 млрд сўм), Фарғона (44 043,4 млрд сўм) ва Бухоро (41 871,5 млрд сўм) вилоятларида қайд этилди. Аксинча кам ҳажмга эга ҳудудларга Сирдарё вилояти (15 926,3 млрд сўм) Қорақалпоғистон Республикаси (17 970,7 млрд сўм) ва Навоий вилоятини (21 813,1 млрд сўм) келтириб ўтиш мумкин.

Ҳудудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг ҳажми *(млрд сўм, ўсиш % да)*

Ҳудудлар бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати таҳлил қилинганда, юқори ўсиш суръатлари Фарғона (104,8 %), Наманган (104,3 %), Қашқадарё (104,2 %), Навоий (103,9 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (103,5 %) қайд этилди.

Бошқа ҳудудларга нисбатан Жиззах (101,2 %), Тошкент (101,4 %), Сирдарё (101,6 %), Бухоро (102,7 %) ва Самарқанд (102,7 %) вилоятларида эса аксинча ўсиш суръатлари пастлиги кузатилди.

Ҳудудлар бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг ўсиш суръати *(% да)*

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари умумий ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши *(% да)*



Республиканинг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари умумий ҳажмида Самарқанд вилоятининг улуши 12,3 % ни ташкил этди ва ҳудудлар бўйича етакчилик қилмоқда. Андижон ва Тошкент вилоятлари мос равишда 10,0 % ва 9,5 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади. Энг кам улуш Сирдарё вилояти (3,4 %), Қорақалпоғистон Республикаси (3,8 %) ва Навоий вилоятида (4,7 %) қайд этилди.

Январь-декабрь ойларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 444 586,4 млрд сўмни ёки 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 103,1 % ни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари – 218 824,1 млрд сўмни (102,2 %), чорвачилик маҳсулотлари – 225 762,3 млрд сўмни (104,0 %) ташкил қилди.

Ҳудудлар кесимида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари
(трлн сўм, ўсиш % да)

Ҳудудлар кесимида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг энг юқори ҳажми Самарқанд (55 225,4 млрд сўм), Андижон (44 374,9 млрд сўм), Қашқадарё (42 693,2 млрд сўм), ва Фарғона (42 666,4 млрд сўм) вилоятларида қайд этилди. Аксинча кам ҳажмга эга ҳудудларга Сирдарё вилояти (14 517,1 млрд сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (16 687,0 млрд сўм) ва Навоий вилоятини (20 206,4 млрд сўм) келтириб ўтиш мумкин. Юқори ўсиш суръатлари Фарғона (104,8 %), Навоий (104,6 %), Наманган (104,3 %) ва Қашқадарё (104,2 %) вилоятларида қайд этилди. Жиззах (101,1 %), Сирдарё (101,4 %) ва Тошкент (101,6 %) вилоятларида эса аксинча ўсиш суръатлари пастлиги кузатилди.

Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши *(% да)*

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 63,1 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 29,7 % и фермер хўжаликларига, 7,2 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда.

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига кўра, ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги фермер хўжаликларининг улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Фарғона вилоятида (41,0 %), деҳқон ва томорқа хўжаликларининг энг юқори улуши Навоий вилоятида (72,2 %), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг юқори улуши Тошкент вилоятида (18,6 %) қайд этилди.

Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳудудлар бўйича хўжаликлар тоифалари кесимида тақсимланиши *(% да)*



Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг кам кўрсаткич Тошкент вилоятида (16,5 %), деҳқон ва томорқа хўжаликларининг энг кам улуши Сирдарё вилоятида (51,9 %), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг кам улуши Самарқанд вилоятида (3,2 %) кузатилди.

Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда деҳқон ва томорқа хўжаликларининг улуши қуйидагича:

✓	Сут	***92,5 %***
✓	Гўшт (тирик вазнда)	***84,6 %***
✓	Картошка	***68,8 %***
✓	Сабзавотлар	***58,3 %***

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг ҳудудлар бўйича хўжалик тоифалари кесимида тақсимланиши таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткичлар барча ҳудудларда деҳқон ва томорқа хўжаликларига тўғри келиши кузатилди.

Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда хўжалик тоифаларининг улуши *(% да)*



2- БЎЛИМ. ДЕҲҚОНЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ

Ҳудудлар кесимида деҳқончилик маҳсулотларининг энг юқори ҳажми Самарқанд (29 566,4 млрд сўм), Андижон (26 103,9 млрд сўм), Фарғона (25 760,9 млрд сўм), Бухоро (19 655,0 млрд сўм) ва Тошкент (19 107,2 млрд сўм) вилоятларида қайд этилди. Аксинча кам ҳажмга эга ҳудудларга Навоий вилоятини (6 854,5 млрд сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (7 280,2 млрд сўм) ва Сирдарё вилоятини (7 843,0 млрд сўм) келтириб ўтиш мумкин.

Юқори ўсиш суръатлари Фарғона (104,5 %), Наманган (104,3 %), Навоий (103,7 %), Сурхондарё (103,6 %) ва Қашқадарё (102,9 %) вилоятларида қайд этилди. Сирдарё (97,4 %), Жиззах (98,1 %), Тошкент (99,8 %) ва Бухоро (101,0 %) вилоятларида эса аксинча ўсиш суръатлари пастлиги кузатилди.

Деҳқончилик маҳсулотларининг ҳудудлар бўйича тақсимланиши *(млрд сўм)*

Деҳқончилик маҳсулотлари – жорий йил ҳосилидан олинган барча қишлоқ хўжалиги экинларининг мевалар ва резаворлар, узум, озуқа экинлари, уруғлик ва ўтқазиладиган кўчат материаллари, шунингдек, деҳқончиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш, деҳқончиликнинг бошқа турдаги маҳсулотлари қийматларини ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши

Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 49,2 % ни ташкил қилди.

Республикадаги деҳқончилик маҳсулотлари таркибини ҳудудлар кесимида таҳлил қилар эканмиз, энг катта улуш Самарқанд (13,5 %), Андижон (11,9 %), Фарғона (11,8 %), Бухоро (9,0 %) ва Тошкент (8,7 %) вилоятларига тўғри келганлигини кузатишимиз мумкин.

Энг кам улуш Навоий вилояти (3,1 %), Қорақалпоғистон Республикаси (3,3 %), Сирдарё вилоятида (3,6 %) қайд этилди.

ДЕҲҚОНЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 8 855,2 минг тонна донли экинлар (2023 йилнинг январь-декабрига нисбатан 4,8 % га кўп), 3 716,8 минг тонна картошка (4,0 % га кўп), 11 994,8 минг тонна сабзавотлар (3,8 % га кўп), 2 683,6 минг тонна полиз (5,1 % га кўп), 3 271,2 минг тонна мева ва резаворлар (4,8 % га кўп), 1 825,8 минг тонна узум (5,4 % га кўп), ҳисобга олинган вазнда 2 938,1 минг тонна пахта (хом ашёси) (20,8 % га кам) етиштирилди.

2024 йил январь-декабрь ойларида етиштирилган асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотлари

	Барча тоифадаги хўжаликлар		*шу жумладан:*					
			фермер хўжаликлари		*деҳқон ва томорқа хўжаликлари*		*қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар*	
	минг тонна	*ўсиш суръати % да*	*минг тонна*	*ўсиш суръати % да*	*минг тонна*	*ўсиш суръати % да*	*минг тонна*	*ўсиш суръати % да*
Донли экинлар	8 855,2	104,8	7 024,6	104,8	733,6	106,2	1 097,0	103,3
Картошка	3 716,8	104,0	1 060,3	104,6	2 555,0	103,9	101,5	100,3
Сабзавотлар	11 994,8	103,8	4 442,8	104,6	6 988,1	103,7	563,9	99,2
Полиз экинлари	2 683,6	105,1	1 516,7	107,1	1 019,8	102,1	147,1	106,8
Мева ва резаворлар	3 271,2	104,8	1 470,2	104,4	1 667,2	103,9	133,8	122,7
Узум	1 825,8	105,4	834,9	108,4	940,5	103,2	50,4	100,4

Фермер хўжалиги – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир.

2024 йил январь-декабрь ойларида етиштирилган асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, донли экинлар етиштиришнинг 79,3 % и фермер хўжаликлари ҳиссасига, 8,3 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 12,4 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим.

2024 йил январь-декабрь ойларида етиштирилган асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларида хўжалик тоифаларининг улуши *(% да)*



Шунга мос равишда картошканинг 28,5 % и фермер хўжаликларига, 68,8 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 2,7 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, шунингдек, сабзавотларнинг 37,0 % и фермер хўжаликларига, 58,3 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 4,7 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, полиз экинларининг 56,5 % и фермер хўжаликларига, 38,0 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 5,5 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, мева ва резаворларнинг 44,9 % и фермер хўжаликларига, 51,0 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 4,1 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, узумнинг 45,7 % и фермер хўжаликларига, 51,5 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 2,8 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди.

Республикада етиштирилган донли экинлар *(минг тонна)*

2024 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда етиштирилган донли экинлар 8 855,2 минг тоннани, ёки 2023 йилнинг мос даври билан солиштирганда 104,8 % ни ташкил этди.

2023 йилнинг мос даврига нисбатан кўрсатиб ўтилган даврларда, фермер хўжаликларида 4,8 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 6,2 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 3,3 % ўсиш қайд этилди.

Ҳудудлар кесимида етиштирилган донли экинлар ҳажми *(минг тонна)*

Дон экинларини етиштириш бўйича ҳудудлар ўртасида пешқадамликни Фарғона вилояти эгаллади. Унинг, дон экинлари умумий ҳажмидаги улуши 11,3 % ни ташкил этди.

Шу билан бир қаторда, юқори улуш Самарқанд (10,2 %), Қашқадарё (10,1 %), Сурхондарё (8,9 %), Жиззах (8,3 %) ва Наманган (8,3 %) вилоятларида қайд этилди.

Умумий ҳажмдаги паст улуш, Навоий вилоятида (3,0 %) ва Қорақалпоғистон Республикасида (3,9 %) кузатилди.

Юқори ўсиш суръатлари Хоразм вилояти (117,1 %), Қорақалпоғистон Республикаси (108,9 %), Наманган (107,1 %), Қашқадарё (106,4 %), Фарғона (105,8 %) ва Бухоро (104,8 %) вилоятларида қайд этилди.

Республикада етиштирилган картошка *(минг тонна)*

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда етиштирилган картошка 3 716,8 минг тоннани, ёки 2023 йилнинг мос даври билан солиштирганда 104,0 % ни ташкил этди.

2023 йилнинг мос даврига нисбатан кўрсатиб ўтилган даврларда, фермер хўжаликларида 4,6 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 3,9 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 0,3 % ўсиш қайд этилди.

Ҳудудлар кесимида етиштирилган картошка ҳажми *(минг тонна)*

Картошка етиштириш умумий ҳажмининг энг юқори улуши Самарқанд вилояти (20,1 %) ҳиссасига тўғри келди. Бундан ташқари, Андижон (12,3 %), Тошкент (10,4 %), Фарғона (10,4 %) ва Сурхондарё (10,1 %) вилоятларида ҳам картошка етиштиришнинг юқори кўрсаткичлари қайд этилди.

Картошка етиштиришнинг умумий ҳажмидаги улушининг энг паст кўрсаткичлари Сирдарё (1,9 %), Навоий (2,5 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига (2,7 %) тўғри келди.

Жорий даврда юқори ўсиш суръатлари Наманган (106,0 %), Андижон (105,8 %) вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси (105,5 %), Жиззах (105,5 %), Навоий (105,4 %) ва Сирдарё (105,3 %) вилоятларида қайд этилди.

Республикада етиштирилган сабзавотлар *(минг тонна)*

2024 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда етиштирилган сабзавотлар 11 994,8 минг тоннани, ёки 2023 йилнинг мос даври билан солиштирганда 103,8 % ни ташкил этди.

2023 йилнинг мос даврига нисбатан кўрсатиб ўтилган даврларда, фермер хўжаликларида 4,6 % ва деҳқон ва томорқа хўжаликларида 3,7 % ўсиш қайд этилди.

Ҳудудлар кесимида етиштирилган сабзавотлар ҳажми *(минг тонна)*

Етиштирилган сабзавот умумий ҳажмининг энг юқори улуши Андижон вилояти (15,3 %) ҳиссасига тўғри келди. Шу билан бирга, юқори улуш Самарқанд (13,1 %), Фарғона (11,8 %), Сурхондарё (10,1 %), Тошкент (10,0 %) ва Наманган (8,7 %) вилоятларида қайд этилди.

Паст кўрсаткичлар Сирдарё (2,7 %), Қорақалпоғистон Республикаси (2,9 %) ва Навоий вилоятида (2,9 %) кузатилди.

2023 йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари Фарғона (106,9 %), Қашқадарё (106,8 %), Сирдарё (106,8 %), Наманган (105,9 %), Навоий (105,6 %) вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси (104,8 %) ва Жиззах вилоятида (104,0 %) қайд этилди.

Республикада етиштирилган полиз экинлари *(минг тонна)*

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда етиштирилган полиз экинлари 2 683,6 минг тоннани, ёки 2023 йилнинг мос даври билан солиштирганда 105,1 % ни ташкил этди.

2023 йилнинг мос даврига нисбатан кўрсатиб ўтилган даврларда, фермер хўжаликларида 7,1 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 2,1 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 6,8 % ўсиш қайд этилди.

Ҳудудлар бўйича етиштирилган полиз экинлари ҳажми *(минг тонна)*

Полиз экинлари етиштириш умумий ҳажмининг энг катта улуши Сурхондарё вилояти (13,1 %) ҳиссасига тўғри келди. Шу билан бир қаторда Жиззах (12,2 %), Сирдарё (11,7 %) ва Андижон (8,0 %) вилоятларида юқори кўрсаткичлар қайд этилди.

Шунингдек, полиз экинлари умумий ҳажмида энг кам улуш Тошкент (2,8 %) ва Навоий (4,0 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.

Жорий даврда юқори ўсиш суръатлари Қашқадарё (109,0 %), Наманган (108,6 %), Тошкент (107,8 %), Андижон (107,4 %), Фарғона (106,8 %) ва Жиззах (105,7 %) вилоятларида қайд этилди.

Республикада етиштирилган мева ва резаворлар *(минг тонна)*

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда етиштирилган мева ва резаворлар 3 271,2 минг тоннани, ёки 2023 йилнинг мос даври билан солиштирганда 104,8 % ни ташкил этди.

2023 йилнинг мос даврига нисбатан кўрсатиб ўтилган даврларда, фермер хўжаликларида 4,4 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 3,9 %, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 22,7 % ўсиш қайд этилди.

Ҳудудлар бўйича етиштирилган мева ва резаворлар ҳажми *(минг тонна)*

Етиштирилган мева ва резаворлар умумий ҳажмида ҳудудлар бўйича энг катта улуш Андижон (21,4 %), Фарғона (13,3 %), Самарқанд (12,3 %), Наманган (12,1 %) ва Бухоро (9,7 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.

Шу билан бирга, мева ва резаворлар умумий ҳажмида энг кам улуш, Сирдарё вилоятида (1,5 %) ва Қорақалпоғистон Республикасида (2,3 %) кузатилди.

Кўрсатиб ўтилган даврларда юқори ўсиш суръатлари Қорақалпоғистон Республикасида (109,7 %), Самарқанд (109,1 %), Қашқадарё (106,2 %), Фарғона (106,1 %), Наманган (105,6 %), Навоий (105,2 %) ва Сирдарё (105,1 %) вилоятларида қайд этилди.

Республикада етиштирилган узум *(минг тонна)*

2024 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда етиштирилган узум 1 825,8 минг тоннани, ёки 2023 йилнинг мос даври билан солиштирганда 105,4 % ни ташкил этди.

2023 йилнинг мос даврига нисбатан кўрсатиб ўтилган даврларда, фермер хўжаликларида 8,4 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 3,2 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 0,4 % ўсиш қайд этилди.

Ҳудудлар бўйича етиштирилган узум ҳажми *(минг тонна)*

Етиштирилган узум умумий ҳажмининг катта қисми Самарқанд вилояти (36,5 %) ҳиссасига тўғри келди. Шунингдек, юқори улуш Бухоро (12,7 %), Фарғона (10,4 %), Наманган (8,8 %) ва Қашқадарё (6,2 %) вилоятларида қайд этилди.

Шу билан бирга, узум етиштириш умумий ҳажмидаги энг кам улуш Қорақалпоғистон Республикасида (0,8 %) ва Сирдарё вилоятида (0,8 %) кузатилди.

2023 йилга нисбатан юқори ўсиш суръатлари Қорақалпоғистон Республикасида (120,9 %), Сурхондарё (119,3 %) ва Қашқадарё (105,8 %) вилоятларида қайд этилди.

3- БЎЛИМ. ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ

Ҳудудлар кесимида чорвачилик маҳсулотларининг энг юқори ҳажми Қашқадарё (26 525,0 млрд сўм), Самарқанд (25 659,0 млрд сўм), Тошкент (22 264,4 млрд сўм), Бухоро (21 384,4 млрд сўм) ва Андижон (18 271,0 млрд сўм) вилоятларида қайд этилди. Аксинча кам ҳажмга эга ҳудудларга Сирдарё вилояти (6 674,1 млрд сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (9 406,8 млрд сўм) ва Навоий вилоятини (13 351,9 млрд сўм) келтириб ўтиш мумкин.

Юқори ўсиш суръатлари Сирдарё (106,6 %), Фарғона (105,3 %), Қашқадарё (105,1 %), Навоий (105,1 %) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида (104,9 %) қайд этилди. Сурхондарё (102,6 %), Жиззах (103,0 %), Хоразм (103,1 %) ва Тошкент (103,1 %) вилоятида эса аксинча ўсиш суръатлари пастлиги кузатилди.

Чорвачилик маҳсулотларининг ҳудудлар бўйича тақсимланиши *(млрд сўм)*

Республика чорвачилик маҳсулотлари таркибида ҳудудларнинг энг катта улуши Қашқадарё (11,7 %), Самарқанд (11,4 %), Тошкент (9,9 %), Бухоро (9,5 %), Андижон (8,1 %) ва Жиззах (8,0 %) вилоятларига тўғри келди. Энг кам улуш Сирдарё вилояти (2,9 %), Қорақалпоғистон Республикаси (4,2 %) ва Навоий вилоятида (5,9 %) қайд этилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида чорвачилик маҳсулотларининг улуши



50,8 %

Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 50,8 % ни ташкил этди.

Чорвачилик маҳсулотлари – қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, паррандалари, асаларилари ва ипак қуртини ўстириш ва урчитиш билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳаси.

Чорвачилик ва балиқ маҳсулотлари етиштириш

Чорвачилик соҳасининг ички имкониятларини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиб борилаётганлиги, шунингдек, уларга давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатилиб келинаётганлиги чорва моллари бош сонининг кўпайишига, ички истеъмол бозорларини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга имкон яратди.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 2 942,5 минг тонна гўшт, 12 443,8 минг тонна сут, 8 805,4 млн дона тухум, 39,9 минг тонна қирқиб олинган жун, 1 358,7 минг дона қоракўл тери етиштирилди ва 191,4 минг тонна балиқ овланди.

Ҳисобот даврида тирик вазнда етиштирилган гўшт ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,9 % ни, соғиб олинган сут – 104,0 % ни, олинган тухум – 103,7 % ни, қирқиб олинган жун – 103,3 % ни, олинган қоракўл тери – 103,1 % ни ҳамда овланган балиқлар – 97,7 % ни ташкил қилди.

2024 йил январь-декабрь ойларида етиштирилган асосий турдаги чорвачилик маҳсулотлари ва овланган балиқлар

	Барча тоифадаги хўжаликлар		*шу жумладан:*					
			фермер хўжаликлари		*деҳқон ва томорқа хўжаликлари*		*қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар*	
	минг тонна	*ўсиш суръати % да*	*минг тонна*	*ўсиш суръати % да*	*минг тонна*	*ўсиш суръати % да*	*минг тонна*	*ўсиш суръати % да*
Гўшт (тирик вазнда)	2 942,5	103,9	188,1	109,6	2 488,6	104,1	265,8	97,8
Сут	12 443,8	104,0	740,6	104,6	11 512,3	103,8	190,9	112,0
Тухум, млн дона	8 805,4	103,7	1 377,9	104,3	5 018,3	103,1	2 409,2	104,9
Жун	39,9	103,3	4,8	104,9	32,7	102,9	2,4	106,8
Қоракўл тери, минг дона	1 358,7	103,1	148,8	106,4	1 077,1	103,0	132,8	100,4
Балиқ	191,4	97,7	104,5	104,4	11,0	103,6	75,9	89,1

2024 йил январь-декабрь ойларида етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, етиштирилган гўштнинг умумий ҳажмидан 6,4 % и фермер хўжаликлари ҳиссасига, 84,6 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 9,0 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим.

Шунга мос равишда соғиб олинган сутнинг 6,0 % и фермер хўжаликлари, 92,5 % и деҳқон ва томорқа хўжаликлари, 1,5 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келди.

Шу билан бирга, олинган тухумнинг 15,6 % и фермер хўжаликларига, 57,0 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 27,4 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди.

Шунингдек, қирқиб олинган жуннинг 12,1 % и фермер хўжаликлари, 81,9 % и деҳқон ва томорқа хўжаликлари, 6,0 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келди.

Бундан ташқари, олинган қоракўл терининг 10,9 % и фермер хўжаликларига, 79,3 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 9,8 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди.

Ўз навбатида, овланган балиқларнинг 54,6 % и фермер хўжаликларига, 5,7 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 39,7 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келганлигини қайд этиш лозим.

2024 йил январь-декабрь ойларида етиштирилган асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларида хўжалик тоифаларининг улуши *(% да)*

Деҳқон хўжалиги – мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки ижара (иккиламчи ижара) ҳуқуқи асосида деҳқон хўжалиги бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ва реализация қилишни деҳқон хўжалиги аъзоларининг меҳнати асосида амалга оширувчи хўжаликдир.

Республикада етиштирилган гўшт *(тирик вазнда)*

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Республикада 2 942,5 минг тонна гўшт етиштирилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 103,9 % ни ташкил қилди.



Дастлабки маълумотларга кўра, фермер хўжаликлари томонидан тирик вазнда 188,1 минг тонна, деҳқон ва томорқа хўжаликларда 2 488,6 минг тонна, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар томонидан 265,8 минг тонна гўшт етиштирилган.

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, гўшт етиштиришда 2023 йилнинг мос даврига нисбатан фермер хўжаликларида 9,6 % ва деҳқон ва томорқа хўжаликларида 4,1 % ўсиш қайд этилди.

Ҳудудлар кесимида гўшт *(тирик вазнда)* етиштириш

	Ҳажми минг тонна	*Ўсиш суръати, % да*	*Ҳудудлар улуши, % да*
Ўзбекистон Республикаси	**2 942,5**	**103,9**	**100,0**
Қорақалпоғистон Республикаси	129,8	104,9	4,4
Андижон	202,2	104,8	6,9
Бухоро	312,7	104,1	10,6
Жиззах	246,8	103,5	8,4
Қашқадарё	345,9	105,2	11,8
Навоий	196,6	104,4	6,7
Наманган	182,4	102,0	6,2
Самарқанд	326,9	103,1	11,1
Сурхондарё	220,0	102,7	7,5
Сирдарё	80,4	108,2	2,7
Тошкент	312,3	101,8	10,6
Фарғона	195,0	105,7	6,6
Хоразм	191,5	103,6	6,5

Республикада етиштирилган сут

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Республикада 12 443,8 минг тонна сут етиштирилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 104,0 % ни ташкил қилди.



Дастлабки маълумотларга кўра, фермер хўжаликлари томонидан 740,6 минг тонна, деҳқон ва томорқа хўжаликларда 11 512,3 минг тонна, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар томонидан 190,9 минг тонна сут етиштирилган.

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, сут етиштиришда 2023 йилнинг мос даврига нисбатан фермер хўжаликларида 4,6 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 3,8 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 12,0 % ўсиш қайд этилди.

Ҳудудлар кесимида сут етиштириш

	Ҳажми минг тонна	*Ўсиш суръати, % да*	*Ҳудудлар улуши, % да*
Ўзбекистон Республикаси	**12 443,8**	**104,0**	**100,0**
Қорақалпоғистон Республикаси	469,7	104,9	3,8
Андижон	1 119,2	102,7	9,0
Бухоро	1 136,7	104,4	9,1
Жиззах	713,6	102,8	5,7
Қашқадарё	1 380,1	105,2	11,1
Навоий	566,9	105,1	4,6
Наманган	804,1	104,3	6,5
Самарқанд	1 456,0	103,8	11,7
Сурхондарё	974,3	102,5	7,8
Сирдарё	414,2	104,8	3,3
Тошкент	1 080,6	105,0	8,7
Фарғона	1 191,1	104,6	9,6
Хоразм	1 137,3	102,4	9,1

Республикада етиштирилган тухум

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Республикада 8 805,4 млн дона тухум етиштирилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 103,7 % ни ташкил қилди.



Дастлабки маълумотларга кўра, фермер хўжаликлари томонидан 1 377,9 млн дона, деҳқон ва томорқа хўжаликларда 5 018,3 млн дона, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар томонидан 2 409,2 млн дона тухум етиштирилган.

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, тухум етиштиришда 2023 йилнинг мос даврига нисбатан фермер хўжаликларида 4,3 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 3,1 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 4,9 % ўсиш қайд этилди.

Ҳудудлар кесимида тухум етиштириш

	Ҳажми млн дона	*Ўсиш суръати, % да*	*Ҳудудлар улуши, % да*
Ўзбекистон Республикаси	**8 805,4**	**103,7**	**100,0**
Қорақалпоғистон Республикаси	410,1	103,0	4,6
Андижон	773,9	103,1	8,8
Бухоро	582,5	105,9	6,6
Жиззах	379,7	90,4	4,3
Қашқадарё	564,3	97,5	6,4
Навоий	453,3	111,4	5,1
Наманган	729,2	111,1	8,3
Самарқанд	1 344,6	104,0	15,3
Сурхондарё	590,3	100,2	6,7
Сирдарё	228,6	114,3	2,6
Тошкент	1 608,1	103,1	18,3
Фарғона	658,9	106,8	7,5
Хоразм	481,9	102,6	5,5

Республикада овланган балиқлар

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Республикада 191 400 тонна балиқ овланган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 97,7 % ни ташкил қилди.



Дастлабки маълумотларга кўра, фермер хўжаликлари томонидан 104 493 тонна, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 10 963 тонна, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар томонидан 75 944 тонна балиқ овланган.

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, овланган балиқлар бўйича 2023 йилнинг мос даврига нисбатан фермер хўжаликларида 4,4 % ва деҳқон ва томорқа хўжаликларида 3,6 % ўсиш қайд этилди.

Ҳудудлар кесимида овланган балиқлар

	Ҳажми, тонна	*Ўсиш суръати, % да*	*Ҳудудлар улуши, % да*
Ўзбекистон Республикаси	**191 400**	**97,7**	**100,0**
Қорақалпоғистон Республикаси	12 689	104,5	6,6
Андижон	21 730	102,7	11,4
Бухоро	6 166	103,6	3,2
Жиззах	16 271	102,6	8,5
Қашқадарё	4 357	87,1	2,3
Навоий	9 283	63,8	4,8
Наманган	17 212	110,6	9,0
Самарқанд	19 876	107,4	10,4
Сурхондарё	7 082	104,0	3,7
Сирдарё	10 551	105,9	5,5
Тошкент	19 141	77,1	10,0
Фарғона	14 073	104,0	7,4
Хоразм	32 969	103,0	17,2

4- БЎЛИМ. ЧОРВА МОЛЛАРИ ВА ПАРРАНДАЛАР БОШ СОНИ

2025 йилнинг 1 январь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони 14 389,8 минг бошга етди, (2024 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан 1,8 % га кўп), сигирлар 5 130,5 минг бошга (1,7 % га кўп), қўй ва эчкилар 24 589,1 минг бошга (2,0 % га кўп), паррандалар 106 588,9 минг бошга (3,4 % га кўп) етди.

2025 йилнинг 1 январь ҳолатига хўжаликлар тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони

	Барча тоифадаги хўжаликлар		***шу жумладан:***					
			фермер хўжаликлари		*деҳқон ва томорқа хўжаликлари*		*қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар*	
	минг бош	*ўсиш суръати % да*	*минг бош*	*ўсиш суръати % да*	*минг бош*	*ўсиш суръати % да*	*минг бош*	*ўсиш суръати % да*
Йирик шохли қорамоллар	14 389,8	101,8	1 081,5	103,4	13 006,3	101,6	302,0	100,9
шундан, сигирлар	5 130,5	101,7	436,7	103,1	4 581,1	101,5	112,7	102,7
Қўй ва эчкилар	24 589,1	102,0	3 902,8	103,2	18 848,2	101,6	1 838,1	102,9
Паррандалар	106 588,9	103,4	19 019,0	101,1	49 091,8	100,9	38 478,1	108,2

Томорқа хўжалиги – шахсий томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам эркин савдо учун, ҳам оила эҳтиёжлари учун етиштириш (қайта ишлаш) билан боғлиқ меҳнат фаолиятидир.

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат қилувчи, хўжалик юритиш жараёнида ерга ҳамда бошқа ишлаб чиқариш мулкларига эгалик қилувчи юридик шахс ҳуқуқига эга хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

2025 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, йирик шохли қорамолларнинг 7,5 % и фермер хўжаликлари ҳиссасига, 90,4 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 2,1 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим, шунга мос равишда сигирларнинг умумий сонидан 8,5 % и фермер хўжаликларига, 89,3 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 2,2 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, шунингдек, қўй ва эчкиларнинг умумий сонидан 15,9 % и фермер хўжаликларига, 76,6 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 7,5 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, паррандалар умумий сонидан 17,8 % и фермер хўжаликларига, 46,1 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 36,1 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди.

2025 йилнинг 1 январь ҳолатига мавжуд чорва моллари ва паррандалар бош сонининг хўжаликлар тоифалари бўйича улуши *(% да)*



Республикада мавжуд йирик шохли қорамоллар бош сони

2025 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Республикада йирик шохли қорамолларнинг умумий бош сони 14 389,8 минг бошга етди.

2024 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар умумий бош сони – 247,6 минг бошга (1,8 %) кўпайди.



Ўсиш суръати *(% да)*



Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, йирик шохли қорамоллар умумий бош сони 2024 йилнинг мос даврига нисбатан фермер хўжаликларида 3,4 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 1,6 % ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 0,9 % ўсиши қайд этилди.

Фермер хўжаликлари **Деҳқон ва томорқа хўжаликлари** **Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар**

Ҳудудлар кесимда йирик шохли қорамоллар бош сони



Республикада мавжуд сигирлар бош сони

2025 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Республикада сигирларнинг умумий бош сони 5 130,5 минг бошга етди.

2024 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда сигирлар умумий бош сони – 84,2 минг бошга (1,7 %) кўпайди.



Ўсиш суръати *(% да)*



Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, сигирлар умумий бош сони 2024 йилнинг мос даврига нисбатан фермер хўжаликларида 3,1 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 1,5 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 2,7 % ўсиши кузатилди.

Фермер хўжаликлари | **Деҳқон ва томорқа хўжаликлари** | **Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар**

Ҳудудлар кесимида сигирлар бош сони

Республикада мавжуд қўй ва эчкилар бош сони

2025 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Республикада қўй ва эчкиларнинг умумий бош сони 24 589,1 минг бошга етди.

2024 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда қўй ва эчкилар умумий бош сони – 471,2 минг бошга (2,0 %) кўпайди.



Ўсиш суръати *(% да)*



Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, қўй ва эчкилар умумий бош сони 2024 йилнинг мос даврига нисбатан фермер хўжаликларида 3,2 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 1,6 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 2,9 % ўсиши қайд этилди.

Фермер хўжаликлари | **Деҳқон ва томорқа хўжаликлари** | **Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар**

Ҳудудлар кесимида қўй ва эчкилар бош сони



Республикада мавжуд паррандалар бош сони

2025 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Республикада паррандаларнинг умумий бош сони 106 588,9 минг бошга етди.

2024 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда паррандалар умумий бош сони – 3 543,0 минг бошга (3,4 %) кўпайди.



Ўсиш суръати *(% да)*



Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, паррандалар умумий бош сони 2024 йилнинг мос даврига нисбатан фермер хўжаликларида 1,1 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 0,9 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 8,2 % ўсиши қайд этилди.

Фермер хўжаликлари | **Деҳқон ва томорқа хўжаликлари** | **Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар**

Ҳудудлар кесимида паррандалар бош сони



Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги – қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини, паррандаларини, асалариларини, ипак қуртини, балиқларни сақлаш ва кўпайтириш, ёғоч, ёғоч бўлмаган ёввойи ҳолда ўсувчи ўрмон хўжалиги маҳсулотларини олиш, сув организмларини овлашни ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалиги – деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ бўлган соҳа.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – ҳисобот даврида фермер хўжаликларида, деҳқон ва томорқа хўжаликларида ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг жами қийматини белгилаб, қишлоқ хўжалигида етиштиришнинг умумий ҳажмини ифодалайди.

Деҳқончилик – қишлоқ хўжалиги экинларини ўстириш ва етиштириш билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳаси. Деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш бир икки ва кўп йиллик экинларни, шунингдек, уруғлик ва кўчат материалларини ўстириш ва етиштиришни ўз ичига олади.

Чорвачилик – қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, паррандалари, асаларилари ва ипак қуртини ўстириш ва урчитиш билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳаси.

Овчилик – овчилик ва ёввойи ҳайвонларни тутиш, бу соҳаларда хизмат кўрсатиш, шунингдек, парваришхона ва фермаларда ҳайвонларни сақлаш, кўпайтириш ва даволаш харажатлари ҳисобга олинади.

Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши – деҳқончиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматларининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари, шунингдек, ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар қийматларининг умумий йиғиндисини ўзида ифодалайди

Етиштирилган деҳқончилик маҳсулотларининг қиймати – жорий йил ҳосилидан олинган барча қишлоқ хўжалиги экинларининг дон, техник экинлар, картошка, сабзавотлар ва полиз экинлари, мевалар ва резаворлар, узум, озуқа экинлари, уруғлик ва ўтқазиладиган кўчат материаллари, шунингдек, деҳқончиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш, деҳқончиликнинг бошқа турдаги маҳсулотлари қийматларини ўз ичига олади;

Ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотларининг қиймати – қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини, паррандаларини, асалариларни, ипак қуртини ўстириш натижасида олинган маҳсулотлар (гўшт, сут, тухум, жун, қоракўл, асал, пилла, мўйна, шунингдек, чорвачиликнинг бошқа турдаги маҳсулотлари) қийматларини ўз ичига олади.

Деҳқончилик ва чорвачилик соҳасидаги хизматлар қиймати – ҳосилни йиғиб олиш, ерларни яхшилаш бўйича хизматлар, тупроқни кимёлаштириш,

ўғитларни тайёрлаш ва солиш бўйича хизматлар, қишлоқ хўжалиги экинларини касалликлардан ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш бўйича хизматлар, агромелиоратив ишларни ўтказиш бўйича хизматлар, сув хўжалиги ташкилотларининг ирригацион ва мелиоратив тизимларни эксплуатация қилиш бўйича хизматлари, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини, паррандаларини, асалариларни, ипак қуртини кўпайтириш бўйича қўшимча хизматлар, қишлоқ хўжалигига зоотехния хизмати кўрсатиш ва бошқалар қийматини ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг йиғилган ялпи ҳосили қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар, фермер ва деҳқон ва томорқа хўжаликларида асосий ва такрорий, боғларнинг қатор ораларидаги қишлоқ хўжалиги экинларидан йиғиб олинган маҳсулотлар ҳажмини ўз ичига олади.

Моллар бош сони – хўжалик тоифалари бўйича барча ёш гуруҳларидаги асосий турдаги чорва молларини ўз ичига олади (йирик шохли қорамоллар, шу жумладан сигирлар, қўй ва эчкилар, чўчқалар ва ҳ.к.)

Гўшт етиштириш – сўйиш учун сотилган ҳамда ўз хўжалигида сўйилган барча турдаги қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларнинг тирик вазнини ўз ичига олади.

Сут соғиб олиш – ёш молларга ичириш учун соғиб олинган сут ва оғиз сутини қўшган ҳолда, ҳақиқатда соғиб олинган сигир, эчки, қўй, бия ва туя сутлари билан аниқланади. Бузоқлар эмган сут ялпи соғиб олишга киритилмайди.

Тухум олиш – барча турдаги паррандалардан олинган ҳамда курк товуқлар билан ва инкубаторда жўжа очиш учун сарфланган тухумлар миқдорини ўз ичига олади.

Жун етиштириш – хўжаликнинг ички эҳтиёжларига сарфлангани ҳамда жунни сақлаш ва ташиш жараёнида йўқотилганини қўшган ҳолда, қўй, эчки, туялардан ҳақиқатда қирқиб олинган натура вазндаги (қирқиб олингандан кейинги вазнда) барча жунларни ўз ичига олади, бунга туллаш жуни, эчки тивити ҳамда такрорий қирқиб олинган жунлар ҳам қўшилади.

Деҳқон хўжалиги – мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки ижара (иккиламчи ижара) ҳуқуқи асосида деҳқон хўжалиги бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ва реализация қилишни деҳқон хўжалиги аъзоларининг меҳнати асосида амалга оширувчи хўжаликдир.

Фермер хўжаликлари – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир.

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат қилувчи, хўжалик юритиш жараёнида ерга ҳамда бошқа ишлаб чиқариш мулкларига эгалик қилувчи юридик шахс ҳуқуқига эга хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

IV. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

1-БЎЛИМ. АСОСИЙ КАПИТАЛГА ЎЗЛАШТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 493,7 трлн сўм ўзлаштирилган бўлиб, 2023 йилга нисбатан 127,6 % ни ташкил этди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга инвестициялар ҳажми ва ўсиш суръати
(2024 йилнинг январь-декабрь ойлари учун)



Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича энг юқори кўрсаткичлар ва ўсиш суръатлари кафолатланмаган ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига тўғри келиб, 2023 йилга нисбатан 166,2 % ни ташкил этди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръатлари

(2024 йилнинг январь-декабрь ойлари учун, % да)

Асосий капиталга инвестициялар – янги асосий фондларни сотиб олиш ва такрор ишлаб чиқаришга йўналтирилган харажатлар мажмуини билдиради.

Сўнгги беш йилдаги асосий капиталга инвестициялар ҳажми динамикаси шуни кўрсатмоқдаки, у деярли 2,3 мартага кўпайиб, ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Асосий капиталга инвестицияларнинг ҳажми динамикаси

(январь-декабрь ойлари учун, трлн сўм)



Сўнгги беш йил ичида ўсиш суръатларини кўрадиган бўлсак, улар ўсиб бориш тенденциясига эга: 2021-2022 йилларда 102,9-100,2 % ўсиш кузатилган бўлса, сўнгги икки йилда юқори ўсиш суръатлари – 123,4 ва 127,6 % кузатилмоқда.

Асосий капиталга инвестициялар ўсиш суръатлари динамикаси

(январь-декабрь ойлари учун, % да)

Асосий капиталга инвестицияларнинг таркибида 75,9 % ёки 374,7 трлн сўм инвестициялар жалб қилинган маблағлар (Республика бюджети, мақсадли жамғармалар, хорижий инвестиция ва кредитлар, маҳалий банклар кредитлари ва бошқа қарз маблағлари) ҳисобидан молиялаштирилган бўлса, ташкилот ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан 24,1 % ёки 119,0 трлн сўм молиялаштирилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши

(2024 йилнинг январь-декабрь ойлари учун, % да)



2024 йил январь-декабрь ойлари якунлари бўйича инвестиция статистикаси кўрсаткичларини шакллантириш бўйича 3 761 та йирик корхона ва 2 666 та кичик бизнес субъектлари томонидан ҳисоботлар қабул қилинди.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида жами инвестициялар ҳажмида, марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестицияларнинг улуши, 2023 йилга нисбатан 3,5 % пунктга камайиб, 10,5 % ни ёки 51,9 трлн сўмни ташкил этди. Мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 441,8 трлн сўм ёки жами инвестицияларнинг 89,5 % и ўзлаштирилиб, 2023 йилга нисбатан 3,5 % пунктга кўпайди.

Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар таркиби

(2024 йилнинг январь-декабрь ойлари учун, % да)



Статистик таҳлилни ўтказиш мақсадларида асосий капиталга инвестициялар қуйидаги асосий кесимларда шаклланади: қўйилма турлари, технологик, такрор ишлаб чиқариш таркиблари, иқтисодий фаолият турлари, молиялаштириш манбалари бўйича.

Охирги 5 йилга назар ташласак, марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан ўзлаштирилаётган асосий капиталга инвестицияларнинг улуши камайиб бораётганини кўриш мумкин.

Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестицияларнинг улушлари динамикаси

(январь-декабрь ойлари учун, % да)



2024 йил январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобидан 23,6 трлн сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, 2023 йилга нисбатан 97,4 % ни ташкил этди. Уларнинг жами ҳажмидаги улуши 4,8 % даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобидан амалга оширилган йирик инвестиция лойиҳаларига қуйидагиларни келтириш мумкин

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

Қашқадарё вилоятида Толимаржон иссиқлик электр станциясини умумий қуввати 900 МВт дан кам бўлмаган навбатдаги икки дона буғ-газ қурилмасини қуриш билан кенгайтириш

Навоий вилоятида Навоий иссиқлик электр станциясида электр энергияси 600 МВт ва иссиқлик энергияси 200 ГКал қувватли учинчи буғ-газ қурилмасини қуриш

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш

Тошкент шаҳрида олимпия шаҳарчасини барпо этиш

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 3,6 трлн сўмни (доллар эквивалентида 280,6 млн АҚШ доллари) ва жами инвестициялардаги улуши 0,7 % ни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича Республика бюджетидан молиялаштириладиган инфраструктура, иқтисодий ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар ҳажми 22,8 трлн сўмни ёки жами инвестицияларнинг 4,6 % ини ташкил этди. Шунингдек, Сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан инвестициялар ҳажми 1,9 трлн сўмни ёки жами инвестициялар 0,4 % ини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан амалга оширилган инвестиция лойиҳалари

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

01 Тошкент вилоятида тоғ-кон махсус техникаларини сотиб олиш

Тошкент вилоятида қуюв прокатлаш мажмуасини қуришни ташкил этиш 02

Асосий капиталга инвестицияларнинг статистик ҳисоби, қўшимча қиймат солиғини қўшган ҳолда, ҳисобот даврида амалдаги нархларда, тўлов амалга оширилган пайтдан қатъий назар, ҳақиқатда ўзлаштирилган ҳажм миқдорида амалга оширилади.

Марказлашмаган молиялаштириш манбалари таркибида энг катта улуш кафолатланмаган ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳиссасига тўғри келиб, улар ҳисобидан 159,6 трлн сўм ёки улуши 32,3 % га тенг инвестициялар ўзлаштирилди.

Марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар таркиби

(2024 йилнинг январь-декабрь ойлари учун, % да)

Марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестицияларнинг улуши охирги 5 йилда ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиб, 2020 йилдаги 80,1 % улушдан 2024 йил январь-декабрига келиб 89,5 % га етди.

Марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестицияларнинг улушлари динамикаси

(январь-декабрь ойлари учун, % да)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестициялар – 87,0 трлн сўм ёки жами инвестицияларнинг 17,6 % ини ташкил этди.

Бевосита тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилган инвестициялардан Ўзбекистон Республикаси бўйича 150,5 трлн сўм, ёки жами инвестициялардаги улуши 30,5 % га тенг инвестициялар ўзлаштирилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг катта қисми тўғридан-тўғри, кафолатланмаган ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан инвестицияларга тўғри келиб, уларнинг улуши 62,8 % ни ташкил этди.

Асосий капиталга хорижий инвестициялар таркиби

(2024 йилнинг январь-декабрь ойлари учун, % да)



Тўғридан-тўғри ва кафолатланмаган хорижий кредитлар ҳисобидан қуйидаги йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилди

(*2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)*

1. *Бухоро вилоятида MTO (methanol to olefin) технологияси асосида газ-кимё мажмуасини қуриш*
2. *Сурхондарё вилоятида газ-кимё мажмуасини қуриш*
3. *Тошкент вилоятида қуввати 200 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясини қуриш*
4. *Қорақалпоғистон Республикасида Тебинбулоқ темир руда конини ишлаб чиқиш ва металлургия мажмуасини қуриш (1-босқич)*
5. *Бухоро вилоятида қуввати 500 МВт бўлган қуёш электр станциясини қуриш*
6. *Бухоро вилояти Ғиждувон туманида қуввати 500 МВт бўлган шамол электр станциясини қуриш*
7. *Қашқадарё вилоятида қуввати 500 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясини қуриш*
8. *Бухоро вилояти Пешку туманида қуввати 500 МВт бўлган шамол электр станциясини қуриш*

Шунингдек, тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган 12,7 трлн сўм (жами асосий капиталга инвестицияларнинг 2,6 % и) асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.

Аҳоли маблағлари ҳисобидан жами асосий капиталга инвестицияларнинг 6,5 % и ёки 32,0 трлн сўм ўзлаштирилди. Аҳоли маблағлари ҳисобидан асосан уй-жойлар қуриш соҳасида инвестиция фаолияти амалга оширилган.

Асосий капиталга инвестициялар **иқтисодий фаолият турлари бўйича** амалдаги фаолият турлари таснифлагичи ИФУТ-2 га асосан тақсимланади.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркибининг ҳажми ва улуши

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)



Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида ишлаб чиқариш саноати етакчилик қилмоқда. Амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳалари натижасида ушбу иқтисодий фаолият турида жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 144,6 трлн сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 29,3 % и ўзлаштирилди.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркибининг ҳажми ва улуши (давоми)

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)



Соғлиқни сақлаш ва таълим фаолиятларида мос равишда 12,9 трлн сўм (жами инвестицияларнинг 2,6 % и) ва 6,5 трлн сўм (1,3 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

Ижтимоий соҳадаги энг муҳим фаолиятлардан бири бу турар-жой қурилиши ҳисобланади. Ушбу фаолият тури бўйича барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 38,0 трлн сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиб, жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 7,7 % ни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар 32,5 трлн сўм ёки ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 6,6 % ини ташкил этди.

Электр ва газ билан таъминлаш фаолияти тури бўйича барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 68,5 трлн сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, улар умумий ҳажмнинг 13,9 % ини ташкил этди.

Тоғ-кон саноатида жами 63,5 трлн сўм ёки республика бўйича жами инвестициялар ҳажмининг 12,9 % и ўзлаштирилган бўлиб, унинг таркибидан 5,4 % и ёки 26,6 трлн сўми хом нефт ва табиий газ қазиб чиқариш соҳасига тегишлидир.

Республика бюджети маблағлари ҳисобидан асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳудудий таркибида энг юқори кўрсаткичлар Сурхондарё вилоятида – ҳудуддаги жами инвестицияларнинг – 8,3 % ини, Самарқанд вилояти – 8,1 % ва Сирдарё вилоятида – 7,6 % миқдорида кузатилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга инвестициялар ҳажми

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Жами инвестициялар, млрд сўм	шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича: (жамига нисбатан, % да)						
		Республика бюджети	корхона ва ташкилотлар маблағи	аҳоли маблағи	хорижий инвестиция ва кредитлар	Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	тижорат банки кредитлари ва бошқа қарз маблағлари
Ўзбекистон Республикаси[1)]	**493 652,0**	**4,6**	**17,6**	**6,5**	**67,6**	**0,4**	**0,7**	**2,6**
Қорақалпоғистон Республикаси	20 530,9	6,6	12,9	7,2	70,0	0,4	-	2,9
вилоятлар:								
Андижон	28 132,2	4,3	10,5	7,5	75,5	0,3	0,5	1,4
Бухоро	48 961,2	2,2	7,8	6,4	82,5	0,1	-	1,0
Жиззах	23 058,6	6,0	11,6	3,9	76,2	0,7	-	1,6
Қашқадарё	32 996,9	6,4	9,9	8,3	72,4	0,1	2,0	0,9
Навоий	34 024,5	1,8	9,7	6,4	81,1	-	-	1,0
Наманган	53 340,5	1,9	9,4	5,5	82,4	-	-	0,8
Самарқанд	29 652,5	8,1	30,5	4,8	50,8	-	2,8	3,0
Сурхондарё	15 277,5	8,3	6,9	14,5	66,0	1,9	0,3	2,1
Сирдарё	10 942,8	7,6	13,9	3,1	72,3	1,0	-	2,1
Тошкент	70 529,8	3,7	14,1	6,5	70,9	0,4	1,9	2,5
Фарғона	22 383,5	6,5	18,1	11,7	56,8	2,2	0,1	4,6
Хоразм	14 795,3	6,0	13,2	18,9	59,4	1,0	-	1,5
Тошкент ш.	88330,6	4,7	40,2	2,9	45,5	0,4	0,7	6,1

Корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан инвестициялар бўйича энг юқори улуш Тошкент шаҳрида кузатилиб, бу ҳудудда ўзлаштирилган инвестицияларнинг 40,2 % ини ташкил этди. Шунингдек, Самарқанд вилоятида 30,5 % ва Фарғона вилоятида 18,1 % ни ташкил этди.

[1)] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда.*

Жалб қилинган молиялаштириш манбалари таркибида хорижий инвестиция ва кредитлар алоҳида ўринга эга. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами инвестициялардаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткичлар Бухоро – 82,5 %, Наманган – 82,4 % ва Навоий – 81,1 % вилоятларида кузатилди.

Ҳудудлар кесимида асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиши бўйича ўтган йилга нисбатан энг юқори ўсиш суръати 257,0 % ни ташкил этиб, Наманган вилоятида кузатилди. Ушбу натижани пахтани қайта ишлаш машина ва ускуналарини модернизация қилиш, Поп туманида қуввати 500 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси қурилиши, замонавий савдо мажмуаси ва бизнес марказини ташкил этиш каби йирик инвестиция лойиҳаларига инвестицияларни ўзлаштириш билан изоҳлаш мумкин.

Шунингдек, Қашқадарё вилоятида ҳам юқори ўсиш суръати кузатилиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 145,2 % ни ташкил қилди. Бу ҳудуднинг Нишон туманида қуввати 500 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси қурилиши, қуввати 400 МВт бўлган иссиқлик электр станцияси қурилиши каби йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ҳудудлар кесимида асосий капиталга инвестицияларнинг ҳажм ва ўсиш суръати

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Ҳажми, млрд сўм	*Ўсиш суръати, % да*
Ўзбекистон Республикаси[1)]	**493 652,0**	**127,6**
Қорақалпоғистон Республикаси	20 530,9	145,6
вилоятлар:		
Андижон	28 132,2	136,9
Бухоро	48 961,2	145,1
Жиззах	23 058,6	141,5
Қашқадарё	32 996,9	145,2
Навоий	34 024,5	117,4
Наманган	53 340,5	257,0
Самарқанд	29 652,5	108,1
Сурхондарё	15 277,5	79,3
Сирдарё	10 942,8	64,3
Тошкент	70 529,8	133,2
Фарғона	22 383,5	104,8
Хоразм	14 795,3	114,7
Тошкент ш.	88 330,6	114,8

[1)] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда.*

Жиззах вилоятида асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг 2023 йилга нисбатан 41,5 % га ўсиши, аввалambор автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш (2 босқич) ва қуввати 550 МВт бўлган иссиқлик электр станцияси қурилиши билан боғлиқ.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг асосий қисми, яъни 59,8 % и республиканинг беш ҳудудида, жумладан, Тошкент шаҳрида – 17,9 %, Тошкент вилоятида – 14,3 %, Бухоро вилоятида – 9,9 %, Наманган вилоятида – 10,8 % ҳамда Навоий вилоятида – 6,9 % инвестициялар ўзлаштирилди.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Навоий вилоятида –31 359,0 минг сўм (ёки 2023 йилга нисбатан таққослаганда – 115,3 %), Тошкент шаҳрида – 28 708,6 минг сўм (ёки 111,8 %) ва Бухоро вилоятида – 23 761,8 минг сўм (ёки 142,8 %) миқдорида қайд этилди.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган асосий капиталга инвестициялар
(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Ҳажми, минг сўм	*Ўсиш суръати, % да*
Ўзбекистон Республикаси	**13 280,4**	**125,1**
Қорақалпоғистон Республикаси	10 183,0	143,7
вилоятлар:		
Андижон	8 207,3	134,1
Бухоро	23 761,8	142,8
Жиззах	15 145,2	138,6
Қашқадарё	9 165,8	142,0
Навоий	31 359,0	115,3
Наманган	17 212,7	251,4
Самарқанд	6 972,1	105,9
Сурхондарё	5 247,6	77,4
Сирдарё	11 863,4	63,2
Тошкент	22 898,5	130,8
Фарғона	5 455,3	102,7
Хоразм	7 346,2	112,6
Тошкент ш.	28 708,6	111,8

Ўзбекистон Республикаси бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида машина, ускуна ва инвентарларга 231,4 трлн сўм инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, жами инвестицияларнинг 46,9 % ини ташкил этди, қурилиш-монтаж ишлари бўйича 212,8 трлн сўм (жами инвестициялардаги улуши 43,1 %) ва бошқа харажатларга 49,5 трлн сўм (10,0 %) ўзлаштирилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби

(2024 йилнинг январь-декабрь ойлари учун, % да)



Ҳудудлар кесимида жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмида қурилиш-монтаж ишларининг улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Хоразм вилоятида кузатилди – 70,1 % ёки 10,4 трлн сўм. Қурилиш-монтаж ишларининг улуши бўйича энг қуйи даража эса Бухоро вилоятида кузатилиб, 34,5 % ни ёки 16,9 трлн сўмни ташкил этди.

Жиззах вилоятида машина, ускуналар ва инвентарларга харажатлар бўйича энг юқори кўрсаткич – 56,9 % ёки 13,1 трлн сўмни ташкил этди.

Қурилиш-монтаж ишларига инвестициялар улушини 2020 йил билан солиштирсак, жорий даврда бир оз камайганини, яъни 43,4 % дан 43,1 % га, машина, ускуна ва инвентарга инвестициялар улуши 49,5 % дан 46,9 % га тушганини кўриш мумкин.

Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби динамикаси

(январь-декабрь ойлари учун, % да)

Жорий ҳисобот даврида янги қурилишга йўналтирилган асосий капиталга инвестициялар 309,0 трлн сўмга етди ҳамда жами асосий капиталга инвестицияларнинг 62,6 % ини ташкил этди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби

(2024 йилнинг январь-декабрь ойлари учун, % да)



2024 йил январь-декабрь ойларида корхона ва ташкилотларнинг кенгайтириш, реконструкция ва модернизацияга инвестициялар улуши бўйича юқори натижалар Андижон вилоятида – 41,2 % (11,6 трлн сўм), Қашқадарё вилоятида – 38,6 % (12,7 трлн сўм), ва Қорақалпоғистон Республикасида – 32,0 % (6,6 трлн сўм) кузатилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Жами асосий капиталга инвестициялар, трлн сўм	*Жамига нисбатан % да:*		
		янги қурилиш	*кенгайтириш, реконструкция, модернизация*	*бошқа йўналишлар*
Ўзбекистон Республикаси [1)]	**493,7**	**62,6**	**23,3**	**14,1**
Қорақалпоғистон Республикаси	20,5	59,1	32,0	8,9
вилоятлар:				
Андижон	28,1	53,1	41,2	5,7
Бухоро	49,0	72,8	20,9	6,3
Жиззах	23,1	65,8	17,6	16,6
Қашқадарё	33,0	53,4	38,6	8,0
Навоий	34,0	70,8	21,7	7,5
Наманган	53,3	75,0	15,8	9,2
Самарқанд	29,7	40,8	30,2	29,0
Сурхондарё	15,3	73,8	19,4	6,8
Сирдарё	10,9	69,3	15,9	14,8
Тошкент	70,5	72,8	16,1	11,1
Фарғона	22,4	63,7	25,2	11,1
Хоразм	14,8	69,7	14,7	15,6
Тошкент ш.	88,3	47,4	23,9	28,7

[1)] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда.*

Иқтисодиётда мавжуд объектларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, модернизациялаш ва техник қайта қуроллантиришга йўналтирилган инвестициялар 115,1 трлн сўмни ташкил этди ва республикадаги жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг 23,3 % ини ташкил этди. Қолган 14,1 %, яъни 69,6 трлн сўм бошқа харажатларга йўналтирилди.

Янги қурилишга йўналтирилган инвестицияларнинг улуши бўйича юқори кўрсаткич, қуввати 200 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси ва қуввати 334 МВт бўлган электр энергиясини жамловчи тизим қурилиши, “Ёшлик” конини ўзлаштириш лойиҳалари бўйича ўзлаштирилган инвестициялар натижасида Тошкент вилоятида кузатилиб, у 62,6 % ни ташкил этди.

2-БЎЛИМ. АСОСИЙ КАПИТАЛГА ЎЗЛАШТИРИЛГАН ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ВА КРЕДИТЛАР

2024 йил январь-декабрь ойларида жами 34,9 млрд доллар хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилган бўлса, улардан янги асосий фондларни яратишга қаратилган асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар 26,4 млрд доллар ёки 333,8 трлн сўмни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан 52,1 % га ўсди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 67,6 % ни ташкил этди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан жорий даврда 310,2 трлн сўм ўзлаштирилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси кафолати остида 23,6 трлн сўм хорижий кредитлар ўзлаштирилди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитларнинг жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажмидаги улуши мос равишда 92,9 % ва 7,1 % ни ташкил этди.

Ўз навбатида, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар таркибида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 150,5 трлн сўм ёки жамига нисбатан 45,1 % ни, бошқа инвестиция ва кафолатланмаган хорижий кредитлар 159,6 трлн сўмни ёки жамига нисбатан 47,8 % ни ташкил этди.

Хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми

(2024 йил январь-декабрь ойларида, % да)



Хорижий инвестиция ва кредитлар таркибида хорижий инвестициялар 173,1 трлн сўмни ёки жамига нисбатан 51,9 % ни ва мос равишда хорижий кредитлар 160,7 трлн сўмни ёки 48,9 % ни ташкил қилди.

Хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби

(2024 йилнинг январь-декабрь ойлари учун, % да)



Ҳудудлар кесимида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар энг кўп ўзлаштириш Бухоро вилоятида 23,0 трлн сўм, Тошкент вилоятида ва Тошкент шаҳрида 18,6 трлн сўм ҳамда Наманган вилоятида 17,9 трлн сўм қайд этилди.

Асосий капиталга ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Жами, трлн сўм	*Шу жумладан:*		
		тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	*Ўз.Р. кафолати остида хорижий кредитлар*	*бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар*
Ўзбекистон Республикаси	**333,8**	**150,5**	**23,6**	**159,7**
Қорақалпоғистон Республикаси	14,4	2,2	1,2	11,0
вилоятлар:				
Андижон	21,2	11,5	0,4	9,3
Бухоро	40,4	23,0	2,2	15,2
Жиззах	17,6	10,9	0,5	6,2
Қашқадарё	23,9	7,2	3,9	12,8
Навоий	27,6	11,0	2,5	14,1
Наманган	44,0	17,9	0,6	25,5
Самарқанд	15,1	6,4	1,3	7,4
Сурхондарё	10,1	5,8	0,9	3,4
Сирдарё	7,9	5,9	0,1	1,9
Тошкент	50,0	18,6	2,3	29,1
Фарғона	12,7	9,1	0,3	3,3
Хоразм	8,8	2,2	0,5	6,1
Тошкент ш.	40,2	18,6	7,0	14,6

2024 йил январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариш саноатида хорижий инвестиция ва кредитлар салмоқли ўзлаштирилиб, 119,2 трлн сўмни ёки жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг 35,7 % ини ташкил этди.

Электр ва газ билан таъминлаш фаолият турида бу кўрсаткич 65,0 трлн сўмни ёки жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 19,5 % ини қайд этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби, жамига нисбатан улуши

(2024 йилнинг январь-декабрь ойлари учун, % да)

3-БЎЛИМ. ИЖТИМОИЙ СОҲА ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШИ

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида умумий майдони 14 844,2 минг кв.м турар жой ишга туширилиб, 2023 йилга нисбатан 100,6 % ни ташкил этди.

Кўриб чиқилаётган даврда турар жой қурилишида жами 25 044,2 млрд сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, республика бюджети маблағлари ҳисобидан 138,8 млрд сўм, корхоналарнинг ўз маблағлари – 81,1 млрд сўм, аҳоли маблағлари ҳисобидан 23 553,9 млрд сўм ва бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан 1 270,4 млрд сўмни ташкил этди.

Фойдаланишга топширилган турар-жой қурилиш майдони
(январь-декабрь ойлари учун, минг кв. м)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикаси бўйича жами 1 418,8 км сув тармоғи ишга туширилди. Таъкидлаш жоизки, ишга туширилган сув тармоқларининг 70,8 % и ёки 1 004,6 км қишлоқ жойларда жойлашган.

Ишга туширилган сув тармоқлари узунлиги
(январь-декабрь ойлари учун, км)

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида жами 25,3 км, шу жумладан 9,0 км қишлоқ жойларда узунликдаги газ тармоғи ишга туширилди.

Ишга туширилган газ тармоқлари узунлиги
(январь-декабрь ойлари учун, км)



Сув тармоғи қурилишида жами 1 041,8 млрд сўм, газ тармоқлари қурилишида 894,6 млн сўм инвестициялар ўзлаштирилди.

Ҳудудлар кесимида энг кўп хонадон Наманган вилоятида 9 480 та, Тошкент вилоятида 7 079 та ва Сурхондарё вилоятида 6 088 та ишга туширилди.

Ишга туширилган турар-жойлар

(2024 йил январь-декабрь ойларида)

	Хонадонлар сони, бирлик	*Майдони, минг кв.м*
Ўзбекистон Республикаси	**66 739**	**14 844,2**
Қорақалпоғистон Республикаси	4 684	864,9
вилоятлар:		
Андижон	5 326	1 309,6
Бухоро	5 416	1 475,0
Жиззах	1 987	491,6
Қашқадарё	4 523	1 064,3
Навоий	2 044	694,7
Наманган	9 480	1 466,5
Самарқанд	3 361	408,1
Сурхондарё	6 088	1 278,5
Сирдарё	574	132,5
Тошкент	7 079	1 924,4
Фарғона	5 593	1 530,9
Хоразм	4 515	1 303,8
Тошкент ш.	5 587	863,5

4- БЎЛИМ. ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

(Норасмий ва яширин иқтисодиётни статистик баҳолаш бўйича ўтказилган кузатувлар натижаларини қўшган ҳолда)

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида жами 233,8 трлн сўм қурилиш ишлари бажарилиб, 2023 йилга нисбатан 8,8 % га ўсди.

Қурилиш ишларининг ҳажми динамикаси
(январь-декабрь ойлари учун, трлн сўм)

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида бажарилган қурилиш ишларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши қуйидагича:

- бинолар ва иншоотлар қуриш йўналиши 71,7 % улушни ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 105,5 % ни ташкил этди;
- фуқаролик объектларини қуриш йўналиши 19,3 % улушни ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 124,7 % ни ташкил этди;
- ихтисослаштирилган қурилиш ишлари йўналиши 9,0 % улушни ва 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 106,4 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари таркиби
(2024 йилнинг январь-декабрь ойлари учун, ҳажми ва улуши)



Амалдаги статистик кузатув шаклларида 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб, “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (маҳсулот, иш, хизмат) статистик таснифлагичи (МСТ)”га мувофиқ “Қурилиш” фаолияти тури бўйича ўз кучи билан амалга оширилган ишлар ҳажми” кўрсаткичи қўлланилади.

2024 йил январь-декабрь ойларида бажарилган қурилиш ишларининг катта қисми янги бино ва иншоотларни қуришга тегишли. Жами қурилиш ишларининг 75,6 % и ёки 176,8 трлн сўм қурилиш ишлари айнан иқтисодиётда янги ишлаб чиқариш қувватлари, турар-жой ва бошқа ижтимоий объектларни яратишга қаратилган.

Умумий ҳажмдан янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш, техник қайта қуроллантириш ишлари улуши

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида, % да)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳудудлар кесимида янги қурилиш ишлари бўйича юқори ҳажм, Тошкент шаҳри (40 338,5 млрд сўм), Тошкент вилояти (15 748,2 млрд сўм), Бухоро вилояти (12 555,1 млрд сўм) ва Фарғона вилоятида (12 254,5 млрд сўм) қайд этилди.

Ҳудудлар кесимида янги қурилиш ишлари ҳажми ва жами ҳудуддаги улуши

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш, техник қайта қуроллантириш, млрд сўмда	*Жами ҳажмдаги улуши, % да*
Ўзбекистон Республикаси[1)]	**176 841,3**	**75,6**
Қорақалпоғистон Республикаси	6 871,4	80,3
вилоятлар:		
Андижон	8 809,5	72,5
Бухоро	12 555,1	76,0
Жиззах	5 017,9	79,9
Қашқадарё	10 646,3	70,5
Навоий	9 770,0	81,8
Наманган	10 036,0	78,7
Самарқанд	11 310,7	80,7
Сурхондарё	9 269,3	76,9
Сирдарё	3 513,6	69,7
Тошкент	15 748,2	65,2
Фарғона	12 254,5	77,6
Хоразм	9 523,8	89,4
Тошкент ш.	40 338,5	70,0

[1)] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда.*

Бино ва иншоотлар қурилиши ҳажми ва жами ҳудуддаги улуши

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида, улуши % да)

Бино ва иншоотларни қуриш фаолият тури бўйича бажарилган қурилиш ишларининг энг юқори улуши Наманган вилояти (ҳудудда бажарилган қурилиш ишларининг 80,7 % и), Хоразм вилояти (78,7 %) ва Жиззах вилояти 78,3 %)да кузатилди.

Ҳудудлар кесимида бино ва иншоотлар қурилиши ҳажми ва жами ҳудуддаги улуши

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Бино ва иншоотлар қурилиши, млрд сўмда	*Улуши, % да*
Ўзбекистон Республикаси[1)]	**167 575,0**	**71,7**
Қорақалпоғистон Республикаси	6 443,3	75,3
вилоятлар:		
Андижон	8 877,6	73,1
Бухоро	11 033,7	66,8
Жиззах	4 915,1	78,3
Қашқадарё	11 192,2	74,1
Навоий	9 223,0	77,2
Наманган	10 286,4	80,7
Самарқанд	5 995,5	42,8
Сурхондарё	9 217,6	76,5
Сирдарё	3 444,8	68,3
Тошкент	17 127,2	70,9
Фарғона	11 914,1	75,4
Хоразм	8 388,3	78,7
Тошкент ш.	38 339,7	66,5

[1)] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда.*

Фуқаролик объектлари қурилиши

Фуқаролик объектларини қуриш бўйича йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг улуши 35,4 % ни ташкил этди ва 2023 йилга нисбатан 11,6 % пунктга кўпайди. Шунингдек, кичик корхона ва микрофирмалар улуши мос равишда 64,5 % ни (11,6 % пунктга камайди) ташкил этди.

Фуқаролик объектларини қуриш фаолият тури бўйича бажарилган қурилиш ишларининг энг юқори улуши Самарқанд вилояти (ҳудудда бажарилган қурилиш ишларининг 53,1 % и), Сирдарё вилояти (26,3 %) ва Бухоро вилояти (23,8 %)да кузатилди.

Ҳудудлар кесимида фуқаролик объектлари қурилиши ҳажми ва жами ҳудуддаги улуши

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Фуқаролик объектлари қурилиши, млрд сўм	*Улуши, % да*
Ўзбекистон Республикаси	**45 124,7**	**19,3**
Қорақалпоғистон Республикаси	1 667,7	19,5
вилоятлар:		
Андижон	2 386,3	19,6
Бухоро	3 927,0	23,8
Жиззах	971,1	15,5
Қашқадарё	1 968,8	13,0
Навоий	2 083,4	17,5
Наманган	1 087,9	8,5
Самарқанд	7 448,7	53,1
Сурхондарё	2 175,2	18,0
Сирдарё	1 328,0	26,3
Тошкент	4 196,0	17,4
Фарғона	3 128,2	19,8
Хоразм	1 937,5	18,2
Тошкент ш.	10 818,9	18,8

Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари сайқаллаш, сувоқчилик, бўёқчилик ишлари, поллар ва деворларни плитка билан қоплаш ёки паркет, ковролан, гулқоғозлар билан қоплаш, шунингдек, полларни циклёвкалаш, дурадгорлик ишлари, овоз изоляциялаш ишлари, ташқи ҳудудларни тозалаш каби безатишга алоқадор ишларни ўз ичига олади.

Ихтисослашган қурилиш ишлари таркиби

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида, % да)



Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари фаолият тури бўйича бажарилган қурилиш ишларининг энг юқори улуши Тошкент шаҳрида (ҳудудда бажарилган қурилиш ишларининг 14,7 % и), Қашқадарё вилояти (12,9 %) ва Тошкент вилоятида (11,7 %) кузатилди.

Ҳудудлар кесимида ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми ва жами ҳудуддаги улуши

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари, млрд сўм	***Улуши, % да***
Ўзбекистон Республикаси	**21 133,2**	**9,0**
Қорақалпоғистон Республикаси	442,2	5,2
вилоятлар:		
Андижон	888,2	7,3
Бухоро	1 553,8	9,4
Жиззах	393,2	6,2
Қашқадарё	1 938,9	12,9
Навоий	637,6	5,3
Наманган	1 381,2	10,8
Самарқанд	572,9	4,1
Сурхондарё	665,8	5,5
Сирдарё	270,2	5,4
Тошкент	2 820,7	11,7
Фарғона	752,3	4,8
Хоразм	331,4	3,1
Тошкент ш.	8 484,8	14,7

Йирик қурилиш ташкилотлари томонидан 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 55 114,0 млрд сўмни ташкил этди. Кўриб чиқилаётган даврда қурилиш ишлари ҳажми 2023 йилга нисбатан 119,9 % ни ва уларнинг умумий ҳажмдаги улуши 2,1 % га кўпайиб, 23,5 % ни ташкил этди.

Корхона турлари бўйича қурилиш ишлари

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида, млрд сўмда)



Йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишларининг жами қурилиш ишлари ҳажмидаги энг кўп улуши Тошкент шаҳрида (ҳудуддаги жами қурилиш ишлари ҳажмининг 32,3 % и), Қашқадарё вилоятида (27,0 %) ва Навоий вилоятида (25,3 %) қайд этилди.

Қурилиш ишлари ҳажмида йирик ташкилотлар ҳажми ва жами ҳудуддаги улуши

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Ҳажми, млрд сўм	*Улуши, % да*
Ўзбекистон Республикаси	**55 114,0**	**23,5**
Қорақалпоғистон Республикаси	1 200,1	14,0
вилоятлар:		
Андижон	872,7	7,2
Бухоро	2 536,4	15,4
Жиззах	694,6	11,1
Қашқадарё	4 084,3	27,0
Навоий	3 019,0	25,3
Наманган	1 001,3	7,8
Самарқанд	2 257,9	16,1
Сурхондарё	1 142,2	9,5
Сирдарё	770,8	15,3
Тошкент	4 080,4	16,9
Фарғона	2 696,4	17,1
Хоразм	976,7	9,2
Тошкент ш.	18 604,7	32,3

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳиссасига жами қурилиш ишлари ҳажмининг 46,2 % и тўғри келиб, 2023 йилга нисбатан 1,8 % пунктга камайди. Шунингдек, улар ҳиссасига тўғри келган қурилиш ишлари ҳажми 2023 йилга нисбатан 105,6 % ни ташкил этган ҳолда 107 950,1 млрд сўм миқдорида қайд этилди.

Кўриб чиқилаётган даврда кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг энг катта улуши Самарқанд (ҳудуддаги жами қурилиш ишларининг 68,3 % и), Сирдарё (62,4 %) ва Жиззах вилоятларига (62,2 %) тўғри келди.

**Қурилиш ишлари ҳажмида кичик корхона
ва микрофирмалар ҳажми ва жами ҳудуддаги улуши**

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Ҳажми, млрд сўм	*Улуши, % да*
Ўзбекистон Республикаси	**107 950,1**	**46,2**
Қорақалпоғистон Республикаси	4 394,1	51,4
вилоятлар:		
Андижон	6 795,2	55,9
Бухоро	7 021,9	42,5
Жиззах	3 908,1	62,2
Қашқадарё	6 163,3	40,8
Навоий	4 154,1	34,8
Наманган	4 681,2	36,7
Самарқанд	9 567,1	68,3
Сурхондарё	6 088,1	50,5
Сирдарё	3 145,1	62,4
Тошкент	9 832,5	40,7
Фарғона	7 596,1	48,1
Хоразм	3 617,4	33,9
Тошкент ш.	30 985,9	53,7

Норасмий секторда қурилиш ишларининг улуши 30,3 % ни ёки 70 768,8 млрд сўмни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан 106,2 % ни ташкил этди.

Шунингдек, норасмий секторда бажарилган қурилиш ишларининг умумий ҳажмидан 52 616,0 млрд сўми якка тартибдаги уй-жой қурилишига тўғри келиб, 2023 йилга нисбатан 106,4 % ни ташкил этди.

Шунингдек, жисмоний шахслар томонидан нотурар-жойлар қурилиши 8 400,0 млрд сўмни ва 2023 йилга нисбатан 102,2 % ни, якка тартибдаги турар-жойларни таъмирлаш ишлари эса 9 752,6 млрд сўмни ва 108,4 % ни ташкил этди.

Кўриб чиқилаётган даврда норасмий сектор томонидан бажарилган қурилиш ишларининг ҳудудлар бўйича таркиби таҳлил қилинадиган бўлса, энг катта ҳажми Тошкент вилоятида (10 231,0 млрд сўм ёки ҳудудда бажарилган жами қурилиш ишлари ҳажмининг 42,4 % и), Тошкент шаҳрида (8 052,8 млрд сўм ёки 14,0 %) ва Наманган вилоятида (7 073,0 млрд сўм ёки 55,5 %) қайд этилганлигини кўриш мумкин.

Қурилиш ишлари ҳажмида норасмий сектор ҳажми ва жами ҳудуддаги улуши

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Ҳажми, млрд сўм	*Улуши, % да*
Ўзбекистон Республикаси	**70 768,8**	**30,3**
Қорақалпоғистон Республикаси	2 959,0	34,6
вилоятлар:		
Андижон	4 484,2	36,9
Бухоро	6 956,2	42,1
Жиззах	1 676,7	26,7
Қашқадарё	4 852,3	32,2
Навоий	4 770,9	39,9
Наманган	7 073,0	55,5
Самарқанд	2 192,1	15,6
Сурхондарё	4 828,3	40,0
Сирдарё	1 127,1	22,3
Тошкент	10 231,0	42,4
Фарғона	5 502,1	34,8
Хоразм	6 063,1	56,9
Тошкент ш.	8 052,8	14,0

Давлат мулкчилигидаги ташкилотлар томонидан жами 7 703,3 млрд сўм қурилиш ишлари бажарилди. Нодавлат мулкчилигидаги ташкилотлар томонидан эса 226 129,6 млрд сўм қурилиш ишлари бажарилди. Уларнинг республикадаги улуши мос равишда 3,3 % ва 96,7 % ни ташкил этди.

Давлат мулкчилигидаги корхона ва ташкилотлар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмида энг юқори улуш Андижон вилоятида (ушбу вилоятдаги қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 7,8 % и), Жиззах вилоятида (5,5 %) ва Қашқадарё вилоятида (4,7 %) қайд этилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари

(2024 йил январь-декабрь ойларида, % да)

Хўжалик усулида бажарилган ишлар ҳажми қурилиш эгаси томонидан ҳисобот даврида қурилиш ишларига сарфланган харажатларидан келиб чиқиб аниқланади.

Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига қурилиш ишлари

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Аҳоли жон бошига қурилиш ишлари, минг сўм	*Ўсиш суръати, % да*
Ўзбекистон Республикаси	**6 290,6**	**106,6**
Қорақалпоғистон Республикаси	4 242,2	106,0
вилоятлар:		
Андижон	3 545,3	108,8
Бухоро	8 014,8	113,1
Жиззах	4 124,4	105,6
Қашқадарё	4 194,4	109,7
Навоий	11 008,3	111,8
Наманган	4 116,1	110,3
Самарқанд	3 295,8	109,4
Сурхондарё	4 142,0	106,2
Сирдарё	5 467,2	98,4
Тошкент	7 838,7	108,0
Фарғона	3 849,4	106,2
Хоразм	5 291,6	109,3
Тошкент ш.	18 734,9	107,1

Ҳудудлар кесимида 2024 йил январь-декабрь ойларида аҳоли жон бошига қурилиш ишлари ҳажми бўйича биринчи ўринни Тошкент шаҳри 18 734,9 минг сўм (ёки, 2023 йилга нисбатан 107,1 %) кўрсаткич билан эгаллади, ундан кейинги ўринларни мос равишда Навоий вилояти – 11 008,3 минг сўм (111,8 %), Бухоро вилояти – 8 014,8 минг сўм (113,1 %), Тошкент вилояти – 7 838,7 минг сўм (108,0 %) кўрсаткич билан эгаллади.

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Номолиявий активларга киритилган инвестициялар бу – реал маблағларни яратишга йўналтирилган инвестициялар бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, капитал таъмирлашга харажатлар, номоддий активларга киритилган инвестициялар (патентлар, лицензиялар, дастурий маҳсулотлар, ер майдонларидан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ва бошқалар).

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларга барча турдаги қурилиш ишларига қилинган харажатлар; асбоб-ускуналарни монтаж қилиш бўйича харажатлар; машина, асбоб-ускуналар (монтаж талаб этиладиган ва талаб этилмайдиган), транспорт воситалари, жиҳоз ва хўжалик инвентарини сотиб олиш; бошқа капитал ишлар ва харажатлар киради. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми тўғрисидаги маълумотлар, илгари бошқа ташкилотларнинг асосий фондларида ҳисобга олинган асбоб-ускуналар, бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг эҳтиёт қисмлари)ни сотиб олишга қилинган харажатларсиз келтирилган.

Чет эл инвестициялари – асосан келгусида фойда олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхона ва ташкилотларга киритилган чет эл капитали.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бу – корхонага тўлиқ эгалик қилувчи ёки корхона акционерлик капиталининг 10 % дан кам бўлмаган қисмини назорат қилувчи, яъни корхонани бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқиги эга бўлган, тўғридан-тўғри хорижий инвестор юридик ёки жисмоний шахс томонидан киритилган инвестициялар.

Инвесторлар – юридик ва жисмоний шахслар бўлиб, қарорларни қабул қилувчи ва ўз маблағлари, қарз маблағлари ёки жалб қилинган маблағларни инвестиция кўринишида инвестицион лойиҳаларга киритишни амалга оширувчи ҳамда улардан мақсадли фойдаланилишини таъминлаб берувчи инвестицион фаолият субъектлари ҳисобланади.

Буюртмачилар – инвестицион жараённинг қатнашчилари. Буюртмачи сифатида инвесторнинг ўзи, шунингдек, инвестор томонидан амалдаги корхоналарни, биноларни, иншоотларни янги қурилиши, қайта таъмирлаш, кенгайтириш ва техник қайта қуроллантиришни амалга оширишлари учун вакил этиб тайинланган жисмоний ва юридик шахслар фаолият кўрсатишлари мумкин. Шу билан бирга буюртмачи инвестицион жараён қатнашчиларининг тадбиркорлик ва бошқа фаолиятига, агарда улар орасидаги шартномада назарда тутилмаган бўлса, аралашмасликлари лозим.

Пудратчи – капитал қурилиш учун пудрат шартномаси асосида бино ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш-монтаж, қайта таъмирлаш, капитал таъмирлаш ҳамда технологик ва бошқа ускуналарни монтаж қилиш, созлаш ва бошқа пудрат ишларини бажариш билан шуғулланади.

V. ХИЗМАТЛАР

1- БЎЛИМ. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Хизмат кўрсатиш соҳаси нафақат иқтисодий ривожланиш даражасининг кўрсаткичи, балки барқарор ўсишнинг энг муҳим воситасидир. Бу тармоқ иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун асос бўлиб, аҳоли турмуш сифатини яхшилайди ва мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувига ёрдам беради. Глобаллашув, рақамлаштириш ва билимлар иқтисодиётига ўтиш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Билимлар иқтисодиёти – бу билим, ахборот ва юқори малакали инсон капитали ишлаб чиқариш ва ривожланишнинг асосий ресурсларига айланган иқтисодиёт модели.

Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар

1 январь ҳолатига кўра фаолият кўрсатаётган (бирликда)



2025 йил 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сони 424 840 бирликка етди. Хизматлар соҳасида 310 834 бирлиги жалб этилган бўлиб, умумий сонининг 73,2 % ини ташкил этди.

Хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларнинг умумий сонидан кичик тадбиркорлик субъектлари 79,2 фоизни ёки 246 122 бирликни ташкил этди.

2024 йил январь-декабрь ойларида хизматлар соҳасида янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони 53 685 бирлик ёки уларнинг умумий сонининг 67,4 % и (79 667 бирлик) даражасида қайд этилди.

2024 йилнинг таҳлил қилинаётган даврида хизматлар соҳасида янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 51 137 нафарга ёки улар умумий сонининг 95,3 % ига етди.

Январь-декабрь ойларида янги ташкил этилган (бирликда)

2- БЎЛИМ. ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Хизматлар соҳаси бу – корхоналар, ташкилотлар, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган турли хил хизмат турларини такрор ишлаб чиқаришни ўз ичига олган умумлаштирувчи категориядир.

Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми маълум вақт давомида истеъмолчиларга (юридик ва жисмоний шахслар, норезидентларни қўшган ҳолда) кўрсатилган хизматлар қийматини акс эттиради.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида бозор хизматларининг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши 36,5 %, яъни 298 825,6 млрд сўмни ташкил этди. 2023 йилга нисбатан ушбу ҳудуднинг ўсиш суръати 116,8 % га етган. Сирдарё вилоятида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 11 609,1 млрд сўмни ёки жами хизматлар ҳажмининг 1,4 % ини ташкил этди. Ўсиш 12,2 % га етди.

Ҳудудлар кесимида кўрсатилган хизматларнинг асосий кўрсаткичлари (январь-декабрь) [1)]

	Хизматлар ҳажми, млрд сўмда		*Улуши, % да*	*Ўсиш суръати, % да*
	2023 й.	*2024 й.*		
Ўзбекистон Республикаси [2)]	**649 806,4**	**818 428,3**	**100,0**	**112,9**
Қорақалпоғистон Респ.	23 040,1	28 820,8	3,5	110,6
вилоятлар:				
Андижон	33 643,1	41 807,5	5,1	113,1
Бухоро	28 157,8	34 495,1	4,2	111,2
Жиззах	15 970,6	20 069,5	2,5	113,8
Қашқадарё	34 956,0	43 255,9	5,3	110,9
Навоий	16 247,2	20 055,6	2,4	112,1
Наманган	34 468,0	43 090,6	5,3	112,3
Самарқанд	46 593,0	58 875,7	7,2	114,1
Сурхондарё	23 159,1	28 505,9	3,5	110,9
Сирдарё	9 368,8	11 609,1	1,4	112,2
Тошкент	45 199,2	56 317,9	6,9	112,8
Фарғона	44 130,6	55 200,7	6,7	112,3
Хоразм	22 601,2	28 262,0	3,5	112,0
Тошкент шаҳри	230 819,9	298 825,6	36,5	116,8

[1)] *Ушбу ҳолатда ва кейинги ўринларда 2020-2023 йиллар учун аниқлик киритилган маълумотлар келтирилган. 2023 йил ҳажми ва 2024 йил январь-декабрь ойлари маълумотлари норасмий ва яширин иқтисодиётни статистик баҳолаш бўйича ўтказилган кузатувлар натижаларини қўшган ҳолда шакллантирилган.*

2) Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда.

“Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми” кўрсаткичи аҳолининг ўртача доимий сонининг ўзгаришига нисбатан мамлакатда кўрсатилган хизматларга статистик баҳо беради ва аҳоли фаровонлиги даражасини баҳолашда фойдаланилади.

Хизматлар ҳажми аҳолининг ўртача доимий сонига нисбати сифатида ҳисобланади.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми ва ўсиш суръатлари (январь-декабрь)

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 22 017,6 минг сўмга етди. 2023 йилга нисбатан ўсиш 10,6 фоизни ташкил этиб, ҳажми эса 4 171,9 минг сўмга ошди.

Энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида қайд этилган – 97 122,2 минг сўм. Бу ерда ҳажм 20 146,3 минг сўмга ёки 13,8 фоизга ошган.

Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми ва ўсиш суръатлари (2024 йил январь-декабрь)



Хизматлар соҳасида кичик тадбиркорлик

Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Хизматлар соҳасида кичик тадбиркорлик ҳажми ва ўсиши (камайиши) (январь-декабрь)

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 466 461,8 млрд сўмга тенг бўлиб, бозор хизматларининг умумий ҳажмида уларнинг улуши 57,0 % ни, шу жумладан 36,9 % кичик корхона ва микрофирмалардан иборатдир. Ҳудудлар орасида Тошкент шаҳрининг хизматлар соҳасида банд бўлган кичик тадбиркорлик ҳажмидаги улуши 26,8 % га етди.

Ҳудудлар кесимида хизматлар соҳасидаги кичик тадбиркорлик ҳажми ва ўсиши (2024 йил январь-декабрь)

3- БЎЛИМ. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Хизмат кўрсатиш соҳаси замонавий иқтисодиётда асосий ўрин тутиб, иқтисодий ўсиш, ҳаёт сифатини ошириш ва инсон капиталини ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб хизмат қилмоқда. Бу одатда ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) муҳим улушини ташкил қилади.

Хизматларнинг ЯИМдаги улуши (январь-декабрь, % да)



2024 йил январь-декабрь ойларида хизматларнинг ЯИМдаги улуши 47,4 % ни ташкил этди. ***Таққослаш учун:*** 2020 йилда бу кўрсаткич 41,6 фоизни ташкил этган эди.

Хизматлар бу – истеъмолчилар (юридик ва жисмоний шахслар)нинг ҳолатини ўзгартирадиган ёки товарлар, хизматлар ва молиявий активлар билан айирбошлашига кўмаклашадиган ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаси ҳисобланади.

Бозор учун ишлаб чиқарилган хизматлар олди-сотди объекти сифатида чиққанда ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган (хизматларни ишлаб чиқувчининг сарф-харажатларини тўлалигича ёки сезиларли даражада қоплайдиган) нархларда сотилганда ҳисобланади.

Республика бўйича кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми ва ўсиш суръатлари (январь-декабрь)

Дастлабки маълумотларга кўра, 2024 йил январь-декабрь ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 818 428,3 млрд сўмга етди. 2023 йилнинг (114,1 %) ўсиш суръати 112,9 % ни ташкил этди, ҳажми эса 168 621,9 млрд сўмга ошди.

Таққослаш учун: 2020 йил январь-декабрь ойларида хизматлар ҳажми 219 978,5 млрд сўмни, ўсиш суръати эса 103,0 % ни ташкил этди. 2021 йилда юқори ўсиш суръатлари қайд этилди – 119,5 %.

2024 йилнинг ҳисобот даврида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмининг ўсиш омили яшаш ва овқатланиш хизматлари (39 080,2 млрд сўмга), транспорт хизматлари (30 571,1 млрд сўмга), молиявий хизматлар (28 218,9 млрд сўмга), савдо хизматлари (23 604,8 млрд сўмга) ва алоқа хизматлари (2023 йилга нисбатан 17 109,8 млрд сўмга) ўсиши билан изоҳланади.

4- БЎЛИМ. ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА КЎРСАТИЛГАН БОЗОР ХИЗМАТЛАРИ

Хизмат кўрсатиш соҳасидаги инновациялар уларнинг сифати, фойдаланиш имконияти ва самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутади. Замонавий технологиялар ва янги ёндашувларнинг жорий этилиши туфайли хизматлар шахсийлаштирилган, қулай ва тежамкор бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-5113-сон қарори билан мамлакат иқтисодиётида хизматлар соҳаси улушини ошириш, хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини ушбу йўналишда янада қўллаб-қувватлаш мақсадида, мамлакатимизда хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари ва уларнинг мониторинги жорий этилди.

Тармоқлар таснифлагичининг белгиланган халқаро стандартларига ўтиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантириш Дастурининг мақсадли параметрларига киритилган хизматларнинг асосий турларини гуруҳлаш, G дан S гача бўлган бўлимлар бўйича хизматлар билан боғлиқ бўлган қисм ва иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар) Статистик таснифлагичи (МСТ)га кўра мувофиқлаштирилди.

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажми ўсишининг асосий омили молиявий хизматларнинг 20,6 % га ўсиши (кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажми 3,4 пункт ўсишига қўшган ҳиссаси), яшаш ва овқатланиш хизматлари – 10,6 % га (2,3 пункт ўсишига қўшган ҳиссаси), савдо хизматлари – 11,8 % га (2,3 пункт ўсишига қўшган ҳиссаси), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари – 25,8 % га (1,5 пункт ўсишига қўшган ҳиссаси), транспорт хизматлари – 8,6 % га (1,5 пункт ўсишига қўшган ҳиссаси), таълим соҳасидаги хизматларнинг 13,4 % га (0,5 пункт ўсишига қўшган ҳиссаси) ўсиши билан боғлиқ.

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг ўсишига хизмат турларининг қўшган ҳиссаси (2024 йил январь-декабрь, % да)

2024 йил январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида яшаш ва овқатланиш хизматлари 22,4 % ни, савдо хизматлари – 18,3 %, транспорт хизматлари – 17,7 %, молиявий хизматлар – 16,5 % ни, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари – 6,9 %, таълим соҳасидаги хизматлар эса – 3,7 % ни ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг асосий турлари бўйича кўрсаткичлари (январь-декабрь)

Хизмат турларининг номи	*Хизматлар ҳажми, млрд сўмда*		*Улуши, % да*	*Ўсиш суръати, % да*
	2023 й.	*2024 й.*		
Хизматлар – жами	**649 806,4**	**818 428,3**	**100,0**	**112,9**
шундан асосий турлари бўйича:				
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	39 064,4	56 174,2	6,9	125,8
молиявий хизматлар	107 290,6	135 509,5	16,5	120,6
транспорт хизматлари	114 553,3	145 124,4	17,7	108,6
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	57 099,7	72 604,7	8,9	112,4
яшаш ва овқатланиш хизматлари	144 234,3	183 314,5	22,4	110,6
савдо хизматлари	125 995,0	149 599,8	18,3	111,8
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	16 554,0	20 633,1	2,5	113,3
таълим соҳасидаги хизматлар	24 533,1	30 036,5	3,7	113,4
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	12 858,4	15 778,7	1,9	109,4
ижара хизматлари	7 560,6	9 707,6	1,2	105,5
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	9 475,5	11 848,2	1,4	112,3
шахсий хизматлар	12 107,3	15 462,0	1,9	109,3
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	8 854,9	11 200,6	1,4	103,9
бошқа хизматлар	26 725,0	34 039,2	4,2	107,9

Таққослаш учун: 2023 йилнинг таҳлил қилинаётган даврида хизматларнинг умумий ҳажмида яшаш ва овқатланиш хизматлари 22,2 % ни, савдо хизматлари – 19,4 %, транспорт хизматлари – 17,6 %, молиявий хизматлар – 16,5 % ни, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари – 6,0 %, таълим соҳасидаги хизматлар – 3,8 % ни ташкил этган.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар

Озиқ-овқат ва ичимликлар билан таъминлаш бўйича хизматлар – озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар етказиб бериш бўйича қўйилган устамадан ташқари, овқат тайёрлашда ишлатилган ва қайта ишланмаган ҳолда сотилган маҳсулотлар қийматини ўз ичига олувчи айланма қийматдир.

Яшаш бўйича хизматлар ҳажми қисқа муддатли турар жой билан таъминлаш бўйича кўрсатилган хизматлар (меҳмонхоналар, отеллар, мотеллар ва бошқа турар жойлар) қийматини ўз ичига олади.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажми ва ўсиши (камайиши) [1] (январь-декабрь)



[1] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда*

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар таркиби (2024 йил январь-декабрь, % да)

Ҳудудлар кесимида яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажми ва ўсиши (2024 йил январь-декабрь)

2025 йил 1 январь ҳолатига кўра, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 26 135 бирликни ташкил этган бўлса, улардан 25 947 бирлиги кичик тадбиркорлик субъектларидир.

Савдо хизматлари

Савдо хизматлари ҳажми – амалдаги нархлардаги ялпи даромад қиймати, яъни сотилган товарларнинг сотиб олиш ва сотиш нархлари орасидаги фарқининг умумий қиймати сифатида ҳисобга олинади. Агар товарлар бошқа шахс манфаатлари учун олди-сотди шартномалари, комиссиялар ёки агентлик шартномалари асосида сотилган тақдирда хизматлар қиймати мукофот миқдори сифатида акс эттирилади.

Савдо хизматлари ҳажми ва ўсиш суръатлари [1] (январь-декабрь)

Чакана савдонинг улуши савдо хизматларини умумий ҳажмининг 54,3 фоизини ташкил этди. Улгуржи савдо хизматларининг улуши 30,7 фоизга етди. Автомобиллар ва мотоцикларнинг улгуржи ва чакана савдоси бўйича хизматлар, жумладан, уларни таъмирлаш бўйича хизматларни улуши 15,0 фоизни ташкил этди.

[1] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда*

Ҳудудлар кесимида савдо хизматлари ҳажми ва ўсиши (2024 йил январь-декабрь)



2025 йил 1 январь ҳолатига кўра хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар таркибида савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар улуши (44,1 % ёки 137 109 бирлик) устунлик қилади, шундан 99,4 % ини (136 352 бирлик) кичик тадбиркорлик субъектлари ташкил этади.

Транспорт хизматлари

Транспорт хизматларининг ҳажми – амалдаги нархларда транспорт турлари бўйича транспорт жараёнига (юкларни тушириш ва юклаш ишлари, транспорт-экспедиторлик хизматлари, транспорт хизмати ва бошқалар) бевосита боғлиқ бўлган ташиш ва бошқа фаолиятдан олинган даромад суммаси сифатида аниқланади.

Транспорт хизматлари ҳажми ва ўсиши (камайиши) [1] (январь-декабрь)

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида транспорт хизматлари ҳажми 145 124,4 млрд сўмга етди, ўсиш суръати 2023 йилга нисбатан 108,6 % ни ташкил этди. Кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмидаги улуши 17,7 % ни ташкил этди.

[1] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда*

Транспорт хизматларининг умумий ҳажмида автомобиль транспортининг улуши 50,0 % ни ташкил этди. Ҳаво транспортида юк ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар улуши 14,5 % ни, қувурлар орқали – 13,9 % ни ташкил этди. Ёрдамчи транспорт фаолияти 12,5 % ни ташкил этди. Ўз навбатида, темир йўл транспорти томонидан кўрсатиладиган хизматлар транспорт хизматларининг умумий ҳажмида 9,1 % ни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида транспорт хизматлари ҳажми ва ўсиши (камайиши) (2024 йил январь-декабрь)

2025 йил 1 январь ҳолатига кўра, ташиш ва сақлаш билан боғлиқ фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 15 778 бирликни ёки уларнинг умумий сонининг 5,1 % ини ташкил этди, шундан 15 545 бирлиги (98,5 %) кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади.

Автомобиль транспорти хизматлари

Автомобиль транспорти хизматларига темир йўлда ташишдан ташқари, қуруқликдаги йўловчи транспортининг бошқа хизматлари, автомобил транспортида юк ташиш бўйича хизматлар ва кўчиш бўйича хизматлар киради.

Автомобиль транспорти хизматлари ҳажми ва ўсиши [1] (январь-декабрь)

[1] Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида автомобиль транспортида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 72 604,7 млрд сўмга етди.

2023 йилга нисбатан ушбу хизматларнинг ўсиш суръати 112,4 % ни ташкил этди. Кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмидаги улуши 8,9 % даражасида қайд этилди.

Ҳудудлар кесимида автомобиль транспорти хизматлари ҳажми ва ўсиши (2024 йил январь-декабрь)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида йўловчи автомобиль транспорти хизматлари улуши 57,3 фоизга етди. Автомобиль транспорти хизматларининг умумий ҳажмида энг катта қисми такси хизматлари ҳиссасига тўғри келади – 46,1 %.

Автомобиль транспорти хизматларининг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши 16,4 фоизни ёки 11 946,6 млрд сўмни ташкил этди. Қорақалпоғистон Республикасида 2023 йилга нисбатан 123,5 фоизга юқори ўсиш суръатлари қайд этилди.

Молиявий хизматлар

Молиявий хизматлар ҳажми – молиявий воситачилик ҳисобидан олинган фоизли даромадлар ҳажми (хизматлар учун белгиланган тўловлар миқдорида), шунингдек, молия муассасаси томонидан ссуда бериш ёки депозитни сақлаш бўйича хизматлари учун тўланадиган ҳақ ҳисобига кўра олинади.

Молиявий хизматлар ҳажми ва ўсиш суръатлари (январь-декабрь)



2024 йилда таҳлил қилинаётган даврда молиявий хизматлар ҳажми 135 509,5 млрд сўмга етди. Уларнинг ўсиш суръати 120,6 фоизни ташкил этди.

Молиявий хизматлар таркибида уларнинг улуши, суғурта ва пенсия хизматларидан ташқари, 87,2 фоизни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида молиявий хизматлар ҳажми (2024 йил январь-декабрь, млрд сўмда)

Молиявий хизматларнинг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши 58,4 фоизни ёки 79 083,9 млрд сўмни ташкил этди,

Ҳажмнинг энг юқори ўсиши Фарғона вилоятида қайд этилди – 26,7 фоиз.

Молиявий хизматлар таркиби (2024 йил январь-декабрь, % да)

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми амалдаги нархларда мазкур соҳада хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг даромадлари (сотишдан тушган тушум миқдори) йиғиндиси сифатида аниқланади.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми ва ўсиши [1] (январь-декабрь)

[1] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда*

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 56 174,2 млрд сўм даражасида қайд этилди ва 2023 йилга нисбатан ўсиш суръати 125,8 % ни ташкил этди.

Ушбу хизматларнинг умумий ҳажмида энг катта ҳажмни телекоммуникация хизматлари эгаллайди. 2024 йилнинг январь-декабрь ойларидаги улуши 40,7 % ни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми ва ўсиши (2024 йил январь-декабрь)

2025 йил 1 январь ҳолатига кўра, “Алоқа ва ахборот” фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар сони 9 777 бирликка етди, шундан 9 341 бирлиги кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади.

Компьютер дастурлаш хизматлари, консалтинг ва бошқа тегишли хизматлар

Компьютер дастурлаш хизматлари, консалтинг ва бошқа тегишли хизматлар – дастурий таъминотни ёзиш, ўзгартириш, синовдан ўтказиш ва техник ёрдам кўрсатиш, аппарат, дастурий таъминот ва коммуникация технологияларини интеграциялашган компьютер тизимларини режалаштириш ва ривожлантириш, шунингдек, компьютер мижоз тизимларини маҳаллий бошқариш ва улардан фойдаланиш; маълумотларни қайта ишлаш ва бошқа касбий ва техник фаолият.

Компьютер дастурлаш хизматлари, консалтинг ва бошқа тегишли хизматлар доираси (январь-декабрь учун, млрд сўмга)

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, компьютер дастурлаш хизматлари, консалтинг ва бошқа тегишли хизматлар ҳажми 22 866,1 млрд сўмга етди.



Ҳудудлар бўйича компьютер дастурлари, консалтинг ва бошқа тегишли хизматлар ҳажми (2024 йил январь-декабрь учун, млрд сўм)

2024 йил январь-декабрь ойларида компьютер дастурлаш хизматлари, консалтинг ва бошқа тегишли хизматларнинг энг катта ҳажми Тошкент шаҳрида қайд этилди. Мазкур вилоятда 20 821,5 млрд сўмга ёки ушбу хизматлар умумий ҳажмининг 91,1 % ига етди.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида муқобил тўпламнинг умумий таркибида АКТ хизматлари 89,7 % ни ташкил этди. Ушбу секторда компьютер дастурлаш хизматлари, консалтинг ва бошқа тегишли хизматлар 43,5 % га устунлик қилди. Жорий йилнинг таҳлил қилинаётган даврида дастурий таъминотни нашр қилиш хизматларининг улуши камроқ бўлди. Ушбу хизматлар 4,5 % ни ташкил этди.

ОАВ, контент ва АКТ хизматлари секторларининг муқобил тўплами (2024 йил январь-декабрь)

Хизмат турларининг номи	*Ҳажми, млрд сўмда*	*Умумий ҳажмдаги улуши, % да*
Жами	**58 532,8**	**100,0**
шу жумладан:		
АКТ хизматлари сектори	52 520,6	89,7
шу жумладан:		
Дастурий таъминотни нашр қилиш бўйича хизматлар	3 176,3	6,0
Телекоммуникация хизматлари	20 509,1	39,1
Компьютер дастурлаштириш, маслаҳат бериш хизматлари ва бошқа ёрдамчи хизматлар	22 866,1	43,5
Маълумотларга ишлов бериш, жойлаштириш бўйича хизматлар ва ўзаро боғлиқ хизматлар; web-порталлар	3 610,5	6,9
Компьютерлар ва алоқа усукуналарини таъмирлаш бўйича хизматлар	2 358,6	4,5
Контент ва оммавий ахборот воситалари сектори	6 012,2	10,3
шу жумладан:		
Китоблар, даврий нашрлар нашр қилиш бўйича хизматлар ва бошқа ноширлик хизматлари	878,0	14,6
Кино – видеофилмлар ва телевидение дастурлари ишлаб чиқиш бўйича хизматлар	465,6	7,7
Дастурлар тузиш ва телерадиоэшиттиришлар бўйича хизматлар	1 370,9	22,8
Бошқа ахборот хизматлари	3 297,7	54,9

Муқобил тўпламнинг умумий ҳажмида контент ва ОАВнинг улуши 10,3 % ни ташкил этди. Унинг таркибида дастурларни тузиш ва телерадиоэшиттириш билан боғлиқ хизматларнинг улуши 54,9 % га, кино – видеофильмлар ва телевидение дастурлари ишлаб чиқиш бўйича хизматлар 7,7 % га етди.

Таълим соҳасидаги хизматлар

Мазкур секция кундузги ёки сиртқи шаклда, шунингдек, Интернет тармоғи ва почта ёзишмалари орқали давлат томонидан бериладиган ёки хусусий турли даражадаги таълимни ва турли касбларга ўргатишни ўз ичига олади. Бунга турли даражадаги мунтазам мактаб тизими доирасида турли муассасалар томонидан бериладиган таълим, шунингдек, катталар учун таълим (тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари), таълимни қўллаб-қувватлаш фаолияти ва бошқалар киради.

Таълим соҳасидаги хизматлар фаолиятини амалга оширишда кўрсатилган бозор хизматлари, жумладан, масофавий таълим хизматларини кўрсатиш қиймати (контракт асосида ўқитиш шакли) акс эттирилади.

Таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми ва ўсиши (январь-декабрь)

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми 30 036,5 млрд сўмга етди. 2023 йилга нисбатан ўсиш суръати 113,4 % ни ташкил этган. Таълим соҳасидаги хизматларнинг умумий ҳажмида олий таълим соҳасидаги хизматлар устунлик қилиб, у 50,3 % ни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми (2024 йил январь-декабрь, млрд сўмда)

Ҳудудлар орасида таълим соҳасидаги энг катта ҳажм Тошкент шаҳрига тўғри келади. 2024 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида мазкур ҳудудда ушбу турдаги хизмат ҳажми 14 547,7 млрд сўмга етди ёки таълим соҳасидаги хизматлар умумий ҳажмининг 48,4 фоизига етди.

Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар

Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматларни кўрсатишда кўчмас мулк билан боғлиқ операциялар бўйича хизматлар қиймати, корхонанинг шахсий, хўжалик юритиш ёки тезкор бошқарувидаги, шунингдек, ижарага олинган кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлари акс эттирилади.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар ҳажми 20 633,1 млрд сўмга етди. Хизматларнинг умумий ҳажмидаги улуши 2,5 % ни ташкил этди.

Ушбу хизматларнинг умумий ҳажмида шахсий ёки ижарага олинган кўчмас мулкни ижарага бериш ва бошқариш бўйича хизматлар улуши устунлик қилади – 94,2 %.

Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар ҳажми ва ўсиши (камайиши) [1] (январь-декабрь)

[1] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда*

Ҳудудлар кесимида кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар ҳажми ва ўсиши (2024 йил январь-декабрь)

Ҳудудлар ўртасида кўчмас мулк билан боғлиқ кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши 60,5 % ни ташкил этди. Сирдарё вилоятида ушбу хизматлар умумий ҳажмининг 1,1 % ини ташкил этди.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ҳажми бу – соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан турли хил тиббий ёрдам ва санитария хизматлари учун кўрсатиладиган бозор хизматларининг қийматидир.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ҳажми 15 778,7 млрд сўмга, яъни, кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг 1,9 % ига етди. 2023 йилга нисбатан ўсиш суръати 109,4 % ни ташкил этди.

Таққослаш учун: 2020 йилнинг ҳисобот даврида ушбу хизматлар ҳажми 3 386,7 млрд сўмга тенг бўлган.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ҳажми ва ўсиши (камайиши) (январь-декабрь)

Ҳудудлар кесимида соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ҳажми ва ўсиши (2024 йил январь-декабрь)

Бошқа соғлиқни сақлаш хизматлари умумий ҳажмининг салмоқли қисмини шифохона муассалари хизматлари эгаллайди – 52,7 фоиз.

2025 йил 1 январь ҳолатига кўра, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот соҳасида хизмат кўрсатувчи фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 10 753 бирликни ташкил этди, шундан 9 254 бирлиги кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади.

Ижара хизматлари

Ижара хизматлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажми машиналар ва асбоб-ускуналарни операторларсиз ижарага бериш, маиший жиҳозлар ва шахсий эҳтиёж буюмларини ижарага беришдан олинган даромад миқдори сифатида аниқланади.

Ижара хизматлари ҳажми ва ўсиши (камайиши) [1] (январь-декабрь)

[1] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда*

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ижара хизматлари ҳажми 9 707,6 млрд сўмга етди.

Ўсиш суръати 105,5 % ни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида ижара хизматлари ҳажми (2024 йил январь-декабрь, млрд сўмда)

Ҳудудлар орасида ижара хизматларининг энг катта ҳажми Тошкент шаҳрига тўғри келади. 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида мазкур ҳудудда ушбу турдаги хизматлар ҳажми 3 421,0 млрд сўмни ёки ижара хизматлари умумий ҳажмининг 35,2 фоизини ташкил этди. Сирдарё вилоятида 2023 йилга нисбатан 18,1 фоиз юқори ўсиши қайд этилди.

Кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмида ижара хизматларининг енгил автомобиллар ва енгил автотранспорт воситаларини ижарага бериш хизматлари катта улушга эгадир – 53,6 %.

Ҳуқуқ ва бухгалтерлик ҳисоби соҳасидаги хизматлар

Ҳуқуқ ва бухгалтерия соҳасидаги хизматлар ҳажми – бу ҳуқуқ соҳасидаги бозор хизматларидан, мижозларга уларнинг қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа ҳуқуқий хизматлар бўйича маслаҳат беришдан, шунингдек бухгалтерия китобларини юритишдан, бухгалтерлик ҳисоби ва аудит, солиқ декларацияларини тайёрлашдан олинган даромадлар миқдори демакдир.

Ҳуқуқ ва бухгалтерлик ҳисоби соҳасидаги хизматлар ҳажми (январь-декабрь, млрд сўмда)

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳуқуқ ва бухгалтерлик ҳисоби соҳасида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 2 167,9 млрд сўмни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан ўсиш суръати 115,5 фоиз даражасида қайд этилди.



Ҳудудлар кесимида ҳуқуқ ва бухгалтерлик ҳисоби соҳасидаги хизматлар ҳажми (2024 йил январь-декабрь, млрд сўмда)

Ушбу хизматлар ҳажмининг салмоқли қисми Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келди, унинг ҳуқуқ ва бухгалтерлик ҳисоби соҳасида кўрсатилган хизматлар жами ҳажмидаги улуши 84,3 фоиз ёки 1 827,3 млрд сўмни ташкил этди.

Сирдарё вилоятида ҳуқуқ ва бухгалтерлик ҳисоби соҳасидаги хизматлар ҳажми 4,5 млрд сўм даражасида қайд этилди.

Аҳоли жон бошига ҳуқуқ ва бухгалтерлик ҳисоби соҳасидаги хизматлар

Ҳуқуқ ва бухгалтерлик хизматлари корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар учун ҳуқуқий ва молиявий барқарорликни таъминлашда асосий роль ўйнайдиган муҳим профессионал хизматлар мажмуасини ифодалайди.

Аҳоли жон бошига ҳуқуқ ва бухгалтерлик ҳисоби соҳасидаги хизматлар ҳажми (январь-декабрь, минг сўмда)

Юридик ва бухгалтерия хизматлари замонавий бизнес ва жисмоний шахслар ҳаётида асосий роль ўйнайди, ҳуқуқий ҳимоя ва молиявий шаффофликни таъминлайди.

Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига ҳуқуқ ва бухгалтерлик ҳисоби соҳасидаги хизматлар ҳажми (2024 йил январь-декабрь, минг сўмда)

2024 йил январь-декабрь ойларида Тошкент шаҳрида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳуқуқ ва бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги хизматлар ҳажми 593,9 минг сўмга етди. Шунингдек, Навоий (23,4 минг сўм) ва Тошкент (17,1 минг сўм) вилоятларида нисбатан юқори кўрсаткич қайд этилди.

Сурхондарё вилоятида эса бу кўрсаткич ўртача 2,9 минг сўмни ташкил этди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқий хавфсизлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашда юридик ва бухгалтерия хизматлари асосий ўрин тутади. Улардан фойдаланиш, айниқса, мураккаб ҳуқуқий ва солиқ қоидалари шароитида муҳим аҳамиятга эга.

Юридик хизматлар

Юридик хизматлар – бу ҳуқуқий характердаги хизматлар, шу жумладан маслаҳат ва тушунтиришлар бериш, ҳужжатларни тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш, судларда буюртмачиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Юридик хизматлар ҳажми фуқаролик, жиноий ишларда, меҳнат тортишувларида маслаҳат хизмати кўрсатиш ва вакиллик қилишни, шунингдек, юридик ҳужжатларни тайёрлаш, суд ижрочилари, ҳакамлик судьялари, инспекторлар ва судьяларнинг хизматлари, судларда ва бошқа суд органларида адвокатлар коллегиясининг аъзолари бўлган ёки уларнинг назорати остидаги шахслар томонидан юридик вакиллик ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича кўрсатилган бозор хизматлари нархини ўз ичига олади.

2024 йил январь-декабрь ойларида юридик хизматларнинг ҳуқуқ ва бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги жами хизматлар ҳажмидаги улуши 30,4 % ёки 659,2 млрд сўмни ташкил этди.

Юридик хизматлар ҳажми
(январь-декабрь, млрд сўмда)



Ҳудудлар кесимида юридик хизматлар ҳажми
(2024 йил январь-декабрь, млрд сўмда)

Ҳудудлар орасида ушбу хизмат турига Тошкент шаҳрида талаб юқори. Ушбу ҳудудда кўрсатилган хизматлар ҳажми 492,9 млрд сўмга етди ёки юридик хизматлар жами ҳажмининг 74,8 фоизини ташкил этди.

Бунинг сабаби шундаки, шаҳарларда аҳоли зичлиги, кўпроқ тижорат ва фуқаролик операциялари ва ҳуқуқий низолар сонининг кўпайиши туфайли юридик хизматларга талаб сезиларли даражада ошади.

Аҳоли жон бошига юридик хизматлар

Жамоатчилик ва тижорат фаолияти асосан юридик хизматларнинг самарадорлиги ва профессионаллигига боғлиқ. Улар жамият ва ташкилотларнинг барқарор ривожланиши учун шароит яратиб, ҳуқуқий барқарорлик, адолат ва қонунларга риоя қилишни таъминлайди. Улар ҳуқуқий барқарорликни қўллаб-қувватлайди, адолатни таъминлайди ва қонунларга риоя қилади, нафақат корхона ва ташкилотларнинг, балки аҳолининг иқтисодий фаровонлигини барқарор ривожлантириш учун асос яратади.

Аҳоли жон бошига юридик хизматлар ҳажми (январь-декабрь, минг сўмда)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳоли жон бошига юридик хизматлар ҳажми ўртача 17,7 минг сўмни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига юридик хизматлар ҳажми (2024 йил январь-декабрь, минг сўмда)

2024 йил январь-декабрь ойларида Тошкент шаҳрида аҳоли жон бошига тўғри келадиган юридик хизматлар ҳажми 160,2 минг сўмга етди.

Хоразм (10,9 минг сўм) ва Тошкент (7,5 минг сўм) вилоятларида нисбатан юқори кўрсаткич қайд этилди.

Юридик хизматлар қонун устуворлиги ва бозор иқтисодиётининг асосидир. Улар нафақат қонунчиликка риоя этилишини таъминлайди, балки барқарор иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш учун шарт-шароит яратади, жамият ва тадбиркорлик муносабатларининг барча иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашади.

Компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар

Компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар ҳажми бу – компьютерлар ва периферик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, коммуникация ускуналари (факслар, радиостанциялар)ни таъмирлаш, маиший электроника (радиоприёмниклар ва телевизорлар), уй ва боғ учун ускуналар (газон ўрувчи ва ҳаво (дам) берувчи машина), пойабзал ва чарм буюмлар, мебель ва уй жиҳозлари, кийим ва аксессуарлар, спорт анжомлари, мусиқа асбоблари ва бошқа шахсий буюмлар ва маиший товарларни таъмирлашдан тушган тушум миқдоридир.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар ҳажми 11 848,2 млрд сўм даражасида қайд этилди ва 2023 йилга нисбатан ўсиш 12,3 % ни ташкил этди.

Ҳудудлар орасида ушбу хизмат турига Тошкент шаҳрида талаб кўпроқдир. Бу ҳудудда хизматлар ҳажми 1 523,9 млрд сўмга етди.

Компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар ҳажми ва ўсиши (камайиши) [1] (январь-декабрь)



[1] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда*

Ҳудудлар кесимида компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар ҳажми ва ўсиши (2024 йил январь-декабрь)



Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар

Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар ҳажми шартномада назарда тутилган талабларга мувофиқ лойиҳалар, изланишлар, конструкторлик ва технологик ишлар ва кўрсатилган хизматлар, шунингдек, қурилиш ишлари устидан назорат ва бошқа инженерлик хизматларининг қийматини ўз ичига олади.

Меъморчилик соҳасидаги хизматлар ҳажми ва ўсиши (камайиши) (январь-декабрь)

Ҳудудлар кесимида меъморчилик соҳасидаги хизматлар ҳажми (2024 йил январь-декабрь, млрд сўмда)

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар ҳажми 11 200,6 млрд сўмни ташкил этди.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматларнинг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши 61,1 % ни ташкил этди.

Хизмат кўрсатиш соҳаси нафақат иқтисодий тараққиёт натижаси, балки унинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳамдир. Бу иш ўринларини яратади, инновацияларни рағбатлантиради, ҳаёт сифатини яхшилайди ва мамлакатнинг халқаро рақобатбардошлигини мустаҳкамлайди. Бу соҳани стратегик ривожлантириш барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажмида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги бозор нархлари бўйича қўшилган қиймат солиғи ва акцизсиз ҳисобланган тўловлар ҳисобга олинади.

Хизматлар олди-сотди объекти сифатида чиққанда ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган (хизматларни ишлаб чиқувчининг сарф-харажатларини тўлалигича ёки сезиларли даражада қоплайдиган) нархларда сотилганда, **бозор учун кўрсатилган бозор хизматлари** ҳисобланади.

“Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми” статистик кўрсаткичи – маълум бир вақт давомида кўрсатилган хизматлар қийматини ўлчовчи, истеъмолчиларга (юридик ва жисмоний шахслар, норезидентларни қўшган ҳолда) кўрсатилган хизматлар қийматини акс эттиради.

Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми бу – хизматлар кўрсатишга ихтисослашган ва хизмат кўрсатиш асосий фаолият тури ҳисобланадиган барча хизматлар кўрсатувлари (юридик ва жисмоний шахслар) томонидан кўрсатилган бозор хизматлари қийматидир.

Истеъмолчилар томонидан хизматлар учун тўловлар нақд пул, шу жумладан, пластик карточкалар ва пул ўтказиш, электрон тўловлар ва электрон пуллар орқали амалга оширилиши мумкин.

Норезидентларга кўрсатилган хизматлар (агар тўлов сўмда амалга оширилмаган бўлса), хизматларга тўловларни амалга ошириш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан сўмнинг белгиланган курси бўйича қайта ҳисобланган шартнома нархларига кўра аниқланади.

Тўлов хизматлари бозори – тўлов хизматларини кўрсатиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек тўлов воситаларини чиқариш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар мажмуи.

Электрон пуллар – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон пуллар эмитентлари томонидан чиқариладиган пуллар бўлиб, фақат Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида номланиши лозим.

Фаолият турлари бўйича хизматларни таснифлаш, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичига (кейинги ўринларда МСТ деб аталади) мувофиқ амалга оширилади.

Бозор хизматлари ҳажми МСТ бўйича таснифланган барча иқтисодий фаолият турларининг хизматларга тегишли қисми (G-S секциялар) бўйича шакллантирилади.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари алоқа соҳасидаги хизматларни, шу жумладан телефон, телекс, телеграф, радиоэшиттириш, электрон почта, суний йўлдош, факсимиле ва бошқаларни ишлатиб, овозли маълумот, тасвир ва бошқа ахборот оқимларини узатиш хизматларини қамраб олади.

Молиявий хизматлар Марказий банк, тижорат банклари ва бошқа молия-кредит ташкилотлари томонидан кўрсатилади. Бу гуруҳ хизматларга банкларнинг молиявий воситачилиги хизматлари (молиявий лизинг, кредит бериш), шу жумладан, масофавий банк хизматлари (интернет-банкинг, мобил-банкинг), инвестиция фондлари ва бошқа молиявий ташкилотларнинг молиявий воситачилиги, молия бозорлари (фонд ва валюта биржалари) фаолиятининг ёрдамчи молиявий воситачилиги ва бошқа молиявий хизматлар киради.

Транспорт хизматлари транспортнинг барча турларида юкларни ва йўловчиларни ташиш фаолияти, шунингдек, транспортировка қилишда ёрдамчи хизмат турлари, жумладан, логистик хизматларни ўз ичига олади.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар меҳмонхоналар, отеллар, мотеллар ва бошқа яшаш учун жойлар каби қисқа муддатли турар жой билан таъминлаш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматларни ўз ичига олади.

Савдо хизматлари улгуржи ва чакана хизматларни бирлаштириб, шунингдек, бошқа шахс манфаатлари учун товарларни олди-сотди шартномалари, комиссиялари ёки агентлик шартномалари асосида сотилган воситачилик хизматлари ҳамда автомобил ва мотоцикларни таъмирлаш хизматларини ўз ичига олади.

Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматларни кўрсатишда кўчмас мулк билан боғлиқ операциялар бўйича хизматлар қиймати, корхонанинг шахсий, хўжалик юритиш ёки тезкор бошқарувидаги, шунингдек, ижарага олинган кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлари, ушбу фаолият ташкилотнинг асосий фаолияти ёки йўқлигидан қатъий назар акс эттирилади.

Таълим соҳасидаги хизматлар олий, ўрта махсус, касб-ҳунар, умумтаълим, мактабгача таълим давлат муассасаларида тижорат асосида таълим олишни, шунингдек, радио ва телевидение, Интернет-каналлар ва почта алоқаларини қўшган ҳолда ҳар қандай даражадаги хусусий таълим олиш ва хоҳлаган касбга ўқишни қамраб олади.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар стационар шифохона муассасалари, поликлиникалар, стоматология муассасалари ва тиббий лабораториялар томонидан пуллик асосида кўрсатилган комплекс хизматларни қамраб олади.

Ижара хизматлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажми машиналар ва асбоб-ускуналарни операторларсиз ижарага бериш, маиший жиҳозлар ва шахсий эҳтиёж буюмларини ижарага беришдан олинган даромад миқдори сифатида аниқланади.

Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар ҳажми шартномада назарда тутилган талабларга мувофиқ лойиҳалар, изланишлар, конструкторлик ва технологик ишлар ҳамда кўрсатилган хизматлар, шунингдек, қурилиш ишлари устидан назорат ва бошқа инженерлик хизматларининг қийматини ўз ичига олади.

VI. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

1- БЎЛИМ. ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ВА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИ СОНИ

2025 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, транспорт соҳасида 15 778 корхона ва ташкилотлар (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) фаолият кўрсатмоқда. 2024 йилга нисбатан уларнинг сони 2 157 бирликка камайиш қайд этилди.

Транспорт соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони
(1 январь ҳолатига, фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари, бирликда)

Таҳлил қилинаётган даврда “Ташиш ва сақлаш” фаолияти билан шуғулланувчи жами корхона ва ташкилотлар таркибида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши доимий равишда 98,5 % даражасида сақланиб қолмоқда.



Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари, бирликда)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида “Ташиш ва сақлаш” фаолияти билан шуғулланувчи янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони 2 753 бирликка етди. Янги ташкил этилган транспорт корхоналари ва ташкилотларининг умумий корхоналар сонидаги улуши 3,5 % ни ташкил этди.

2- БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТРАНСПОРТ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ [1)]

Транспорт статистикаси бу – транспортда содир бўладиган ҳодисалар ва жараёнларни ўрганадиган статистика соҳасидир. Транспорт статистикаси кўрсаткичлари транспортнинг алоҳида турлари бўйича маълумотларни: темир йўл, автомобиль, шаҳар электр, қувур йўли ва ҳаво маълумотларини ўз ичига олади.

Юк ташиш (юк ташиш ҳажми) – транспорт орқали ташилган юкларнинг тонналардаги миқдори (пуллик багаж ва почтани қўшган ҳолда). Кўрсаткич транспорт турлари, қатнов, юк турлари бўйича ҳисобга олинади. Юкларни ташиш жараёнининг дастлабки дақиқаси "жўнатилган юклар (жўнатиш)" кўрсаткичи билан акс эттирилади, якуний нуқта – "келиб тушган юклар (келиб тушиши)" кўрсаткичи ҳисобланади.

2020 йилдан тортиб то 2024 йилнинг январь-декабрига қадар юк ташиш кўрсаткичларининг ўсиши қайд этилди.

Кузатувдан ўтган барча транспорт турлари орасида автомобиль транспорти (1 385,5 млн тонна) юк ташиш бўйича устунлик қилади. Темир йўл орқали 73,9 млн тонна юк жўнатилган. Қувур йўли орқали эса 61,8 млн тонна газ ташилган. Юк ташиш бўйича нисбатан паст кўрсаткич ҳаво транспортида қайд этилди – 14,4 минг тонна.

Барча транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмасининг ҳажми ва ўсиш суръатлари
(январь-декабрь, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари)

Юк ташиш *ҳажми, млн тонна, ўсиш суръати, % да*	**Юк айланмаси** *ҳажми, млн т –км, ўсиш суръати, % да*



[1)] *Графикда ва кейинги ўринларда 2020-2023 йиллар учун аниқлик киритилган маълумотлар келтирилган.*

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркиби
(январь-декабрь, % да)



2024 йил январь-декабрь ойларида, юк ташишнинг умумий ҳажмининг салмоқли қисмини автомобиль транспорти – 91,1 % ни, бошқа транспорт турларининг улуши эса – 8,9 % ни ташкил этди.

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, юк айланмасининг умумий ҳажмида қувур транспортининг улуши 36,2 %, темир йўл транспорти 34,5 %, автомобиль транспорти 28,9 %, ҳаво транспорти эса 0,4 % дан иборат бўлди.

Транспорт турлари бўйича юк айланмаси таркиби
(январь-декабрь, % да)

2023 йилга нисбатан 2024 йил январь-декабрь ойларида юк айланмасининг умумий ҳажмида айрим транспорт турлари улуши ўзгарди, хусусан: қувур йўли транспорти – 0,1 % га, темир йўл транспорти эса 0,6 % га камайди, шу билан бирга, автомобиль транспорти улуши 0,6 %, ҳаво транспорти 0,1 % га ўсиши қайд этилди.

	Йиллар				
	2020	2021	2022	2023	2024
Қувур	40,1	41,2	39,3	36,3	36,2
Темир йўл	35,3	32,9	33,1	35,1	34,5
Автомобиль	24,3	25,5	27,2	28,3	28,9
Ҳаво	0,3	0,4	0,4	0,3	0,4

Ташилган йўловчилар – маълум вақт давомида автомобиль воситаларида турли қатнов турлари бўйича ташилган йўловчилар сони (статистик кузатув бирлиги бўлиб йўловчи-қатнови ҳисобланади).

Йўловчи айланмаси – транспортнинг йўловчи ташиш бўйича иш ҳажми. Ўлчов бирлиги йўловчи-километр ҳисобланади. Ҳар бир ташиш бўйича йўловчилар сонини ташиш масофасига кўпайтмасини йиғиндиси орқали аниқланади. Қатнов турлари ва бошқа белгилар бўйича алоҳида ҳисобланади.

Барча транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмасининг ҳажми, ўсиши (камайиши)
(январь-декабрь)

Йўловчи ташиш

Йўловчи айланмаси

Бир нафар йўловчини ўртача ташиш масофаси *(км)*



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида барча транспорт турларида бир нафар йўловчи ташишнинг ўртача масофаси 23,7 км ни ташкил этди, 2023 йилда ҳам ушбу кўрсаткич 23,7 км даражасида қолди. 2022 йилда эса 23,5 км, 2021 йилда 22,7 км, 2020 йилда бўлса 22,3 км.ни ташкил этган.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш таркиби *(январь-декабрь, % да)*



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш таркибида автомобиль транспортининг улуши 95,8 % ни ташкил этди. Бу эса 2023 йилга нисбатан 1,4 пунктга, 2022 йилга нисбатан эса 1,8 пунктга камдир.

Барча транспорт турларида йўловчи ташишда, шаҳар электр транспортининг улуши 3,9 % ни ташкил этди.

Транспортнинг барча турлари бўйича йўловчи айланмасининг ўсиши (камайиши), *(январь-декабрь,% да)*



2020 йил давомида асосий транспорт турлари бўйича йўловчи айланмасининг ўсиш суръатига коронавирус пандемияси билан боғлиқ чекловлар таъсир кўрсатди. 2020 йилда йўловчи ташиш ҳажмларининг қисқариши, айрим ҳолларда эса уларни бутунлай тўхтатилиши барча транспорт турлари бўйича ўсиш суръатларининг пасайишида намоён бўлди. 2021-2023 йиллар ва 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида транспортнинг барча турлари бўйича йўловчи айланмасининг юқори ўсиш суръатлари қайд этилди. 2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига кўра, автомобиль транспортида йўловчи айланмасининг ўсиш суръати – 103,7 %, темир йўл транспорти – 104,5 %, ҳаво транспортида – 1,2 мартага ва шаҳар электр транспортида – 1,6 мартага юқори ўсиши қайд этилди.

Автомобиль транспорти – юридик ва жисмоний шахслар иштирокидаги саноат ва технологик мажмуа бўлиб, у йўловчилар, багаж ва юкларни, шу жумладан почта алоқасини (кейинги ўринларда йўловчилар, багаж ва юкларни) автотранспорт билан таъминлашда иқтисодиёт ва аҳолининг эҳтиёжларини қондиради.

Автомобиль транспорти йўловчи ва юкларни ташишда ҳам муҳим роль ўйнайди. 2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра автомобиль транспортида юк айланмаси ҳажми 1 178,3 млн т-км га ошиб, 23 005,6 млн т-км ни ташкил этди ёки 2023 йилга нисбатан 5,4 % га ўсиш қайд этилди.

Автомобиль транспортида юк ташиш ва юк айланмасининг ҳажми, ўсиши (камайиши)
(январь-декабрь)



2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига кўра, автомобиль транспортида 1 385,5 млн тонна юк ташилган бўлиб, 2023 йилга нисбатан юк ташиш ҳажми 4,8 % га ошган. 2023 йилда юк ташиш ҳажми 3,0 % га, 2022, 2021 ва 2020 йилларда ўсиш суръатлари 100,2 %, 103,5 % ва 105,1 % ни ташкил этди.

Автомобиль транспорти юк айланмасида 2021 йилда – 117,4 % га юқори ўсиш суръати қайд этилган бўлиб, нисбатан паст ўсиш суръатлари 2020 йилда кузатилди – 102,2 %.

Автомобиль транспортида йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси ҳажми, ўсиши (камайиши)
(январь-декабрь)

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига кўра автомобиль транспортида жами 6 582,6 млн йўловчи ташилиб, 2023 йилга нисбатан ўсиш суръати 104,6 % ни ташкил этди. 2023 йилда ташилган йўловчилар сони 6 292,7 млн йўловчини ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан ўсиш суръати 103,3 % дан иборат бўлган. 2022 йилда 103,0 % ни, 2021 йилда 112,7 % ни ташкил этди. 2020 йил эса ушбу кўрсаткич бўйича 11,3 % га камайиш қайд этилди. 2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига кўра, автомобиль транспортининг йўловчи айланмаси ҳажми 139 531,5 млн йўловчи-км (2023 йилга нисбатан 103,7 %), 2023 йилда эса 134 504,7 млн йўловчи-км (102,7 %), 2022 йилда 131 012,4 млн йўловчи-км (102,5 %), 2021 йилда 127 871,6 млн йўловчи-км (113,0 %), 2020 йилда 113 198,2 млн йўловчи-км (8,8 % га камайиш) қайд этилди.

Автомобиль транспортида юк ва йўловчи айланмасининг ўсиши (камайиши), *(январь-декабрь, % да)*



Автомобиль транспортида юк ва йўловчи ташишнинг ўсиши (камайиши), *(январь-декабрь,% да)*



Ҳудудлар кесимида автомобиль транспортида йўловчи ташишнинг ҳажми ва ўсиши
(2024 йил, январь-декабрь)



Ҳудудий маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, республика бўйича автомобиль транспортида йўловчи ташишнинг умумий ҳажмида Тошкент шаҳри, Тошкент, Андижон ва Фарғона вилоятларининг улуши салмоқли ўринни эгаллайди (умумий ҳажмдаги улуши 55,6 %).

Қорақалпоғистон Республикаси шунингдек, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида нисбатан паст кўрсаткичлар қайд этилди.

Темир йўл транспорти (темир йўл) – умумий фойдаланишдаги транспорт турларидан бири ҳисобланиб, унинг таркибига кирувчи корхоналар, муассасалар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий мақсадлар учун ташкилотлар билан ягона ишлаб чиқариш-технологик комплекс бўлиб, бошқа давлатларнинг темир йўллари ва транспортнинг бошқа турлари билан ўзаро муносабатларда ташишга бўлган эҳтиёжни таъминлайди.

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига кўра, темир йўл транспортида 73,9 млн тонна юк жўнатилиб, 2023 йилга нисбатан ўсиш суръати 100,3 % ни ташкил этди.

2023 йилда темир йўл транспорти орқали ташилган юклар ҳажми 73,7 млн тоннани ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 100,4 % ўсиш суръати қайд этилди. 2022 йилда 73,4 млн тонна (ўсиш суръати 101,9 %), 2021 йилда 72,0 млн тонна (ўсиш суръати 101,9 %), 2020 йилда 70,6 млн тонна (ўсиш суръати 100,7 %) юк жўнатилган.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида мазкур транспорт турида юк айланмаси ҳажми 27 451,6 млн т-км дан иборат бўлиб, 2023 йилга нисбатан ўсиш суръати 101,4 % ни ташкил этди. 2023 йилда юк айланмаси ҳажми 27 080,7 млн т-км (ўсиш суръати 108,4 %), 2022 йилда 24 989,3 млн т-км (101,5 %), 2021 йилда 24 618,8 млн т-км (104,2 %) ва 2020 йилда 23 632,2 млн т-км (100,8 %) ни ташкил этган.

Агар 2023 йил билан таққослайдиган бўлсак, 2024 йил январь-декабрь ойлари якунига кўра, темир йўл транспортида юк айланмаси ҳажми 0,4 млн т-км га ошиб, 27 451,6 млн т-км ни ташкил этди. Шу билан бирга, йўловчи айланмаси 174,2 млн йўловчи-км га ошиб, унинг ҳажми 4 077,9 млн йўловчи-км ни ташкил этди.

Темир йўл транспортида жўнатилган юклар ва юк айланмасининг ҳажми ва ўсиш суръатлари

(январь-декабрь, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръатлари)

Юк ташиш

Юк айланмаси

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ўртача суткалик ҳисобда темир йўл транспортида жўнатилган юк 202,0 минг тоннани ташкил этди. Ўртача бир тонна юк жўнатиш масофаси 371,4 км ни ташкил этди ёки 2023 йилга нисбатан 1,0 % га ўсиш қайд этилди.

Темир йўл транспортининг юк ва йўловчи жўнатиш ҳажми кўрсаткичлари, *(январь-декабрь)*

Юк ҳажми, ***млн т***

Йўловчилар сони, ***млн йўловчи***



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида темир йўл транспортида жами 9,8 млн йўловчи жўнатилган бўлиб, 2023 йилга нисбатан 1,8 % ўсиши қайд этилди. 2020 йилда пандемия сабабли йўловчилар сонининг кескин пасайиши қайд этилган (73,1 % га).

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида темир йўл транспорти йўловчи айланмаси ҳажми 4 077,9 млн йўловчи-км (2023 йилга нисбатан ўсиш суръати 104,5 %), 2023 йилда – 3 903,7 млн йўловчи-км (ўсиш суръати 110,0 %), 2022 йилда 3 549,4 млн йўловчи-км (113,4 %), 2021 йилда 3 130,2 млн йўловчи-км (174,4 %), 2020 йилда – 1 794,9 млн йўловчи-км (59,1 % га камайиш)ни ташкил этган.

Темир йўл транспортида жўнатилган йўловчилар ва йўловчи айланмаси ҳажми, ўсиши (камайиши) *(январь-декабрь, % да)*

Жўнатилган йўловчилар

Йўловчи айланмаси

Магистрал темир йўл транспортига ортилган асосий турдаги юклар кўрсаткичи
(2024 йил, январь-декабрь)

	Ҳажми, минг тонна	*Жами ҳажмга нисбатан улуши, % да*	*Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, % да*
Юклар – жами	**73 920,0**	**100,0**	**100,3**
шундан:			
кўмир	7 079,5	9,6	112,6
нефть юклари	6 503,5	8,8	95,7
турли рудалар	9 812,5	13,3	100,0
қора металлар	961,1	1,3	75,4
қора металл парчалари	620,3	0,8	74,5
кимёвий ва минерал ўғитлар	3 993,2	5,4	107,0
курилиш юклари	4 321,1	5,8	90,7
цемент	1 761,5	2,4	88,2
ёғоч юклари	39,6	0,1	109,1
дон ва ёрмалар	1 203,1	1,6	84,3
картошка, сабзавот ва мевалар	107,2	0,1	67,3
пахта толаси	4,3	0,0	42,0
бошқа юклар	37 513,1	50,8	102,6

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортида жўнатилган юк турлари бўйича 2023 йилга нисбатан айрим турларида юқори ўсиш суръатлари қайд этилди. Булар, кўмир (112,6 %), ёғоч юклари (109,1 %), кимёвий ва минерал ўғитлар (107,0 %) ва бошқа юклар (102,6 %) хисобланади.

Темир йўл орқали жўнатилган юкларнинг умумий ҳажмига салмоқли улушни турли рудалар (13,3 %), кўмир (9,6 %), нефть юклари (8,8 %), курилиш юклари (5,8 %), кимёвий ва минерал ўғитлар (5,4 %) ва бошқа юклар (50,8 %)ни ташкил этди.

Ҳаво транспорти бу – ҳаво кемалари (самолётлар) ва улардан фойдаланиш учун зарур бўлган инфратузилмани ўз ичига олган транспорт тури: аэропортлар, диспетчерлик ва техник хизматлар.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳаво транспортида юк ташиш ҳажми 14,4 минг тоннани ташкил этиб, бу эса 2023 йилнинг юк ташиш ҳажми даражасига нисбатан 54,8 % га ўсишни қайд этди. 2024 йил январь-декабрь ойлари якунига кўра, юк айланмаси ҳажми 18,9 % га ошиб, 269,1 млн т-км ни ташкил этди.

2020-2023 йиллар ва 2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига кўра, ҳаво транспортида жўнатилган юклар ва юк айланмаси кўрсаткичларининг ўзгариши бир мунча кенг диапазонга эга бўлди. Шундай қилиб, 2024 йил январь-декабрь ойларида ҳаво транспортида жўнатилган юк ҳажми 14,4 минг тоннани ташкил этди ва 2023 йилга нисбатан 54,8 фоизга ошди, 2023 йилда — 9,3 минг тонна (8,8 % га камайиш), 2022 йилда — 10,2 минг тонна (ўсиш суръати 112,1 %), 2021 йилда 9,1 минг тонна (ўсиш суръати 173,3 %) қайд этилди. 2020 йилда эса 5,3 минг тонна (49,4 % га камайиш)ни ташкил этган.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида мазкур транспорт турида юк айланмаси ҳажми 269,1 млн т –км дан иборат бўлиб, 2023 йилга нисбатан 18,9 % га ошди. 2023 йилда юк айланмаси ҳажми 226,3 млн т–км (29,9 % га камайиш), 2022 йилда 322,8 млн т–км (ўсиш суръати 106,3 %), 2021 йилда 303,5 млн т–км (ўсиш суръати 138,6 %) ва 2020 йилда 219,0 млн т–км (1,8 марта ўсиш) қайд этилди.

Ҳаво транспортида жўнатилган юклар ва юк айланмасининг ҳажми, ўсиши (камайиши)
(январь-декабрь)

Ҳаво транспортида жўнатилган йўловчилар ва йўловчи айланмасининг ҳажми, ўсиши (камайиши) *(январь-декабрь)*



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳаво транспорти орқали жами 6,0 млн йўловчи жўнатилган бўлиб, 2023 йилга нисбатан 14,9 % га ўсиш қайд этилди. 2023 йилда умумий жўнатилган йўловчилар сони 5,3 млн йўловчини ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 1,3 марта ўсиш қайд этилди. 2022 йилда 4,1 млн йўловчи (1,4 марта ўсиш), 2021 йилда – 3,0 млн йўловчи (3,4 марта ўсиш), аксинча 2020 йилда эса – 0,9 млн йўловчи (73,2 % га камайиш) қайд этилди.

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига кўра ҳаво транспортида йўловчи айланмаси ҳажми 17 021,9 млн йўловчи-км (2023 йилга нисбатан 123,4 %), 2023 йилда 13 792,4 млн йўловчи-км (1,3 марта ўсиш), 2022 йилда 10 905,4 млн йўловчи-км (2,1 марта ўсиш), 2021 йилда 5 258,8 млн йўловчи-км (1,7 марта ўсиш)ни ташкил этди. 2020 йилда эса ушбу кўрсаткич 3 013,8 млн йўловчи-км (72,6 % га камайиш) қайд этилди.

Ҳаво транспортида жўнатилган юк ва йўловчиларнинг ўсиши (камайиши), *(январь-декабрь, % да)*

Ҳаво кемаларининг кечикмасдан мунтазам етиб келиши 2023 йилда 96,3 % ўрнига 92,5 % ни ташкил этди. Шунга кўра, кечиккан авиапарвозлар улуши 7,5 фоизни ташкил этди. Халқаро ташувларда ҳаво кемаларининг мунтазам етиб келиши 3,5 ф.п. га камайиб, 92,9 % ни ташкил этди (2023 йилда 96,4 %).

Халқаро йўловчилар сонининг ортиши Париж, Истанбул, Сеул ва Саудия Арабистонига парвозлардан ташқари, Жакарта ва Урумчига йўловчи ташиш қайта тикланган билан изоҳланади.

Магистрал қувурлар – газни қазиб олиш ёки ишлаб чиқариш жойидан газ тақсимлаш станцияларигача бўлган узоқ масофаларга ўтказиш учун мўлжалланган қувурлардир.

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига кўра, қувур йўли транспорти орқали 61,8 млн тонна газ қуйилган бўлиб, 2023 йилга нисбатан 1,7 млн т ёки 2,9 % га ўсган. Қуйилган газ ҳажми 2020 йилда 19,5 % га, 2022 йилда 4,1 % га, 2023 йилда 5,4 % га пасайиши кузатилган. 2021 йилда эса 14,3 % га сезиларли ўсиш қайд этилди.

Россия ва Туркманистондан табиий газ ташиш ҳажмининг ортиши 2024 йил январь-декабрь ойларида ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатди.

Қувур йўли транспортида юк ташиш ва юк айланмасининг ҳажми, ўсиши (камайиши)
(январь-декабрь)

Шаҳар электр транспорти – энергия манбаи сифатида электр-энергиясидан фойдаланадиган транспорт тури ва тортиш электр моторидан фойдаланилади. Шаҳар электр транспортида статистика кузатуви объекти бўлиб йўловчиларни ташиш, ҳаракатланувчи таркиб, ундан фойдаланиш, йўл станциялари, транспорт ишларининг молиявий натижалари ҳисобланади. Статистика кузатуви бирлигини метрополитен, трамвай ва троллейбус корхоналари ташкил этади.

2024 йилнинг январь-декабрида шаҳар электр транспортида 273 833,4 минг йўловчи ташилиб, 2023 йилга нисбатан 1,6 мартага юқори ўсиш қайд этилди. Ушбу транспортнинг йўловчи айланмаси ҳажми 1 998,3 млн йўловчи-км ни ташкил этган бўлиб, 2023 йилга нисбатан 1,6 мартага юқори ўсиш қайд этилди.

Шаҳар электр транспортида йўловчи ташиш ва йўловчи айланмасининг ҳажми, ўсиши (камайиши) *(январь-декабрь)*

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига кўра шаҳар электр транспортида жами 273,8 млн йўловчи ташилган бўлиб, шулардан метрополитенда 270,3 млн йўловчи, трамвайда 2,9 млн йўловчи ва троллейбусда 0,6 млн йўловчи ташилган. 2023 йилга нисбатан ўсиш суръати 155,5 % ни (метрополитен 1,6 мартага ўсиш, трамвай 15,3 % га камайиш, троллейбус 3,1 % га камайиш) ташкил этди. Шаҳар электр транспорти бўйича йўловчи ташишнинг юқори ўсиши 2023 ва 2022 йилларда 1,3 марта, 2021 йилда 2,6 марта ўсиш, 2020 йилда эса 51,8 % га пасайиш қайд этилган. Мазкур транспорт турида йўловчи айланмасининг юқори ўсиш суръатлари 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида – 1,6 марта, 2023 ва 2022 йилларда – 1,3 марта, 2021 йилда – 2,6 марта ўсиш қайд этилди. 2020 йилда шаҳар электр транспортида йўловчи айланмаси ҳажми 296,3 млн йўловчи-км ни ташкил этган бўлса, 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида шу кўрсаткич 1 998,3 млн йўловчи-км ни ташкил этди. 2024 йил январь-декабрь ойларида электр транспортида йўловчи ташиш (98,7 %) ва йўловчи айланмасидаги (98,6 %) энг юқори улушини метрополитен эгаллади. Шундай қилиб, метрополитенда йўловчи ташиш ҳажми 270 301,5 минг йўловчини ташкил этиб, бу эса 2023 йилга нисбатан ушбу кўрсаткич 1,6 мартага ўсди. Ушбу транспорт турининг йўловчи айланмаси эса 1 970,5 млн йўловчи-км ни ташкил этди ёки 2023 йилга нисбатан 1,6 мартага ўсиши қайд этилди.

Шаҳар электр транспортида йўловчи ташиш таркиби
(январь-декабрь, % да)



2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига кўра, трамвайда 2 883,3 минг йўловчи ташилди, бу эса 2023 йилга нисбатан 15,3 % га пасайиши қайд этилди. Электр транспорти таркибидаги трамвайнинг йўловчи айланмаси ҳажми 10,1 млн йўловчи-км ни ташкил этиб, йўловчи ташиш бўйича улуши эса 1,1 % ни ташкил этди.

Шу билан бирга, 2024 йилнинг январь-декабрида троллейбусда 648,6 минг йўловчи ташилиб, 2023 йилга нисбатан 3,1 % га пасайиши кузатилди. Троллейбуснинг йўловчи айланмаси 17,7 млн йўловчи-км ни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан 3,1 % га пасайиш қайд этилди. Электр транспорти таркибидаги троллейбуснинг йўловчи ташиш улуши 0,2 % ни ташкил этди.

3-БЎЛИМ. ТРАНЗИТ ТАШУВЛАР [1)]

Транзит ташишлар – йўловчилар, багаж, юк багажи, юк ва почта жўнатмаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳар қандай транспорт тури орқали ҳаракатланиши, агар бундай ҳаракат йўлнинг фақат бир қисмида бўлса, жўнатиш пунктлари ва йўналишлари мамлакатдан ташқарида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ташилган транзит юклар ҳажми ва таркиби *(2024 йил, январь-декабрь)*

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтган темир йўл юк вагонлари сони 145 386 бирликни, автомобиль транспорти сони эса 131 933 бирликни ташкил этди.



[1)] *Маълумотлар Давлат божхона қўмитасининг электрон маълумотлар базаси асосида тайёрланган*

4-БЎЛИМ. ЙЎЛ-ТРАНСПОРТИ ҲОДИСАЛАРИ [1)]

Йўл-транспорти ҳодисаси – транспорт воситасининг йўлдаги қатнови жараёнида содир бўлиб, фуқароларнинг ўлими ёки уларнинг соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юклар шикастланишига ёки бошқа тарзда моддий зарар етказилишига сабаб бўлган ҳодиса.

Ўзбекистон Республикасида йўл-транспорти ҳодисалари сони
(январь-декабрь, бирликда)

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида умумий йўл-транспорти ҳодисалари сони 9 364 тани ташкил этди. 2023 йилга нисбатан мазкур кўрсаткич 475 тага камайган (-0,6 %). Бироқ, энг катта ўсиш 2021 йилда пандемиядан кейинги даврга тўғри келган.

2023 йил билан солиштирганда, 2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига кўра, йўл-транспорти ҳодисаларида жабрланганлар сони бўйича камайиш қайд этилган. Шундай қилиб, 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида жароҳат олганлар (жабрланганлар) сонининг 308 нафарга (-3,3 %) камайиши қайд этилган бўлиб, бу умумий ҳисобда 8 901 нафарни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида йўл-транспорти ҳодисалари сонини таққосланиши *(2024 йил январь-декабрь, бирликда)*

Тошкент	1 347	478	Қашқадарё
Тошкент шаҳри	1 280	447	Сурхондарё
Фарғона	1 201	355	Бухоро
Самарқанд	1 049	325	Жиззах
Наманган	941	292	Хоразм
Андижон	699	233	Навоий
Қорақалпоғистон Респ.	538	179	Сирдарё

[1)] *Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати маълумотлари базаси асосида тайёрланди*

Ҳудудий маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, республика бўйича қайд этилган йўл-транспорти ҳодисаларининг энг кўп сони Тошкент шаҳри (1 280 та), шунингдек, Тошкент (1 347 та), Фарғона (1 201 та), Самарқанд (1 049 та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди (республика кўрсаткичининг 52,1 % ини ташкил этди).

2023 йилга нисбатан йўл-транспорти ҳодисаларининг сони сезиларли даражада камайиши Самарқанд (-100 киши), Андижон (-63 киши), Наманган (-61 киши), Жиззах (-61 киши), Фарғона (-48 киши) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (-35 киши) кузатилди.

Йўл-транспорти ҳодисаларида жароҳат олган (жабрланган)лар сонининг ўсиши Сурхондарё (88 киши), шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида (42 киши) кузатилди.

Йўл-транспорти ҳодисаларида жароҳат олган (жабрланган)лар сонини ҳудудлар кесимида таққосланиши, киши

	2023 й.	*2024 й. Январь-декабрь*	*Фарқи 2024-2023 йиллар, (+,-)*
Ўзбекистон Республикаси	**9 209**	**8 901**	**- 308**
Қорақалпоғистон Респ.	478	520	+ 42
вилоятлар:			
Андижон	683	620	- 63
Бухоро	365	349	- 16
Жиззах	396	335	- 61
Қашқадарё	439	434	- 5
Навоий	248	227	- 21
Наманган	957	896	- 61
Самарқанд	974	874	- 100
Сурхондарё	289	377	+ 88
Сирдарё	180	164	- 16
Тошкент	1 144	1 142	- 2
Фарғона	1 197	1 149	- 48
Хоразм	256	246	- 10
Тошкент ш.	1 603	1 568	- 35

Йўл-транспорти ҳодисаларида жароҳат олган (жабрланган)лар умумий сонининг таркиби *(% да)*



2024 йил январь-декабрь ойларида йўл-транспорти ҳодисаларида жароҳатланганлар умумий сонининг 17,3 % ини 15 ёшгача бўлган болалар ташкил этди (1 544 та ҳолат). Бу эса 2023 йилга нисбатан 0,3 пунктга ҳамда 2022 йилдаги кўрсаткичга нисбатан эса 1,6 пунктга юқоридир.

5- БЎЛИМ. АЛОҚА ВА КОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИ

Алоқа статистикаси бу – алоқа каби иқтисодий секторнинг оммавий жараёнлари ва ҳодисаларини ўрганадиган статистика фанининг бир тармоғидир.

2025 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ахборот ва алоқа соҳасида 9 777 та корхона ва ташкилотлар (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) фаолият кўрсатиб, уларнинг сони 2024 йилга нисбатан 774 тага камайди.

Қуйидаги диаграмма кўрсаткичларига асосланиб, мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг сони 2025 йил 1 январь ҳолатига кўра, 7,3 % га камайиши кузатилди.

Ахборот ва алоқа соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони
(1 январь ҳолатига, фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари, бирликда)

Ўзбекистон Республикасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматларнинг ҳажми ва ўсиши
(январь-декабрь)[1)]



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми (яширин иқтисодиётни ҳисобга олган ҳолда) 56 174,2 млрд сўмни ташкил этди, 2023 йилга нисбатан 25,8 % га ўсиши кузатилди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кўрсатилаётган хизматлар ҳажми сўнгги йилларда сезиларли даражада ошди. Демак, 2020 йилда мазкур соҳада хизматлар ҳажми 13 852,3 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига кўра, ушбу кўрсаткич 42 321,9 млрд сўмга ўсиши қайд этилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмида нисбатан юқори улушни телекоммуникация хизматлари эгаллади – 36,5 %.

Ҳудудлар кесимида телекоммуникация хизматларининг ҳажми
(2024 йил январь-декабрь, млрд сўмда)

Тошкент шаҳри	8 734,4	816,6	Сурхондарё
Фарғона	1 469,9	816,0	Бухоро
Самарқанд	1 447,9	756,2	Қорақалпоғистон Респ.
Андижон	1 165,9	753,7	Хоразм
Тошкент	1 102,6	497,4	Навоий
Қашқадарё	1 046,6	484,9	Жиззах
Наманган	999,7	386,2	Сирдарё

[1)] 2023 йил ҳажми ва 2024 йил яннварь-декабрь ойлари маълумотлари, ўтказилган статистик кузатувлари асосида норасмий ва яширин иқтисодиётни баҳолаш орқали шакллантирилган.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида телекоммуникация хизматлари ҳажми 20 509,1 млрд сўмни ташкил этди. 2023 йилга нисбатан ушбу хизматларнинг ўсиш суръати 113,4 % даражасида қайд этилди.

2024 йил январь-декабрь якунига кўра, ҳудудлар кесимида кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатдики, Тошкент шаҳрининг улуши кўрсатилган телекоммуникация хизматларининг умумий ҳажмида салмоқли 42,7 фоизини эгаллади, яъни, 8 734,4 млрд сўмни ташкил этди. Сирдарё вилоятида эса мазкур хизматларнинг умумий ҳажмидаги улуши 1,9 фоизни ёки 386,2 млрд сўмни ташкил этди.

Алоқа хизматлари таркиби *(% да)*

Тақдим этилган диаграмма маълумотлари шуни кўрсатдики, 2021-2024 йиллар давомида мобил алоқа хизматлари ва бошқа алоқа хизматлари ўртасида нисбатан тенглик қайд этилди.

2024 йил январь-декабрь ойларида мобил алоқа хизматлари (Интернетни қўшган ҳолда) умумий алоқа хизматларининг 48,6 фоизини ташкил этди.

2025 йил 1 январь ҳолатига кўра, мобил алоқа билан таъминланган абонентлар сони 36 251,7 минг бирликни, шу жумладан, аҳолида 30 095,3 минг бирликни ташкил этди. Ҳар 100 киши ҳисобига аҳолининг мобил алоқа билан таъминланганлиги эса 81 бирликни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасида мобил алоқа абонентлари сони
(1 январь ҳолатига)

2025 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, *(Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги маълумотларига асосан)* Интернет тармоғига уланиш хизматларини кўрсатиш учун рухсатномага эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар сони 271 бирликни ташкил этди.

2023 йилнинг IV чораги билан таққослаганда, халқаро ахборот узатиш каналларининг ўтказувчанлик қобилияти 2024 йил январь-декабрь ойлари якунига кўра, 600 Гбит/с га ошиб, (4 200 Гбит/с) ни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасида ҳудудлар кесимида мобил алоқа абонентлари сони
(1 январь ҳолатига, минг абонент)

	2021 й.	*2022 й.*	*2023 й.*	*2024 й.*	*2025 й.*
Ўзбекистон Республикаси	**25 971,3**	**29 022,4**	**31 981,9**	**34 304,8**	**36 251,7**
Қорақалпоғистон Республикаси	1 377,7	1 427,4	1 499,2	1 599,2	1 734,0
вилоятлар:					
Андижон	2 166,9	2 498,4	2 696,3	2 858,6	2 944,3
Бухоро	1 404,8	1 488,8	1 547,6	1 626,9	1 738,0
Жиззах	917,1	958,5	1 027,1	1 112,9	1 228,1
Қашқадарё	1 996,8	2 068,2	2 207,2	2 403,5	2 632,0
Навоий	915,4	944,3	1 027,5	1 087,8	1 168,1
Наманган	1 941,2	2 212,3	2 386,3	2 536,2	2 675,4
Самарқанд	2 449,7	2 774,2	2 993,5	3 204,0	3 398,2
Сурхондарё	1 515,6	1 608,4	1 762,2	1 903,0	2 039,1
Сирдарё	614,6	705,1	729,7	809,1	861,6
Тошкент	1 405,1	1 672,0	2 021,5	1 997,5	2 300,8
Фарғона	2 858,9	3 026,2	3 230,7	3 459,9	3 565,1
Хоразм	1 281,5	1 315,2	1 402,9	1 575,2	1 671,6
Тошкент ш.[1)]	5 126,0	6 323,4	7 450,1	8 131,0	8 295,5

[1)] *Тошкент вилоятининг "UNITEL" ва "RUBICON WIRELESS COMMUNICATION" ҳажмларини қўшган ҳолда*

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти – аҳолини ва иқтисодиётни барча тармоқларининг йўловчилар, багажлар ва юклар, шу жумладан, почталарни автомобилларда ташишга бўлган эҳтиёжларини тижорат асосида таъминловчи транспорт.

Автотранспорт воситалари – йўловчилар, багажлар, юклар ташишга ҳамда махсус ишларни бажаришга мўлжалланган автомобиллар, шатакчи-автомобиллар, тиркама ва ярим тиркамалар.

Мавжуд автотранспорт воситалари – ташкилот балансида бўлган, техник ҳолатидан ва автомобилнинг жойлашган жойидан (таъмирлашда, хизмат сафарида, консервацияда, ижарада) қатъи назар, барча турдаги, маркадаги ва моделдаги автомобиллар сони.

Йўловчи автомобили – ўзининг тузилиши ва жиҳозланиши жиҳатидан йўловчилар ва багажларни ташишга мўлжалланган, зарур қулайлик ва хавфсизлик билан таъминланган автомобиль.

Юк автомобили – юкларни ташишга мўлжалланган, қаттиқ рамали механик йўл транспорти воситаси; юк автотранспорти воситалари фойдаланиш характери ва конструктив хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда умумий ва ихтисослаштирилган воситаларга бўлинади.

Автобус, микроавтобус – йўловчиларни ташишга мўлжалланган ва ҳайдовчи ўрнини ҳисобга олмаганда саккиздан ортиқ ўтириш ўриндиғига эга бўлган, қаттиқ рамали механик йўл транспорти воситаси.

Енгил автомобиль – ҳайдовчи ўрнини ҳисобга олмаганда, сиғими саккиз кишигача бўлган йўловчи автомобили. Енгил автомобиллар сонига почта ташишга мўлжалланган, санитария ва бошқа махсус енгил автомобиллар қўшилмайди.

Йўналишли такси – йўловчилар талабига кўра тўхтаган ҳолда мунтазам йўналишларда йўловчилар ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситаси (автобус ёки енгил автомобиль).

Йўналишсиз такси – йўловчиларнинг буюртманомаларига кўра ҳисоблагич (таксометр) кўрсаткичи бўйича ҳақ тўлаш ҳисобига йўловчиларни ва уларнинг багажини ташишда хизматлар кўрсатадиган автотранспорт воситаси.

Пикап ва енгил фургон – кузови енгил автомобиль шассисига мослаштирилган, юк кўтариш қобилияти юқори бўлмаган юк ва юк-йўловчи автомобиллари.

Юк айланмаси – транспортнинг юк ташиш бўйича иш ҳажми. Ўлчов бирлиги тонна-километр ҳисобланади. Транспортнинг юк айланмаси ташилаётган юкнинг ҳар бир жўнатмаси оғирлигини уни ташиш масофасига кўпайтмасининг йиғиндиси орқали аниқланади.

Ташилган йўловчилар – маълум вақт давомида автомобиль воситаларида турли қатнов турлари бўйича ташилган йўловчилар сони (статистик кузатув бирлиги бўлиб йўловчи-қатнови ҳисобланади).

Йўловчи айланмаси – транспортнинг йўловчи ташиш бўйича иш ҳажми. Ўлчов бирлиги йўловчи-километр ҳисобланади. Ҳар бир ташиш бўйича йўловчилар сонини ташиш масофасига кўпайтмасини йиғиндиси орқали аниқланади. Қатнов турлари ва бошқа белгилар бўйича алоҳида ҳисобланади.

Ташиш масофаси – объектни жўнатиш нуқтасидан белгиланган нуқтагача ташиш (транспортда ташиш) масофаси (километрда ўлчанади).

Юкларни ташишнинг ўртача масофаси – ўртача бир тонна юк ташиладиган масофа. Бутун автотранспорт бўйича, алоҳида юклар ва қатнов турлари бўйича юк айланмасини (тонна-километрда) ташилган юклар ҳажмига (тоннада) бўлиш орқали аниқланади.

Йўловчиларни ташишнинг ўртача масофаси – ўртача бир йўловчи ташиладиган масофа. У бутун автотранспорт ва қатнов турлари бўйича йўловчи айланмасини (йўловчи-километрда) ташилган йўловчилар сонига бўлиш орқали аниқланади.

Умумий босиб ўтилган масофа (километр) – транспорт воситасининг гаражга (тўхташ жойига) қайтиши ва гараждан (тўхташ жойидан) чиқиб кетиши вақтидаги спидометр кўрсаткичлари ўртасидаги бир кунлик фарқни ифодалайди. Умумий босиб ўтилган масофа, ҳисобот даври мобайнида барча фойдаланилаётган автомобилларнинг ҳар кунлик босиб ўтган масофаларини йиғиндиси орқали аниқланади.

Шаҳардаги ташувлар – шаҳар ва шаҳарчалар ҳудудидан чиқмаган ҳолда амалга ошириладиган ташувлар.

Шаҳар атрофидаги ташувлар – шаҳар ва шаҳарчалар ҳудуди чегарасидан ташқарига эллик километр бўлган масофагача амалга ошириладиган ташувлар.

Шаҳарлараро ташувлар – шаҳар ва шаҳарчалар ҳудуди чегарасидан ташқарига эллик километрдан кўпроқ бўлган масофага амалга ошириладиган ташувлар, шунингдек, масофанинг узунлигидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг икки ва ундан ортиқ вилоятлари ҳудудида амалга ошириладиган ташувлар.

Амалдаги нархларда **алоқа ва коммуникация хизматларини ишлаб чиқариш,** мазкур соҳада хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг даромадлари (сотишдан тушган тушум миқдори) йиғиндиси сифатида аниқланади.

Мобил алоқа билан таъминланган абонентлар сони – мобил алоқа тизимларига уланган абонент радиостанциялар сони.

Халқаро ахборот узатиш каналларининг ўтказиш қобилияти – бир вақтнинг ўзида узатилган ёки қабул қилинган максимал ахборот миқдори бўйича аниқланади.

VII. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ

1-БЎЛИМ. ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН САВДО КОРХОНАЛАРИ

Статистик маълумотлар жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни тавсифлаш ва бошқаришнинг энг муҳим воситасидир. Ҳозирда юқори сифатли статистик маълумотлардан фойдаланмасдан давлат сиёсатида тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиш имконсиз. Шулар қаторида савдо статистикаси кўрсаткичларини шакллантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмаси статистикаси кўрсаткичи шулар жумласидан.

Савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарнинг ҳудудлар кесимида сони
(2025 йил 1 январь ҳолатига)



Жами савдо корхоналари сонига нисбатан улуши (% да)



Савдо корхоналари сони
(2025 йил 1 январь ҳолатига, бирликда)



2-БЎЛИМ. ЧАКАНА САВДО ТОВАР АЙЛАНМАСИ

(умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмаси, шунингдек, автотранспорт воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари чакана савдосидан ташқари)

2025 йил 1 январь ҳолатига чакана савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 80 118 тани ташкил этиб, 2024 йил 1 январга нисбатан 14 911 тага камайган (ўсиш суръати 84,3 %). Шундан, фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сони 319 тани, кичик корхона ва микрофирмалар сони 79 799 тани ташкил қилди.

Шу жумладан, савдо соҳасида юридик шахс ташкил этмасдан фаолият олиб бораётган ЯТТлар ва уюшмаган савдо (жисмоний шахслар)нинг кузатувлар асосида йиғилган маълумотлари, чакана савдо кўрсатгичларига киритилган.

Юқорида қайд этилган тадбиркорлик субъектлари фаолияти натижасида, 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида республиканинг чакана савдо товар айланмаси 403 431,8 млрд сўмни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан 109,9 % га ошган. Шу жумладан, йирик корхоналарнинг товар айланмаси 64 629,2 млрд сўмни (ўсиш суръати 103,0 %), кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси 300 869,8 млрд сўмни (ўсиш суръати 111,0 %), уюшмаган савдо товар айланмаси 37 932,8 млрд сўмни (ўсиш суръати 114,5 %) ташкил этди.

Чакана савдо айланмасининг асосий кўрсаткичлари

Чакана савдо товар айланмаси таркибида йирик корхоналар улуши 16,0 %, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 74,6 %, шу жумладан уюшмаган савдо айланмаси 9,4 % ни ташкил қилди.

Чакана савдо айланмаси – аҳолига шахсий, оилавий, маиший ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шу каби фойдаланиш учун сотилган товарларнинг қиймати ҳисобланади.

Чакана савдо айланмаси (умумий овқатланиш корхоналари айланмасини қўшмаган ҳолда) аҳоли жон бошига 7,7 % га ошди ва 10 853,3 минг сўмни ташкил этди. (2023 йилнинг мос даврида – 9 511,2 минг сўм). Тошкент шаҳрида (34 237,3 минг сўм), Навоий (13 824,9 минг сўм) ва Тошкент (12 552,4 минг сўм) вилоятларида энг юқори ўртача жон бошига товар айирбошлаш қайд этилган бўлса, энг кам ўртача жон бошига товар айирбошлаш эса Қорақалпоғистон Республикасида (6 786,9 минг сўм), Сирдарё (7 041,9 минг сўм) ва Қашқадарё (7 242,0 минг сўм) вилоятларида қайд этилди.

Чакана савдо товар айланмаси
(2024 йил январь-декабрь ҳолатига)

	Жами		***Аҳоли жон бошига***	
	млрд сўм	***2023 йилнинг мос даврига нисбатан, % да***	***минг сўм***	***2023 йилнинг мос даврига нисбатан, % да***
Ўзбекистон Республикаси	**403 431,8**	**109,9**	**10 853,3**	**107,7**
Қорақалпоғистон Республикаси	13 683,7	108,3	6 786,9	106,9
вилоятлар:				
Андижон	27 518,3	108,5	8 028,2	106,3
Бухоро	22 101,5	109,3	10 726,3	107,5
Жиззах	11 590,6	109,5	7 612,9	107,3
Қашқадарё	26 071,1	109,0	7 242,0	106,6
Навоий	15 000,0	109,9	13 824,9	107,9
Наманган	25 081,2	110,0	8 093,6	107,6
Самарқанд	35 916,8	108,0	8 445,0	105,7
Сурхондарё	24 883,2	109,0	8 547,1	106,4
Сирдарё	6 495,4	108,7	7 041,9	106,7
Тошкент	38 662,8	111,9	12 552,4	109,8
Фарғона	35 002,4	109,2	8 530,7	106,9
Хоразм	16 083,6	109,9	7 985,9	107,8
Тошкент ш.	105 341,3	110,9	34 237,3	108,0

2024 йил январь-декабрь ойларида 2023 йилга нисбатан республиканинг Тошкент (111,9 %) вилояти, Тошкент шаҳри (110,9 %), Наманган (110,0 %), Навоий (109,9 %) ва Хоразм (109,9 %) вилоятларида чакана савдо товар айланмасининг энг юқори ўсиш суръатлари қайд этилди.

Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Тошкент шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 26,1 % ни ташкил этди, Тошкент вилояти 9,6 %, Самарқанд вилояти 8,9 %, Фарғона вилояти 8,7 %, Андижон вилояти 6,8 % ни ташкил этган бўлса, Сирдарё вилояти 1,6 % ва Жиззах вилояти 2,9 % улуш билан энг паст кўрсаткичларни қайд этди.

Ҳудудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши
(2024 йилнинг январь-декабрь ҳолатига, % да)



Республика чакана савдо товар айланмасида энг юқори улушни Тошкент шаҳри 26,1 % улуш билан 105 341,3 млрд сўмни ташкил этди.

Республика чакана савдо товар айланмасида энг қуйи улушни Сирдарё вилояти 1,6 % улуш билан 6 495,4 млрд сўмни ташкил этди.

Чакана савдо товар айланмаси ўсиш суръатлари динамикаси
(январь-декабрь ҳолатига, % да)



Сўнгги 5 йилликда чакана савдо товар айланмасининг юқори ўсиш суръати 2021 йилда кузатилди. Бунда чакана савдо товар айланмаси мос даврга нисбатан 117,0 % ни ташкил қилди.

2023-2024 йилларда чакана савдо ҳажмининг ойлар кесимида ўсиш суръати динамикаси, % да



Ушбу диаграммада кўриниб турибдики, чакана савдо товар айланмасида юқори ўсиш суръати 2024 йилнинг январь ойида 111,5 % ва қуйи ўсиш суръати 2024 йилнинг апрель ойида 108,2 % ни қайд этган.

Умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмаси

2025 йил 1 январь ҳолатига умумий овқатланиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 22 983 тани ташкил этиб, 2024 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 2 231 тага камайган (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 91,2 % ни ташкил этган). Шундан, фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сони 80 тани, кичик корхона ва микрофирмалар сони 22 903 тани ташкил қилди.

Ҳудудлар кесимида умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмаси ўсиш суръатлари, % да



Умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмасида юқори ўсиш суръати Тошкент шаҳри (111,6 %), Бухоро (111,6 %), Навоий (111,0 %) ва Самарқанд (110,9 %) вилоятларида кузатилди.

3-БЎЛИМ. УЛГУРЖИ САВДО АЙЛАНМАСИ

(автотранспорт воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари улгуржи савдосидан ташқари)

Улгуржи товар айланмаси – қайта сотиш мақсадида сотиб олинган ва тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш ёки ўз фойдаланиши (қайта ишлаш) учун учинчи томон ташкилотлари ва якка тартибдаги тадбиркорларга ўзгартирилмаган ҳолда жўнатилган товарларнинг қиймати, ушбу товарлар учун ҳақ тўланганлигидан ёки тўланмаганлигидан қатъий назар ҳисобга олинади.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2024 йилнинг январь-декабрь ойида улгуржи савдо товар айланмаси 455 343,2 млрд сўмни ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 11,4 % га ўсди.

Улгуржи савдо товар айланмасида юқори ўсиш суръатларига эга йирик корхоналар Жиззах (2,4 м) вилояти, Қорақалпоғистон Республикасида (170,4 %) ва Самарқанд (131,0 %) вилоятида кузатилди.

2025 йил 1 январь ҳолатига улгуржи савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналари сони 44 661 тани ташкил этиб, 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан 3 936 тага камайган, ўсиш суръати 91,9 % ни ташкил этган. Шундан, фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сони 345 тани, кичик корхона ва микрофирмалар сони 44 316 тани ташкил қилди.

Ҳудудлар кесимида улгуржи савдо айланмаси ўсиш суръати, % да



Ҳудудлар кесимида улгуржи савдо ҳажми

(2024 йил январь-декабрь)

	Жами (млрд сўм)	*2023 йилга нисбатан, % да*	*Йирик корхоналар (млрд сўм)*	*2023 йилга нисбатан, % да*	*Микрофирма ва кичик корхоналар (млрд сўм)*	*2023 йилга нисбатан, % да*
Ўзбекистон Республикаси	**455343,2**	**111,4**	**109 390,3**	**109,3**	**345 952,9**	**112,1**
Қорақалпоғистон Республикаси	6 757,0	111,8	819,6	170,4	5 937,4	106,7
вилоятлар:						
Андижон	13 321,3	109,3	641,5	86,4	12 679,8	110,8
Бухоро	18 023,9	106,5	4 945,7	99,6	13 078,1	109,3
Жиззах	5 539,8	147,2	630,4	238,7	4 909,4	140,3
Қашқадарё	8 844,5	110,0	1 007,9	97,3	7 836,6	111,8
Навоий	4 852,7	106,3	715,5	93,3	4 137,3	108,9
Наманган	18 548,4	108,9	3 371,0	91,2	15 177,3	113,8
Самарқанд	27 235,6	115,2	10 493,2	131,0	16 742,5	107,1
Сурхондарё	10 969,4	105,9	1 011,4	57,4	9 958,0	115,9
Сирдарё	6 671,4	109,2	242,2	28,1	6 429,2	122,5
Тошкент	52 714,5	116,3	7 510,1	121,1	45 204,4	115,5
Фарғона	25 732,3	110,3	786,8	64,6	24 945,5	112,8
Хоразм	9 033,0	111,0	385,9	40,8	8 647,1	120,2
Тошкент ш.	247 099,5	109,9	76 829,2	110,3	170 270,3	109,8

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида улгуржи савдода 2023 йилга нисбатан энг юқори ўсиш суръати Жиззах вилоятида (147,2 %) кузатилди.

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Чакана савдо – савдо соҳасида якуний истеъмол учун аҳолига товарларни доналаб ёки кўп бўлмаган миқдорларда нақд пулга сотишни назарда тутувчи фаолият, яъни товарларни фойдаланиш соҳасидан шахсий ёки умумий истеъмол соҳасига ўтган вақтдаги ҳаракатининг якуний босқичини ифодалайди.

Чакана товар айланмаси – товарларни сотиш тармоқларидан қатъи назар, аҳолига истеъмол товарларини нақд ҳисоб-китоб асосида ёки пластик карточкалари, кредит карточкалари, банкларнинг ҳисоб чеклари орқали (бу ҳам нақд ҳисоб-китоб асосида сотиш каби ҳисобга олинади) сотилган қиймати**.**

Умумий овқатланиш – юридик шахслар томонидан пазандачилик маҳсулотларини тайёрлашга, сотишга ва истеъмолини ташкил қилишга ихтисослаштирилган фаолиятни амалга ошириш.

Умумовқатланиш айланмаси – жойида аҳолига истеъмол учун, шунингдек, турли контингентдаги аҳолини овқатланишини ташкил қилиш учун ташкилот ва якка тадбиркорларга ўзи ишлаб чиқарган кулинария маҳсулотларини (таом, кулинария маҳсулотлари ва яримфабрикатлар), шунингдек, кулинария ишловисиз сотиб олинган товарларни (унли, қандолатли ва нон маҳсулотлари) сотишдан тушган тушумни ифодалайди.

Товар захиралари – чакана савдо корхоналари балансида турган ва келгусида сотиш учун мўлжалланган товарлар қолдиғи**.**

Товар айланмасининг товар тузилмаси – умумий савдода нисбий кўрсаткич – жамига нисбатан фоиз ҳисобидаги солиштирма оғирлик (улуш) ёрдамида акс этадиган, умумий товар айланмаси ҳажмидаги алоҳида товар ва товар гуруҳлари ўртасидаги нисбат, яъни товар айланмаси таркиби.

Улгуржи савдо – тижорат мақсадларида ёки ўзининг ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёжларига фойдаланиш учун, харид қилинган товарларни нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакли бўйича сотиш.

Истеъмол товарлари – якуний истеъмолга (оилавий ёки шахсий) қаратилган, бевосита инсон эҳтиёжини қондирадиган товарлар ва хизматлар.

Техник-ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотлар – ишлаб чиқариш истеъмоли учун мўлжалланган маҳсулот: хом ашё, материаллар, ёқилғи, бутловчи инструментлар, машиналар, эҳтиёт қисмлар, яримфабрикатлар ва бошқаларни ўз ичига олади.

Улгуржи савдо товар айланмаси – тузилган шартномалар бўйича тижорат мақсадларида (келажакда қайта ишлаш ёки сотиш) ёки ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклида товарлар сотишдан тушумни ифодалайди.

Товар захиралари – товар муомаласи доирасида бўлган товарлар ёки улгуржи корхоналар балансида турган ва келгусида сотишга мўлжалланган товарлар қолдиғи**.**

Товар айланмасининг товар тузилиши – товар айланмаси таркиби, умумий савдода нисбий кўрсаткич – жамига нисбатан фоиз ҳисобидаги солиштирма оғирлик (улуш) ёрдамида акс этадиган, умумий товар айланмаси ҳажмидаги алоҳида товар ва товар гуруҳлари ўртасидаги нисбат.

VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

1- БЎЛИМ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ СОНИ

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси иштирокчилари сони қарийб 34,9 мингтага етди (2023 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 805 тага камайди). Шундан экспортёрлар сони 7,8 мингта (2023 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 262 тага кўпайди)ни ташкил этган бўлса, 27,1 минг (2023 йилга нисбатан 543 тага камайди) импортёрлар томонидан товар ва хизматлар импорт қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси иштирокчилари
(2024 йил январь-декабрь, бирликда)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида энг кўп экспортёрлар сони бўйича Тошкент шаҳри (жамига нисбатан 30,8 %)га, Тошкент (13,4 %), Фарғона (9,8 %), Самарқанд (8,5 %) ва Наманган (6,5 %) вилоятлари етакчи ўрин эгаллади. Экспортчиларнинг энг кам улуши эса Жиззах (2,2 %), Навоий (2,2 %) ва Хоразм (2,3 %) вилоятларида қайд этилди.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида энг кўп импортёрлар Тошкент шаҳрига тўғри келган бўлса (жамига нисбатан 45,2 %), энг кам улуш Сирдарё вилоятига тўғри келди (жамига нисбатан 1,2 %).

2-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ

Республикада сўнгги йилларда амалга оширилаётган экспортни рағбатлантириш, импортни оптималлаштириш ва умуман олганда ташқи савдо мувозанатини таъминлаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида, 2024 йил январь-декабрь ойларида республиканинг ташқи савдо айланмаси (матнда ТСА) 65,9 млрд АҚШ долларига етди ва 2023 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 2,4 млрд АҚШ долларига ёки 3,8 % га ошишини таъминлади. Ушбу натижа мамлакат тарихида энг юқори кўрсаткич сифатида қайд этилди.

Ташқи савдо айланмаси ва баланси

(январь-декабрь, млн АҚШ доллари)

	2023 йил	*2024 йил*	*Ўсиш суръати, % да*	*Жамига нисбатан, % да*
Ташқи савдо айланмаси	**63 528,6**	**65 934,0**	**103,8**	**x**
Экспорт	**24 869,5**	**26 948,2**	**108,4**	**100,0**
товарлар	*10 972,5*	*12 100,6*	*110,3*	*44,9*
хизматлар	*5 640,4*	*7 204,4*	*127,7*	*26,7*
номонетар олтин	*8 153,8*	*7 480,6*	*91,7*	*27,8*
Импорт	**38 659,1**	**38 985,8**	**100,8**	**100,0**
товарлар	*35 574,8*	*35 237,8*	*99,1*	*90,4*
хизматлар	*3 084,3*	*3 748,0*	*121,5*	*9,6*
Салдо	**-13 789,6**	**-12 037,6**	**x**	**x**

ТСАда экспорт ҳажми 26 948,2 млн АҚШ долларига (8,4 % га кўпайди) ва импорт ҳажми 38 985,8 млн АҚШ долларига (0,8 % га кўпайди) етди. Ҳисобот даврида -12 037,6 млн АҚШ доллари қийматида манфий ташқи савдо баланси қайд этилди.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси

(январь-декабрь, млрд АҚШ доллари)



Юқоридаги диаграммада кўриниб турибдики, 2024 йил январь-декабрь ҳолатига кўра республиканинг ташқи савдо айланмаси 65,9 млрд АҚШ долларини ташкил қилди, 2020 йилга нисбатан 29,6 млрд АҚШ долл. ёки 81,8 % ўсиш қайд этилган.

Ташқи савдо айланмаси – муайян давр учун мамлакат экспорти ва импорти қийматининг миқдори ҳисобланади. Товарларнинг ташқи савдо статистикаси Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириш (импорт) ёки Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиш (экспорт) натижасида мамлакат материал ресурслари захираларига қўшиладиган ёки улардан айириб ташланадиган товарлар ҳисобини ташқи савдо умумий ҳисоб тизими асосида юритилади.

Ўзбекистон Республикаси билан ташқи савдо айланмаси энг юқори улушга эга бўлган давлатлар

(2024 йил январь-декабрь, млн АҚШ доллари)

ХХР	Россия	Қозоғистон	Туркия	Корея Республикаси
ТСА – 12 486,7	ТСА – 11 630,3	ТСА – 4 277,8	ТСА – 2 937,3	ТСА – 2 000,6
Экспорт: 2 054,9 Импорт: 10 431,8	Экспорт: 3 682,9 Импорт: 7 947,3	Экспорт: 1 452,3 Импорт: 2 825,5	Экспорт: 1 169,3 импорт: 1 768,0	Экспорт: 39,9 Импорт: 1 960,8
18,9 %	*17,6 %*	*6,5 %*	*4,5 %*	*3,0 %*

Германия	Туркманистон	Афғонистон	Франция	Ҳиндистон
ТСА – 1 213,9	ТСА – 1 148,2	ТСА – 1 134,3	ТСА – 1 131,3	ТСА – 980,4
Экспорт: 97,5 Импорт: 1 116,5	Экспорт: 128,2 Импорт: 1 020,0	Экспорт: 1 089,3 Импорт: 44,9	Экспорт: 795,1 Импорт: 336,2	Экспорт: 126,8 Импорт: 853,6
1,8 %	*1,7 %*	1,7 %	*1,7 %*	*1,5 %*

Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг 198 мамлакати билан савдо алоқаларини амалга ошириб келмоқда. ТСАнинг нисбатан салмоқли ҳиссаси ХХРда (18,9 %), Россияда (17,6 %), Қозоғистонда (6,5 %), Туркияда (4,5 %) ва Корея Республикасида (3,0 %) қайд этилган.

Бундан ташқари, қўшни давлатлар билан муносабатларнинг мустаҳкамланиши, ушбу мамлакатлар билан ижтимоий-иқтисодий, савдо-саноат ва маданий соҳаларда муносабатларни ривожлантириш бўйича катта ишлар олиб борилаётгани қайд этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг йирик ҳамкор давлатлар билан ташқи савдо айланмаси динамикаси

(январь-декабрь, млн АҚШ доллари)

Давлатлар	*2022 й.*	*2023 й.*	*2024 й.*
ХХР	**9 059,7**	**13 825,7**	**12 486,7**
Экспорт	*2 632,0*	*2 486,6*	*2 054,9*
Импорт	*6 427,7*	*11 339,1*	*10 431,8*
Россия	**9 381,8**	**10 156,3**	**11 630,3**
Экспорт	*3 151,1*	*3 495,7*	*3 682,9*
Импорт	*6 230,7*	*6 660,6*	*7 947,3*
Қозогистон	**4 651,1**	**4 485,6**	**4 277,8**
Экспорт	*1 407,5*	*1 417,1*	*1 452,3*
Импорт	*3 243,5*	*3 068,5*	*2 825,5*
Туркия	**3 382,0**	**3 161,1**	**2 937,3**
Экспорт	*1 643,5*	*1 263,3*	*1 169,3*
Импорт	*1 738,5*	*1 897,7*	*1 768,0*
Корея Республикаси	**2 342,5**	**2 368,0**	**2 000,6**
Экспорт	*42,8*	*54,5*	*39,9*
Импорт	*2 299,8*	*2 313,5*	*1 960,8*
Германия	**1 170,2**	**1 072,3**	**1 213,9**
Экспорт	*99,0*	*86,8*	*97,5*
Импорт	*1 071,3*	*985,5*	*1 116,5*
Туркманистон	**928,6**	**1 095,9**	**1 148,2**
Экспорт	*197,0*	*171,6*	*128,2*
Импорт	*731,6*	*924,2*	*1 020,0*
Афғонистон	**765,6**	**867,5**	**1 134,3**
Экспорт	*756,3*	*857,2*	*1 089,3*
Импорт	*9,3*	*10,3*	*44,9*
Франция	**344,3**	**995,4**	**1 131,3**
Экспорт	*72,6*	*400,4*	*795,1*
Импорт	*271,7*	*595,0*	*336,2*
Ҳиндистон	**691,6**	**761,0**	**980,4**
Экспорт	*36,5*	*111,9*	*126,8*
Импорт	*655,1*	*649,1*	*853,6*

Жадвал давоми

Давлатлар	*2022 й.*	*2023 й.*	*2024 й.*
АҚШ	**493,2**	**765,1**	**881,7**
Экспорт	*124,5*	*253,1*	*317,4*
Импорт	*368,7*	*512,0*	*564,3*
Қирғиз Республикаси	**1 263,3**	**968,3**	**846,4**
Экспорт	*982,5*	*634,4*	*513,3*
Импорт	*280,7*	*333,8*	*333,1*
Беларусь	**540,4**	**654,7**	**714,0**
Экспорт	*128,8*	*128,9*	*163,3*
Импорт	*411,6*	*525,8*	*550,8*
Тожикистон	**676,7**	**760,9**	**702,7**
Экспорт	*522,1*	*608,3*	*552,2*
Импорт	*154,5*	*152,6*	*150,5*
БАА	**518,6**	**721,5**	**649,7**
Экспорт	*122,9*	*298,4*	*249,6*
Импорт	*395,6*	*423,2*	*400,1*
Литва	**494,7**	**626,4**	**599,0**
Экспорт	*94,2*	*144,5*	*168,8*
Импорт	*400,5*	*481,9*	*430,3*
Эрон	**435,9**	**503,6**	**496,6**
Экспорт	*139,8*	*180,8*	*163,6*
Импорт	*296,1*	*322,8*	*333,1*
Бразилия	**554,6**	**656,7**	**439,2**
Экспорт	*1,2*	*4,4*	*13,1*
Импорт	*553,4*	*652,3*	*426,2*
Италия	**385,4**	**514,4**	**438,0**
Экспорт	*55,6*	*85,5*	*44,6*
Импорт	*329,8*	*429,0*	*393,4*
Чехия Республикаси	**187,5**	**351,0**	**434,7**
Экспорт	*32,0*	*53,3*	*54,5*
Импорт	*155,5*	*297,7*	*380,2*

Ташқи иқтисодий фаолият бўйича 20 та йирик ҳамкор-давлатлар орасидан тўртта давлатда фаол ташқи савдо баланси кузатилган. Хусусан, Афғонистон, Қирғиз Республикаси, Тожикистон ва Франция шулар жумласидандир. Қолган 16 та давлатлар билан пассив ташқи савдо баланси сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудлари кесимида ташқи савдо айланмаси

(2024 йил январь-декабрь, млн АҚШ доллари)



Республика ташқи савдо айланмаси таркибида энг юқори улушни Тошкент шаҳри 38,4 % улуш (25 337,8 млн АҚШ долларини), энг қуйи улушни эса Сурхондарё вилояти 0,6 % ёки 416,1 млн АҚШ долларини ташкил этди.

Табиий газ ва электр энергияси, махсус экспорт, шунингдек, туристик хизматлар экспорти ҳажми Ўзбекистон Республикаси вилоятлари, шаҳарлари ва туманлари кесимида тақсимланмайди.

Ўзбекистон Республикасининг МДҲ мамлакатлари ва бошқа хорижий давлатлар билан ташқи савдо айланмаси

(январь-декабрь, улуши % да, ҳажми млн АҚШ долларида)



Республикамизда ташқи савдони қўллаб-қувватлаш ҳамда МДҲ давлатлари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида, 2024 йил январь-декабрь ойлари ташқи савдо айланмасида МДҲ давлатларининг улуши 35,1 % ни ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 2,2 % га кўпайган.

Ўзбекистон Республикасининг МДҲ мамлакатлари билан умумий ташқи савдо айланмасидаги улуши

(2024 йил январь-декабрь, улуши, % да)

Ўзбекистон Республикасининг МДҲ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмасининг энг юқори ҳажмлари Россия (50,3 %), Қозоғистон (18,5 %) ҳамда Туркманистон (5,0 %) давлатларида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо давлатлар билан ташқи савдо айланмаси
(2024 йил январь-декабрь, млн АҚШ доллари)

Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) – халқаро юридик мақомга эга бўлган минтақавий иқтисодий интеграциялашган халқаро ташкилот бўлиб, 2014 йил 29 майдаги Евроосиё иқтисодий иттифоқи тўғрисидаги шартнома билан тасдиқланган.

Шуни такидлаш лозимки, ЕОИИнинг аъзо давлатлари (Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғиз Республикаси ва Россия Федерацияси) ўртасида товарлар ва хизматлар ҳаракати, мигрантлар ҳаракатланиши ва капитал ҳаракатининг эркинлиги таъминланган бўлиб, ягона божхона тизимига эга бўлган умумий иқтисодий ҳудуд шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо давлатлар билан ташқи савдо айланмаси 17 497,4 млн АҚШ долларини ташкил этди. Шундан экспорт ҳажми 5 833,2 млн АҚШ доллари, импорт ҳажми эса 11 664,2 млн АҚШ долларига етди.

3 -БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКСПОРТИ

Ўзбекистон Республикаси экспорти ҳажми динамикаси

(январь-декабрь, млрд АҚШ доллари)



Халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши экспортнинг барқарор ўсишига кўмаклашади ва бу ўз навбатида маълум натижаларга эришиш учун замин яратади. Мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, экспортёрларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, экспортбоп маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш мақсадида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида, экспортёрлар сони 7 756 тага етди ва улар томонидан 19 467,6 млн АҚШ доллари (номонетар олтиндан ташқари) қийматидаги (2023 йилга нисбатан 16,5 % га кўпайди) товар ва хизматлар экспорт қилиниши таъминланди.

ХССТ* БЎЙИЧА ЭКСПОРТ ТАРКИБИ

(2024 йил январь-декабрь, улуши % да)

Товарлар ташқи савдоси статистик кўрсаткичларини шакллантиришда, Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (ТИФ ТН) билан биргаликда, БМТнинг **Халқаро стандартлашган савдо таснифлагичи (ХССТ) ишлатилади. Бу ўз навбатида таҳлилий мақсадларда экспорт ва импорт қилинадиган товарларни 10 та катта қисмга гуруҳлаш учун имкон беради. Товарларни ХССТ бўйича кодлаштириш, ТИФ ТН ва ХССТ ўртасида ўтиш калитлари ёрдамида амалга оширилади.*

Ўзбекистон Республикаси ХССТ бўйича экспорт таркиби

(январь-декабрь)

ХССТ таркиби	*Млн АҚШ доллари*		*Ўсиш суръати, % да*		*Умумий ҳажмга нисбатан, % да*	
	2023 й.	*2024 й.*	*2023 й.*	*2024 й.*	*2023 й.*	*2024 й.*
Жами	**24 869,5**	**26 948,2**	**126,0**	**108,4**	**100,0**	**100,0**
шу жумладан:						
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар	1 777,6	2 175,2	109,0	122,4	7,1	8,1
Ичимликлар ва тамаки	123,0	138,5	110,7	112,6	0,5	0,5
Ноозиқ-овқат хомашё, ёқилғидан ташқари	321,4	320,6	81,7	99,8	1,3	1,2
Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар	940,6	1 315,0	77,4	139,8	3,8	4,9
Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	14,2	43,5	66,9	306,9	0,1	0,2
Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар	1 307,4	1 687,3	100,0	129,1	5,3	6,3
Саноат товарлари	4 051,5	4 200,7	92,4	103,7	16,3	15,6
Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари	1 305,2	1 202,2	134,0	92,1	5,2	4,5
Турли хил тайёр буюмлар	1 195,6	1 105,7	108,1	92,5	4,8	4,1
Бошқа товарлар	8 192,6	7 555,1	198,3	92,2	32,9	28,0
шу жумладан: номонетар олтин	8 153,8	7 480,6	198,4	91,7	32,8	27,8
Хизматлар	5 640,4	7 204,4	126,6	127,7	22,7	26,7

Экспорт таркибида товарлар улуши 73,3 % ни ташкил этиб, улардан: бошқа товарлар (28,0), саноат товарлари (15,6 %), озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар (8,1 %) ва кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар (6,3 %) ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шунингдек, экспорт таркибида олтин улуши жорий йилнинг январь-декабрь ойларида 27,8 % ни ташкил этди. Умумий экспортда хизматлар, 2023 йилга нисбатан 5,0 % га камайди.

Ўзбекистон Республикасининг МДҲ мамлакатлари ва бошқа хорижий давлатларга товар ва хизматлар экспорти
(январь-декабрь, улуши % да, ҳажми млн АҚШ долларида)



2024 йил январь-декабрь ойларида ташқи савдо айланмасида товарлар ва хизматлар экспорти бўйича асосий ҳамкорларимиз ХХР, Россия, Қозоғистон, Туркия, Афғонистон, Франция ва Тожикистон каби давлатлар бўлган. Уларнинг умумий экспортдаги улуши 40,1 % ни ташкил этди.

Республика экспортида асосий ҳамкор давлатларнинг улуши
(2024 йил январь-декабрь, % да)

Ўзбекистон Республикасининг асосий ҳамкор давлатларга амалга оширган экспорти ҳажми ва ўсиш суръатлари

(январь-декабрь ҳолатига)

Давлатлар	*Млн АҚШ доллари*		*Ўсиш суръати, % да*		*Ўрни*	
	2023 й.	*2024 й.*	*2023 й.*	*2024 й.*	*2023 й.*	*2024 й.*
Россия	3 495,7	3 682,9	110,9	105,4	1	1
ХХР	2 486,6	2 054,9	94,5	82,6	2	2
Қозоғистон	1 417,1	1 452,3	100,7	102,5	3	3
Туркия	1 263,3	1 169,3	76,9	92,6	4	4
Афғонистон	857,2	1 089,3	113,3	127,1	5	5
Франция	400,4	795,1	5,5 м.	198,6	8	6
Тожикистон	608,3	552,2	116,5	90,8	7	7
Қирғиз Республикаси	634,4	513,3	64,6	80,9	6	8
АҚШ	253,1	317,4	2,0 м.	125,4	11	9
Покистон	269,3	299,5	145,4	111,2	10	10
БАА	298,4	249,6	2,4 м.	83,7	9	11
Озарбайжон	133,4	208,1	99,7	156,0	16	12
Литва	144,5	168,8	153,4	116,8	15	13
Эрон	180,8	163,6	129,3	90,5	13	14
Беларусь	128,9	163,3	100,1	126,7	17	15
Гонконг	15,7	162,7	2,1 м.	10,4 м.	43	16
Буюк Британия	182,0	142,9	159,3	78,5	12	17
Туркманистон	171,6	128,2	87,1	74,7	14	18
Ҳиндистон	111,9	126,8	3,1 м.	113,3	18	19
Латвия	110,3	115,8	103,8	105,0	19	20

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудлар кесимида экспорти

(2024 йил январь-декабрь, млн АҚШ доллари)



Республика экспорти таркибида энг юқори улушни Тошкент шаҳри 20,5 % билан 5 527,3 млн АҚШ долларини, энг қуйи улушни эса Жиззах вилояти 0,8 % билан 208,1 млн АҚШ долларини ташкил этди.

Экспорт ҳажмининг энг юқори ўсиш суръатлари 2023 йилга нисбатан Навоий (170,3 %), Қорақалпоғистон Республикаси (128,7 %), Хоразм (127,0 %), Сурхондарё (122,4 %), Фарғона (120,8 %), Қашқадарё (120,2 %), Самарқанд (113,8 %) вилоятлари ва Тошкент (101,4 %) шаҳрида қайд этилди. Энг паст ўсиш суръати Сирдарё вилоятига (84,9 %) тўғри келди.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти
(2024 йил январь-декабрь)

Ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалиги ва боғдорчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани боис экспорт қилинаётган маҳсулотлар сифати ва ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 2024 йил январь-декабрда 2 036,2 минг тонна мева ва сабзавотлар экспорти амалга оширилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2023 йилга нисбатан 15,8 % ёки 278,5 минг тоннага ўсган.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти
(2024 йил январь-декабрь)



2024 йил январь-декабрда озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисми бўлган 1 549,5 млн АҚШ доллари қийматидаги мева-сабзавот экспорт қилинди. Бу кўрсаткич 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 31,2 % га кўпайди ва жами экспортдаги улуши 5,8 % ни ташкил этди.

Мева – сабзавот маҳсулотларини экспорт ҳажми мос даврга нисбатан ўзгариши нўхат –13,1 м., узум – 2,2 м., сабзи – 81,1 %, карам – 68,8 %, ерёнғоқ – 64,4 %, ўрик – 52,9 %, шафтоли – 44,2 %, гилос – 33,0 %, олхўри – 18,5 % га ўсди.

2024 йил январь-декабрь ойларида мева ва сабзавотлар экспортининг қиймат жиҳатидан энг катта ҳажми Россияга тўғри келди (мева ва сабзавотлар экспорти умумий ҳажмининг 40,0 % и) бу кўрсаткич Қиргиз Республикасига экспорт ҳажмидан 5,4 баравар кўп.

Россияга январь-декабрь ойларида 632,9 млн АҚШ долларига тенг 815,1 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари жўнатилган бўлиб, мева ва сабзавотлар экспорти умумий ҳажмининг 40,0 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистоннинг мева-сабзавот маҳсулотлари иккинчи йирик истеъмолчиси Қозоғистон (25,6 %), учинчи Қирғиз Республикаси (7,4 %) ва тўртинчи ХХР (7,1 %) ҳисобланади.

Ушбу тўрт мамлакат Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг асосий бозорлари бўлиб, уларнинг умумий улуши 80,1 фоизни ташкил этди.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт географияси

(2024 йил январь-декабрь)

Давлатлар	*минг тонна*	*млн АҚШ доллари*	*улуши, % да*
Россия	815,1	632,9	40,0
Қозоғистон	520,5	189,8	25,6
Қирғиз Республикаси	151,7	57,9	7,4
ХХР	144,6	128,6	7,1
Покистон	124,7	192,3	6,1
Афғонистон	67,6	124,4	3,3
Ироқ	32,9	13,4	1,6
Туркия	28,2	48,3	1,4
Беларусь	22,6	20,3	1,1
Грузия	17,9	15,9	0,9
Эрон	14,3	18,0	0,7
БАА	13,2	9,7	0,6
Украина	12,3	10,7	0,6
Озарбайжон	11,7	21,9	0,6
Латвия	11,3	5,8	0,6
Бошқа давлатлар	47,8	59,7	2,3

Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти

(2024 йил январь-декабрь)

Сўнгги йилларда енгил саноатда юқори қўшилган қийматдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожланиб бормоқда. Енгил саноат иқтисодий жиҳатдан Ўзбекистон учун муҳим соҳа бўлгани ҳолда, аҳоли бандлигининг юқори даражасини, шунингдек, саноат салоҳиятига ҳамда давлатимизнинг халқаро нуфузига ҳисса қўшилишини таъминлайди.

Тўқимачилик маҳсулотларининг экспорти ҳажмлари ошишини бевосита пахта хом - ашёсини ўрнига тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва қўшимча қиймат яратиш мақсадида амалга оширилган ислоҳотлар натижаси сифатида қараш мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда саноат ва қишлоқ хўжалигидаги туб ўзгаришлар туфайли экспорт таркиби сезиларли даражада ўзгарди. Хусусан, экспортдаги пахта толаси улуши кескин камайди ҳамда 2010 йилда улуш 12,1 % ни ташкил этган бўлса, 2023 йил якунларига кўра эса бу кўрсаткич 0,2 % ни ташкил этди. Бу шуни англатадики, тўқимачилик саноатида қўшимча қийматга йўналтирилган сиёсат самарали ва хом - ашё сифатида камроқ пахта толалари экспорт қилинмоқда.

Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти динамикаси

(2024 йил январь-декабрь, млн АҚШ доллари)

Хусусан, 2024 йил январь-декабрь ойлари якуни бўйича 2 867,4 млн АҚШ долларилик тўқимачилик маҳсулотлари экспорти амалга оширилиб, умумий экспортнинг 10,6 % ини ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 6,7 % га кўпайди.

Хизматлар экспорти

Хизматлар экспорти ҳажми 7 204,4 млн АҚШ долларини ёки жами экспорт ҳажмининг 26,7 % ини ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 27,7 % га кўпайди.

Хизматлар экспорти таркибининг асосий улуши сафарлар (туризм) (48,8 %), транспорт (35,7 %), телекоммуникация, компьютер ва ахборот (8,6 %) ва бошқа тадбиркорлик билан боғлиқ хизматлар (3,5 %) ҳиссасига тўғри келган.

Хизматлар экспорти

(2024 йил январь-декабрь, млн АҚШ доллари)



Шу билан бирга, бошқа хизматлар (3,5 %)ни ташкил этиб, таркибида энг юқори улушлар молиявий хизматлар (0,9 %), суғурта ва пенсия таъминоти хизматлари (0,9 %), ҳамда қурилиш хизматлари (0,5 %) ҳиссасига тўғри келди.

4- БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИМПОРТИ

Ўзбекистон Республикаси импорти ҳажми динамикаси

(январь-декабрь, млрд АҚШ доллари)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида импорт ҳажми 38 985,8 млн АҚШ долларини ва 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 0,8 % ни ташкил этди. Импорт таркибида энг катта улуш, машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари (34,6 %), саноат товарлари (15,5 %) ҳамда кимёвий воситалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар (12,0 %) ҳисобига тўғри келди.

ХССТ бўйича импорт таркиби

(2024 йил январь-декабрь, улуши % да)

Товарлар импорти динамикаси таҳлилига кўра, 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида импорт қилинган товарлар ҳажми, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 337,0 млн АҚШ долларига кўпайди ва 35 237,8 млн АҚШ долларини ташкил этди. Хизматлар импорти эса 3 748,0 млн АҚШ долларига етди.

**Товарлар ташқи савдоси статистик кўрсаткичларини шакллантиришда, Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (ТИФ ТН) билан биргаликда, БМТнинг Халқаро стандартлашган савдо таснифлагичи (ХССТ) ишлатилади. Бу ўз навбатида таҳлилий мақсадларда экспорт ва импорт қилина-диган товарларни 10 та катта қисмга гуруҳлаш учун имкон беради. Товарларни ХССТ бўйича кодлаштириш, ТИФ ТН ва ХССТ ўртасида ўтиш калитлари ёрдамида амалга оширилади.*

Ўзбекистон Республикаси ХСТ бўйича импорт таркиби

(январь-декабрь ҳолатига)

ХСТ таркиби	Млн АҚШ доллари		Ўсиш суръати, % да		Умумий ҳажмга нисбатан, % да	
	2023 й.	2024 й.	2023 й.	2024 й.	2023 й.	2024 й.
Жами импорт	**38 659,1**	**38 985,8**	**125,6**	**100,8**	**100,0**	**100,0**
шу жумладан:						
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар	3 495,7	3 695,9	103,0	105,7	9,0	9,5
Ичимликлар ва тамаки	191,6	251,3	137,6	131,2	0,5	0,6
Ноозиқ-овқат хомашё, ёқилғидан ташқари	1 125,3	1 195,7	87,7	106,3	2,9	3,1
Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар	2 633,6	3 953,1	146,7	150,1	6,8	10,1
Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	425,4	373,2	106,1	87,7	1,1	1,0
Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар	4 864,5	4 688,0	111,3	96,4	12,6	12,0
Саноат товарлари	6 322,8	6 054,9	110,0	95,8	16,4	15,5
Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари	14 935,2	13 488,3	154,0	90,3	38,6	34,6
Турли хил тайёр буюмлар	1 489,8	1 482,5	111,9	99,5	3,9	3,8
Бошқа товарлар	90,9	55,0	144,5	60,5	0,2	0,1
Хизматлар	3 084,3	3 748,0	121,1	121,5	8,0	9,6

2024 йил январь-декабрь натижаларига кўра МДҲ мамлакатларидан импорт улуши 36,1 % ни ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 3,5 % га кўпайди.

Ўзбекистон Республикасининг МДҲ ва бошқа давлатлардан товар ва хизматлар импорти

(январь-декабрь, улуши % да, ҳажми млн АҚШ долларида)



2024 йил январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикаси 172 та давлатдан товар ва хизматлар импортини амалга оширди. Етти йирик ҳамкор давлатлар (ХХР, Россия, Қозоғистон, Корея Республикаси, Туркия, Туркманистон ва Германия) жами импортнинг 2/3 қисмини ташкил этди.

Республика импортида асосий ҳамкор давлатларнинг улуши

(2024 йил январь-декабрь, улуши % да)

Ўзбекистон Республикасининг асосий ҳамкор давлатларга амалга оширган импорти ҳажмлари ва ўсиш суръатлари

(январь-декабрь ҳолатига)

Давлатлар	Млн АҚШ доллари		Ўсиш суръати, % да		Ўрни	
	2023 й.	2024 й.	2023 й.	2024 й.	2023 й.	2024 й.
ХХР	11 339,1	10 431,8	176,4	92,0	1	1
Россия	6 660,6	7 947,3	106,9	119,3	2	2
Қозоғистон	3 068,5	2 825,5	94,6	92,1	3	3
Корея Республикаси	2 313,5	1 960,8	100,6	84,8	4	4
Туркия	1 897,7	1 768,0	109,2	93,2	5	5
Германия	985,5	1 116,5	92,0	113,3	6	6
Туркманистон	924,2	1 020,0	126,3	110,4	7	7
Ҳиндистон	649,1	853,6	99,1	131,5	9	8
АҚШ	512,0	564,3	138,9	110,2	12	9
Беларусь	525,8	550,8	127,7	104,7	11	10
Литва	481,9	430,3	120,3	89,3	13	11
Бразилия	652,3	426,2	117,9	65,3	8	12
БАА	423,2	400,1	107,0	94,5	15	13
Италия	429,0	393,4	130,1	91,7	14	14
Чехия	297,7	380,2	191,4	127,7	20	15
Франция	595,0	336,2	2,2 м.	56,5	10	16
Қирғиз Республикаси	333,8	333,1	118,9	99,8	16	17
Эрон	322,8	333,1	109,0	103,2	17	18
Япония	219,5	308,2	100,2	140,4	24	19
Польша	315,2	285,6	147,6	90,6	19	20

2023 йил билан таққослаганда, импорт бўйича шерик мамлакатлар тўртталиги ўзгармади. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси томонидан импорт ҳажмининг жадал ўсиши ҳисобига АҚШ (9-ўрин) ва Япония (19-ўрин) 2023 йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда, ўсиш суръати 10,2 % ва 40,4 % га ортган ҳолда импорт бўйича йигирмата йирик ҳамкор мамлакатлар қаторига кирди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудлар кесимида импорти

(2024 йил январь-декабрь, млн АҚШ доллари)



Республика импорти таркибида энг юқори улушни Тошкент шаҳри 50,8 % билан 19 810,5 млн АҚШ долларини, энг қуйи улушни эса Сурхондарё вилояти 0,4 % билан 146,6 млн АҚШ долларини ташкил этди.

Импорт ҳажмининг энг юқори ўсиш суратлари 2023 йилга нисбатан Қашқадарё (2,0 м.), Жиззах (143,4 %), Сурхондарё (136,2 %), вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси (125,3 %) ва Тошкент шаҳрида (100,4 %) қайд этилди. Энг паст ўсиш суръати Навоий (77,4 %) вилоятига тўғри келди.

Хизматлар импорти таркиби
(2024 йил январь-декабрь, млн АҚШ долл.)



2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якуни билан хизматлар импорти ҳажми 3 748,0 млн АҚШ долларини ёки жами импорт ҳажмининг 9,6 % ини ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 21,5 % га кўпайди. Хизматлар импорти таркибининг асосий улуши бошқа сафарлар туризм хизматлари (50,9 %), транспорт хизматлари (19,2 %), телекоммуникация, компьютер ва ахборот хизматлари (9,2 %) ва бошқа тадбиркорлик билан боғлиқ хизматлар (7,3 %)га тегишли бўлди.

Саноат товарлари импорти

2024 йил январь-декабрь ойларида импорт таркибида саноат маҳсулотлари товарлари ҳажми 6 054,9 млн АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,2 % га кўпайди ҳамда импортнинг умумий ҳажмидаги улуши 15,5 % га етди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, давлатимиз томонидан импортни ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда ички бозорни сифатли ва арзон маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Саноат товарлари асосан Россия (35,2 % – 2 132,1 млн АҚШ доллари), ХХР (33,4 % – 2 021,9 млн АҚШ доллар), Қозоғистон (12,1 % – 732,9 млн АҚШ доллари), Туркия (4,8 % – 293,6 млн АҚШ доллари) ва Корея Республикаси (2,5 % – 152,8 млн АҚШ доллари)дан импорт қилинмоқда. Ушбу мамлакатлар саноат товарлари импортининг улуши 88,0 фоизни ташкил қилмоқда.

Саноат маҳсулотлари импорт қилинган асосий ҳамкор давлатлар
(2024 йил январь-декабрь ҳолатига)

Саноат маҳсулотлари импорти асосан чўян ёки легирланмаган пўлат (2 667,0 млн АҚШ доллари), металлардан тайёрланган буюмлар (814,7 млн АҚШ доллари), йигирилган ип, матолар, тайёр буюмлар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар (582,1 млн АҚШ доллари), резина маҳсулотлари (457,9 млн АҚШ доллари) ва бошқалардан ташкил топган.

Шу билан, юртимизда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва дунё мамлакатлари билан олиб борилаётган мустаҳкам алоқалар натижасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ошиб бораётгани яққол намоён бўлмоқда.

Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқарувчилар учун бир қатор солиқ, божхона имтиёзларининг яратилиши, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқарилиши миллий маҳсулотларимизни ташқи бозорларда мустаҳкам ўрин эгаллаши учун замин яратмоқда.

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Товар – ҳар қандай кўчар мулк, шу жумладан валюта қийматлари, электр, иссиқлик ва бошқа турдаги энергия воситалари, транспорт воситалари (йўловчилар ва товарлар ташувчи транспорт воситалари, контейнер ва бошқа транспорт ускуналари бундан мустасно), интеллектуал мулк объектлари;

Товарлар экспорти – агар қонунчиликда бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан қайтариб олиб кириш мажбуриятисиз олиб чиқиш.

Реэкспорт – хорижий товарлар божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган божхона режими.

Товарлар импорти – товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан қайтариб олиб чиқиш мажбуриятисиз олиб кириш.

Реимпорт – божхона ҳудудидан экспорт режимида олиб чиқилган Ўзбекистон Республикаси товарлари Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексида кўрсатилган муддатда (олиб чиқилган пайтдан бошлаб ўн йил ичида) қайтариб олиб кириладиган режим.

Ташқи савдо айланмаси – мамлакатнинг муайян даврдаги экспорт ва импорт қийматлари суммаси.

Товарлар келиб чиққан мамлакат – товар тўлиқ ишлаб чиқарилган ёки етарли даражада қайта ишлов берилган мамлакат (товар етарли даражада қайта ишлов берилган мамлакат “Божхона тарифи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 26- моддасига асосан аниқланади).

Товарларнинг белгиланган манзили – юклаб жўнатиш пайтида товар етказиб берилиши белгиланган мамлакат сифатида маълум бўлган мамлакат.

Товарларнинг статистик қиймати – шартнома валютасидан қатъи назар ягона базисга келтирилган шартнома бўйича товарлар қиймати.

Хизматлар (ишлар) экспорти — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан норезидентларга, иқтисодий географик жойлашувидан қатъи назар, кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар).

Хизматлар (ишлар) импорти — норезидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси резидентларига, иқтисодий географик жойлашувидан қатъи назар, кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар).

Маълумот учун: *Ўзбекистон Республикасида товарлар ташқи савдоси статистика кўрсаткичларини шакллантиришда, Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (кейинги ўринларда ТИФ ТН) билан биргаликда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро стандартлашган савдо таснифлагичи (кейинги ўринларда – ХССТ) ишлатилади. Бу ўз навбатида таҳлилий мақсадларда экспорт ва импорт қилинадиган товарларни 10 та катта қисмга гуруҳлаш учун имкон беради. Товарларни ХССТ бўйича кодлаштириш, ТИФ ТН ва ХССТ ўртасида ўтиш калитлари ёрдамида амалга оширилади.*

IX. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ

1- БЎЛИМ. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ СОНИ ТАҲЛИЛИ

Тадбиркорлик фаолияти (кичик тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

2025 йилнинг 1 январь ҳолатига фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони 358,1 мингтани ташкил этди. Кичик тадбиркорлик субъектларининг сони ҳар 1000 аҳолига 12,1 бирликни ташкил қилди.

Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони динамикаси

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, 1 январь ҳолатига, минг бирликда)

2025 йил 1 январь ҳолатига фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) сони жами 358 116 тани, шундан янги ташкил этилганлари 77 046 та қайд этилди.

2025 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра ҳудудлар бўйича фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг энг кўпи Тошкент шаҳрида 84 453 тани ёки жамига нисбатан 23,6 % ни, Тошкент вилоятида 34 389 тани ёки жамига нисбатан 9,6 % ни ва Самарқанд вилоятида 31 470 тани ёки 8,8 % ни ташкил этди.



Ҳудудлар бўйича фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони,

(2025 йил 1 январь ҳолатига, минг бирликда)

Ўзбекистон Республикаси	358,1
Тошкент ш.	84,5
Тошкент	34,4
Самарқанд	31,5
Фарғона	28,1
Бухоро	22,6
Қашқадарё	22,5
Хоразм	20,5
Андижон	20,0
Наманган	19,5
Сурхондарё	19,1
Қорақалпоғистон Респ.	17,2
Навоий	16,2
Жиззах	13,5
Сирдарё	8,6

[1)] *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 апрелдаги ПФ-113-сон Фармонига асосан, давлат органларида мавжуд маълумотлар базаларининг долзарблигини ва статистик ахборотларнинг бир хиллигини таъминлаш мақсадида Солиқ қўмитаси, Статистика агентлиги ва Адлия вазирлигининг давлат рўйхатидан ўтган юридик шахслар ҳақидаги маълумотлар базалари тўлиқ хатловдан ўтказилди ва аниқланган фарқлар бирхиллаштирилди.*

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг ҳар 1000 аҳолига нисбати *(бирликда [1])*

Ҳудудлар кесимида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони динамикаси
(ҳар 1000 аҳолига нисбатан, бирликда)[1]

2024 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони ҳар 1000 аҳолига нисбатан ҳудудлар бўйича энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрида 27,5 бирлик, Навоий вилоятида 17,7 бирлик, Жиззах вилоятида 13,8 бирлик, Сирдарё вилоятида 13,7 бирлик ва Бухоро вилоятида 13,6 бирликни ташкил этган.

2025 йил 1 январь ҳолатига фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони ҳар 1000 аҳолига нисбатан 12,1 бирликни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони динамикаси
(1 январь ҳолатига, ҳар 1000 аҳолига нисбатан, бирликда)



Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг ҳар 1000 аҳолига нисбати
(2025 йил 1 январь ҳолатига)

Кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг ҳар 1000 аҳолига нисбати туман ва шаҳарлар кесимида таҳлил қилинганда энг юқори кўрсаткич Яккасарой туманида 56,7 бирлик, Миробод туманида 46,1 бирлик, Бектемир туманида 40,2 бирлик, Чилонзор туманида 35,5 бирлик ва Қоровулбозор туманида 34,6 бирлик эканлиги кузатилди.

[1] *Кичик корхона ва микромирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларини қўшган ҳолда).*

Ҳар 1 000 аҳолига тўғри келадиган тадбиркорлик субъектларини энг кўп ташкил этган шаҳар ва туманлар
(2025 йил 1 январь ҳолатига, бирликда)

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳудудлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жамига нисбатан энг кўп улуши Тошкент шаҳри – 21,2 %, Хоразм вилояти – 8,9 %, Тошкент вилояти – 8,8 %, Самарқанд вилояти – 8,6 %, Фарғона вилояти – 7,7 %, Бухоро вилояти – 6,4 % ва Сурхондарё вилояти – 6,3 % ҳиссаларига тўғри келди.

Ҳудудлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони *(бирликда)*

	январь-декабрь 2023 й.	*январь-декабрь 2024 й.*
Ўзбекистон Республикаси	**86 030**	**77 046**
Қорақалпоғистон Республикаси	6 247	3 102
вилоятлар:		
Андижон	4 185	4 122
Бухоро	5 633	4 963
Жиззах	4 424	4 356
Қашқадарё	5 922	4 484
Навоий	3 796	2 944
Наманган	4 636	3 929
Самарқанд	7 570	6 646
Сурхондарё	3 804	4 812
Сирдарё	2 203	1 794
Тошкент	6 940	6 787
Фарғона	8 036	5 949
Хоразм	6 347	6 860
Тошкент ш.	16 287	16 298

Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони динамикаси
(январь-декабрь ойларида, минг бирликда)

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп кичик корхона ва микрофирма савдо соҳасида – 28 005 бирлик, саноатда – 12 889 бирлик, Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 9 099 бирликни ташкил этган.

Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг ҳудудлар бўйича улуши *(2024 йилнинг январь-декабрида, % да)*

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар *(бирликда)*

	январь-декабрь 2023 й.	*январь-декабрь 2024 й.*
Жами	**86 030**	**77 046**
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	9 388	9 099
Саноат	14 101	12 889
Қурилиш	4 859	3 921
Савдо	33 470	28 005
Ташиш ва сақлаш	3 946	2 750
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	5 955	6 502
Ахборот ва алоқа	2 932	2 916
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1 458	1 505
Бошқа фаолият турлари	9 921	9 459

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони
(январь-декабрь ойларида, минг бирликда)



Республиканинг туманлари ва шаҳарлари кесимида таҳлил қилинганда, 2024 йилнинг январь-декабрида энг кўп кичик корхона ва микрофирма Юнусобод туманида 1 889 та, Мирзо Улуғбек туманида 1 884 та, Чилонзор туманида 1 747 та, Самарқанд шаҳри 1 742 та, Яккасарой туманида 1 528 та, Яшнобод туманида 1 517 та ва Олмазор туманида 1 458 та кичик корхона ва микрофирма янгидан ташкил этилган.

Янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмалар бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган шаҳар ва туманлар сони *(бирликда)*

	январь-декабрь 2023 й.	*январь-декабрь 2024 й.*	*я и*
Юнусобод тумани	1 877	1 889	
Мирзо Улуғбек тумани	2 016	1 884	
Чилонзор тумани	1 899	1 747	
Самарқанд шаҳри	1 782	1742	
Яккасарой тумани	1 431	1 528	
Яшнобод тумани	1 566	1 517	
Олмазор тумани	1 510	1 458	

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш бўйича қабул қилинган қарор ва фармонлари, шунингдек, бу соҳага берилаётган катта эътиборлар натижасида 2020-2024 йилларнинг январь-декабрь ойлари давомида жами 445,4 мингта кичик корхона ва микрофирма янгидан ташкил этилди. Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар соҳалар кесимида таҳлил қилинганда, энг кўп янги субъектлар савдо соҳасида – 169,5 мингта (ёки 38,1 %), хизматлар соҳасида – 111,7 мингта (ёки 25,1 %), саноат соҳасида – 81,1 мингта (ёки 18,2 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 57,2 мингта (ёки 12,8 %) ва қурилиш соҳасида – 25,9 мингта (ёки 5,8 %) ташкил этилган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони

(2020-2024 йилларнинг январь-декабрь ойларида)

Тармоқлар номи	*Янги ташкил этилган кичик корхона ва микро-фирмалар сони, минг бирликда*	*Жамига нисбатан, % да*
Жами	**445,4**	**100,0**
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	57,2	12,8
Саноат	81,1	18,2
Қурилиш	25,9	5,8
Савдо	169,5	38,1
Хизматлар	111,7	25,1

Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир

Юридик шахс – ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

2- БЎЛИМ. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

2024 йилнинг январь-декабрида ЯИМ таркибида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 54,3 % ни ташкил қилиб, 2023 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўзгаришсиз қолди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги улуши динамикаси
(январь-декабрь ойларида, % да)



Кичик тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)даги энг катта улушига эга бўлган ҳудудлар *(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)*

2024 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектларининг ЯҲМдаги ҳудудлар бўйича энг юқори улуши Сурхондарё вилоятида – 77,8 %, Жиззах вилоятида – 74,4 %, Наманган вилоятида 73,4 %, Фарғона вилоятида – 73,1 %, Бухоро вилоятида – 73,0 %, Самарқанд вилоятида – 72,3 % ва Хоразм вилоятида – 72,3 % ни ташкил этди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)даги улуши
(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида, % да)



2024 йил январь-декабрь даври учун маълумотлар дастлабки, ўтган даврлар учун маълумотлар якуний ҳисобланади.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг саноат ишлаб чиқариши ҳажми ва жами саноат ҳажмидаги улуши
(январь-декабрь ойларида)

2024 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 286 675,2 млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ёки саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг 32,4 % ини ташкил этди. Ўсиш суръати 2023 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 118,0 % ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг саноат ишлаб чиқариши ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши *(январь-декабрь ойларида)*



2024 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажми 178 718,9 млрд сўмни ёки қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 76,5 % ини ташкил этди. Ўсиш суръати 2023 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 105,8 % ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг қурилиш ишлари ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши *(январь-декабрь ойларида)*



2024 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 255 883,8 млрд сўмни ёки умумий ҳажмидаги улуши 51,8 % ни ташкил этди. Ўсиш суръати 2023 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 133,6 % ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан асосий капиталга киритилган инвестиция ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши *(январь-декабрь ойларида)*



2024 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорликнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигидаги ҳажми 444 716,7 млрд сўмни ёки умумий ҳажмидаги улуши 95,2 % ни ташкил этди. Ўсиш суръати 2023 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 103,7 % ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан етиштирилган қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулоти ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши
(январь-декабрь ойларида)



2024 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорликнинг чакана савдо айланмаси ҳажми 338 802,6 млрд сўмни ёки умумий ҳажмининг 84,0 % ини ташкил этди. Ўсиш суръати 2023 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 111,4 % ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари чакана савдо айланмасининг ҳажми ва жами савдо айланмасидаги улуши *(январь-декабрь ойларида)*



2024 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорликнинг хизматлар соҳасидаги ҳажми 466 461,8 млрд сўмни ёки умумий ҳажмининг 57,0 % ини ташкил этди. Ўсиш суръати 2023 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 113,2 % ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши *(январь-декабрь ойларида)*



2024 йил январь-декабрь саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши 32,4 % ни ташкил этди. Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорликнинг жами саноат маҳсулотларидаги энг юқори улуши Сурхондарё вилояти (64,8 %), Фарғона вилояти (54,5 %), Самарқанд вилояти (51,3 %), Наманган вилояти (50,0 %) ва Бухоро вилояти (41,2 %) ҳиссасига тўғри келди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари (хизматлари) ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши

(январь-декабрь ойларида)



Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектларининг энг кўп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Тошкент шаҳри (67 214,3 млрд сўм), Тошкент (41 463,2 млрд сўм), Андижон (27 085,4 млрд сўм), Фарғона (26 178,9 млрд сўм) ва Самарқанд (23 694,7 млрд сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.

Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари (хизматлари) ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

2024 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектларининг амалга оширилган қурилиш ишлари умумий ҳажмидаги улуши 76,5 % ни ташкил этди. Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорликнинг қурилиш ишлари умумий ҳажмидаги энг юқори улуши Андижон (92,8 %), Наманган (92,2 %) ва Хоразм (90,8 %) вилоятларига тўғри келди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг қурилиш ишлари ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши *(январь-декабрь ойларида)*



Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектларининг энг кўп бажарилган қурилиш ишлари ҳажми Тошкент шаҳри (39 038,7 млрд сўм), Тошкент (20 063,5 млрд сўм), Бухоро (13 978,1 млрд сўм), Фарғона (13 098,2 млрд сўм), Самарқанд (11 759,2 млрд сўм), Наманган (11 754,2 млрд сўм) ҳамда Андижон (11 279,4 млрд сўм) вилоятларида қайд этилди.

Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектларида бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши
(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

2024 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан асосий капиталга киритилган жами инвестициялар ҳажми 255 883,8 млрд сўмни ёки 51,8 % ни ташкил этди. Ўсиш сураъти 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 133,6 ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан асосий капиталга киритилган инвестиция ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши

(январь-декабрь ойларида)

2020 й. Ҳажми – **96,6** трлн сўм; Улуши – **46,0** %

2021 й. Ҳажми – **109,2** трлн сўм; Улуши – **45,6** %

2022 й. Ҳажми – **127,6** трлн сўм; Улуши – **47,9** %

2023 й. Ҳажми – **176,6** трлн сўм; Улуши – **49,6** %

2024 й. Ҳажми – **255,9** трлн сўм; Улуши – **51,8** %

Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектларининг энг юқори асосий капиталга киритилган инвестициялари ҳажми Наманган (43 767,5 млрд сўм), Тошкент шаҳри (35 316,2 млрд сўм), Тошкент (31 389,5 млрд сўм), Бухоро (27 088,5 млрд сўм), Андижон (20 011,1 млрд сўм), Самарқанд (15 792,6 млрд сўм) ҳамда Фарғона (15 535,7 млрд сўм) вилоятларида қайд этилди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан асосий капиталга киритилган инвестиция ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

2024 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмидаги улуши 95,2 % ни ташкил этди. Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорликнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмидаги энг юқори улуши Жиззах (98,2 %), Бухоро (97,8 %), Қашқадарё (97,8 %) ва Андижон (96,9 %) вилоятларига тўғри келди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари (хизматлари) ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши
(январь-декабрь ойларида)

2020 й. Ҳажми – **253,2** трлн сўм
Улуши – **96,7** %

2021 й. Ҳажми – **304,5** трлн сўм
Улуши – **96,0** %

2022й. Ҳажми – **344,1** трлн сўм
Улуши – **94,8** %

2023 й. Ҳажми – **403,0** трлн сўм
Улуши – **94,6** %

2024 й. Ҳажми – **444,7** трлн сўм
Улуши – **95,2** %

Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан энг кўп ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми Самарқанд (54 100,3 млрд сўм), Андижон (45 071,8 млрд сўм), Қашқадарё (43 298,0 млрд сўм) ҳамда Фарғона (42 226,5 млрд сўм) вилоятларида қайд этилди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан етиштирилган қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари (хизматлари) ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши *(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)*

2024 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо товар айланмаси ҳажми 338 802,6 млрд сўмни ёки умумий чакана товар айланмасининг 84,0 % ини ташкил қилди. Ўсиш суръати 2023 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 111,4 % ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари чакана савдо товар айланмаси ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши

(январь-декабрь ойларида)



Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектларининг энг кўп чакана савдо товар айланмасидаги ҳажми Тошкент шаҳри (64 517,9 млрд сўм), Тошкент (33 020,7 млрд сўм), Самарқанд (31 729,7 млрд сўм), Фарғона (31 585,0 млрд сўм), Андижон (25 419,6 млрд сўм), Қашқадарё (24 925,0 млрд сўм) ва Сурхондарё (24 079,3 млрд сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.

Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари чакана савдо товар айланмаси ҳажми ва жами айланмаси ҳажмидаги улуши

(2024 йил январь-декабрь ойларида)

*) *ИФУТ-2 47-бўлим (умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмаси, шунингдек, автотранспорт воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари чакана савдосидан ташқари)*

2024 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектларининг кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмидаги улуши 57,0 % ни ташкил қилди. Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектларининг хизматлар ҳажмидаги энг кўп улуши Қашқадарё (76,2 %), Фарғона (76,1 %), Сурхондарё (75,8 %), ва Наманган (75,6 %) вилоятларига тўғри келди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши

(январь-декабрь ойларида)



Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектларининг энг кўп хизматлар ҳажми Тошкент шаҳри (125 152,7 млрд сўм), Фарғона (41 981,9 млрд сўм), Тошкент (41 479,0 млрд сўм), Самарқанд (38 853,7 млрд сўм), Қашқадарё (32 958,6 млрд сўм), Наманган (32 595,9 млрд сўм), Андижон (31 591,9 млрд сўм), Бухоро (23 993,9 млрд сўм), Сурхондарё (21 604,3 млрд сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.

Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектларида хизмат кўрсатиш ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

Юқоридаги диаграмма маълумотларига кўра, хизматлар соҳасида кичик тадбиркорлик субъектларининг энг юқори улуши яшаш ва овқатланиш хизматларида – 32,6 % (152 120,0 млрд сўм), савдо хизматларида – 26,5 % (123 382,0 млрд сўм), транспорт хизматларида 15,9 % (74 221,9 млрд сўм) ва бошқа хизматларда – 4,7 % (22 122,1 млрд сўм)ни ташкил этди.

Хизматлар соҳасида кичик тадбиркорлик субъектларининг энг юқори улушга эга бўлган турлари

(2024 йил январь-декабрь ойларида)

Якка тартибдаги тадбиркорлик – жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширишдир.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг экспорти

2024 йилнинг январь-декабрида кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулотлар (ишлар ва хизматлар) экспорти ҳажми 9,0 млрд АҚШ долларини ёки умумий экспорт ҳажмининг 33,3 % ини ташкил этди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотлар (ишлар ва хизматлар) экспорти ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши

(январь-декабрь ойларида)



2024 йилнинг январь-декабрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) экспортининг жамига нисбатан энг кўп улуши Сурхондарё вилоятида – 86,5 %, Хоразм вилоятида – 66,0 %, Сирдарё вилоятида – 62,4 %, Жиззах вилоятида – 62,4 %, Фарғона вилоятида – 61,1 % ва Бухоро вилоятида – 56,4 % ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) экспорти ҳажми ва жами экспорт ҳажмидаги улуши

(2024 йилнинг январь-декабрида)

Кичик тадбиркорлик субъектларининг импорти

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) импортининг ҳажми 18 963,9 млн АҚШ долларини ёки жами импортнинг 48,6 % ини ташкил этди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотлар (ишлар ва хизматлар) импорти ҳажми
(январь-декабрь ойларида, млрд АҚШ долл.)



2024 йилнинг январь-декабрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулотлар (ишлар ва хизматлар) импортининг жами импортга нисбатан энг юқори улуши Сурхондарё вилоятида – 91,1 %, Сирдарё вилоятида – 84,2 %, Фарғона вилоятида – 82,3 %, Қорақалпоғистон Республикасида – 69,7 %, Қашқадарё – 69,0 %, Наманган вилоятида – 67,6 % ҳамда Бухоро вилоятида – 60,3 % ни ташкил этди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулотлар (ишлар ва хизматлар) импорти ҳажми ва жами импорт ҳажмидаги улуши
(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

Кичик тадбиркорлик субъектларининг транспорт фаолияти асосий кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси

(январь-декабрь ойларида)

Кичик тадбиркорлик субъектларининг юк ташиш умумий ҳажмидаги улуши, % да



2024 йилнинг январь-декабрида, автомобиль транспортида юк айланмасининг умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 75,2 % ни ташкил этган бўлиб, 2023 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 105,5 % ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг йўловчи умумий ташиш ҳажмидаги улуши, % да



2024 йилнинг январь-декабрида, автомобиль транспорти йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 95,0 % ни ташкил этиб, 2023 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 103,7 % ни ташкил қилди.

2024 йилнинг январь-декабрида, автомобиль транспортида юк ташишнинг умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 50,4 % ни ташкил этиб, 2023 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 105,0 % ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий юк айланмасидаги улуши, % да



2024 йилнинг январь-декабрида, автомобиль транспортида йўловчи ташиш хизматларининг умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 90,6 % ни ташкил этиб, 2023 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 103,6 % ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий йўловчи айланмаси ҳажмидаги улуши, % да

3- БЎЛИМ. КИЧИК КОРХОНА ВА МИКРОФИРМАЛАРНИНГ ТАНЛАНМА КУЗАТУВЛАРИ НАТИЖАЛАРИ

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг умумий иқтисодий ҳолатини баҳоланиши динамикаси

(январь-декабрь ойлари, жорий даврга нисбатан, бирликда)

Кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти натижалари бўйича ўтказилган танланма кузатув маълумотларига кўра, кичик корхона ва микрофирмаларнинг ишбилармонлик муҳити ҳолати таҳлил қилинганда, корхоналар томонидан ўзларининг умумий иқтисодий вазиятини жорий давр учун қулай деб баҳолаган корхоналарнинг сони 2020 йилнинг январь-декабрида 17 622 тани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2024 йилнинг январь-декабрига келиб 28 099 тага етган ёки 2020 йилнинг январь-декабрига нисбатан 10 477 тага ошган.



Шунингдек, иқтисодий вазиятини қониқарли деб баҳолаган кичик корхоналарнинг сони 2020 йилнинг январь-декабрида 46 421 та бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2024 йилнинг январь-декабрида 43 605 тани ташкил қилди. Ўз навбатида, иқтисодий вазиятини қониқарсиз деб ҳисоблаган корхоналарнинг улуши 2020 йилнинг январь-декабрида 8 587 тани ташкил этган бўлса, 2024 йилнинг январь-декабрига келиб, 5 195 тани ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг умумий иқтисодий ҳолатининг баҳоланиш динамикаси

(январь-декабрь ойларида, корхонанинг жорий ҳолати бўйича, % да)

Кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти натижалари тўғрисида ўтказилган танланма кузатув маълумотлари бўйича кичик корхона ва микрофирмаларнинг ишбилармонлик муҳити ҳолати таҳлил қилинганда, корхоналар томонидан ўзларининг умумий иқтисодий вазиятини жорий давр учун қулай деб баҳолаган корхоналар улуши 2020 йилнинг январь-декабрида 24,3 % ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2024 йилнинг январь-декабрида 36,5 % га етган ёки 2020 йилнинг январь-декабрига нисбатан 12,2 % бирлик ошган. Шунингдек, иқтисодий вазиятини қониқарли деб баҳолаган корхоналарнинг улуши 2020 йилнинг январь-декабрида 63,9 % бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2024 йилнинг январь-декабрида 56,7 % ни ташкил қилган. Ўз навбатида, иқтисодий вазиятини қониқарсиз деб ҳисоблаган корхоналарнинг улуши 2020 йилнинг январь-декабрида 11,8 % ни ташкил этган бўлса, 2024 йилнинг январь-декабрига келиб, бу кўрсаткич 6,8 % га етган.



Кичик корхона ва микрофирмалар умумий иқтисодий ҳолатининг баҳоланиши

(январь-декабрида, яқин уч ойда ўзгаришлар истиқболи, бирликда)

Кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти натижалари бўйича ўтказилган танланма кузатув маълумотлари, кичик корхона ва микрофирмаларнинг ишбилармонлик муҳити ҳолати таҳлил қилинганда, корхоналар томонидан ўзларининг умумий иқтисодий вазиятини яқин уч ойда ўзгаришлар истиқболи яхшиланади деб баҳолаган корхоналарнинг сони 2020 йилнинг январь-декабрида 43 520 тани ташкил этган. Бу кўрсаткич 2024 йилнинг январь-декабрига келиб 37 805 тани ташкил қилди.



Шунингдек, иқтисодий вазиятини ўзгармайди деб баҳолаган корхоналарнинг сони 2020 йилнинг январь-декабрида 25 936 та бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2024 йилнинг январь-декабрида 36 771 та ёки 10 835 тага ошган. Ўз навбатида, иқтисодий вазиятини ёмонлашади деб ҳисоблаган корхоналарнинг сони 2020 йилнинг январь-декабрида 3 174 тани ташкил этган бўлса, 2024 йилнинг январь-декабрига келиб, бу кўрсаткич 2 323 тани ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг умумий иқтисодий ҳолати баҳоланиш динамикаси

(январь-декабрида, яқин уч ойда ўзгаришлар истиқболи, % да)

Кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти натижалари тўғрисида ўтказилган танланма кузатув маълумотлари якуни бўйича кичик корхона ва микрофирмаларнинг ишбилармонлик муҳити ҳолати таҳлил қилинганда, корхоналар томонидан ўзларининг умумий иқтисодий вазиятини яқин уч ойда ўзгаришлар истиқболи яхшиланади деб баҳолаган корхоналар улуши 2020 йилнинг январь-декабрида 59,9 % ни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2024 йилнинг январь-декабрида келиб 49,2 % ни ташкил қилди.



Шунингдек, иқтисодий вазиятини ўзгармайди деб баҳолаган корхоналарнинг улуши 2020 йилнинг январь-декабрида 35,7 % бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2024 йилнинг январь-декабрида 47,8 % ёки 12,1 % бирликка ошган. Ўз навбатида, иқтисодий вазиятини ёмонлашади деб ҳисоблаган корхоналарнинг улуши 2020 йилнинг январь-декабрида 4,4 % ни ташкил этган бўлса, 2024 йилнинг январь-декабрига келиб, бу кўрсаткич 3,0 % ни ташкил қилди.

2024 йил IV чорак якунларига кўра, кичик корхона ва микрофирмалар ўртасида танланма кузатувлар ўтказилди.

Ушбу сўровномада 18 810 та кичик корхона ва микрофирмалар иштирок этди. Уларнинг 6 948 (36,9 %) таси иқтисодий вазиятини қулай деб баҳолади. 10 659 (56,7 %)та субъектлар иқтисодий вазиятини қониқарли деб баҳолади. Қолган 1 203 (6,4 %)та субъектлар иқтисодий вазиятини қониқарсиз деб баҳолаган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича кузатувда иштирок этган кичик корхона ва микрофирмаларнинг тақсимланиши (улуши) савдода – 40,3 % (7 574 та), хизматлар соҳасида – 31,5 % (5 926 та), саноатда – 14,6 % (2 755 та), қурилишда – 7,5 % (1 413 та) ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 6,1 % (1 142 та)ни ташкил этди.

Танланма кузатувда иштирок этган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши
(2024 йил IV чорак бўйича)

Кузатувда иштирок этган кичик корхона ва микрофирмаларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши
(2024 йил IV чорак бўйича)

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг 2024 йилнинг IV чорагида ўтказилган кузатув натижаларига кўра, жорий даврда иқтисодий вазиятини қулай деб баҳолаган корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп улуши савдода – 38,4 %, ни, қурилишда – 37,2 % ни ва хизматлар соҳасида – 36,1 % ни ташкил этди.

Шунингдек, иқтисодий вазиятини қониқарли деб баҳолаган корхоналарнинг энг кўп улуши қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 60,2 % ни, хизматлар соҳасида – 57,3 % ни ва саноатда – 57,2 % ни ташкил этди.

Иқтисодий вазиятини қониқарсиз деб баҳолаган корхоналарнинг энг кўп улуши қурилишда – 8,1 % ни, саноатда – 6,9 % ни ҳамда хизматлар соҳасида – 6,6 % ни ташкил этди.

Кузатувда иштирок этган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жорий даврда иқтисодий вазиятини баҳолаш

(2024 йилнинг IV чорагида, % да)

Кузатувда иштирок этган кичик корхона ва микрофирмаларнинг яқин уч ойдаги ўзгаришлар истиқболи бўйича иқтисодий вазиятини баҳолаш

(2024 йилнинг IV чорагида, % да)



2024 йилнинг IV чорагида кузатувда иштирок этган кичик корхона ва микрофирмаларнинг яқин уч ойдаги ўзгаришлар истиқболи бўйича иқтисодий вазиятини яхшиланиш деб баҳолаган корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп улуши савдода – 50,4 % ни, қурилишда – 50,1 % ни ва саноатда – 49,1 % ни ташкил этди.

Шунингдек, яқин уч ойдаги ўзгаришлар истиқболи бўйича иқтисодий вазиятини ўзгаришсиз деб баҳолаган корхоналарнинг энг кўп улуши хизматлар соҳасида – 49,6 % ни, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 49,0 % ни ва саноатда – 47,5 % ни ташкил этди.

Яқин уч ойдаги ўзгаришлар истиқболи бўйича иқтисодий вазиятини ёмонлашади деб баҳолаган корхоналарнинг энг кўп улуши саноатда – 3,4 % ни, хизматлар соҳасида – 3,0 % ни ва қурилишда – 2,8 % ни ташкил этди.

Бизнесга ишонч муҳитини баҳолаш

(2024 йилнинг IV чорагида, % да)

	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жорий даврдаги ўзгаришлар		
	кўпайиш (яхшиланиш*)	***ўзгаришсиз***	***камайиш (ёмонлашиш*)***
Корхонанинг умумий айланмаси	42,5	47,6	9,9
Банд бўлганлар сони	25,6	67,8	6,6
Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) учун нарх	36,6	58,3	5,1
Молиявий маблағлар: ўз, кредит ва қарз маблағлари	28,6	65,9	5,5
Рақобат муҳити	39,5	56,5	4,0

	Яқин уч ойда ўзгаришлар истиқболи		
	кўпайиш (яхшиланиш*)	***ўзгаришсиз***	***камайиш (ёмонлашиш*)***
Корхонанинг умумий айланмаси	45,4	51,0	3,6
Банд бўлганлар сони	27,2	69,9	2,9
Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) учун нарх	36,3	60,7	3,0
Молиявий маблағлар: ўз, кредит ва қарз маблағлари	31,1	65,5	3,4
Рақобат муҳити	40,2	57,3	2,5

* *Фақат рақобат муҳитига тегишли*

Бизнесга ишонч муҳитини баҳолаш, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жорий даврдаги ўзгаришлар

(2024 йилнинг IV чорагида, % да)



Бизнесга ишонч муҳитини баҳолаш, яқин 3 ойда ўзгаришлар истиқболи

(2024 йилнинг IV чорагида, % да)



**Фақат рақобат муҳитига тегишли*

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Тадбиркорлик иши (бизнес) – мулкий ҳуқуқларни ва тадбиркорнинг ўзига хос воситаларини, шунингдек унга тегишли бўлган, якка тартибдаги тадбиркор ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши учун фойдаланадиган бошқа мутлақ ҳуқуқларни ўз ичига оладиган мол-мулк мажмуидир.

Юридик шахс – ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

Якка тартибдаги тадбиркорлик – жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширишдир.

Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркор томонидан мустақил мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек, мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек, ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида, нотижорат ташкилотлар бўлган уюшмаларга (иттифоқларга) ва бошқа бирлашмаларга бирлашиши мумкин.

Корхона – ҳуқуқий шахс ҳуқуқига эга бўлган, мулкчилик ҳуқуқи ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи бўйича ўзига қарашли мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ёки маҳсулотни айирбошлайдиган, ишларни бажарадиган, хизмат кўрсатадиган, беллашув ҳамда мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилиги шароитида амалдаги қонунларга мувофиқ ўз фаолиятини рўёбга чиқарадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

Корхонанинг фаолиятини таҳлил қилиш – унинг асосида корхона фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш. Натижада, маълумот тўплашнинг маълум усулларидан фойдаланиш орқали корхона фаолиятини баҳолаш ва заиф томонларини аниқлаш учун керакли маълумотларни олиш.

X. НАРХЛАР

1- БЎЛИМ. ИСТЕЪМОЛ НАРХЛАРИ

Йиғма истеъмол нархлари индекси (ИНИ) озиқ-овқатлар, кийимлар, турар жой, транспорт, соғлиқни сақлаш хизматлари каби одатда якуний истеъмолчи томонидан сотиб олинадиган товарлар ва хизматлар кенг турларининг нарх ўзгаришларини қамраб олади. Йиғма ИНИ нафақат инфляцион жараёнларни баҳолаш учун, балки мамлакат умумий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини баҳолашга ёрдам берадиган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири сифатида ҳам фойдаланилади.

2024 йилнинг январь-декабрь якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси бўйича йиғма ИНИ 2023 йилнинг декабрига нисбатан 109,8 % га етиб, 2023 йилнинг мос кўрсаткичидан 1,0 фоиз бандга баланд, 2022 йилнинг мос давридаги кўрсаткичдан эса 2,5 фоиз бандга паст бўлди.

Йиғма ИНИ динамикаси
ўтган йилнинг декабрига нисбатан, % да



2024 йил давомида муддатли ИНИ, яъни ойлик нарх ўзгаришларини ифодаловчи кўрсаткич диапазони 102,8 % дан (май) 99,7 % гача (июль) оралиқда жойлашди. Мазкур тебранишлар 2024 йилнинг май ойидан электр энергияси ва газ тарифларининг ўзгаришлари ҳамда ёз ойларидаги мавсумийлик омиллари билан боғлиқдир.

2024 йилнинг декабридаги ойлик йиғма ИНИ 2024 йилнинг январь-декабридаги ўртача ойлик кўрсаткичдан 0,2 фоиз бандга баланд бўлди.

Йиғма ИНИ динамикаси

(ўтган йилга нисбатан, % да)



2024 йилнинг ойлари

(2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)



2024 йилнинг ойлари

Изоҳ: шу ерда ва кейинги ўринларда ойларнинг тартиби рим рақамларида келтирилган

Товарлар бўйича ИНИ динамикаси

(ўтган ойга нисбатан, % да)



2024 йилнинг ойлари

(2023 йилнинг мос ойларига нисбатан, % да)



2024 йилнинг ойлари

Товарлар бўйича қисқа муддатли ИНИ тебранишлари диапазони 2024 йилнинг январидан декабригача 99,0 % дан (май) 101,2 % гача (сентябрь ва декабрь) чегарада жойлашди.

Товарлар бўйича ИНИ 2024 йилнинг январь-декабрида 104,7 % даражасида қайд этилди. Бу, 2023 йилнинг декабридагидан 4,1 фоиз бандга ва 2022 йилнинг мос давридагидан 8,7 фоиз бандга паст бўлди.

Хизматлар бўйича ИНИ динамикаси

(ўтган ойга нисбатан, % да)



2024 йилнинг ойлари

(2023 йилнинг мос ойларига нисбатан, % да)



2024 йилнинг ойлари

Хизматлар бўйича қисқа муддатли ИНИ тебранишлари 2024 йилнинг январидан декабригача 115,2 % дан (май) 100,4 % гача (август) диапазонда жойлашди.

Хизматлар соҳасида инфляция ўсиш суръатининг тезлашиши аҳоли учун электр энергияси, газ ва бошқа хизматлар тарифларининг оширилиши фонида рўй берди. Хизматлар бўйича ИНИ 2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан 126,7 % ни ташкил этди.

Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ динамикаси

(ўтган ойга нисбатан, % да) (декабрь ўтган йилнинг декабрига нисбатан, % да)

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ

170 турдаги маҳсулотлар



2024 йилнинг ойлари

йиллар



2024 йилнинг январь-декабрида озиқ-овқат маҳсулотлари ИНИ 102,4 % ни, ўртача ойлик ўсиш суръати 0,2 % ни ташкил этди. Ушбу ҳолат мева-сабзавотларнинг нархлари ўртача даражасининг пасайиши ҳамда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари турлари нархларининг нисбатан барқарорлиги билан изоҳланади.

НООЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАР

250 турдаги маҳсулотлар



2024 йилнинг ойлари



Ноозиқ-овқат маҳсулотлар ИНИ ўртача ойлик ўсиш суръати 2024 йил давомида 0,6 % ни ташкил этиб, гуруҳ бўйича қисқа муддатли ИНИ кўрсаткичи 100,2 % – 101,0 % чегарасида жойлашди.

ХИЗМАТЛАР

90 турдаги хизматлар



2024 йилнинг ойлари



Хизматлар бўйича ИНИ 2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан 126,7 % ни ташкил этди.

Хизматлар бўйича ИНИ ўртача ойлик ўсиш суръати 2024 йилда 2,0 % га етиб, 2023 йилнинг мос кўрсаткичидан 1,3 % га баланд бўлди.

ИНИ ва асосий гуруҳлар бўйича нарх ўзгаришларининг йиғма кўрсаткич ўсиш суръатига таъсири, % да

декабрь ўтган йилнинг декабрига нисбатан, % да

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ

2023 йилнинг январь-декабрида озиқ-овқат маҳсулотлари ИНИ 102,4 % га етиб, ушбу давр учун 2020 йилдан буён қайд этилган энг паст кўрсаткич бўлди. Озиқ-овқат маҳсулотлари нарх ўзгаришларининг 2024 йилдаги йиғма ИНИ умумий ўсиш суръати тузилмасидаги улуши 11,2 % ни ташкил этди.

НООЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАР



Ноозиқ-овқат маҳсулотлар ИНИ 2024 йилда 2023 йилнинг декабрига нисбатан 107,7 % даражасида қайд этилди. Ноозиқ-овқат маҳсулотлар нарх ўзгаришларининг йиғма ИНИ ўсиш суръатига таъсири улуши йил давомида 25,5 % га етди.

ХИЗМАТЛАР

Хизматлар нархлари ва тарифларининг ўсиши 2024 йилда сезиларли даражада тезлашди ва уларнинг ИНИ 126,7 % даражасига етиб, йиғма кўрсаткич умумий йиллик ўсиш суръатининг 63,3 % ини таъминлади.

2024 йилнинг январь-декабрида бўлимлар кесимида ИНИ диапазони 102,0 % дан (“Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар” (I) бўлими) 138,2 % гача (“Турар жой хизматлари, электр, сув, газ ва бошқа ёнилғи турлари” (IV) бўлими) чегарада жойлашди. 2024 йил давомида энг паст ИНИ кўрсаткичи “Ахборот ва алоқа” (VIII) бўлимида қайд этилиб, 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ 100,7 % ни ташкил этди.

Бўлимлар бўйича ИНИ

(декабрь ойида ўтган йилнинг декабрига нисбатан, % да)

I. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар



йиллар

II. Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари



йиллар

III. Кийим ва пойабзал



йиллар

IV. Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари



йиллар

V. Уй-рўзғор асбоблари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш



йиллар

VI. Соғлиқни сақлаш



йиллар

Давоми

Бўлимлар бўйича ИНИ
(декабрь ойида ўтган йилнинг декабрига нисбатан, % да)

VII. Транспорт



йиллар

VIII. Ахборот ва алоқа



йиллар

IX. Дам олиш, спорт ва маданият



йиллар

X. Таълим соҳасидаги хизматлар



йиллар

XI. Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари



йиллар

XII. Суғурталаш ва молиявий хизматлар



йиллар

XIII. Маиший товарлар ва хизматлар, бошқа товарлар ва хизматлар



йиллар

2024 йилнинг январь-декабрида “Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари”, “Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар” бўлимларида ИНИ 2023 йилнинг январь-декабридаги кўрсаткичдан сезиларли даражада паст бўлди. “Турар жой хизматлари, электр, сув, газ ва бошқа ёнилғи турлари”, “Соғлиқни сақлаш” ва “Таълим соҳасидаги хизматлар” бўлимларида ИНИ кўрсаткичи 2023 йилдаги кўрсаткичдан баландроқ бўлди.

I бўлим. “Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар”

2024 йилда I бўлимда қисқа муддатли ИНИ, % да



2024 йилда I бўлимда йиллик ИНИ, % да



I бўлим гуруҳлари бўйича йиллик ИНИ
2024 йил декабрь, % да



2024 йил давомида I бўлим товарлари нарх динамикасининг хусусиятлари мавсумийлик, бозор коньюнктураси ва бошқа омиллар таъсирида белгиланди. I бўлим бўйича йиллик ИНИ умумий тенденцияси 2024 йил давомида пасайиш томонга йўналди. Умуман, йил давомида ушбу кўрсаткич 6,8 фоиз бандга пасайди (108,8 % дан 102,0 % га).

2024 йилнинг январь-декабрида “Дон экинлари ва ёрма маҳсулотлари” (99,5 % га 109,7 %), “Балиқ ва бошқа денгиз маҳулотлари” (106,5 % га 107,7 %), “Сут, бошқа сут маҳсулотлари ва тухум” (102,0 % га 111,2 %), “Мевалар ва ёнғоқлар” (81,8 % га 137,1 %) ва “Шакар, қандолат маҳсулотлари ва десертлар” (103,3 % га 109,9 %) гуруҳларида ИНИ 2023 йилнинг мос кўрсаткичидан сезиларли даражада паст бўлди.

Гўшт ва ёғ-мой маҳсулотлари, аксинча, 2024 йилда бир йил аввалгига қараганда юқорироқ қиммат-лашди.

2024 йил давомида буғдой уни, гуруч ва гуруч оқшоғи, тухум ва шакар нархларининг ўртача даражаси 3,7-7,3 % даражасида пасайди. Асосий турдаги сут ва гўшт маҳсулотлари нархи аксинча, 2023 йилнинг якунига нисбатан юқорилади.

2024 йилда айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ИНИ, % да



Гўшт ва ёғ-мой маҳсулотлари, спиртсиз ичимликлар, шакар, қандолат маҳсулотлари ва десертлар ҳамда сут, бошқа сут маҳсулотлари ва тухум нархларининг ошиши йиғма ИНИни жами ҳисобда 1,71 ф.д. кўтарди. Бошқа гуруҳлар таъсири паст даражада бўлди.

I бўлимга кирувчи товарлар орасида мевалар ва ёнғоқлар ҳамда дон экинлари ва ёрма маҳсулотлари нарх ўзгаришлари 2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан йиғма ИНИга пасайтирувчи таъсир (жами ҳисобда –1,04 ф.д.) кўрсатди.

Сабзавотлар, илдизмевалилар ва дуккаклилар нарх ўзгаришларининг 2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ ўсиш суръатига таъсири 0,03 ф.д.ни ташкил этди.

Таққослаш учун: 2023 йилда сабзавотлар, илдизмевалилар ва дуккаклилар ҳамда ёғ-мой маҳсулотлари нарх ўзгаришлари I бўлим бўйича йиғма кўрсаткичга пасайтирувчи таъсир кўрсатган. 2023 йилнинг декабрида 2022 йилнинг декабрига нисбатан йиғма ИНИ пасайиши жами таъсири 0,34 ф.д. ни ташкил этган. Шу билан бирга, ёғлар ва мойлар нархларининг пасайиши юқорироқ даражада бўлган (-0,28).

2024 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар асосий гуруҳлари нарх ўзгаришларининг йиғма ИНИ ўсиш (пасайиш) суръатига таъсири ф.д.



ЖАМИ ТАЪСИРИ + 0,82 ф.д.

II бўлим. “Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари”

Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ИНИ 2024 йилда 110,8 % га етди, ўртача ойлик ўсиш суръати 0,9 % ни ташкил этди.

II бўлимнинг 2023 йилнинг декабрига нисбатан йиғма ИНИ ўсиш суръатига жами таъсири 0,08 ф.д.ни ташкил этди.

2024 йил давомида II бўлимда нархларнинг энг юқори ўсиш суръати октябрь ойида (101,4 %), энг пасти январь ва декабрь ойларида (100,5 % дан) қайд этилди.

2024 йилда тамаки маҳсулотлари нархларининг ўсиши спиртли ичимликларга қараганда юқори бўлди.

II бўлимга кирувчи, кузатиладиган асосий турдаги товарлар бўйича 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ диапазони 107,0 % (бошқа тамаки маҳсулотлари) – 113,3 % (сигарет)ни ташкил этди.

II бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ динамикаси
(ўтган ойга нисбатан, % да)



II бўлим бўйича йиллик ИНИ динамикаси
(2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)



III бўлим. “Кийим ва пойабзал”

2023 йилнинг декабрига нисбатан кийимлар ва пойабзал бўйича ИНИ 105,1 % даражасида қайд этилиб, ўртача ойлик ўсиш суръати 0,4 % ни ташкил этди. Бу, 2024 йил январь-декабридаги йиғма кўрсаткични 0,47 ф.д. ўсиш суръатини таъминлади.

Бутун 2024 йил давомида III бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ 100,0-101,2 % чегарасида бўлди.

III бўлим товар ва хизматлари бўйича ИНИ қуйи чегараси 2024 йилнинг январь-декабрида 102,9 % (эркаклар учун чарм куртка), юқори чегараси – 112,5 % (кимёвий тозалаш хизматлари) даражасида қайд этилди.

III бўлим бўйича 2024 йилдаги йиллик ИНИ кўрсаткичи 2023 йилнинг мос кўрсаткичидан 1,1 фоиз бандга паст бўлди.

Шу билан бирга, кийимлар бўйича йиллик ИНИ кўрсаткичи 2024 йилда 2023 йилнинг мос кўрсаткичидан 1,2 фоиз бандга паст бўлган бўлса, пойабзаллар бўйича мазкур фарқ 1,1 фоиз бандни ташкил этди.

Устки кийимлар 2024 йилда 4,9 % га қимматлашиб, 2023 йилнинг мос кўрсаткичидан 1,2 фоиз бандга паст бўлди.

III бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ динамикаси
(ўтган ойга нисбатан, % да)

III бўлим бўйича йиллик ИНИ динамикаси
(2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)



IV бўлим. “Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари”

IV бўлим бўйича 2024 йилнинг январь-декабридаги ИНИ 138,1 % ни ташкил этиб, ўртача ойлик ўсиш суръати 2,7 % га етди. Бўлимнинг 2024 йилнинг январь-декабридаги йиғма ИНИ ўсиш суръатига жами таъсири 4,57 ф.д.ни ташкил этди.

IV бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ (ўтган ойга нисбатан, % да)



IV бўлим бўйича йиллик ИНИ (2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)



2024 йилнинг январь-декабри давомида маиший газ 2,3 баробарга, суюлтирилган газ 42,9 % га, электр энергияси 67,0 % га, чиқиндиларни йиғиш хизматлари 54,7 % га, совуқ сув ва канализация 24,9 % га, иссиқ сув 32,1 % га, иситиш хизматлари 36,0 % га қимматлашди.

Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ (2024 йил декабрь 2023 йилнинг декабрига нисбатан, % да)



Маълумот учун:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 16 апрелдаги “Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан 2024 йилнинг майидан аҳолига электр энергияси ва газ истеъмоли учун янгиланган табақалаштирилган тарифлар жорий қилинди.

V бўлим. “Уй-рўзғор асбоблари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш”

V бўлимда 2024 йилнинг январь-декабридаги ИНИ 105,5 % ни ташкил этиб, унинг ҳисобига 2023 йилнинг декабрига нисбатан йиғма ИНИ 0,32 ф.д. юқорилади.

Ушбу давр давомида V бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ тебранишлари 100,1 % (февраль) - 100,8 % (ноябрь) чегарада жойлашди.

V бўлим бўйича 2024 йилда энг юқори йиллик ИНИ январь ойида (107,2 %) қайд этилган.

V бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ (ўтган ойга нисбатан, % да)



V бўлим бўйича йиллик ИНИ (2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)



Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ (2024 йил декабрь 2023 йилнинг декабрига нисбатан, % да)



V бўлим товар ва хизматлари орасида уй хўжалигини юритиш билан боғлиқ хизматлар ва маиший хизматлар бўйича ИНИ 2024 йил давомида 113,4 % ни, мебелларни, уй-рўзғор буюмлари ва тукли гиламларни таъмирлаш, ўрнатиш ва ижарага беришда 110,4 %, уй хўжалигида фойдаланиладиган тўқимачилик буюмларини таъмирлаш, ижарага бериш ва тикишда 110,2 % ни, маиший приборларни таъмирлаш, ўрнатиш ва ижарага беришда 109,9 % ни ташкил этди.

VI бўлим. “Соғлиқни сақлаш”

VI бўлим бўйича 2024 йилнинг январь-декабридаги ИНИ 120,7 % ни, ўртача ойлик ўсиш суръати 1,6 % ни ташкил этди.

Бўлимдаги нарх ўзгаришларининг 2024 йил январь-декабридаги йиғма ИНИ ўсиш суръатига таъсири 1,16 ф.д.га етди.

Мазкур бўлим товар ва хизматлари бўйича 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ қуйи чегараси 107,7 % (кўриш учун ёрдамчи буюмлар, юқориси – 128,5 % (антибиотиклар) даражасида қайд этилди.

2024 йил давомида VI бўлим бўйича йиллик ИНИ кўрсаткичи 109,3 % дан (январь) 120,7 % гача (ноябрь ва декабрь) пасайди. Шу билан бирга, қисқа муддатли ИНИ тебранишлари 100,5 % (январь) – 106,9 % (апрель) чегарада жойлашди.

VI бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ
(ўтган ойга нисбатан, % да)



VI бўлим бўйича йиллик ИНИ
(2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)



Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ
(2024 йил декабрь 2023 йилнинг декабрига нисбатан, % да)

VI бўлимнинг барча гуруҳлари бўйича йиллик ИНИ кўрсаткичи 2024 йилда 2023 йилнинг мос кўрсаткичидан баланд бўлди. 2024 йилда дори воситалари (126,2 %), профилактик ҳимоя воситалари (120,0 %), диагностика визуализацияси хизматлари (115,6 %) ва шахсий фойдаланиш учун даволаш мосламалари (115,3 %) гуруҳларида нархлар юқорироқ ошди.

VII бўлим. “Транспорт”

2024 йил давомида VII бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ 100,2 % дан (апрель, май, июль) 102,2 % гача (июнь) ораликда жойлашиб, бу асосан ёқилғи-мойлаш материаллари нархларининг тебранишлари билан боғлиқ.

“Транспорт” (VII) бўлимида 2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ 110,8 % ни, ўртача ойлик ўсиш суръати 0,9 % ни ташкил этди. Мазкур бўлимдаги нарх ўзгаришларининг 2024 йилдаги йиғма ИНИ ўсиш суръатига таъсири 1,04 ф.д.га етди.

VII бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ
(ўтган ойга нисбатан, % да)



VII бўлим бўйича йиллик ИНИ
(2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)



2024 йилнинг январь-декабрида автомобиллар учун газ ёқилғиси бўйича ИНИ 121,0 % (метан) – 130,9 % (пропан) чегарасида бўлди.

Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ
(2024 йил декабрь 2023 йилнинг декабрига нисбатан, % да)

Ушбу даврда бензин бўйича ИНИ 105,9 % ни ташкил этди. хайдовчиларни тайёрлаш курслари хизматлари бўйича ИНИ 131,1 % га, автотураргоҳлар хизматлари 117,6 % га етди. Йўловчи ташиш транспорти хизматлари бўйича ИНИ 100,0 % дан (метро, трамвай ва троллейбус) 140,1 % гача (шаҳар атрофидаги поезд чиптаси) ораликда бўлди.

VIII бўлим. “Ахборот ва алоқа”

2024 йилнинг декабрида ахборот ва алоқа соҳасидаги ИНИ 2023 йилнинг декабрига нисбатан 100,7 % га етди. Бу 2023 йилнинг мос кўрсаткичидан 0,9 фоиз бандга баланд бўлди.

Бўлим бўйича қисқа муддатли кўрсаткич 97,8 % дан (апрель) 101,7 % гача (октябрь) диапазонда тебранди.

2024 йил давомида йиллик нисбатдаги ИНИ кўрсаткичи 99,7 % дан 100,7 % гача юқорилади.

“Ахборот ва коммуникация ускуналари” гуруҳида йиллик ИНИ кўрсаткичи 99,7 % дан (январь) 102,7 % гача (октябрь) оралиқда жойлашди.

VIII бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ (ўтган ойга нисбатан, % да)



VIII бўлим бўйича йиллик ИНИ (2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)



Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ (2024 йил декабрь 2023 йилнинг декабрига нисбатан, % да)



VIII бўлим товар ва хизматлари бўйича 2024 йилдаги ИНИ 98,9 % дан (мобил алоқа хизматлари) 113,3 % гача (ахборот-коммуникация ускуналарини таъмирлаш) оралиқда бўлди. Шу билан бирга, мобил алоқа хизматлари ИНИ кетмакет учинчи йил 100 % дан паст даражада қайд этилиб, бу ҳолат алоқа опера-торлари томонидан тариф сиёсатининг қайта кўриб чиқилиши билан боғлиқ.

IX бўлим. “Дам олиш, спорт ва маданият”

Дам олиш, спорт ва маданият соҳасида 2024 йилнинг декабрь ойидаги 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ 108,7 % даражасида шаклланди. Бу 2023 йилнинг январь-декабридаги кўрсаткичдан 1,4 фоиз бандга паст.

IX бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ диапазони 2024 йилда 100,3 % дан (май) 101,2 % гача (сентябрь) ораликда жойлашди. Ушбу бўлимда ИНИ ўртача ойлик ўсиш суръати кўриб чиқилаётган даврда 0,7 % ни ташкил этди.

IX бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ(ўтган ойга нисбатан, % да)

IX бўлим бўйича йиллик ИНИ
(2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)



Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ
(2024 йил декабрь 2023 йилнинг декабрига нисбатан, % да)

2024 йилнинг декабрида IX бўлим товар ва хизматлари нарх ўзгаришларининг 2023 йилнинг декабрига нисбатан йиғма ИНИ ўсиш суръатига таъсири 0,15 ф.д.ни ташкил этди.

Ушбу бўлимда 2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ юқори чегараси 126,7 % га (ойлик журнал), қуйи чегараси – 88,2 % га (А4 форматидаги қоғоз) етди.

Маданият ва истироҳат боғлари хизматлари 2024 йил давомида 26,2 % га, кинотеатрлар хизматлари 16,2 % га қимматлашди.

2023 йилнинг декабрига нисбатан 100 % лик даражадан паст ИНИ канцелярия товарлари ва рассомчилик буюмларида қайд этилди.

X бўлим. “Таълим соҳасидаги хизматлар”

Таълим соҳасидаги ИНИ 2024 йилнинг январь-декабрида 114,0 % ни ташкил этиб, бунинг ҳисобига йиғма кўрсаткич 0,46 ф.д. ошди. 2024 йилнинг сентябридан Ўзбекистоннинг давлат ОТМ барча йўналишларида тўлов-шартнома асосида ўқиш қиймати оширилди. Ушбу хизмат тури бўйича қисқа муддатли ИНИ 115,1 % ни ташкил этди.

X бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ
(ўтган ойга нисбатан, % да)



X бўлим бўйича йиллик ИНИ
(2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)



Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ
(2024 йил декабрь 2023 йилнинг декабрига нисбатан, % да)



2024 йилнинг июнидан бошлаб республиканинг барча ҳудудларида давлат МТТ хизматлари учун тўлов миқдори 20 % га оширилди. Хусусий болалар боғчалари хизматлари 2024 йил давомида 12,3 % га, репетиторлар хизматлари 16,0 % га, таълим курсларида ўқиш учун тўлов қиймати 14,5 % га ошди.

XI бўлим. “Ресторанлар ва меҳмонохоналар хизматлари”

XI бўлимда 2024 йилнинг январь-декабрида ИНИ 112,2 % даражасида қайд этилиб, йиғма ИНИ ўсиш суръатига 0,23 ф.д. таъсир этди. XI бўлим бўйича ИНИ ўртача ойлик ўсиш суръати ушбу даврда 1,0 % ни ташкил этди.

Меҳмонхона хизматлари соҳасида 2024 йилнинг январь-декабри давомида нархларнинг ўсиш суръати озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар етказиб бериш бўйича хизматлардан юқори бўлди (117,7 % га 111,7 %).

XI бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ
(ўтган ойга нисбатан, % да)

XI бўлим бўйича йиллик ИНИ
(2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)



Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ
(2024 йил декабрь 2023 йилнинг декабрига нисбатан, % да)



Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари соҳасида 2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ кўрсаткичи 110,3 % дан (бошқа ошхоналар, кафелар ва газакхоналардаги тайёр таомлар) 118,9 % гача (отель, мотель, меҳмонхоналар хизматлари) оралиқда жойлашди.

XII бўлим. “Суғурталаш ва молиявий хизматлар”

XII бўлим бўйича 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ 102,2 % даражасида қайд этилди.

2024 йилнинг январь-декабри давомида суғурталаш соҳасидаги нархлар ҳолати барқарор бўлди. Молиявий хизматлар бўйича ИНИ ушбу даврда 103,0 % га етди.

Бўлимдаги нарх ўзгаришлари хусусияти бевосита, айрим банкларда миллий валютадаги хизматлар қийматининг ўзгариши ҳамда хорижий валютада белгиланган хизматлар учун тўлов қийматига АҚШ доллари курси ўзгаришининг таъсири билан боғлиқ бўлди.

XII бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ тебранишлари диапазони 2024 йилнинг январидан декабригача 99,8 % дан (февраль) 100,8 % гачани (июль) ташкил этди. Умуман олганда, 2024 йил давомида XII бўлимда кузатиладиган хизматлар нархлари-нинг ўсиши 100,1 % дан (микромолия ташкилотлари ва ломбардлар хизматлари) 104,2 % гача (электрон тўлов тизимлари орқали пул маблағларини ўтказиш бўйича хизматлар) ораликда бўлди.

XII бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ
(ўтган ойга нисбатан, % да)



XII бўлим бўйича йиллик ИНИ
(2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)



Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ
(2024 йил декабрь 2023 йилнинг декабрига нисбатан, % да)

2024 йилнинг декабрида XII бўлим бўйича йиллик ИНИ кўрсаткичи 102,2 % га етиб, 2023 йилнинг декабридаги мос кўрсаткичдан 1,6 фоиз бандга паст бўлди.

2024 йилнинг декабрида молиявий хизматлар бўйича йиллик ИНИ диапазони 100,1 % – 104,2 % оралиғида бўлди.

XIII бўлим. “Маиший товарлар ва хизматлар, ижтимоий ҳимоя ва турли товарлар ва хизматлар”

XIII бўлимда 2024 йилнинг январь-декабрида ИНИ 110,0 % (таъсири +0,47 ф.д.) даражасида қайд этилди.

Мазкур бўлимда 2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ 101,3 % (соқол олиш учун кўпик, крем, гель) – 126,8 % (никох узуги) чегарасида тебранди.

“Маиший товарлар ва хизматлар” (2,8 фоиз бандга) ва “Бошқа хизматлар” (1,3 фоиз бандга) гуруҳлари бўйича 2024 йилдаги йиллик ИНИ кўрсаткичи 2023 йилдаги кўрсаткичдан паст бўлди. “Шахсий фойдаланиш учун бошқа буюмлар” гуруҳи бўйича аксинча, 2024 йилдаги ИНИ кўрсаткичи юқорироқ бўлди (114,2 % га 107,8 %).

XIII бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ
(ўтган ойга нисбатан, % да)

XIII бўлим бўйича йиллик ИНИ
(2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)



2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан узоқ муддатли ИНИ ушбу бўлимда 105,6 % дан (болалар аравачалари) 119,6 % гача (ҳаммом ва душхоналар хизматлари) оралиғида жойлашди.

Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ
(2024 йил декабрь 2023 йилнинг декабрига нисбатан, % да)

Сартарошхоналар хизматлари 2024 йил давомида 15,8 % га, соатларни таъмирлаш 13,5 % га, нусха кўчириш 12,1 % га, диний хизматлар 11,9 % га, ҳуқуқий тусдаги хизматлар 10,3 % га қимматлашди.

Сартарошхоналар хизматлари нархларининг ошиши 2023 йилнинг мос кўрсаткичидан 1,2 фоиз бандга паст бўлди.

2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан йиғма ИНИ ўсиш суръатига энг юқори таъсир “Турар жой хизматлари, сув, электр. газ ва бошқа ёнилғи турлари” (IV) бўлимига тегишли бўлди (9,8 ф.д.дан 4,57 ф.д.).

Соғлиқни сақлаш соҳасида нархларнинг ўсиши ҳисобига йиллик нисбатдаги йиғма кўрсаткич қўшимча 1,16 ф.д., транспорт соҳасидаги тарифларнинг ошиши эса йиғма кўрсаткичга яна 1,04 ф.д. қўшди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар нархларининг ошиши 2023 йилнинг декабрига нисбатан йиғма кўрсаткич ўсишига 0,82 ф.д. таъсир қилди. Шу билан бирга, мазкур кўрсаткич 2023 йилнинг мос кўрсаткичидан 2,88 фоиз бандга паст бўлди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида нарх ўзгаришларининг 2023 йил декабрига нисбатан йиғма кўрсаткичга таъсири 2022 йил декабридаги мос кўрсаткичдан 0,52 ф.д. баланд бўлди.

ЎзР МИИТ – 2018 бўлимлари кесимида нарх ўзгаришларининг йиғма ИНИ ўсиш суръатига таъсири

(2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан, ф.д.)



2- БЎЛИМ. САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР НАРХЛАРИ ИНДЕКСИ

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари йиғма индекси (ИЧНИ) – бу, товарлар (хизматлар)ни ишлаб чиқариш жараёнида нархларнинг ўзгаришини тавсифловчи кўрсаткич бўлиб, у ишлаб чиқариш соҳасидаги инфляцион жараёнларнинг индикатори ҳисобланади. ИНИ билан бир қаторда, мазкур индекс иқтисодий ривожланиш ва унинг истиқболларини тавсифловчи муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар тўпламига киради.

Йиғма ИЧНИ динамикаси
(декабрь ўтган йилнинг декабрига нисбатан, % да)



2024 йилнинг январь-декабрида йиғма ИЧНИ 113,7 % ни ташкил этиб, 2023 йилдаги мос кўрсаткичдан 1 фоиз бандга паст бўлди.

Йиғма кўрсаткичнинг ўртача ойлик ўсиш суръати 2024 йилнинг январь-декабрида 1,1 % даражасида қайд этилди.

Таҳлил қилинаётган даврда қисқа муддатли ИЧНИ кўрсаткичи апрель ойида (102,5 %) энг баланд, август ва декбрь ойларида (100,1 %) энг паст кўрсаткични қайд этди.

2024 йилда йиллик нисбатдаги узоқ муддатли ИЧНИ кўрсаткичи 113,7 % дан (декабрь) 122,2 % гача (июль) чегарада жойлашди.

2024 йилда йиғма ИЧНИ динамикаси

(ўтган ойга нисбатан, % да)



(2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)



Изоҳ: Статистика кенгаши томонидан ишлаб чиқарувчилар нархлари статистикасини такомиллаштириш бўйича белгиланган вазифаларга мувофиқ, 2024 йил апрелдан ҳисобот берувчи субъектлар доираси кенгайтирилганлиги сабабли, 2024 йилнинг биринчи чораги учун нарх индекслари қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Сўнгги беш йил давомида “Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш” (B) секциясида декабрь ойидаги ўтган йилнинг декабрига нисбатан ИЧНИ энг юқори ўсиш суръати 2022 йилда (34,3 %) қайд этилган. B секциясида ИЧНИ ўсиш суръати 2024 йилнинг якунига кўра 2022 йилдаги мос кўрсаткичдан 20,5 фоиз бандга паст бўлди.

Таҳлил қилинаётган даврда C секция-си бўйича нархларнинг энг юқори ўсиш суръати ҳам 2022 йилда (16,5 %) қайд этилган. 2024 йилдаги ИЧНИ 2,6 фоиз бандга паст бўлди.

Саноат ишлаб чиқариши фаолиятига кирувчи тўртта йирик секциялар орасида 2024 йилда бошқаларга нисбатан энг юқори ИЧНИ E секцияси “Сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш”да (134,6 %) қайд этилди.

2024 йилнинг декабрида энг паст йиллик ИЧНИ D секция “Электр энергияси, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш”да (111,5 %) кузатилди.

Секциялар бўйича йиллик ИЧНИ динамикаси
(декабрь ўтган йилнинг декабрига нисбатан, % да)

B СЕКЦИЯ **Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш**



C СЕКЦИЯ **Ишлаб чиқариш саноати**



D СЕКЦИЯ **Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш**



E СЕКЦИЯ **Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш**



Нарх ўзгаришларининг йиғма ИЧНИ ўсиш суръатига таъсири (2024 йил январь-декабрь, ф.д.)



Йиғма ИЧНИ ўсиш суръатига жами таъсири	+13,70
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	B секция +1,36
Ишлаб чиқариш саноати	C секция +10,45
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	D секция +1,63
Сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	E секция +0,25

2024 йилнинг январь-декабридаги йиғма ИЧНИ ўсиш суръати тузилмасида энг юқори улуш (76,3 %) ишлаб чиқариш саноатидаги нарх ўзгаришларига тегишли бўлди. Мазкур фаолият турида нархларнинг ўсиши ҳисобига йиғма кўрсаткич 10,45 ф.д. юқорилади.

Ишлаб чиқариш саноатидаги инфляцион жараёнларнинг устунлик қилиши мазкур фаолият турининг республика саноат ишлаб чиқариш тузилмасидаги юқори улуши билан изоҳланади.

2024 йил якуни натижаларига кўра, нисбатан юқори ИЧНИ кўрсаткичи қайд этилганига қарамай (134,6 %), E секциясига энг паст таъсир улуши (1,8 %) тегишли бўлиб, бу секциянинг нисбатан паст салмоқ вазнга эгалиги билан изоҳланади.

Йиғма ИЧНИ ўсиш суръатига таъсир динамикаси (2020-2024 йилларнинг январь-декабри, ф.д.)







В секцияси. “Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш”

2024 йилда қисқа муддатли ИЧНИ динамикаси
(ўтган ойга нисбатан, % да)



2024 йилда йиллик ИЧНИ динамикаси
(2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)



В секцияси фаолият турлари бўйича йиллик ИЧНИ
(2024 йил декабрь, % да)



Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашда ИЧНИ 2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан 113,8 % ни ташкил этиб, 2023 йилдаги мос кўрсаткичдан 5,3 фоиз бандга баланд ва 2022 йилдаги мос кўрсаткичдан 20,5 фоиз бандга паст бўлди.

В секцияси бўйича 2024 йилнинг январь-декабрида ИЧНИ ўртача ойлик ўсиш суръати ушбу даврда 1,1 % га етди. Ушбу кўрсаткичдан энг юқори оғиш май (-4,1 фоиз банд) ва апрель (+5,9 фоиз банд) ойларидаги қисқа муддатли ИЧНИда кузатилди.

2024 йил давомида В секцияси бўйича йиллик нисбатдаги ИЧНИ кўрсаткичида умумий ўсиш тенденцияси (январь ойидаги 108,1 % дан декабрь ойида 113,8 % гача) кузатилди.

2024 йилда В секциясига тааллуқли асосий фаолият турлари бўйича ИЧНИ диапазони 100,0 % дан (кўмир ва лигнит қазиб олиш) – 118,8 % гачани (тоғ-кон саноатининг бошқа фаолият турлари) ташкил этди.

Фойдали қазилмалар қазиб олиш соҳасидаги нархлар ҳолати ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда асосий турдаги хомашё ресурсларининг биржа котировкалари ўзгаришлари босими остида шаклланди.

В секциясига кирувчи маҳсулотлар кесимида 2024 йилнинг январь-декабрида ИЧНИ 95,1 % дан (табиий газ конденсати) 136,4 % гача (табиий қум) оралиқда бўлди.

В секциясининг айрим товарлари бўйича ИЧНИ, % да
(2024 йил январь-декабри, % да)

Хом нефть ва табиий газ қазиб олишда нархлар ўзгаришининг 2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИЧНИ ўсиш суръатига таъсири +9,35 ф.д.ни ташкил этди. Ушбу фаолият турининг В секциясидаги ИЧНИ умумий ўсиш суръатидаги улуши 67 % дан ошди.

Металл рудалар қазиб олишда ишлаб чиқарувчилар нархларининг ўзгариши В секцияси бўйича ИЧНИга 3,41 ф.д. (таъсир улуши 24,7 %) қўшди.

Қолган фаолият турларидаги ўзгаришларнинг таъсири паст даражада бўлди.

Нарх ўзгаришининг В секциясида ИЧНИ ўсиш суръатига таъсири
(2024 йил январь-декабрь, ф.д.)



С секцияси. “Ишлаб чиқариш саноати”

2024 йилда қисқа муддатли ИЧНИ динамикаси
(ўтган ойга нисбатан, % да)



2024 йилда йиллик ИЧНИ динамикаси
(2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)



С секцияси фаолият турлари бўйича йиллик ИЧНИ
(2024 йил декабрь, % да)

С секцияси бўйича 2024 йилнинг декабрида йиллик нисбатдаги ИЧНИ 113,9 % га етди. Бу 2023 йилнинг декабридаги ушбу фаолият тури бўйича йиллик ИЧНИдан 7,1 фоиз бандга баланд бўлди.

2024 йилда ўртача ойлик кўрсаткичдан юқори қисқа муддатли ИЧНИ январь, апрель, май, сентябрь, октябрь ва ноябрь ойларида қайд этилди.

2024 йил давомида ишлаб чиқариш саноатида йиллик нисбатдаги ИЧНИ кўрсаткичида умумий ўсиш тенденцияси кузатилди (2024 йилнинг охирида йиллик ИЧНИ йил бошидаги 108,1 % дан 113,9 % га етди).

2024 йилда умумий саноат фаолиятидан юқори нарх ўсиши ичимликлар, тери ва унга тааллуқли буюмлар, ёзиб олинган материалларни чоп этиш ва акс эттириш, металлургия саноати ҳамда бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқаришда кузатилди.

Нархларнинг пасайганлиги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда кузатилди.

С секцияси бўйича 2024 йилнинг декабридаги 2023 йилнинг декабрига нисбатан йиллик ИЧНИ тузилмасида энг юқори улуш (57,2 %) металлургия саноатидаги нарх ўзгаришлари ҳиссасига тўғри келди.

Кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда нархларнинг пасайиши тутиб турувчи вазифани бажариб, уларнинг ҳисобига С секцияси бўйича 2023 йилнинг декабрига нисбатан кўрсаткич 0,07 ф.д. пасайди.

Нарх ўзгаришларининг С секцияси бўйича ИЧНИ ўсиш суръатига таъсири
(2024 йил январь-декабрь, ф.д.)

ЖАМИ ТАЪСИРИ +13,90 ф.д.

Ишлаб чиқариш саноатининг айрим фаолият турлари бўйича ИЧНИ
(2024 йил январь-декабрь)

МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ

Йиллик ИЧНИ динамикаси



Металлургия саноатида 2024 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарувчилар нархлари 30,1 % га ошиб, С секцияси бўйича ИЧНИ 7,95 ф.д. (С секцияси бўйича умумий ўсиш суръатининг 57,2 % и) ўсишига таъсир этди.

2024 йилда металлургия саноати бўйича йиллик ИЧНИ кўрсаткичи 2023 йилдаги мос кўрсаткичдан 23,4 фоиз бандга баланд бўлди.

Йиллик ИЧНИ динамикаси
(2023 йил мос ойига нисбатан, % да)



Қисқа муддатли ИЧНИ динамикаси
(ўтган ойга нисбатан, % да)



шу жумладан:

Металлургия саноатига тааллуқли фаолият турлари бўйича йиллик ИЧНИ диапазони 2024 йилда 90,6 % дан (пўлатдан совуқлайин прокатка қилинган, кейин бошқа ишлов берилмаган, кенглиги 600 ммдан кам бўлмаган ясси прокат) 190,5 % гача (қуйма пўлат) оралиқда жойлашди. Қуйма пўлат, пўлатдан иссиқлайин прокатка қилинган чивиқлар ва стерженлар бўйича йиллик ИЧНИ 90,6-120,2 % чегарасида тебранди. Рух ишлаб чиқарувчилар 2024 йилда маҳсулот нархларини 34,1 % га, мисни 14,6 % га, алюминийни 8,3 % га оширдилар.

Давоми

ТЎҚИМАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Йиллик ИЧНИ динамикаси



Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 2024 йилда ИЧНИ 107,4 % ни ташкил этди. Бу С секцияси бўйича ИЧНИ бир йилда 0,90 ф.д. ўсишини таъминлади.

Ушбу давр давомида кўриб чиқилаётган фаолият турида йиллик ИЧНИ кўрсаткичининг умумий ўсиш тенденцияси кузатилди. (йил бошидаги 97,6 % дан йил охиридаги 107,4 % гача).

Йиллик ИЧНИ динамикаси
(2023 йил мос ойига нисбатан, % да)



Қисқа муддатли ИЧНИ динамикаси
(ўтган ойга нисбатан, % да)



шу жумладан:

Қисқа муддатли ИЧНИ 2024 йилда 99,8 % дан (апрель и сентябрь) 102,4 % гача (май) дипазонда жойлашган бўлса, индекснинг ўртача ойлик ўсиш суръати 0,6 % ни ташкил этди.

2024 йил давомида тўқимачилик бумларига ишлов бериш хизматлари 35,7 % га, трикотаж полотно ишлаб чиқариш 34,9 % га, толали улюк 7,8 % га, гилам ва гилам маҳсулотлари 6,4 % га қимматлашди.

Чакана савдо учун қадоқланган пахтадан йигирилган ип (-8,4 %), 2-навли пахта толаси (-1,8 %), кўрпа-тўшак бельёси (-1,6 %) ишлаб чиқаришда нархлар пасайганлиги қайд этилди.

Давоми

КОКС ВА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Йиллик ИЧНИ динамикаси



Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ИЧНИ 2024 йилда 110,6 % даражасига етиб, ўртача ойлик ўсиш суръати 0,8 ф.д. ни ташкил этди.

Бу С секцияси бўйича 2024 йил январь-декабридаги ИЧНИ 0,63 ф.д. ошишига таъсир қилди. Ёқилғи-мойлаш материаллари бозорида биржа котировкалари ўзгариши мазкур фаолият турида нарх ошиши омилларидан бири бўлди.

Йиллик ИЧНИ динамикаси
(2023 йил мос ойига нисбатан, % да)



Қисқа муддатли ИЧНИ динамикаси
(ўтган ойга нисбатан, % да)



шу жумладан:

2024 йил давомида асосий турдаги нефт маҳсулотлари нарх динамикаси биржа конъюнктуралари ўзгариши билан боғлиқ тебранишлар таъсирида бўлди. Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қисқа муддатли ИЧНИ диапазони 97,8 % дан (март) 104,4 % гача (февраль) чегарада жойлашди.

2024 йилда маиший печь ёқилғиси (-6,7 %), керосин типидаги реактив ёқилғи (-4,3 %) ва нефт битуми (-2,4 %) нархида пасайиш қайд этилди. Бошқа маҳсулот турларида нархларнинг пасайиши 103,1 % дан 113,2 % гача чегарада бўлди.

Давоми

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Йиллик ИЧНИ динамикаси



Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ИЧНИ 2024 йилда 106,2 % даражасида шаклланиб, ўртача ойлик ўсиш суръати 0,5 % ни ташкил этди.

Бунинг ҳисобига, С секцияси бўйича ИЧНИ умумий 13,9 ф.д. ўсиш суръатига қўшимча 0,61 ф.д. таъсир таъминланди.

Йиллик ИЧНИ динамикаси
(2023 йил мос ойига нисбатан, % да)



Қисқа муддатли ИЧНИ динамикаси
(ўтган ойга нисбатан, % да)



шу жумладан:

2024 йил якунлари бўйича нархларнинг энг юқори пасайиши крахмаллар ва крахмал маҳсулотлари (-17,3 %), шакар (-9,4 %), гўштдан тайёрланган маҳсулотлар (-6,3-1,4 % чегарасида), қуюлтирилмаган ва шакар қўшилмаган сут ва қаймоқда (-3,9 %) қайд этилди.

Нархларнинг юқорироқ ўсиши тозаланмаган пахта ёғи (29,9 %), узоқ сақланмайдиган нон, хамирдан янги тайёрланган қандолат маҳсулотлари, торт ва пирожное (27,9 %) ҳамда музқаймоқ ва бошқа озуқавий муз (25,4 %) ишлаб чиқаришда қайд этилди.

D секцияси. “Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондицялаш”

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда ИЧНИ 2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан 111,5 % даражасида қайд этилди.

D секцияси бўйича қисқа муддатли ИЧНИ диапазони 2024 йил давомида 100,0 % дан 107,0 % гача ораликда бўлиб, индекснинг ўртача ойлик ўсиш суръати 0,9 % ни ташкил этди.

D секцияси бўйича қисқа муддатли ИЧНИ динамикаси
(ўтган ойга нисбатан, % да)



D секцияси бўйича йиллик ИЧНИ динамикаси
(2023 йил мос ойига нисбатан, % да)



D секцияси бўйича фаолият турларида йиллик ИЧНИ
2024 йилнинг декабрида, % да



D секциясига кирувчи фаолият турлари бўйича ИЧНИ диапазони 2024 йилнинг январь-декабрида 106,9 % дан (электр энергиясини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш) 141,7 % гача (буғ узатиш ва ҳавони кондициялаш тизимлари) чегарада жойлашди.

Давоми

2024 йил декабрида D секцияси алоҳида фаолият турлари бўйича йиллик ИЧНИ, % да

2024 йилда электр энергияси тарифларининг ўртача ошиш даражаси 4,2 % ни ташкил этди. уни сотиш тарифлари 9,3 % га юқорилади.

Газсимон ёқилғини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш бўйича нарх ва тарифлар 15,0-49,8 % га юқорилади.

Буғ ва иссиқ сув ҳамда улар билан таъминлаш хизматлари 35,6-56,1 % чегарасида қимматлади.

D секцияси бўйича 2024 йилнинг декабрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИЧНИ тузилмасидаги устунлик (47,4 %) электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашдаги нарх ўзгаришларига тегишли бўлди.

Нарх ўзгаришларининг D секциясида ИЧНИ ўсиш суръатига таъсири
(2024 йил январь-декабрь, ф.д.)



Е секцияси. “Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш”

Е секциясида қисқа муддатли ИЧНИ динамикаси
(ўтган ойга нисбатан, % да)

Е секцияси бўйича йиллик ИЧНИ динамикаси
(2023 йил мос ойига нисбатан, % да)



Е секцияси фаолият турлари бўйича йиллик ИЧНИ
2024 йил декабрь, % да



2024 йилда нарх ўзгаришларининг Е секцияси бўйича ИЧНИ ўсиш суръатига таъсири



Сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш, қайта ишлаш ва утилизация қилишда ИЧНИ 2024 йилда 134,6 % даражасида қайд этилди. 2024 йил давомида сувни қайта ишлаш ва сув қувурлари орқали тақсимлаш хизматлари 43,9 % га, оқова сувларни йўқотиш ва транспортировка қилиш ва қайта ишлаш 21,8 % га, шаҳар хўжалигининг қайта фойдаланишга яроқли ва яроқсиз хавфсиз чиқиндиларини йиғиш бўйича хизматлар мос равишда 30,1 % ва 45,5 % га, қайта фойдаланишга яроқсиз бошқа хавфсиз чиқиндиларни йиғишда 12,4 % га, чиқиндиларни қайта ишлаш ва йўқотишда 36,6 % га, материалларни утилизация қилишда 12,4 % га, ҳавони зарарсизлантириш ва тозалашда 14,3 % га ўсди.

Е секцияси бўйича ИЧНИ ўсиш суръати тузилмасининг салкам тўртдан уч қисми сувни йиғиш, қайта ишлаш ва тақсимлаш бўйича хизматлар ҳиссасига тўғри келиб, унда нархларнинг ошиши ҳисобига 2024 йилда Е секцияси бўйича ИЧНИ 25,2 ф.д. юқорилади.

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Истеъмол нархлари индекси (ИНИ) – инфляция даражасини ифодалайдиган муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, бу ўртача истеъмолчи томонидан сотиб олинган товарлар ва хизматлар мажмуи қийматининг умумий ўзгаришини ҳисоблайди, яъни, маълум давр мобайнида, товар ва хизматлар истеъмоли миқдори ўзгармас бўлган ҳолда, аҳолининг истеъмол харажатлари умумий миқдорининг ўзгаришини ифодалайди.

ИНИда, мамлакатнинг барча ҳудудлари бўйича турли товар ва хизматлар нархларининг ҳаракати ўртача даражага келтирилади.

Йиғма ИНИни ҳисоблаш, базис даврининг салмоғидан фойдаланган ҳолда, модификацияланган Ласпейрес формуласи орқали амалга оширилади. ИНИни ҳисоблаш жараёнида салмоқ сифатида, оилаларнинг товар ва хизматлар сотиб олиш харажатлари тўғрисида уй хўжаликларининг кузатуви натижасида олинадиган аҳолининг истеъмол харажатларидан фойдаланилади.

ИНИни шакллантиришда “Истеъмол нархлари индекси бўйича қўлланма: Назария ва амалиёт” (ХВЖ, ИҲРТ, Евростат, БМТ, ЙИК, Жаҳон банки ва ХМТ) тавсияларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган Товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари (тарифлари) кузатувини ташкил этиш ҳамда истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом (Статистика агентлигининг 2024 йил 20 майдаги 106-сон буйруғи билан янги таҳрири тасдиқланган) асос бўлиб хизмат қилади https://lib.stat.uz .

Нархларни рўйхатга олиш ҳар ойнинг 10- санасидан 20- санасигача амалга оширилади. Маълумотларни йиғиш шундай ташкил этилганки, бу вақт оралиғида нархларни рўйхатга олиш ҳар бир товар ва хизмат бўйича бир марта амалга оширилади ва қўшни даврлар учун рўйхатга олиш оралиғи бир календар ойни ташкил қилади. Ҳар ойда 10 мингдан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари кузатилади ва 120 мингдан ортиқ нарх котировкалари қайд этилади.

ИНИни шакллантириш қуйидаги иккита маълумотлар манбаси асосида амалга оширилади:

1) уй хўжаликларида ўтказиладиган танланма кузатувлар маълумотлари асосида шаклланадиган аҳолининг истеъмол харажатлари таркиби тўғрисидаги маълумотлар;

2) ҳудудлар, савдо ва хизмат кўрсатиш обектлари, намуна товарлар танланмаси доирасида нархларни қайд этиш маълумотлари.

Шундай қилиб, ҳар бир позициянинг (бўлим, гуруҳ, аниқ товар ёки хизмат) йиғма кўрсаткич ўзгаришига таъсири позициянинг нарх ўзгаришлари ва харажатлар таркибидаги салмоқ вазнидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

2021 йилдан бошлаб, ИНИни шакллантириш ЎзР МИИТ асосида амалга оширилади.

ЎзР МИИТ – Ўзбекистон Республикасининг Мақсадлар бўйича истеъмол таснифлагичи миллий ҳисобларнинг таркибий қисми ҳисобланган БМТнинг Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифи – 2018 (Classification of Individual Consumption According to Purpose (COICOP) 2018) асосида ишлаб чиқилган. ЎзР МИИТ статистика фаолияти соҳасида фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, ИНИ, уй хўжаликлари статистикаси, ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) халқаро таққослаш дастурларида ва унинг компонентлари бўйича харажатларни ҳисоблаш учун статистик базани шакллантириш мақсадида маълумотларни таснифлаш ва кодлаштиришда фойдаланилади.

Нарх – товар бирлиги миқдори учун маълум бир валюта (миллий ёки халқаро) пул бирлигида ифодаланган товар қийматининг ифодаси.

Қиёсий нарх (муомаладаги нарх) – айнан бир савдо объекти ва пуллик хизмат соҳасида рўйхатга олинган бир хил ёки сифати бўйича айнан ўхшаш товар (хизмат, маҳсулот тури) нархи.

Рўйхатга олиш нархи – сифати, сотиш шартлари ва давр оралиғи аниқ белгиланган муайян бир товар, маҳсулот ёки хизмат турига тўланган пул бирлиги миқдори.

Нархларни рўйхатга олиш – шакллантирилган товарлар (хизматлар) тўпламига киритилган товарлар (хизматлар) нархлари тўғрисида маълумот тўплаш усули.

Нархлар даражаси – муайян вақт, маълум бир ҳудудда, худди шундай истеъмол хусусиятлари билан товар ва товарларнинг умумий таркибида нархларнинг ҳолатини тавсифловчи кўрсаткич. Нархлар даражасини баҳолаш нархларни статистик ўрганиш босқичларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўртача нарх – маълум вақт ёки макондаги бир турга мансуб товарлар гуруҳидаги нархларнинг ўзгаришини умумлаштириш характеридаги нарх. Статистик тажрибаларга асосан, дастлабки маълумотлар ҳамда уларни шакллантириш тартибига кўра ўртача нархларни ҳисоблашнинг турли усуллари мавжуд.

Мавсумийлик – ўзгарувчан фасллар, дон, сабзавот ва меваларни пишиб етилиш даври, уларни қайта ишлаш, муайян ишларни бажариш, шунингдек, урф-одатлар, байрамлар ва бошқалар билан боғлиқ такрорий ўзгаришлар.

Индивидуал нарх индекси – ўрганилаётган бир элементнинг жами нархлари ўзгаришини акс эттиради (аниқ турдаги товар, хизмат) ва индивидуал ҳодисани тавсифлашда фойдаланилади.

Жамланган (йиғма) нарх индекси – алоҳида кичик гуруҳлар, гуруҳлар ёки ўрганилаётган жараёнлар бўйича умумий ҳисобда нархлар ўзгариши даражасини тавсифловчи ва индивидуал нарх индекслари асосида шаклланувчи нисбий кўрсаткич.

Қисқа муддатли нарх индекси – ўтган ойга нисбатан нарх индекси.

Ишлаб чиқарувчи нархи – ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти бирлигининг корхона “дарвозалари”дан чиққан вақтидаги, маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан харидорга йўналтирилиши билан боғлиқ қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, бошқа қўшимча солиқлар, савдо, сотиш устамаси, транспорт ва бошқа харажатлар ҳисобга олинмаган нархи.

XI. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ[1)]

Даромад (фойда) солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар) – корхона ва ташкилотларнинг барча хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттирадиган якуний молиявий натижа. Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари), асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари, молиявий фаолиятнинг даромадлари ва фавқулодда фойда йиғиндисидан давр харажатлари, молиявий фаолият бўйича харажатлар ва фавқулодда харажатлар чегириб ташланадиган умумий фойда (зарари)ни ифодалайди.

1- БЎЛИМ. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ

2024 йилнинг январь-ноябрь ойларида иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан 108 720,5 млрд сўм миқдорида якуний молиявий натижа олинди.

Якуний молиявий натижаларнинг йиллар бўйича динамикаси
(январь-ноябрь, трлн сўм)



Ҳудудлар кесимида молиявий натижалари бўйича фойда ва зарар кўрган корхоналарнинг улушлари
(2024 йил январь-ноябрь ойларида)



[1)] *Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.*

Иқтисодий фаолият тури кесимида фойданинг асосий қисми ишлаб чиқарадиган саноат 72 309,8 млрд сўм, ташиш ва сақлаш 10 005,8 млрд сўм, савдо 6 155,0 млрд сўм, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш 5 538,3 млрд сўм, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш 5 208,5 млрд сўм ва молиявий ва суғурта фаолиятига 3 418,0 млрд сўм тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалар

(2024 йилнинг январь-ноябрь ойларида)

2024 йилнинг январь-ноябрь ойларида 2023 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганда, фойданинг асосий ўсиши Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги (22 146,9 млрд сўм), “Ўзавтосаноат” АЖ (734,1 млрд сўм), “Ўзбекистон электротехника саноати корхоналари” уюшмаси (655,0 млрд сўм)га тўғри келди.

2024 йилнинг январь-ноябрь ойларида 2023 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганда, фойданинг асосий пасайиши, “Ўзтрансгаз” АЖда – 3574,4 млрд сўмга, “Ўзсаноатқурилишма-териаллари” уюшмаси –1546,0 млрд сўмга ва “Ўзкимёсаноат” АЖда – 783,9 млрд сўм кузатилган.

Фойданинг ўсиши ва камайиши

(2024 йилнинг январь-ноябрь ойларида, млрд сўм)



Ҳудудлар кесимида фойданинг асосий қисми Навоий вилояти 47 766,1 млрд сўм (жами фойданинг 43,9 % и), Тошкент шаҳри 33 538,5 млрд сўм (30,8 %), Тошкент вилояти 14 879,2 млрд сўм (13,7 %), Андижон вилояти 4 099,8 млрд сўм (3,8 %), Қорақалпоғистон Республикаси 3 392,4 млрд сўм (3,1 %), Қашқадарё вилояти 1 582,8 млрд сўм (1,5 %), Жиззах вилояти 794,7 млрд сўм (0,7 %) ва Наманган вилоятида 662,4 млрд сўм (0,6 %) га тўғри келди.

Ҳудудлар кесимида якуний молиявий натижалар

(январь-ноябрь ойларида, млрд сўм)



Энг юқори фойдага эришган вазирлик ва таркибидаги корхоналарнинг молиявий натижалари

(2024 йилнинг январь-ноябрь ойларида, млрд сўм)

Энг юқори фойда кўрган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигида – 60 702,3 млрд сўм, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ – 8 161,4 млрд сўм, “Ўзавтосаноат” – 5 462,8 млрд сўм, “Ўзтрансгаз” АЖ – 2 908,8 млрд сўм ва Ўзбекнефтгаз – 1 938,0 млрд сўмга тўғри келди.

Даромад (фойда) солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар) – корхона ва ташкилотларнинг барча хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттирадиган якуний молиявий натижа. Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари), асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари, молиявий фаолиятнинг даромадлари ва фавқулодда фойда йиғиндисидан давр харажатлари, молиявий фаолият бўйича харажатлар ва фавқулодда харажатлар чегириб ташланадиган умумий фойда (зарари)ни ифодалайди.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида молиявий натижаси зарар билан якунланган корхона ва ташкилотлар сони ва уларнинг зарар миқдори

(2024 йилнинг январь-ноябрь ойларида)

Давоми

Иқтисодий фаолият турлари кесимида молиявий натижалари зарар билан якунланган корхона ва ташкилотлар

(2024 йилнинг январь-ноябрь ойларида, жамига нисбатан % да)

Иқтисодий фаолият турлари кесимида молиявий натижаси зарар билан якунланган корхоналарнинг асосий қисми электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 30,1 %, ишлаб чиқарадиган саноатда – 22,8 % га, ахборот ва алоқа – 9,4 %, профессионал, илмий ва техник фаолият – 7,6 %, ва савдода – 7,3 % га тўғри келди.

Ҳудудлар кесимида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

(2024 йилнинг январь-ноябрь ойларида)

Ҳудудлар бўйича зарарнинг асосий қисми Тошкент шаҳри – 68,5 % (10 511,6 млрд сўм), Тошкент вилояти – 8,5 % (1 303,7 млрд сўм), Самарқанд вилояти – 6,0 % (916,0 млрд сўм), Фарғона вилояти – 3,0 % (455,6 млрд сўм), Жиззах вилоятида – 2,6 % (401,0 млрд сўм), Андижон вилояти – 2,6 % (398,1 млрд сўм), Бухоро вилояти – 2,2 % (338,6 млрд сўм), Сурхондарё вилояти – 1,5 % (237,0 млрд сўм), Қашқадарё вилояти – 1,5 % (229,5 млрд сўм) ва Хоразм вилояти – 1,4 % (217,5 млрд сўм)га тўғри келди.

Ҳудудлар кесимида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

(январь-ноябрь ойларида, млрд сўм)

2- БЎЛИМ. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗДОРЛИГИ ҲОЛАТИ[1)]

2024 йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, дебитор қарздорликнинг умумий ҳажми 307 481,7 млрд сўмни ташкил қилди, шундан муддати ўтгани – 20 913,7 млрд сўм (жами қарздорликнинг 6,8 % и).

Муддати ўтган дебитор қарздорлик 2023 йилнинг 1 декабрига нисбатан солиштирилганда 34,8 % га кўпайган, жами дебитор қарздорликдаги улуши 1,1 пунктга кўпайган.

Дебиторлик қарздорлик таркиби

(млрд сўм)



Корхона ва ташкилотларнинг дебитор қарздорлиги динамикаси

(1 декабрь ҳолатига, млрд сўм)

[1)] *Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар ҳамда кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.*

Корхона ва ташкилотларнинг муддати ўтган дебитор қарздорлиги динамикаси
(1 декабрь ҳолатига, млрд сўм)



Ҳудудлар кесимида дебитор қарздорликнинг асосий қисми Тошкент шаҳри – 171 543,5 млрд сўм, Тошкент вилояти – 29 451,3 млрд сўм, Андижон вилояти – 15 206,2 млрд сўм, Навоий вилояти – 14 806,7 млрд сўм Қашқадарё вилояти – 14 065,8 млрд сўм, Қорақолпоғистон Республикаси – 13 867,3 млрд сўм ва Бухоро вилоятида – 10 516,2 млрд сўмга тўғри келди.

Ҳудудлар кесимида корхона ва ташкилотларнинг дебитор қарздорлиги
(1 декабрь ҳолатига, млрд сўм)



Ҳудудлар кесимида корхона ва ташкилотларнинг муддати ўтган дебитор қарздорлиги
(2024 йил 1 декабрь ҳолатига, млрд сўм)

Ҳудудлар кесимида муддати ўтган дебитор қарздорликнинг асосий қисми Қорақолпоғистон Республикаси – 10 906,2 млрд сўм, Тошкент шаҳрида – 7 519,5 млрд сўм, Фарғона вилояти – 992,7 млрд сўм, Тошкент вилояти – 414,8 млрд сўм, Сурхондарё вилояти – 308,1 млрд сўм, Андижон вилояти – 225,0 млрд сўм ва Самарқанд вилоятида – 173,1 млрд сўмни ташкил этган.

Корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

Ҳудудлар кесимида корхона ва ташкилотларнинг муддати ўтган дебитор қарздорлиги
(2024 йил 1 декабрь ҳолатига, млрд сўм)

Алоҳида хўжалик бошқаруви органларининг дебитор қарздорлиги
(2024 йил 1 декабрь ҳолатига, жамига нисбатан % да)

Энг юқори дебитор қарздорлик Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги – 21 921,5 млрд сўм (республика бўйича жами қарздорликдан 7,1 % и), “Ўзтрансгаз” АЖ – 19 815,1 млрд сўм (6,4 %), “Ўзавтосаноат” АЖ – 17 494,7 млрд сўм (5,7 %), “Ўзбекнефтгаз” АЖ – 15 999,1 млрд сўм (5,2 %), “Иссиқлик электр станциялари” АЖ – 11 119,6 млрд сўм (3,6 %), “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ – 9 291,3 млрд сўм (3,0 %), Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари уюшмаси – 8 548,9 млрд сўм (2,8 %), Ўзбекистон электротехника саноати корхоналари уюшмаси – 7 584,4 млрд сўм (2,5 %), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ – 7 307,0 млрд сўм (2,4 %), “Ўзчармсаноат” уюшмаси 6 657,5 млрд сўм (2,2 %), “Uzbekistan Airways” АЖ – 5 490,0 млрд сўм (1,8 %), “Uzbekistan Airports” АЖда – 5 245,0 млрд сўм (1,7 %), “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасида – 4 581,2 млрд сўм (1,5 %), “UzGasTrade” АЖ – 4 478,5 млрд сўм (1,5 %), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги – 4 239,5 млрд сўм (1,4 %), “Ўзкимёсаноат” АЖ – 3 859,9 млрд сўм (1,3 %), Давлат активларини бошқариш агентлиги – 3 716,8 млрд сўм (1,2 %) эканлиги кузатилмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича дебитор қарздорликнинг энг кўп улуши ишлаб чиқарадиган саноатда – 38,7 % (жами қарздорликдан), ташиш ва сақлаш – 13,3 %, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашда – 11,7 %, савдода – 11,1 % ва электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 9,3 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича дебитор қарздорликнинг таркиби
(2024 йил 1 декабрь ҳолатига)

Дебиторлик қарзлар – харидорлар ва буюртмачилар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзлари, ходимларга, мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар, бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар, йиғимлар ва суғурта бўйича бўнак тўловлари, муассисларнинг устав фондидаги улушлари бўйича қарзи, ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзлари ва бошқа дебиторлик қарзларини ўз ичига олади.

Узоқ муддатли пуллар – иқтисодиёт ва молия соҳасида узоқ муддатли (бир йилдан ортиқ) қарзлар (инвестициялар) ёки узоқ муддатли кредитларни тавсифлаш учун ишлатиладиган ибора.

Муддати ўтган қарзлар – қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сўндирилмаган қарзнинг умумий суммаси.

3- БЎЛИМ. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗДОРЛИГИ ҲОЛАТИ [1)]

2024 йил 1 декабрь ҳолатига кўра, кредитор қарздорликнинг умумий миқдори 326 189,2 млрд сўм, шундан муддати ўтгани – 9 944,9 млрд сўм (жами кредитор қарздорликнинг 3,0 % и)ни ташкил этди.

Корхона ва ташкилотларнинг кредитор қарздорлиги динамикаси

(1 декабрь ҳолатига, млрд сўм)



2024 йилнинг 1 декабрь ҳолатига Кредитор қарздорликнинг асосий қисми етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган аванслар – 171 042,1 млрд сўм (жами қарздорликнинг 52,4 % и), олинган бўнаклар – 62 255,8 млрд сўм (19,1 %), ички идоравий қарзлар – 21 368,5 млрд сўм (6,6 %) ва бюджетга тўловлар бўйича қарз – 12 755,1 млрд сўм (3,9 %)га тўғри келди.

Кредиторлик қарздорлик таркиби

(млрд сўм)

Муддати ўтган кредитор қарздорлик 2023 йилнинг 1 декабрига нисбатан солиштирилганда 15,8 % га кўпайган.

Корхона ва ташкилотларнинг муддати ўтган кредитор қарздорлиги динамикаси

(1 декабрь ҳолатига, млрд сўм)



[1)] *Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.*

Ҳудудлар кесимида кредитор қарздорликнинг асосий қисми Тошкент шаҳри – 208 038,8 млрд сўм, Тошкент вилояти – 21 472,6 млрд сўм, Андижон вилояти – 20 671,2 млрд сўм, Навоий вилояти – 14 328,0 млрд сўм, Жиззах вилояти – 11 463,0 млрд сўм ва Самарқанд вилоятига – 11 422,7 млрд сўмга тўғри келди.

Шунингдек, муддати ўтган кредитор қарздорликнинг асосий қисми Тошкент шаҳри – 7 187,3 млрд сўм, Навоий вилояти – 1 255,1 млрд сўм, Тошкент вилояти – 852,9 млрд сўм, Фарғона вилояти – 331,5 млрд сўм, ва Андижон вилоятида – 85,9 млрд сўмни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида корхона ва ташкилотларнинг кредитор қарздорлиги
(1 декабрь ҳолатига, млрд сўм)



Алоҳида хўжалик бошқаруви органларининг кредитор қарздорлиги
(2024 йил 1 декабрь ҳолатига)

Энг юқори кредитор қарздорлик “Ўзтрансгаз” АЖда – 24 706,3 млрд сўм (республика бўйича жами кредитор қарздорликнинг 7,6 %и),“Ўзавтосаноат” АЖ – 22 642,8 млрд сўм, 6,9 %), “UzGasTrade” АЖ – 15 917,8 млрд сўм, 4,9 %), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги – 14 411,8 млрд сўм (4,4 %) ва Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигида – 14 142,6 млрд сўм (4,3 %)ни ташкил этди.



Алоҳида хўжалик бошқаруви органларининг дебитор ва кредитор қарздорлиги
(2024 йил 1 декабрь холатига, млрд сўм)



Дебиторлик қарзлари – харидорлар ва буюртмачилар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзлари, ходимларга, мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар, бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар, йиғимлар ва суғурта бўйича бўнак тўловлари, муассисларнинг устав фондидаги улушлари бўйича қарзи, ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзлари ва бошқа дебиторлик қарзларини ўз ичига олади.

Кредиторлик қарзлари – етказиб берувчилар ва пудратчилар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзи, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати кечиктирилган мажбуриятлар, олинган авансlar, бюджетга тўловлар бўйича қарз, суғурта бўйича қарз, давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарз, таъсисчиларга қарзлар, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар ва бошқа кредиторлик қарзларини ўз ичига олади.

4- БЎЛИМ. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МУЛКЧИЛИК ВА ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАКЛИ БЎЙИЧА ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОР ҚАРЗДОРЛИК ҲОЛАТИ

Корхоналарнинг 2024 йил 1 декабрь ҳолати маълумотлари мулкчилик шакли бўйича таҳлил қилинганда, давлат мулки иштирокидаги корхоналар ҳиссасига жами дебитор қарздорликнинг 4 774,5 млрд сўми ёки 1,6 % и тўғри келди, шу билан бирга хусусий мулк иштирокидаги корхоналар ҳиссасига 302 707,2 млрд сўм ёки жамига нисбатан 98,4 % и тўғри келган.

Шунингдек, корхоналарнинг мулкчилик шакли бўйича 2024 йилнинг 1 декабрь ҳолатига жами кредитор қарздорликнинг 4 536,2 млрд сўми ёки 1,4 % и давлат мулки иштирокидаги корхоналар ҳиссасига тегишли бўлган бўлса, хусусий мулк иштирокидаги корхоналарники эса 321 653,0 млрд сўмни ёки жамига нисбатан 98,6 % ни ташкил этди.

Мулкчилик шакли бўйича корхона ва ташкилотларнинг дебитор ва кредитор қарздорлиги

(2024 йил 1 декабрь ҳолатига, млрд сўм)



Корхона ва ташкилотларнинг 2024 йил 1 декабрь ҳолатига дебитор қарздорлигининг энг юқори улуши харидор ва буюртмачилар (38,7 %), етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган аванслар (35,1%) ҳамда солиқлар ва бюджетга йиғимлар бўйича аванс тўловлари ва мақсадли давлат жамғармалари (4,1 %) ҳиссасига тўғри келди.

Корхона ва ташкилотларнинг 2024 йил 1 декабрь ҳолатига мулкчилик шакли бўйича кредитор қарздорликнинг энг юқори улуши етказиб берувчилар ва пудратчиларга (52,4 %), олинган аванслар (19,1 %) ҳамда бюджетга тўловлар (3,9 %) ҳиссасига тўғри келди.

Корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида давлат мулкчилик шакли бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги
(2024 йил 1 декабрь ҳолатига, млрд сўм)

	Давлат мулки			
	Дебитор қарздорлиги		Кредитор қарздорлиги	
	Жами	шундан, муддати ўтгани	Жами	шундан, муддати ўтгани
Жами	**4 774,5**	**115,6**	**4 536,2**	**318,1**
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	-	-	-	-
Саноат	2 487,4	38,9	2 232,5	141,7
Қурилиш	236,1	-	227,8	-
Савдо	-	-	-	-
Ташиш ва сақлаш	252,7	0,7	90,7	-
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	8,7	-	7,2	-
Ахборот ва алоқа	463,4	0,002	624,9	-
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	0,04	-	0,6	-
Бошқалар	1 326,2	76,0	1 352,5	176,4

Корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида хусусий мулкчилик шакли бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги
(2024 йил 1 декабрь ҳолатига, млрд сўм)

	Хусусий мулк			
	Дебитор қарздорлиги		Кредитор қарздорлиги	
	Жами	шундан, муддати ўтгани	Жами	шундан, муддати ўтгани
Жами	**302 707,2**	**20 798,1**	**321 653,0**	**9 626,8**
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	328,9	0,8	448,7	0,1
Саноат	183 153,6	13 598,9	178 866,8	8 923,1
Қурилиш	10 381,0	61,6	13 942,2	21,1
Савдо	34 162,3	849,2	46 503,0	599,0
Ташиш ва сақлаш	40 552,0	6 058,2	41 250,4	0,1
Яшаш ва овқатланиш	1 123,3	34,6	2 411,9	3,3
Ахборот ва алоқа	5 767,9	9,5	8 553,1	0,4
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	234,2	0,3	447,9	0,7
Бошқалар	27 003,9	185,0	29 228,9	79,1

Корхона ва ташкилотларнинг мулкчилик шакли бўйича дебиторлик қарздорлиги таркибининг ҳолати
(2024 йил 1 декабрь ҳолатига, % да)

Корхона ва ташкилотларнинг мулкчилик шакли бўйича кредитор қарздорлик таркибининг ҳолати
(2024 йил 1 декабрь ҳолатига, % да)



2024 йилнинг 1 декабрь ҳолатига, корхона ва ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича дебитор қарздорлигининг энг катта қисми акциядорлик жамиятлари дебитор қарздорлигида 167 345,1 млрд сўм ёки жамига нисбатан 54,4 % ни ташкил этган. Шунингдек, кредитор қарздорлик бўйича энг катта қисми масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятлар қарздорлигида 170 603,1 млрд сўм ёки жами кредитор қарздорликнинг 52,3 % ига тўғри келди

· **Корхона ва ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича дебитор ва кредиторлик қарздорлиги**
(2024 йил 1 декабрь ҳолатига, млрд сўм)



Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Даромад (фойда) солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар) – корхона ва ташкилотларнинг барча хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттирадиган якуний молиявий натижа. Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари), асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари, молиявий фаолиятнинг даромадлари ва фавқулодда фойда йиғиндисидан давр харажатлари, молиявий фаолият бўйича харажатлар ва фавқулодда харажатлар чегириб ташланадиган умумий фойда (зарари)ни ифодалайди.

Дебиторлик қарзлар – харидорлар ва буюртмачилар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзлари, ходимларга, мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар, бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар, йиғимлар ва суғурта бўйича бўнак тўловлари, муассисларнинг устав фондидаги улушлари бўйича қарзи, ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзлари ва бошқа дебиторлик қарзларини ўз ичига олади.

Кредиторлик қарзлар – етказиб берувчилар ва пудратчилар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзи, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати кечиктирилган мажбуриятлар, олинган авансlар, бюджетга тўловлар бўйича қарз, суғурта бўйича қарз, давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарз, таъсисчиларга қарзлар, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар ва бошқа кредиторлик қарзларини ўз ичига олади.

Маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) – тайёр маҳсулот, товар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларни сотишдан олинган даромадлар, шунингдек, сотилган товарларнинг қайтиши, сотиш ва баҳолардан чегирмалар қўшимча қиймат солиғи ҳамда акциз солиғини қўшган ҳолда ҳисобга олинади.

Муддати ўтган қарзлар – қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сўндирилмаган қарзнинг умумий суммаси.

Акция – ўз эгасининг акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишга, акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этишга ва у тугатилганидан кейин қоладиган мол-мулкнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи, амал қилиш муддати белгиланмаган, эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғоз.

Облигация – эмиссиявий қимматли қоғоз бўлиб, у облигацияни сақловчининг облигация номинал қийматини ёки бошқа мулкий эквивалентини облигацияни чиқарган шахсдан облигацияда назарда тутилган муддатда олишга, облигациянинг номинал қийматидан қатъий белгиланган фоизни олишга бўлган ҳуқуқини ёхуд бошқа мулкий ҳуқуқларини тасдиқлайди.

Узоқ муддатли пуллар – иқтисодиёт ва молия соҳасида узоқ муддатли (бир йилдан ортиқ) қарзлар (инвестициялар) ёки узоқ муддатли кредитларни тавсифлаш учун ишлатиладиган ибора.

Молиявий мажбуриятлар — бюджет ташкилотларида ва бюджет маблағлари олувчиларда уларга пул маблағларини ўтказиш мажбуриятини юкловчи ҳужжатлар, шу жумладан ижро ҳужжатлари асосида юзага келадиган мажбуриятлар.

XII. КОРХОНА ВА ОБЪЕКТЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

Хусусийлаштириш – жисмоний шахсларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулк объектларини ёки давлат акциядор жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишидир.

Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг маълумотига кўра, 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида 1 717 та (дастур доирасидаги ва дастурдан ташқари объектларни қўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилди.

Давлат активларини сотишдан олинган тушумларнинг йиллар бўйича динамикаси

(январь-декабрь ойларида, млрд сўм)

Ҳисобот даврида энг кўп хусусийлаштирилган объектлар сони Тошкент вилоятида – 319 та (жами хусусуийлаштириш объектлари сонига нисбатан 18,6 %), Қашқадарё вилоятида – 174 та (10,1 %), Жиззах вилоятида – 164 та (9,6 %) ва Қорақалпоғистон Республикасида – 129 та (7,5 %)ни ташкил этди.

Хусусийлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари

(2024 йил январь-декабрь учун)

	Хусусийлаштирилган корхона ва объектлар сони		*Давлат активларини сотишдан олинган тушумлар*	
	бирлик	*жамига нисбатан % да*	*млрд сўм*	*жамига нисбатан % да*
Ўзбекистон Республикаси	**1 717**	**100,0**	**6 003,7**	**100,0**
Қорақалпоғистон Респ.	129	7,5	62,3	1,0
вилоятлар:				
Андижон	95	5,5	66,8	1,1
Бухоро	113	6,6	199,7	3,3
Жиззах	164	9,6	93,2	1,6
Қашқадарё	174	10,1	103,2	1,7
Навоий	98	5,7	135,9	2,3
Наманган	74	4,3	71,9	1,2
Самарқанд	103	6,0	189,3	3,2
Сурхондарё	81	4,7	68,8	1,1
Сирдарё	100	5,8	63,6	1,2
Тошкент	319	18,6	482,2	8,0
Фарғона	105	6,1	127,2	2,1
Хоразм	94	5,5	206,0	3,4
Тошкент ш.	68	4,0	1625,1	27,1
Агентлик МА	-	-	2508,5	41,8

Ер участкасини хусусийлаштириш — давлат мулки бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ва (ёки) юридик шахсларининг мулкига ўтказиш.

Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига маблағлар тушуми

(2024 йил январь-декабрь ойлари учун, млрд сўмда)

Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига маблағлар тушуми

(январь-декабрь ойлари учун, млрд сўмда)

Кўчмас мулк объектлари сотуви ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларидан маблағлар тушуми

(2024 йил январь-декабрь ойларида, млрд сўм)

Хусусийлаштирилган давлат мулки объектлари таркибида энг кўп улуш Давлат активларини бошқариш агентлигига – 1 338 та объект (республика бўйича жами хусусийлаштирилган объектларнинг 77,9 % и), маҳаллий ҳокимият органларига – 322 та объект (18,8 %), Соғлиқни сақлаш вазирлигига – 8 та объект (0,5 %) тўғри келди.

Вазирлик ва идоралар кесимида хусусийлаштирилган давлат объектларининг таркиби

(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида, жамига нисбатан % да)

Ҳудудлар кесимида давлат мулкини сотишдан тушган тушумларнинг асосий қисми Агентлик марказий аппаратига (барча тушумларнинг 41,8 % и), Тошкент шаҳри (27,1 %), Тошкент (8,0 %) вилояти, Хоразм (3,4 %), Бухоро (3,3 %), Самарқанд (3,2 %) ва Навоий (2,3 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.



Давлат нотурар жой фондидан самарали фойдаланиш мақсадида, 2024 йилнинг январь-декабрида объектларни ижарага бериш бўйича 27 644 та ижара шартномалари тузилди.

Натижада 7,8 мингта ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Давлат мулкини ижарага беришдан тушган тушумлар жами 467,6 млрд сўмни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида давлат мулкини ижарага беришдан тушган тушумларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча тушумларнинг 40,6 % и), Тошкент (8,2 %), Самарқанд (7,0 %), Хоразм (5,5 %) ва Фарғона (5,4 %) вилоятларига тўғри келди.

Давлат кўчмас мулки объектлари бўйича савдолар (ким ошди савдолари) сотувчи ёки кўчмас мулк ташкилоти, шунингдек, ким ошди савдолари ва ким ошди савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатувчи ихтисослашган ташкилот, шу жумладан, электрон шаклда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат кўчмас мулк объектларини сотишни ташкиллаштириш.

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Хусусийлаштириш – жисмоний шахсларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулк объектларини ёки давлат акциядор жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишидир.

Давлат кўчмас мулк объектлари бўйича савдолар (ким ошди савдолари) – сотувчи ёки кўчмас мулк ташкилоти, шунингдек, ким ошди савдолари ва ким ошди савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатувчи ихтисослашган ташкилот, шу жумладан, электрон шаклда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат кўчмас мулк объектларини сотишни ташкиллаштириш.

Харидор – қонун ҳужжатларига мувофиқ, давлат мулки бўлган кўчмас мулк объекти (бундан буён матнда олди-сотди шартномаси деб юритилади) учун сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузган нодавлат юридик ёки жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти).

Инвестиция мажбурияти – инвестор томонидан инвестиция лойиҳасида назарда тутилган муайян мақсадларга эришиш учун олган мажбурияти.

Ижтимоий мажбуриятлар – пул қийматига эга бўлмаган ва қонунга зид бўлмаган шаклларда амалга ошириладиган давлат мулкини сотишда харидор томонидан қабул қилинган мажбуриятлар.

Аукцион – танлов асосида харидор билан савдонинг шакли, бунда унга энг юқори нархни таклиф этган иштирокчи давлат мулкини сотиш шартномасини тузиш ҳуқуқини олади. Аукционлар очиқ ёки ёпиқ бўлиши мумкин.

Балансда сақловчи – балансида давлат кўчмас мулки бўлган юридик шахс.

Бошланғич нарх – ким ошди савдосига очиқ мулкни бериш учун сотувчи томонидан белгиланган нарх.

Бўш турган ер участкаси — бинолар ва иншоотлар жойлашмаган, ҳеч қандай мажбуриятлар ёки тақиқлар ўрнатилмаган ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга қонунчиликка мувофиқ ажратиб берилмаган, давлат мулки бўлган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаси.

Давлат кўчмас мулки объектлари — давлат мулки бўлган мулкий мажмуалар (корхоналар), бинолар ва иншоотлар, қурилиши тугалланмаган объектлар.

Ер участкасини хусусийлаштириш — давлат мулки бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ва (ёки) юридик шахсларининг мулкига ўтказиш.

Электрон онлайн-аукцион — аукцион шаклидаги электрон савдоларни ўтказиш усули бўлиб, бунда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ихтисослаштирилган электрон савдо майдончасида аукциондан потенциал харидорларнинг тенг равишда фойдаланиши асосида реализация қилинади.

XIII. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

Сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва бунёдкорлик салоҳиятини қўллаб-қувватлаш орқали аҳолига муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бандликни таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий бўғини ҳисобланиб, бугунги кунда мазкур соҳани жадаллик билан ривожлантириш, тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг сафини янада кенгайтириш ва рағбатлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти.

Жумладан, 2025 йил 1 январь ҳолатига республикада фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг сони фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари 424,8 мингта, улардан кичик корхона ва микрофирмалар 358,1 мингтани ташкил этди.

Шунингдек, ушбу даврга 725,9 мингта корхона рўйхатдан ўтиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 105,4 % ни ташкил этди.

Корхона ва ташкилотлар сони тўғрисида умумий маълумотлар

(1 январь ҳолатига)

1- БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЙИЧА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ СОНИ

Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар

(2024 йил январь-декабрь)

2024 йил январь-декабрь ойларида республикада янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони 79,7 мингтани ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан сезиларли ўсиши кузатилмоқда. Жумладан: Сурхондарё (1 025 тага), Хоразм (532 тага) вилоятларида ўсиш мавжуд. Тармоқлар кесимида эса энг юқори кўрсаткични яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида – 542 тага, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда – 44 тага кўпайгани билан изоҳлаш мумкин.

Ҳудудлар кесимида сони *(бирликда)*

Жамига нисбатан фоизда (%)

Йиллар кесимида сони *(бирликда)*



Иқтисодий фаолият турлари кесимида сони *(бирликда)*

Жамига нисбатан фоизда (%)

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар график таҳлили

(2024 йил январь-декабрь)

Маълумотларни график тасвирлаш янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланишини яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Диаграммадан кўриниб турибдики, савдо 28 026 бирлик билан етакчи ўринни эгаллайди (умумий сондаги улуши 35,2 %), кейинги ўринларда саноат - 12 938 та (16,2 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги - 9 117 та (11,4 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар - 6 506 та (8,2 %), қурилиш - 3 927 та (4,9 %), ахборот ва алоқа - 2 931 та (3,7 %), ташиш ва сақлаш - 2 753 та (3,5 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш - 1 523 та (1,9 %) ва бошқа турлар - 11 946 та (15,0 %).

Ойлар кесимида сони *(бирликда)*



Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар

(2025 йил 1 январь ҳолатига)

Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 2025 йил 1 январь ҳолатига 424,8 мингтани ташкил этди, улардан 361,8 мингтаси тадбиркорлик субъектлари.

Уларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (умумий сонидаги улуши) қуйидагича бўлди: савдо – 32,3 фоиз, саноат – 13,1 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги – 7,3 фоиз, қурилиш – 6,5 фоиз, ҳудудий кесимда эса энг кўпи Тошкент шаҳрида – 22,6 фоиз, вилоятлардан Тошкент – 9,5 фоиз, Самарқанд – 8,8 фоиз, Фарғона – 8,1 фоиз ва Қашқадарёда – 6,5 фоиз фаолият кўрсатмоқда.

Ҳудудлар кесимида сони *(бирликда)*

Жамига нисбатан фоизда (%)

Йиллар кесимида сони *(бирликда)*



Иқтисодий фаолият турлари кесимида сони *(бирликда)*

Жамига нисбатан фоизда (%)

Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари тўғрисида маълумотлар

(2024 йил январь-декабрь)

Давлатимиз томонидан тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиб бориш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида уларнинг йилдан-йилга инвестиция ва ишбилармонлик муҳити яхшиланиб бораётгани намоён бўлмоқда. 2024 йил январь-декабрь ойларида янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари сони 77 398 та бўлиб, шундан:

- микрофирмалар ва кичик корхоналар 77 046 та;
- йирик корхоналар 352 тани ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида сони *(бирликда)*

Жамига нисбатан фоизда (%)

Иқтисодий фаолият турлари кесимида сони *(бирликда)*

Жамига нисбатан фоизда (%)

Йиллар кесимида сони *(бирликда)*

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларининг график таҳлили

(2024 йил январь-декабрь)

Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонида янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларининг улуши 2024 йилда 97,2 % ни ташкил этди. Уларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши қуйидагича: савдо – 28 025 та (умумий сондаги улуши 36,2 %), кейинги ўринларда саноат – 12 894 та (16,7 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги – 9 101 та (11,8 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 6 503 та (8,4 %), қурилиш – 3 923 та (5,1 %), ахборот ва алоқа – 2 923 та (3,8 %), ташиш ва сақлаш – 2 751 та (3,5 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш – 1 509 та (1,9 %) ва бошқа турлар – 9 769 та (12,6 %).

Ойлар кесимида сони *(бирликда)*



Фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари тўғрисида маълумотлар

(2025 йил 1 январь ҳолатига)

Фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони 2025 йил 1 январь ҳолатига 361,8 мингтани ташкил этди, улардан 358,1 мингтаси кичик корхона ва микрофирмалар.

Уларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (умумий сонидаги улуши) қуйидагича бўлди: савдо – 37,9 фоиз, саноат – 15,3 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги – 8,4 фоиз, қурилиш – 7,5 фоиз, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 7,2 фоиз, ташиш ва сақлаш – 4,3 фоиз, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш – 2,6 фоиз, ахборот ва алоқа – 2,6 фоиз, бошқа турлари – 14,2 фоизни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида сони *(бирликда)*

Жамига нисбатан фоизда (%)

Иқтисодий фаолият турлари кесимида сони *(бирликда)*

Жамига нисбатан фоизда (%)

Йиллар кесимида сони *(бирликда)*

Корхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари тўғрисида маълумотлар
(2024 йил январь-декабрь)

Мамлакат иқтисодиёти “соғломлиги”ни баҳолашнинг муҳим омили кичик бизнес субъектларининг самарали фаолият кўрсатиши бўлиб, бу унинг доимий ўзгарувчан иқтисодий вазиятларга мослаша олиш кўрсаткичидир.

Шунда, 2024 йил январь-декабрь ойларида яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сони 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 5 955 тадан 6 502 тага (ўсиш 547 тага), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш – 1 458 тадан 1 505 тага (ўсиш 47 тага) кўпайди.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида сони *(бирликда)*

Жамига нисбатан фоизда (%)

Йиллар кесимида сони *(бирликда)*

Ҳудудлар кесимида сони *(бирликда)*

Жамига нисбатан фоизда (%)



Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича график таҳлили

(2024 йил январь-декабрь)

Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг 2024 йилдаги улуши жами янги ташкил этилган корхоналарнинг 96,7 % ташкил этади. Иқтисодий фаолият турлари бўйича улушлар тақсимоти қуйидагича: савдо – 36,3 % жамига нисбатан улуши, кейинги ўринларда саноат – 16,7 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги – 11,8 %, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 8,4 %, қурилиш – 5,1 %, ахборот ва алоқа – 3,8 %, ташиш ва сақлаш – 3,6 %, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш – 2,0 % ва бошқа хизматлар – 12,3 %.

Ойлар кесимида сони *(бирликда)*



Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари тўғрисида маълумотлар

(2025 йил 1 январь ҳолатига)

Ҳудудий кесимда энг кўп кичик бизнес субъектлари Тошкент шаҳрида (23,6 фоиз), Тошкент (9,6 фоиз), Самарқанд (8,8 фоиз), Фарғона (7,8 фоиз) ва Бухоро (6,3 фоиз) вилоятларида фаолият кўрсатмоқда. Ушбу ҳудудларда жами кичик бизнес субъектлари сонининг 50 фоиздан ортиғи фаолият кўрсатмоқда.

Маълумки, айни пайтда кичик бизнес субъектлари иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида илғор фаолият юритмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида сони *(бирликда)*

Жамига нисбатан фоизда (%)

Йиллар кесимида сони *(бирликда)*

Ҳудудлар кесимида сони (бирликда)

Жамига нисбатан фоизда (%)



2-БЎЛИМ. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТЛАР

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат қилувчи, хўжалик юритиш жараёнида юридик шахс ҳуқуқига эга хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

Ҳудудлар бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларнинг энг кўп қисми Қашқадарё (12,8 фоиз), Тошкент (11,5 фоиз) ва Бухоро (9,2 фоиз) вилоятларида фаолият кўрсатмоқда.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар

(2025 йил 1 январь ҳолатига)

Ҳудудлар кесимида сони *(бирликда)*

Йиллар кесимида сони *(бирликда)*



Саноат йўналишида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар

(2025 йил 1 январь ҳолатига)

Саноат – иқтисодий тармоқлар ичида энг юқори салоҳиятга эга бўлган тармоқлардан ҳисобланади.

Саноат корхоналари сони жами корхона ва ташкилотларнинг 13,1 фоиз улушини ташкил этди. Шундан – 93,5 фоизини ишлаб чиқариш саноати, 3,8 фоизини тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, 1,8 фоизини сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш ва 0,9 фоизини электр, газ буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш ташкил этган.

Ҳудудлар кесимида сони *(бирликда)*

Йиллар кесимида сони *(бирликда)*



Қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар

(2025 йил 1 январь ҳолатига)

Ўзбекистонда қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг устувор тармоғи сифатида белгиланган.

Қурилиш соҳасининг йўналишлари бўйича ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики:

- бинолар ва иншоотлар қуриш йўналиши 53,0 фоиз улушни ташкил этди;
- ихтисослаштирилган қурилиш ишлари йўналишидаги корхоналар сони эса 29,5 фоиз улушни ташкил этди.
- фуқаролик объектларини қуриш йўналишидаги корхоналар сони 17,5 фоиз улушни ташкил этди;

Ҳудудлар кесимида сони *(бирликда)*

Йиллар кесимида сони *(бирликда)*



Савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар

(2025 йил 1 январь ҳолатига)

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, республикада фаолият кўрсатаётган ҳар учинчи корхона савдо соҳасида фаолият юритади, уларнинг 99,4 фоизи ёки 136,4 мингтаси кичик бизнес субъектларига тўғри келади.

Савдо соҳасининг йўналишлар бўйича тақсимоти қуйидагича:

- автомобил ва мотоцикллар савдосидан ташқари чакана савдо йўналиши 58,4 фоиз улушни ташкил этди;
- автомобил ва мотоцикллар савдосидан ташқари улгуржи савдо йўналишида 32,6 фоиз улушни ташкил этди;
- автомобил ва мотоциклларнинг улгуржи ва чакана савдоси ва уларни таъмирлаш йўналишида 9,0 фоиз улушни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида сони *(бирликда)*

Йиллар кесимида сони *(бирликда)*



Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар

(2025 йил 1 январь ҳолатига)

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 2025 йил 1 январь ҳолатига 26,1 мингтага етиб, уларнинг 25,9 мингтаси кичик бизнес субъектларига тўғри келади.

Ушбу хизматлар соҳаси таҳлили шуни кўрсатдики:

- ресторан ва буюртма бўйича озиқ-овқат маҳсулотларини етказиш, озиқ-овқат ва ичимликлар етказиш бўйича хизматлар йўналишининг асоси ҳисобланиб, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасининг 87,9 фоиз улушини ташкил этди.

- меҳмонхоналар, туристик оромгоҳлар, дам олиш ва кўнгилочар парклар яшаш бўйича хизматлар йўналишининг асосий фаолияти ҳисобланиб, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг 12,1 фоиз улушини ташкил этди;

Ҳудудлар кесимида сони *(бирликда)*

Йиллар кесимида сони *(бирликда)*





Ахборот ва алоқа соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар

(2025 йил 1 январь ҳолатига)

2025 йил 1 январь ҳолатига компьютер дастурлаш ва алоқа бўлимида корхона ва ташкилотлар сони, ахборот ва алоқа соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар умумий сонининг 62,3 фоизини;

Ноширлик ва ахборот хизмати кўрсатиш фаолиятлари бўлимларида фаолият юритувчи корхоналар сони 32,3 фоизни;

Кино–видеофильмлар, теледастурлар, фонограммалар ва ёзувлар ишлаб чиқиш ва дастурлар яратиш бўйича йўналишларида фаолият юритаётган корхоналар сони эса 5,4 фоизни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида сони *(бирликда)*

Йиллар кесимида сони *(бирликда)*



Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар

(2025 йил 1 январь ҳолатига)

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган жами корхона ва ташкилотларнинг салмоқли қисми – 9 366 та ёки 87,1 фоиз улуши тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келган.

Йўналишлар бўйича таҳлил шуни кўрсатдики:

- ушбу соҳадаги корхоналар сонининг 95,8 фоизи соғлиқни сақлаш йўналишига тўғри келади;

- яшаш учун жой билан таъминланмаган ҳолда ижтимоий хизматлар кўрсатиш йўналишидаги корхоналар сони ушбу соҳанинг 2,3 фоизини ташкил этди.

- яшаш учун жой билан таъминланган ҳолда парваришлаш йўналишидаги корхоналар сони 1,9 фоизни ташкил этди;

Ҳудудлар кесимида сони *(бирликда)*



Йиллар кесимида сони *(бирликда)*

Ташиш ва сақлаш хизматлари соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар

(2025 йил 1 январь ҳолатига)

Ҳудудлар кесимида сони
(бирликда)

2025 йил 1 январь ҳолатига, ташиш ва сақлаш хизматлари соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар жами республикадаги фаолият кўрсатаётган корхонанинг 3,7 фоиз улушини ташкил этди.

Ташиш ва сақлаш хизматларининг йўналишлари бўйича таҳлиллар шуни кўрсатдики:

- қуруқликдаги ва қувур транспорти йўналишида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг сони 68,4 фоизни ташкил этди;
- омбор хўжалиги ва ёрдамчи транспорт йўналишининг корхоналар сони 27,6 фоизни;
- почта ва курьерлик йўналишидаги корхоналар сони 3,5 фоизни;
- ҳаво ва сув транспорти йўналишидаги корхоналар сони 0,5 фоизни ташкил этган.

Йиллар кесимида сони *(бирликда)*





3- БЎЛИМ. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАКЛИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТЛАР

Ташкилий-ҳуқуқий шакл деганда, субъект томонидан мулкнинг бириктирилиши, шакллантирилиши ва ундан фойдаланиш усули ҳамда унинг бундан келиб чиқувчи ҳуқуқий ҳолати ва фаолият мақсади тушунилади. Шунингдек, қуйидагилар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда фойдаланилади:

- хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган регистр, реестр ва кадастрларнинг ахборот ресурсларини шакллантириш;
- ташкилий-ҳуқуқий шакллар доирасида статистика маълумотларини ишлаб чиқиш;
- идоралараро ахборот алмашинишини таъминлаш;
- ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ва ҳодисаларни таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш.

Фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича умумий маълумот

(2025 йил 1 январь ҳолатига)

	Тадбиркорлик субъектлари сони *(бирликда)*	Тадбиркорлик субъектларининг жамига нисбатан улуши *(фоизда)*
масъулияти чекланган жамият	274 233	75,8
хусусий корхоналар	47 900	13,2
оилавий корхоналар	36 265	10,0
акциядорлик жамияти	645	0,2
бошқалар	2 750	0,8

Янги ташкил этилган масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида маълумот
(2024 йил январь-декабрь)

Масъулияти чекланган жамият – бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорда улушларга бўлинган хўжалик жамияти ҳисобланади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалари қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Масъулияти чекланган жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла қўшмаган иштирокчилари, жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисми қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Йиллар кесимида сони *(бирликда)*

Иқтисодий фаолият турлари кесимида сони *(бирликда)*

Ҳудудлар кесимида сони *(бирликда)*



Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида маълумот

(2025 йил 1 январь ҳолатига)

2025 йил 1 январь ҳолатига амалдаги 361,8 мингта тижорат корхона ва ташкилотларидан масъулияти чекланган жамиятлар сони 274,2 мингтани ташкил этиб, ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича корхоналар орасида биринчи ўринда туради. Шуни хулоса қилишимиз мумкинки, мазкур корхоналар мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг энг кўп тарқалган шакли ҳисобланади.

Уларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (умумий сонидаги улуши) қуйидагича бўлди: савдо – 36,9 фоиз, саноат – 14,4 фоиз, қурилиш – 8,7 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 8,7 фоиз.

Йиллар кесимида сони *(бирликда)*



Иқтисодий фаолият турлари кесимида сони *(бирликда)*

Ҳудудлар кесимида сони *(бирликда)*

Янги ташкил этилган хусусий корхоналар тўғрисида маълумотлар
(2024 йил январь-декабрь)

Хусусий корхона – мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот деб эътироф этилади. Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидир.

Хусусий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириши, мажбуриятларни бажариши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Йиллар кесимида сони *(бирликда)*



Иқтисодий фаолият турлари кесимида сони *(бирликда)*

Ҳудудлар кесимида сони *(бирликда)*

Фаолият кўрсатаётган хусусий корхоналар тўғрисида маълумотлар

(2025 йил 1 январь ҳолатига)

2025 йил 1 январь ҳолатига ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналар сони ўзаро таққосланганда, масъулияти чекланган жамиятлардан кейинги ўринни хусусий корхоналар эгаллаган.

Хусусий корхоналар сонининг энг кўпи қуйидаги ҳудудларда қайд этилган Тошкент шаҳрида – 6 736 та, Қашқадарё – 5 894 та ва Фарғона вилоятларида – 5 164 та. Иқтисодий фаолият турлари бўйича эса хусусий корхоналар қуйидагича тақсимланган: савдо соҳасида – 21 345 та, саноат – 6 802 та, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида – 4126 та ва қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳасида – 3 026 та.

Йиллар кесимида сони *(бирликда)*



Иқтисодий фаолият турлари кесимида сони *(бирликда)*

Ҳудудлар кесимида сони *(бирликда)*



Янги ташкил этилган оилавий корхоналар тўғрисида маълумотлар

(2024 йил январь-декабрь)

Оилавий корхонанинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек, оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир.

Оилавий корхона фаолияти унинг иштирокчилари шахсий меҳнатига асосланади ва тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан биридир.

Йиллар кесимида сони *(бирликда)*

Иқтисодий фаолият турлари кесимида сони *(бирликда)*

Ҳудудлар кесимида сони *(бирликда)*



Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар тўғрисида маълумотлар
(2025 йил 1 январь ҳолатига)

Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони 2025 йил 1 январь ҳолатига 36,3 мингтани ташкил этди.

Уларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (умумий сонидаги улуши) қуйидагича бўлди: савдо – 39,3 фоиз, саноат – 23,6 фоиз, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 18,7 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва баликчилик хўжалигида – 7,2 фоиз, ҳудудий кесимда эса энг кўпи Самарқанд – 17,7 фоиз, Хоразм – 10,4 фоиз ва Фарғона вилоятида – 10,3 фоиз фаолият кўрсатмоқда.

Йиллар кесимида сони *(бирликда)*



Иқтисодий фаолият турлари кесимида сони *(бирликда)*

Ҳудудлар кесимида сони *(бирликда)*



Янги ташкил этилган фермер хўжаликлари тўғрисида маълумотлар

(2024 йил январь-декабрь)

409

Деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда хизмат кўрсатиш

Мавсумий ва кўп йиллик экинлар етиштириш, чорвачилик, овчилик ва деҳқончилик бу бўлимнинг асосий йўналишлари бўлиб, фермер хўжаликларининг улуши янги ташкил этилган фермер хўжаликлари умумий сонининг 95,8 фоизини ташкил этади.

Ушбу бўлимнинг энг муҳим йўналишлари ёғоч тайёрлаш ва ўрмон бўлмаган ўрмон маҳсулотларини йиғиш бўлиб, уларнинг улуши янги ташкил этилган фермер хўжаликлари умумий сонининг 0,5 фоизини ташкил қилади.

Ўрмончилик ва ёғоч тайёрлаш

2

16

Балиқ овлаш ва аквакултура

Балиқ овлаш ва аквакультура, балиқчилик хўжалигининг асосий йўналиши бўлиб, уларнинг фермер хўжаликлари сонидаги улуши янги ташкил этилган фермер хўжаликлари умумий сонининг 3,7 фоизини ташкил этади.

Ҳудудлар кесимида сони *(бирликда)*

Қашқадарё	89
Андижон	61
Қорақалпоғистон Р.	49
Самарқанд	38
Фарғона	32
Хоразм	30
Бухоро	26
Наманган	25
Жиззах	23
Сурхондарё	18
Навоий	16
Тошкент	10
Сирдарё	8
Тошкент ш.	2

Йиллар кесимида сони *(бирликда)*



Фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари тўғрисида маълумотлар

(2025 йил 1 январь ҳолатига)

Ўзбекистон Республикасида мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг чуқур ўйланган стратегияси изчил амалга оширилмоқда. Давлатимиз иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларининг муҳим таркибий қисмларидан бири мева-сабзавот етиштиришга қаратилган. Бундай ёндашув аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш, уларнинг саломатлигини сақлаш ва бандлик шарт-шароитларини яратишда асосий йўналишлардан бирига айланди.

Ҳудудлар бўйича фермер хўжаликларининг салмоқли қисми Қашқадарё (14,3 фоиз), Самарқанд (12,2 фоиз) ва Фарғона (11,6 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

Ҳудудлар кесимида сони *(бирликда)*

Йиллар кесимида сони *(бирликда)*



4- БЎЛИМ. ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯСИ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар – корхонанинг устав жамғармасида норезидентлар, чет эл юридик шахслари (чет эл фирмаларининг филиал ва бўлинмалари), чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар мулки иштирокидаги корхоналар ҳисобланади.

Мамлакатимизда халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган жадал ишлар натижасида, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг сони сезиларли даражада ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

2024 йил январь-декабрь ойларида чет эл инвестициялари иштирокидаги янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони ўсиш суръати 2023 йилнинг мос даври билан солиштирилганда 124,1 фоизни ташкил этди.

Янги ташкил этилган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумот
(2024 йил январь-декабрь)

Йиллар кесимида сони *(бирликда)*



Иқтисодий фаолият турлари кесимида сони *(бирликда)*

Ҳудудлар кесимида сони *(бирликда)*



Фаолият кўрсатаётган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар

(2025 йил 1 январь ҳолатига)

Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсатини асосий хусусиятлари бу очиқлик, узоқ муддатли барқарор ривожланишнинг устувор йўналишларига эътибор бериш, қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорликни беғараз асосда кенгайтиришдир.

Шунингдек, чет эл инвестициялари иштирокидаги фаолият кўрсатаётган 14 871 та корхоналардан 3 965 таси қўшма корхоналар ва 10 906 таси хорижий корхоналар ҳисобига тўғри келди.

Йиллар кесимида сони *(бирликда)*



Иқтисодий фаолият турлари кесимида сони *(бирликда)*

Ҳудудлар кесимида сони *(бирликда)*

Давлатлар кесимида фаолият кўрсатаётган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва инвестицияларни жалб қилиш учун ислоҳотлар амалга оширилаётгани кузатилмоқда.

Кейинги беш йилда чет эл инвестициялари иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 1,3 баробарга ошди.

Етакчи ўринни 3 357 та корхонада тўлиқ ёки қисман улуши мавжуд бўлган Хитой эгаллаган. Бу республикада чет эл инвестициялари иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар умумий сонининг 22,6 фоиз улушини ташкил этади. Шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиётига ўз капиталини киритаётган Россия Федерацияси (улуши 19,7 фоиз), Туркия (улуши 12,3 фоиз), Қозоғистон (улуши 7,0 фоиз) ва Жанубий Корея (улуши 4,3 фоиз) давлатлари ҳам етакчилар ҳисобланишади.

(2025 йил 1 январь ҳолатига, бирликда)

Корхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

Ҳудудлар кесимида фаолият кўрсатаётган хорижий ва қўшма корхоналар сони тўғрисида маълумотлар

Мамлакатимизда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш учун энг қулай инвестиция муҳитини яратиш мақсадида иқтисодиётни либераллаштириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувни чеклаш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ва соддалаштириш, инвестициялардан эркин фойдаланишни таъминлаш шунингдек, ҳудудларда зарур инфратузилмани яратиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада ҳар йили хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар кўпайиб бормоқда.

Ҳудудлар кесимида хорижий инвестициялар иштирокидаги фаолият юритаётган корхоналарнинг жами сонига нисбатан энг катта улуши Тошкент шаҳрига 65,1 фоиз, вилоятлар орасида эса Тошкент – 11,9 фоиз, Самарқанд – 3,8 фоиз ва Сурхондарё вилоятига– 3,2 фоиз тўғри келади.

(2025 йил 1 январь ҳолатига, бирликда)



Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган қўшма ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони тўғрисида маълумот

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётни жадал ўзгартиришни бошдан кечирди ва халқаро ҳамжамиятда очиқлик, инновация, бизнесни ривожлантириш, сармоявий тўсиқларни бартараф этишда қатъийлик тимсолларидан бири сифатида тобора кўпроқ эътироф этилмоқда.

Демак, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сонининг кўпайиши, авваламбор, мамлакатдаги сиёсий барқарорлик ва инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилгани билан боғлиқ.

(2025 йил 1 январь ҳолатига, бирликда)

Давлатлар кесимида фаолият кўрсатаётган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар

Ўзбекистонда инвестиция муҳитини доимий равишда яхшилаш устувор вазифа ҳисобланади, чунки мамлакат миллий иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этишдан манфаатдор. Бу ҳар қандай давлатдан қулай ўз инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишни талаб қилади. Мамлакатнинг қулай географик жойлашуви, бой ва хилма-хил табиий ресурслари, тинчлик-осойишталик, барқарорлик, иқтисодиётни ўсиши учун улкан имкониятларни намоён этади ва шу билан бирга чет эл компания-ларини тобора кўпроқ ўзига жалб этади.

Булар қаторида, юқори улушга эга бўлган Хитой, Россия, Туркия, Қозоғистон, Жанубий Корея ва бошқа хорижий давлатларнинг инвестициялари иштирокидаги корхона ва ташкилотларнинг тобора ўсиб бораётганлигини мисол қилиб ўтсак бўлади.

(2025 йил 1 январь ҳолатига, бирликда)



Ҳудудлар кесимида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари ҳақида маълумот

Кичик тадбиркорлик субъектлари бозор иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга, чунки улар мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсиш драйвери сифатида тан олинади. Янги маҳсулот (хизматлар)ни ишлаб чиқариш орқали улар янги иш ўринларини яратадилар, бу эса пировардида иқтисодий ривожланишнинг тезлашишига олиб келади. Демак, кичик тадбиркорликни рағбатлантирувчи ва қўллаб-қувватловчи давлат сиёсати иқтисодий ўсишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шунингдек, устувор йўналишларидан бири сифатида эркин бозор механизмларини жорий қилиш, соғлом рақобат ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда алоҳида ўрин эгаллаши керак.

Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини еттита устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

(1- январь ҳолатига, бирликда)



Ҳудудлар кесимида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари ҳақида маълумот

Тадбиркорлик – бу амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳамда фойда ёки даромад олишга қаратилган ташаббус.

Аҳоли эҳтиёжларини зарур даражада таъминлаш ва иқтисодиётни муваффақиятли ривожлантиришнинг энг муҳим стратегик омилларидан бири иқтисодий маконда замонавий тадбиркорликнинг шаклланиши ва фаолият юритишидир. Тадбиркорлик бозор иқтисодиётининг асосий элементи бўлиб, усиз мамлакат иқтисодиёти барқарор ривожлана олмайди. Тадбиркор ва тадбиркорлик бозор жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, унинг асосий конструктив функцияларини бажаради.

Stata – StataCorp томонидан маълумотларни қайта ишлаш, визуаллаштириш, статистика ва автоматлаштирилган ҳисоботлар учун ишлаб чиқилган умумий мақсадли статистик дастурий таъминот тўпламидир.

(2025 йил 1 январь ҳолатига, бирликда)

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кесимида фаолият кўрсатаётган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар сони тўғрисида маълумотлар

Қўшма ва хорижий корхоналар иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Қўшма корхоналар маҳаллий ва хорижий сармояларни бирлаштириб, янги технологияларни киритиш, иш ўринларини яратиш ва бозор рақобатини оширишга ёрдам беради.

Хорижий корхоналар эса маҳаллий иқтисодиётни диверсификация қилиш, янги маҳсулот ва хизматларни таклиф этиш ва савдо алоқаларини кенгайтириш имконини беради. Бу корхоналар кўпинча халқаро тажриба ва билимларни олиб келади, бу эса маҳаллий корхоналарни ривожлантиришга хизмат қилади.

(2025 йил 1 январь ҳолатига, бирликда)



Тадбиркорлик субъектларининг фаоллик даражаси тўғрисида маълумот

(2025 йил 1 январь ҳолатига, бирликда)

Бугунги кунда хусусий мулкни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ислоҳотлар натижасида тадбиркорлик соҳаси миллий иқтисодиётнинг ҳақиқий таянчига айланди.

Хусусан, республикада фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг умумий сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 361,8 мингтани ташкил этиб, шундан уч йилдан буён фаолият кўрсатаётганлари 139,5 мингтани, тўрт-беш йилдан буён фаолият кўрсатаётганлари 71,6 мингтани, олти-ўн йилдан буён фаолият кўрсатаётганлари 87,7 мингтани, ўн йилдан ортиқ фаолият кўрсатаётганлари 63,0 мингтани ташкил этмоқда.

Ҳудудлар кесимида ўн йилдан ортиқ фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг салмоқли қисми Андижон (жамига нисбатан 21,3 %), Қашқадарё (19,9 %) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (18,5 %) ҳиссасига тўғри келмоқда.



Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри – реал вақт режимида янгилаб бориладиган маълумотлардан иборат бўлган ахборот-маълумотнома тусидаги автоматлаштирилган тизим ҳисобланиб, ягона классификациялар тизими асосида корхоналар ва ташкилотларнинг давлат ҳисобини ва уларни идентификациялаштиришни таъминлайди.

Рўйхатга олинган – рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда юридик шахсларнинг давлат реестрида мавжуд бўлган юридик шахслар (фаолияти тугатилган юридик шахслардан ташқари).

Фаолият кўрсатаётган – рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётганлиги ёки тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумот келиб тушмаган юридик шахслар.

Янги ташкил этилган – рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда юридик шахсларнинг давлат реестрига янгидан киритилган юридик шахслар.

Кичик корхона ва микрофирмалар – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **2016 йил 24 августдаги** “Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида” **275-сон** қарорининг 1 иловасига мувофиқ, кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар – норезидентлар иштирокидаги корхоналар, хорижий юридик шахслар (хорижий фирмаларнинг филиаллари ва бўлимлари), корхонанинг устав фондида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этган корхоналар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги 539-сонли қарори билан тасдиқланган "Корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат регистри тўғрисида"ги Низомга мувофиқ,

Корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат регистри (КТЯДР) рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан тақдим этиладиган юридик шахслар тўғрисидаги маълумотлар асосида юритилади. Рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан тақдим этиладиган юридик шахслар тўғрисидаги Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматлари маркази маълумотлар базаси асосида 2025 йил 1 январь ҳолатига (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 апрелдаги ПФ-113-сон Фармонига асосан, Солиқ қўмитаси, Статистика агентлиги ва Адлия вазирлигининг давлат рўйхатидан ўтган юридик шахслар ҳақидаги маълумотлар базалари ўзаро бирхиллаштирилди.

XIV. АҲОЛИНИНГ УМУМИЙ ДАРОМАДЛАРИ

1- БЎЛИМ. АҲОЛИ УМУМИЙ ДАРОМАДЛАРИ ТАРКИБИ

Аҳолининг умумий даромадлари – доимий ёки такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда, уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган пул ва натура шаклидаги тушумлардан ташкил топади.

Аҳоли фаровонлигини ифодалашда жами аҳолининг, оилаларнинг, алоҳида шахсларнинг умумий даромадлари муҳим аҳамиятга эга.

Дастлабки маълумотлар бўйича, 2024 йилнинг январь-декабрь ҳолатига кўра, аҳолининг умумий даромадлари **896,3** трлн сўмни ташкил этди.

Аҳоли даромадлари бўйича реал ўсиш суръатларини ҳисоблашда нарх омиллари таъсирини чиқариб ташлаш мақсадида, инфляция кўрсаткичларининг асосий турларидан бири – истеъмол нархлари индекси (ИНИ)дан фойдаланилади.

Истеъмол нархларининг ўзгариши сабабли ўтган йилнинг мос даврига нисбатан аҳоли умумий даромадларининг реал ўсиш суръати **108,1 %** ни ташкил этди.

Аҳоли умумий даромадларини ҳисоблаш – Миллий ҳисоблар тизимининг халқаро статистика стандартларига, Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсияларига, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига асосланган Статистика агентлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган методик қўлланма асосида амалга оширилади.

Аҳоли умумий даромадларини ҳисоблашда “Аҳолининг умумий даромадларини ҳисоблаш бўйича услубий низом” асос бўлиб хизмат қилади. https://lib.stat.uz

Дастлабки маълумотлар бўйича, 2024 йилнинг январь-декабрь ҳолатига кўра, аҳоли жон бошига умумий даромадлар **24,1** млн сўмни, аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг номинал ўсиш суръати **116,1 %** ни ташкил этди.

Истеъмол нархларининг ўзгариши сабабли ўтган йилнинг мос даврига нисбатан аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг реал ўсиш суръати **105,9 %** ни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига умумий даромадлар

24,1

млн сўм

Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг номинал ўсиш суръати

116,1 %

Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг реал ўсиш суръати

105,9 %

Аҳоли умумий даромадларини ҳисоблашда Статистика агентлиги ҳисоботи маълумотларидан, шунингдек, мунтазам равишда статистика органлари томонидан ўтказиб бориладиган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларининг иқтисодий фаолияти бўйича ҳамда уй хўжаликлари даромадлари ва харажатларини ўрганиш бўйича танланма кузатув маълумотларидан, бундан ташқари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Марказий банк, Халқ банки, Солиқ қўмитаси томонидан аҳолига ҳисобланган даромадлар, ижтимоий тўловлар ва солиқ тўловлари тўғрисидаги умумлашган маълумотлардан фойдаланилади.

Дастлабки маълумотлар бўйича, 2020 йилнинг январь-декабрь ҳолатига кўра, аҳоли жон бошига умумий даромадлар **12,6** млн сўмни ташкил этган, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич деярли икки баравар кўпайди.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига умумий даромадлар 2020-2024 йилларнинг январь-декабрь ойларида[1] *(минг сўм)*



[1]) 2020-2023 йиллар январь-декабрь ойлари учун аниқлаштирилган йиллик маълумотлар асосида қайта ҳисобланган. Аҳоли умумий даромадлари таркибидаги мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар норасмий иқтисодиётни ҳисобга олган ҳолда қайта баҳоланди.

Аҳоли жон бошига умумий даромаднинг номинал ўсиш суръати 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида **110,9 %** дан 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **116,1 %** ни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг ўсиш суръатлари 2020-2024 йилларнинг январь-декабрь ойларида[1] *(% да)*

Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадлари таркиби

[1]) *2020-2023 йиллар январь-декабрь ойлари учун аниқлаштирилган йиллик маълумотлар асосида қайта ҳисобланган.*

Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадлари таркиби ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 2023-2024 йилларнинг январь-декабрь ойларида

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳоли умумий даромадларининг **74,0 %** ини бирламчи даромадлар ташкил қилган бўлса, **26,0 %** и трансфертлардан олинган даромадлар ҳиссасига тўғри келди.

Кўрсаткичлар	*Жамига нисбатан, % да*		*Ўсиш суръати, % да*
	2023 й. [1]	*2024 й.*	
Умумий даромадлар – жами (I+II)	**100,0**	**100,0**	**118,5**
I. Бирламчи даромадлар	72,9	74,0	120,3
I.1. Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар	70,1	70,7	119,5
I.1.1. Меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар	63,6	62,9	117,2
I.1.1.1. Ёлланма ишчиларнинг даромадлари	27,8	27,9	119,0
I.1.1.2. Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар	35,8	35,0	115,9
I.1.2. Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар	6,5	7,8	141,1
I.2. Мол-мулкдан олинган даромадлар	2,8	3,3	141,4
II. Трансфертлардан олинган даромадлар	27,1	26,0	113,7

Аҳоли бирламчи даромадлари ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар ва мол-мулкдан олинган даромадлардан ташкил топади.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳоли умумий даромадларининг катта қисми ёлланма ишчиларнинг даромадлари ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларни ўз ичига олган меҳнат фаолиятидан олинган даромадлардан (жами аҳоли умумий даромадларининг **62,9 %** и) шаклланди ҳамда номинал ўсиш суръати 2023 йилнинг мос даврига нисбатан **117,2 %** ни ташкил этди.

[1]) 2023 йил январь-декабрь ойлари учун аниқлаштирилган йиллик маълумотлар асосида қайта ҳисобланган.

Аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларнинг улуши **7,8 %**, мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши **3,3 %**, трансфертлардан олинган даромадлар улуши **26,0 %** ни ташкил қилди.

Аҳоли умумий даромадлари таркиби
2024 йил январь-декабрь ҳолатига *(% да)*

Ҳудудларнинг аҳоли умумий даромадлари таркибида меҳнат фаолиятидан олинган даромадларининг (ёлланиб ишловчиларнинг иш ҳақи ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар) энг юқори улуши Навоий вилоятида (**77,9 %**) кузатилди. Аксинча, Фарғона, Самарқанд, Андижон ва Хоразм вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида ўртача республика даражасидан паст кўрсаткични ташкил этди.

Республика бўйича аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар ва мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши сезиларли даражада бўлмасада, Тошкент шаҳрида бундай даромадларнинг улуши **23,9 %** ни ташкил этди.

Шунингдек, трансфертлардан олинган даромадларнинг улуши Андижон, Фарғона, Самарқанд, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида аҳоли умумий даромадларига нисбатан **30 %** дан юқори кўрсаткични ташкил этган бўлса, Навоий вилоятида мазкур даромад турининг улуши энг паст яъни, **11,7 %** ни ташкил этди.

[1]) Аҳоли умумий даромадлари таркибидаги мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар норасмий иқтисодиётни ҳисобга олган ҳолда қайта баҳоланди.

Ҳудудлар бўйича аҳоли умумий даромадлари таркиби 2024 йил январь-декабрь ҳолатига *(% да)*

Меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар

Трансфертлардан олинган даромадлар

Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар ва мол-мулкдан олинган даромадлар

Меҳнат фаолиятидан олинган даромад ёлланма ишчиларнинг ва мустақил равишда банд бўлган аҳолининг даромадидан таркиб топади.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳолининг умумий даромадлари таркибида меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар **62,9 %** ни ташкил қилди, 2020 йилда эса бу кўрсаткич **67,1 %** ни ташкил этган.

Меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар [1]
2020-2024 йилларнинг январь-декабрь ҳолатига *(% да)*



Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад – мустақил равишда ташкиллаштирилган ва уй хўжалиги аъзолари жалб қилинган меҳнат жараёни натижасида олинган даромадлар ҳисобланади.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳолининг умумий даромадлари таркибида мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар **35,0 %** ни ташкил қилди, 2020 йилда эса бу кўрсаткич **40,9 %** ни ташкил этган.

Жорий даврда мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг ўсиш суръати **115,9 %** ни ташкил этиб, аҳоли умумий даромадлари номинал ҳажмининг **5,7 %** га ўсишини таъминлади.

[1]) 2020-2023 йиллар январь-декабрь ойлари учун аниқлаштирилган йиллик маълумотлар асосида қайта ҳисобланган. Аҳоли умумий даромадлари таркибидаги мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар норасмий иқтисодиётни ҳисобга олган ҳолда қайта баҳоланди.

Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг умумий даромадлар таркибидаги улуши ва ўсиш суръати 2020-2024 йилларнинг январь-декабрь ҳолатига[1] *(% да)*

Жами мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларда ҳудудларнинг улуши, 2024 йил январь-декабрь ҳолатига *(% да)*



[1]) Аҳоли умумий даромадлари таркибидаги мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар норасмий иқтисодиётни ҳисобга олган ҳолда қайта баҳоланди.

Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг асосий улуши Тошкент – **10,7 %**, Самарқанд – **10,2 %,** Қашқадарё – **9,5 %** ва Андижон – **9,4 %** вилоятлари ҳиссасига тўғри келди. Аксинча Сирдарё вилояти – **2,3 %**, Қорақалпоғистон Республикасида – **4,0 %,** Жиззах вилоятида – **4,9 %** ва Навоий вилоятида – **5,1 %** камроқ улушни ташкил этди.

Ҳудудлар бўйича мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг ўсиш суръати ва аҳоли умумий даромадлари таркибидаги улуши 2024 йил январь-декабрь ҳолатига *(% да)*

Ҳудудларда мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг энг юқори улуши Жиззах вилоятида **52,4 %** ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати **112,8 %** ни ташкил этди.

Биргина ушбу турдаги даромадлар Жиззах вилоятида аҳоли умумий даромадларини **6,8 %** га ўсишини таъминлаб берди.

Худди шундай Бухоро вилоятида мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар улуши **47,4 %** ни ва ўсиш суръати **115,3 %** ни ташкил этди ва аҳоли умумий даромадларининг **7,2 %** га ўсишини таъминлаб берди.

Ҳудудлар бўйича мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг 1 % га ўсишини аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг ўсишига таъсири 2024 йил январь-декабрь ойларида *(% да)*

Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг **1 %** га ўсиши умумий даромадлар ҳажмининг **0,35 %** га ўсишига олиб келди.

Ҳудудлар бўйича мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг ўсишига таъсири 2024 йил январь-декабрь ҳолатига *(% да)*

Ёлланма ишчиларнинг даромади бу – меҳнатга ҳақ тўлашнинг яширин (яъни, бирламчи ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмасдан иш берувчи томонидан амалга оширилган тўловлар) қисмини қўшган ҳолда пул ва натура (товарлар ёки хизматлар кўринишида) шаклида меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлар.

Аҳолининг умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчиларнинг даромадлари улуши ва ўсиш суръати
2020-2024 йилларнинг январь-декабрь ойларида *(% да)*

2023 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳолининг умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчиларнинг даромадлари **27,9 %** ни ташкил қилди. Камроқ улуши 2020 йилда – **26,3 %** ни ташкил этган.

Жорий даврда ёлланма ишчилар даромадларининг ўсиш суръати **119,0 %** ни ташкил этиб, аҳоли умумий даромадлари номинал ҳажмининг **5,3 %** га ўсишини таъминлади. Бу кўрсаткич 2023 йилда – **116,4 %**, 2022 йилда – **122,0 %**, 2021 йилда – **130,5 %**, 2020 йилда – **114,1 %** ни ташкил этган.

Жами ёлланма ишчиларнинг даромадларида ҳудудларнинг улуши,
2024 йил январь-декабрь ҳолатига *(% да)*



Ҳудудлар бўйича ёлланма ишчилар даромадларининг ўсиш суръати ва аҳоли умумий даромадлари таркибидаги улуши 2024 йил январь-декабрь ойларида *(% да)*

Ҳудудлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, Тошкент шаҳри ва Навоий вилояти ёлланма ишчилар даромадларининг аҳоли умумий даромадларига нисбатан улуши ва уларнинг ўсиш суръатининг юқорилигига қараб, сезиларли таъсир кўрсатганлигини кўришимиз мумкин.

Масалан, Тошкент шаҳрида аҳоли умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчилар даромадларининг улуши **48,5 %** ни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати **126,8 %** ни ташкил этди. Биргина ушбу турдаги даромадларнинг ўзи Тошкент шаҳри аҳолиси умумий даромадларининг **13,5 %** га ўсишини таъминлаб берди.

Навоий вилоятида аҳоли умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчилар даромадларининг улуши **38,9 %** ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати **115,9 %** ни ташкил этди, аҳоли умумий даромадларининг **6,4 %** га ўсишини таъминлаб берди.

Маълумот учун: *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 августдаги "Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги ПФ-196-сон Фармонига мувофиқ, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш, фуқароларнинг даромадларини изчил ошириб бориш сиёсатини давом эттириш ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида 2024 йилнинг 1 октябридан бошлаб, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори 15 фоизга оширилди.*

Ёлланма ишчилар даромадларининг аҳоли умумий даромадларига таъсири 2024 йил январь-декабрь ойларида *(% да)*

Жорий даврда ёлланма ишчилар даромадларининг ўсиши аҳоли умумий даромадлари номинал ҳажмининг **5,3 %** га ўсишини таъминлади.

Ҳудудлар бўйича ёлланма ишчилар даромадларининг 1 % га ўсишини аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг ўсишига таъсири 2024 йил январь-декабрь ойларида *(% да)*

Ёлланма ишчилар даромадларининг **1 %** га ўсиши умумий даромадлар ҳажмининг **0,28 %** га ўсишига олиб келди.

Мол-мулкдан олинган даромадлар (мулкий даромадлар) деганда мулкий эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган молиявий ва номолиявий активларни бошқа шахсларга фойдаланиш учун беришдан уй хўжаликларига тушган тушумлар тушунилади.

Шу билан бирга аҳоли даромадлари манбаларида мол-мулкдан олинган даромадлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, 2024 йил январь-декабрь ойларида аҳоли даромадларидаги улуши **3,3 %** ни ташкил этди.

Мол-мулкдан олинган даромадлар
2024 йил январь-декабрь ойларида

Дастлабки маълумотлар бўйича, 2024 йилнинг январь-декабрь ҳолатига кўра, мол-мулкдан олинган даромадлар **30,1 трлн** сўмни ташкил этди. Жорий даврда мол-мулкдан олинган даромадлар аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг **1,2 %** га ўсишини таъминлади.

Мол-мулкдан олинган даромадларнинг умумий даромадлар таркибидаги улуши ва ўсиш суръати[1]
2020-2024 январь-декабрь ойларида *(% да)*

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳолининг умумий даромадлари таркибида мол-мулкдан олинган даромадлар **3,3 %** ни, 2021 йилда **2,0 %** ни ташкил қилди.

Жорий даврда мол-мулкдан олинган даромадларнинг ўсиш суръати **141,4 %** ни ташкил этди.

[1]) *2020-2023 йиллар январь-декабрь ойлари учун аниқлаштирилган йиллик маълумотлар асосида қайта ҳисобланган.*

Мол-мулкдан олинган даромадлар таркибида ҳудудларнинг улуши 2024 йил январь-декабрь ойларида *(% да)*

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида мол-мулкдан олинган даромадлар ҳажмининг учдан икки қисми улуши Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келиб, **63,5 %** ни ташкил этди. Навоий (**5,8 %**), Тошкент (**5,1 %**) ва Фарғона (**4,8 %**) вилоятлари кейинги юқори улушга эга бўлган ҳудудлар ҳисобланади.



Мол-мулкдан олинган даромадларнинг умумий даромадлар таркибидаги улуши 2024 йил январь-декабрь ойларида *(% да)*

Трансфертлар бу – уй хўжаликларига бошқа уй хўжаликларидан, давлат томонидан, юридик шахслардан, чет элдан келиб тушадиган ҳамда келгусида қайтарилиши шарт бўлмаган товарлар, хизматлар ва активлардир.

Трансфертлардан олинган даромадлар
2024 йил январь-декабрь ойларида

Трансфертлардан олинган даромадлар

232,7
трлн сўм

2023 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан ўсиш суръати

113,7 %

Аҳолининг умумий даромадлари таркибидаги улуши

26,0 %

Аҳолининг умумий даромадлари таркибида трансфертлардан олинган даромадлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу даромадлар ижтимоий трансфертлар ва бошқа жорий трансфертларни ўз ичига олади.

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари маълумотларига кўра, трансфертлардан олинган даромадларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати **113,7 %** ни ташкил этди.

Трансфертлардан олинган даромадларнинг умумий даромадлар таркибидаги улуши ва ўсиш суръати
2020-2024 йилларнинг январь-декабрь ойларида *(% да)*

Шу билан бирга, жорий даврда аҳолининг умумий даромадлари ҳажмида трансфертлардан олинган даромадларнинг улуши **26,0 %** ни, 2020 йилда **23,7 %** ни ташкил этди.

Трансфертлардан олинган даромадлар таркиби, 2020-2024 йилларнинг январь-декабрь ойларида[1] *(% да)*

Кузатилаётган даврда ижтимоий трансфертларнинг ўсиш суръати **110,1 %** ни ташкил этди ва бунга ижтимоий трансфертлар таркибида **80,5 %** улушга эга бўлган пенсиялар асосий таъсир кўрсатди.

2023 йилнинг мос даври билан таққослаганда пенсияларнинг ўсиш суръатлари **119,4 %** ни ташкил этди. Ўтган давр мобайнида пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўзгариши аҳоли умумий даромадларининг **1,0 %** га ўсиши имконини берди.

Ижтимоий трансфертлар таркиби 2024 йил январь-декабрь ҳолатига *(% да)*

Ижтимоий трансфертларнинг ўсиш суръатлари 2024 йил январь-декабрь ҳолатига *(% да)*



Пенсиялар – қонунчиликда назарда тутилган, яъни маълум бир ёшга етганлиги, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлиги, шунингдек, қонунчиликка асосан таъсис этилган тизимларга кирмайдиган (масалан, иш берувчи томонидан таъсис этилган) ижтимоий таъминот бўйича мунтазам амалга ошириладиган пул тўловлари.

Нафақалар – қонунчиликда назарда тутилган ҳолатларда, яъни меҳнат қобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотганлик, оғир моддий аҳвол, болали оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, қариндошларнинг ўлими сабабли, ишсизлик бўйича нафақалар ва шунга ўхшаш ҳолатларда мунтазам ёки бир марта амалга ошириладиган пул тўловлари.

Стипендия – олий таълим муассасаларининг талабаларига тўланадиган ҳар ойлик пул таъминоти, шунингдек, жисмоний шахсларга, шу жумладан, хорижий давлатлардан ажратиладиган ўқув грантлари.

[1]) *2020-2023 йиллар январь-декабрь ойлари учун аниқлаштирилган йиллик маълумотлар асосида қайта ҳисобланган.*

Ҳудудлар бўйича ижтимоий трансфертларнинг ўсиш суръатлари ва аҳоли умумий даромадлари таркибидаги улуши 2024 йил январь-декабрь ойларида *(% да)*

Ижтимоий трансфертларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳудудлар бўйича таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2024 йилнинг январь-декабрь ҳолатига кўра, барча ҳудудларда ушбу даромад тури ўсиш тенденциясига эга бўлган, Навоий (**115,2 %**) ва Тошкент (**115,1 %**), вилоятларида, Тошкент шаҳрида (**114,1 %**), Бухоро (**113,5 %**) вилоятларида республика даражасидан юқори ўсиш суръатлари қайд этилди.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли умумий даромадлари таркибида ижтимоий трансфертларнинг улуши **13,5 %** ни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати **108,8 %** ни ташкил этди.

Бундан ташқари, Сирдарё вилоятида ижтимоий трансфертларнинг улуши **12,8 %** ўсиш суръати билан **109,1 %** ни, Қашқадарё вилоятида ўсиш суръати **108,4 %** ни улуши эса **11,7 %** ни ташкил этди.

Ижтимоий трансфертларнинг энг паст улуши Тошкент шаҳри (**5,3 %**) ҳамда Навоий (**8,5 %**) ва Бухоро (**9,0 %**) вилоятларида қайд этилди.

Пенсиялар ва нафақаларнинг ўсиш суръатлари
2024 йилнинг январь-декабрь ҳолатига
(2023 йилнинг мос даврига нисбатан % да)



Республика бўйича жами пенсиялардан олинган даромадларнинг катта қисми (**43,9 %**) Тошкент шаҳри (**12,9 %**), Фарғона (**10,4 %**), Самарқанд (**10,3 %**) ва Тошкент (**10,3 %**) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди. Тошкент шаҳрида ушбу даромад манбаининг ўсиш суръати **115,9 %** ни ташкил этган бўлса, Тошкент вилоятида **118,7 %,** Фарғона вилоятида **119,2 %** ва Самарқанд вилоятида **120,2 %** ни ташкил этди.

Ижтимоий трансфертларнинг таркибида ижтимоий нафақаларнинг улуши **17,8 %** ни ташкил этди. Дастлабки маълумотларга кўра, 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида стипендияларнинг ижтимоий трансфертлар таркибидаги улуши **1,7 %** ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **104,0 %** га ўсди.

Бошқа жорий трансфертлар

Бошқа жорий трансфертлар ҳажми чет элдан юборилган пул ўтказмалари таркибидан жисмоний шахсларнинг ишлаб чиқариш (бизнес) фаолиятидан олинадиган даромадлари билан боғлиқ ўтказмаларини (Марказий банк ва уй хўжаликлари танланма кузатуви маълумотлари асосида) чиқариб ташланган ҳолда келтирилган.

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари бўйича бошқа жорий трансфертлар таркибига кирувчи республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмалари ҳажмининг номинал ўсиш суръати **116,0 %** ни ташкил этиб, аҳоли умумий даромадлари таркибидаги улуши **16,5 %** ҳисобида, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **– 0,4 %** пунктга камайди.

Ҳудудлар бўйича умумий даромадлар таркибида республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмалари ҳажмининг улуши 2024 йил январь-декабрь ҳолатига *(% да)*

Андижон	27,6	Бухоро	17,0
Фарғона	25,6	Қорақалпоғистон Респ.	13,7
Хоразм	22,8	Тошкент ш.	12,8
Самарқанд	22,1	Сирдарё	9,2
Сурхондарё	20,5	Жиззах	7,5
Қашқадарё	17,8	Тошкент	4,1
Наманган	17,4	Навоий	3,2

2- БЎЛИМ. ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлар ҳажми 2024 йилнинг январь-декабрь ҳолатига *(минг сўм)*



Дастлабки маълумотларга кўра, 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлар **24,1** млн сўмни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлар бўйича Тошкент шаҳри (**60,6** млн сўм), Навоий (**38,1** млн сўм), Бухоро (**27,5** млн сўм) ва Тошкент (**25,1** млн сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткичлар қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳоли жон бошига умумий даромадлар ҳажмининг ўзгариши[1] 2022-2024 йилларнинг январь-декабрь ҳолатига *(млн сўм)*



[1]) *2022-2023 йиллар январь-декабрь ойлари учун аниқлаштирилган йиллик маълумотлар асосида қайта ҳисобланган.*

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадларнинг реал ўсиш суръатлари[1]
2022-2024 йилларнинг январь-декабрь ойларида *(% да)*



Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг энг юқори реал ўсиши Тошкент шаҳри (**15,4 %**), Навоий (**7,9 %**) ва Тошкент вилоятига (**6,4 %**) тўғри келди.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳолининг реал умумий даромадлари **817,5** трлн сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **108,1 %** га ўсди, аҳоли жон бошига эса **21 991,9** минг сўмни ва ўсиш суръати **105,9 %** ни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига реал умумий даромадларининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрида (**54 442,4** минг сўм) кузатилди.

Шунингдек, Навоий (**35 107,2** минг сўм), Бухоро (**24 858,1** минг сўм) ва Тошкент (**22 952,1** минг сўм) вилоятларида республика даражасидан юқори кўрсаткич қайд этилди.

[1]) 2022-2023 йиллар январь-декабрь ойлари учун аниқлаштирилган йиллик маълумотлар асосида қайта ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари кесимида аҳолининг реал умумий даромадлари 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида

	Жами, млрд сўм	*Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да*	*Аҳоли жон бошига ўртача, минг сўм*	*Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да*
Ўзбекистон Республикаси	**817 470,3**	**108,1**	**21 991,9**	**105,9**
Қорақалпоғистон Респ.	31 054,4	103,8	15 402,4	102,4
вилоятлар:				
Андижон	69 096,9	107,0	20 158,4	104,8
Бухоро	51 220,1	104,1	24 858,1	102,4
Жиззах	27 005,5	104,1	17 737,6	102,0
Қашқадарё	60 818,0	105,5	16 893,9	103,2
Навоий	38 091,3	109,9	35 107,2	107,9
Наманган	47 631,1	102,7	15 370,3	100,5
Самарқанд	74 824,2	107,6	17 593,3	105,3
Сурхондарё	47 270,2	102,6	16 236,8	100,2
Сирдарё	16 210,5	105,6	17 574,3	103,7
Тошкент	70 694,6	108,5	22 952,1	106,4
Фарғона	71 874,3	103,3	17 517,1	101,1
Хоразм	43 228,5	106,6	21 464,0	104,7
Тошкент ш.	167 508,3	118,4	54 442,4	115,4

Аҳолининг реал умумий даромадлари бу – аҳолининг номинал умумий даромадларини тегишли давр учун истеъмол нархлари индексига бўлиш йўли билан ҳисобланадиган нисбий кўрсаткич.

Аҳоли ихтиёридаги даромад – умумий даромаддан тўғри солиқларни (уларнинг қайтарилишини ҳисобга олган ҳолда), мажбурий йиғимлар ва жарималар ҳамда бир уй хўжалигига бошқа уй хўжалиги томонидан берилган моддий ёрдам пулларини чегириш орқали ҳисобланади.

Ҳудудлар бўйича аҳоли ихтиёридаги умумий даромадларнинг реал ўсиш суръатлари 2024 йил январь-декабрь ойларида
(2023 йилнинг мос даврига нисбатан, % да)

2024 йилнинг январь-декабрь ҳолатига кўра, аҳоли ихтиёридаги умумий даромадлар **820,7** трлн сўмни ташкил этди (реал ўсиш суръати **107,6 %**), аҳоли жон бошига эса **22 079,2** минг сўмни (реал ўсиш суръати **105,4 %**) ташкил этди.

Тошкент шаҳри (**114,5 %**), шунингдек, Навоий (**108,0 %**), Тошкент (**107,1 %**) ва Самарқанд (**105,6 %**) вилоятларида аҳоли ихтиёридаги умумий даромадларининг реал ўсиш суръати ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди.

Ҳудудлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, аҳоли жон бошига ихтиёридаги умумий даромадлар Тошкент шаҳри (**47 621,1** минг сўм) ҳамда Навоий (**35 895,0** минг сўм), Бухоро (**26 314,1** минг сўм), Тошкент (**23 635,7** минг сўм) ва Хоразм (**22 521,7** минг сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди.

2024 йилнинг январь-декабрь ҳолатига кўра, аҳоли реал ихтиёридаги умумий даромадлар **748,6** трлн сўмни ташкил этди, аҳоли жон бошига эса **20 137,9** минг сўмни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига ихтиёридаги реал умумий даромадлар
2024 йил январь-декабрь ҳолатига
(2023 йилнинг мос даврига нисбатан % да, ҳажми минг сўмда)

Аҳоли жон бошига реал ихтиёридаги умумий даромадлар Қорақалпоғистон Республикасида (**14 541,2** минг сўм), Наманган (**14 681,7** минг сўм), Сурхондарё (**15 641,1** минг сўм) ва Қашқадарё (**16 205,4** минг сўм) вилоятларида ҳудудлар бўйича энг паст кўрсаткич кузатилган бўлса, Тошкент шаҳри (**42 786,2** минг сўм), Навоий (**33 064,7** минг сўм), Бухоро (**23 779,2** минг сўм), Тошкент (**21 593,0** минг сўм) ва Хоразм (**20 648,9** минг сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди.

Аҳоли жон бошига реал ихтиёридаги умумий даромадларнинг энг юқори ўсиш суръати Тошкент шаҳрида (**114,5 %**) қайд этилди. Шунингдек, Навоий (**108,0 %**), Тошкент (**107,1 %**) ва Самарқанд (**105,6 %**), вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди.

3- БЎЛИМ. УМУМИЙ ДАРОМАДЛАР ТАРКИБИДА КИЧИК ТАДБИРКОРЛИКДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАР УЛУШИ

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари дастлабки маълумотларига кўра, аҳоли умумий даромадлари ҳажмида кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуши **58,7 %** ни ташкил этди.

Кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуши[1] *(% да)*



[1]) *2020-2023 йиллар январь-декабрь ойлари учун аниқлаштирилган йиллик маълумотлар асосида қайта ҳисобланган.*

Маълумот учун: *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги "Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПҚ-5087-сон қарорига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.*

Аҳоли умумий даромадлари ҳажмида кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуши, 2024 йил январь-декабрь ойларида (% да)

Аҳоли умумий даромадлари таркибида кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар Жиззах (**67,5 %**), Бухоро (**65,7 %**) Тошкент (**63,5 %**), Хоразм (**62,7 %**), Қашқадарё (**62,1 %**) ва Наманган (**62,1 %**) вилоятларида сезиларли улушни эгаллади. Тошкент шаҳрида (**49,8 %**) **50 %** дан кам улушни ташкил этди.

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Аҳоли умумий даромадларини ҳисоблашда статистика ҳисоботи маълумотларидан, шунингдек, мунтазам равишда статистика органлари томонидан ўтказиб бориладиган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларининг иқтисодий фаолияти бўйича ҳамда уй хўжаликлари даромадлари ва харажатларини ўрганиш бўйича танланма кузатув маълумотларидан, бундан ташқари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Марказий банк, Халқ банки, Давлат солиқ қўмитаси томонидан аҳолига ҳисобланган даромадлар, ижтимоий тўловлар ва солиқ тўловлари тўғрисидаги умумлашган маълумотлардан фойдаланилади.

Аҳолининг умумий даромадлари доимий ёки такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда, уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган пул ва натура шаклидаги тушумлардан ташкил топади.

Аҳолининг бирламчи даромадлари ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар ва мол-мулкдан олинган даромадлардан ташкил топади.

Ишлаб чиқаришдан олинган даромадларга меҳнат фаолиятидан олинган даромад ва шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган шахсий хизматлардан олинган даромадлар киради.

Меҳнат фаолиятидан олинган даромад ёлланма ишчиларнинг ва мустақил равишда банд бўлган аҳолининг даромадидан таркиб топади.

Ёлланма ишчиларнинг даромади бу меҳнатга ҳақ тўлашнинг яширин (яъни, бирламчи ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмасдан иш берувчи томонидан амалга оширилган тўловлар) қисмини қўшган ҳолда пул ва натура (товарлар ёки хизматлар кўринишида) шаклида меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлар.

Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад – мустақил равишда ташкиллаштирилган ва уй хўжалиги аъзолари жалб қилинган меҳнат жараёни натижасида олинган даромадлар.

Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларга бозор учун мўлжалланмаган ва уй-жой эгалари томонидан фойдаланилаётган турар-жой хизматларининг шартли равишда ҳисобланган қиймати киради.

Мол-мулкдан олинган даромадлар (мулкий даромадлар) деганда мулкий эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган молиявий ва номолиявий активларни бошқа шахсларга фойдаланиш учун беришдан уй хўжаликларига тушган тушумлар тушунилади.

Фоизлар – банк ҳисоб-рақамларидан, кредит уюшмалари ёки бошқа молиявий муассасаларга қўйилган омонатлардан, депозит сертификатлари, давлат облигациялари, заёмлар ва қимматли қоғозлар бўйича ҳамда бошқа шахсларга берилган қарздорлик мажбуриятлари ва кредитлар бўйича олинган тўловлари.

Дивидендлар – сармоядор (жисмоний шахс)нинг корхонада ишлаши ёки ишламаслигидан қатъи назар, корхонага сармоя киритиши натижасида олинган тушумлар.

Муаллифлик ҳақи – яратилган адабий асарлар, ихтиролар ва муаллифлик ҳуқуқи берилган (яъни, нафақат муаллифга (яратувчига) тўланиши мумкин бўлган, балки бошқа мулкдорларга, масалан, меросхўрга ҳам тўланадиган) бошқа патентланган материаллар учун эгаси томонидан олинган муаллифлик мукофотлари.

Рента – жисмоний шахс томонидан бошқа юридик ёки жисмоний шахсга ишлаб чиқарилмаган активларни (масалан, ер майдони) фойдаланишга беришидан олинган ижара тўловлари.

Трансфертлар – уй хўжаликларига бошқа уй хўжаликларидан, давлат томонидан, юридик шахслардан, чет элдан келиб тушадиган ҳамда келгусида қайтарилиши шарт бўлмаган товарлар, хизматлар ва активлардир.

Пенсиялар – қонунчиликда назарда тутилган, яъни маълум бир ёшга етганлиги, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлиги, шунингдек, қонунчиликка асосан таъсис этилган тизимларга кирмайдиган (масалан, иш берувчи томонидан таъсис этилган) ижтимоий таъминот бўйича мунтазам амалга ошириладиган пул тўловлари.

Нафақалар – қонунчиликда назарда тутилган ҳолатларда, яъни меҳнат қобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотганлик, оғир моддий аҳвол, болали оилаларни қўллаб қувватлаш мақсадида, қариндошларнинг ўлими сабабли, ишсизлик бўйича нафақалар ва шунга ўхшаш ҳолатларда мунтазам ёки бир марта амалга ошириладиган пул тўловлари.

Стипендия – олий таълим муассасаларининг талабаларига тўланадиган ҳар ойлик пул таъминоти, шунингдек, жисмоний шахсларга, шу жумладан, хорижий давлатлардан ажратиладиган ўқув грантлари.

Бошқа жорий трансфертларга уй хўжалигига бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан (мунтазам молиявий ёрдамлар, масалан, алиментлар, болалар ёки ота-оналар томонидан бериладиган моддий ёрдамлар, нотижорат ҳомийлик ташкилотларидан, касаба уюшмаларидан ва шунга ўхшашлардан мунтазам равишда тўланадиган) амалга ошириладиган тўловлар киради. Шунингдек, бошқа жорий трансфертлар тоифасига чет элдан, шу жумладан, жисмоний шахслар томонидан меҳнат фаолиятини амалга оширишдан олинган пул ўтказмалари киради.

Аҳолининг реал умумий даромадлари бу – аҳолининг номинал умумий даромадларини тегишли давр учун истеъмол нархлари индексига бўлиш йўли билан ҳисобланадиган нисбий кўрсаткич.

Аҳоли ихтиёридаги даромад – умумий даромаддан тўғри солиқларни (уларнинг қайтарилишини ҳисобга олган ҳолда), мажбурий йиғимлар ва жарималар ҳамда бир уй хўжалигига бошқа уй хўжалиги томонидан берилган моддий ёрдам пулларини чегириш орқали ҳисобланади.

Аҳолининг ихтиёридаги реал умумий даромадлари – бу аҳолининг ихтиёридаги умумий даромадларининг номинал ўсиш суръатларини тегишли даврдаги товарлар ва хизматлар истеъмол нархлари индексига бўлиш йўли билан ҳисобланган нисбий статистик кўрсаткич.

XV. ЮРИДИК ШАХС МАҚОМИГА ЭГА БЎЛГАН КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРДА ИШЛОВЧИ ХОДИМЛАРНИНГ ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

1-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЙИЧА ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

Ўртача ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар мамлакатимизда ҳар чоракда кичик корхоналар, микрофирмалар ва фермер хўжаликларисиз ҳамда йилда бир маротаба республиканинг барча корхона ва ташкилотлари, жумладан кичик корхоналар, микрофирмалар ҳамда фермер хўжаликлари бўйича шакллантирилади.

2024 йил январь-декабрь ойларида республикамизда ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 5 357,2 минг сўмни ташкил қилиб, ҳудудлар бўйича энг юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳри (9 072,4 минг сўм), Навоий (6 766,1 минг сўм), Тошкент (5 097,9 минг сўм) ва Андижон (4 616,1 минг сўм) вилоятларида, нисбатан паст кўрсаткичлар эса Қашқадарё (3 785,7 минг сўм), Сурхондарё (3 810,3 минг сўм), Наманган (3 869,2 минг сўм) ва Фарғона (3 965,6 минг сўм) вилоятларида кузатилди.

Ўртача ойлик иш ҳақи ҳудудлар кесимида
(январь-декабрь ойлари бўйича, минг сўмда)



Ўртача ойлик иш ҳақи кўрсаткичи юридик шахслар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида, жами ходимларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларни ўртача иш ҳақини ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ходимлар сонига бўлиш орқали ҳисобланган. Ўртача ойлик иш ҳақи кўрсаткичини ҳисоблашда корхона ва ташкилотлардаги бошқа ташкилотлардан ўриндошлик бўйича ишга қабул қилинганлар, фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар бўйича иш бажарувчилар, ташкилот томонидан, ишдан ажралган ҳолда, таълим муассасаларига юборилганлар инобатга олинмаган.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 5 357,2 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 17,4 % га юқори бўлди. Ушбу кўрсаткични 2020 йилнинг мос даврига нисбатан таққосланганда 2,0 баробарга ўсганлиги кузатилди.

Ўртача ойлик иш ҳақининг йиллар кесимидаги динамикаси

(январь-декабрь ойлари бўйича, минг сўмда)

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг энг юқори ўсиш суръатлари Тошкент шаҳрида (121,4 %), Самарқанд (117,6 %), Сирдарё (116,7 %) ҳамда Наманган (116,5 %) вилоятларида кузатилди.

Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан Тошкент шаҳри (169,3 %) ва Навоий вилоятида (126,3 %) юқори даражада ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кузатилди.

Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан ҳудудлардаги ўртача ойлик иш ҳақи
(январь-декабрь ойлари бўйича, % да)



Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблашда корхона ва ташкилотларда меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар ҳисобга олинган. Таълим (37,8 %), саноат (18,1 %) ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш (16,7 %) соҳаларида ишловчи ходимлар жамига нисбатан юқори улушга эга ҳисобланади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ходимлар сонининг жамига нисбатан улуши
(январь-декабрь ҳолатида, % да)



Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи таркибига қўшимча тўловлар, мукофот пуллари, рағбатлантирувчи тўловлар, компенсация ва ишламаган вақти учун тўловлар, шунингдек, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва касаба уюшмасига ажратмалар киради.

2024 йил январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти (15 263,7 минг сўм), ахборот ва алоқа (13 157,4 минг сўм) ҳамда ташиш ва сақлаш (8 113,3 минг сўм) соҳаларида юқори кўрсаткич қайд этилди.

Ўртача ойлик иш ҳақининг тармоқлар бўйича ўзгариш динамикаси

(январь-декабрь, минг сўм)



Таълим (жамига нисбатан 67,9 %) ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш (жамига нисбатан 63,7 %) соҳаларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи Республикадагига нисбатан паст даражада қолмоқда.

Баъзи тармоқлар бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбати

(январь-декабрь, % да)



Маълумот учун:

*Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига сўнгги марта 2024 йил 1 октябрь ўзгартириш киритилди ҳамда **1 155,0 минг сўм**га етказилди.*

Батафсил маълумот олиш учун QR-коддан фойдаланинг.

SCAN ME

2024 йил январь-декабрь ойлари учун ўртача ойлик иш ҳақи кўрсаткичини шакллантиришда қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобга олинмаган, чунки фермер хўжаликлари ҳамда кичик тадбиркорлик субъектлари йилда бир марта ҳисобот тақдим этиши белгиланган.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

Барча юридик шахслар бўйича номинал ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи 2023 йилда 3 799,6 минг сўмни ташкил қилиб, 2022 йилга нисбатан 18,6 % га ўсган.

МАЪЛУМОТ УЧУН

Барча юридик шахслар бўйича ўртача ойлик номинал иш ҳақи

(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектлари билан бирга, январь-декабрь)



Йиллар кесимида номинал ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи (қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектлари билан бирга) ва истеъмол нархлари индекси кўрсаткичлари, *% да*

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори динамикаси, *сўмда*



Ойлар кесимида таҳлил қилганда, ўртача ойлик иш ҳақи декабрь ойида (6 380,1 минг сўм), октябрь (5 667,6 минг сўм) ва ноябрь (5 643,1 минг сўм) ойларида бошқа ойларга нисбатан юқори бўлган.

2024 йилларда ўртача ойлик иш ҳақининг ойлар кесимидаги динамикаси



2-БЎЛИМ. ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИДА ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

Иқтисодий фаолият турлари кесимида ўртача ойлик иш ҳақи

(январь-декабрь, минг сўм)

2024 йил январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг баланд кўрсаткичи – банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти соҳасига тўғри келиб, 15 263,7 минг сўмни ташкил этди.

Шунингдек, ахборот ва алоқа соҳаси 13 157,4 минг сўмни, ташиш ва сақлаш соҳаси 8 113,3 минг сўмни ва саноат соҳаси 6 439,9 минг сўмни ташкил этиб, ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан юқори кўрсаткични ташкил қилди. Таълим (3 637,0 минг сўм) ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш (3 411,0 минг сўм) соҳалари эса бошқа соҳаларга нисбатан энг қуйи поғоналарда эканлигини кўришимиз мумкин.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

Саноат соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи декабрь ойида (7 436,7 минг сўм), октябрь (6 672,5 минг сўм) ва ноябрь (6 641,1 минг сўм) ойларида бошқа ойларга нисбатан юқори шаклланган.

Саноат соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи



Саноатнинг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақи

(январь-декабрь, минг сўм)

Саноатнинг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш тармоғи (9 132,8 минг сўм), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш (7 471,4 минг сўм) ҳамда ишлаб чиқариш саноатида (6 181,0 минг сўм) кузатилди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

2024 йил январь-декабрь даврида тармоқлар кесимида таҳлил қилганда, саноат соҳасида тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш (9 132,8 минг сўм) ҳамда электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш (7 471,4 минг сўм) тармоқларида юқори иш ҳақи кўрсаткичлари қайд этилганини кўриш мумкин.

Саноат соҳасида тармоқлар бўйича иш ҳақи ўзгариши динамикаси

(январь-декабрь, минг сўм)



Ҳудудлар кесимида

(январь-декабрь, минг сўм)

Ўртача ойлик иш ҳақининг йиллар кесимидаги динамикаси

(январь-декабрь, минг сўм)



Саноат соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 6 439,9 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 13,8 % га ошди. Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинса, ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Навоий вилояти (9 667,6 минг сўм), Тошкент шаҳри (7 478,6 минг сўм), ҳамда Андижон (6 605,5 минг сўм) вилоятларида кузатилди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

Қурилиш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 2024 йил декабрь ойида (6 682,4 минг сўм), август (6 652,3 минг сўм) ва октябрь (6 432,8 минг сўм) ойларида бошқа ойларга нисбатан юқори шаклланган.

Қурилиш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи



Ҳудудлар кесимида

(январь-декабрь, минг сўм)



Ўртача ойлик иш ҳақининг йиллар кесимидаги динамикаси

(январь-декабрь, минг сўм)



Қурилиш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 5 973,6 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 15,3 % га ошди. Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинса, ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент вилояти (8 568,4 минг сўм), Навоий вилояти (7 323,4 минг сўм) ҳамда Тошкент шаҳрида (7 176,7 минг сўм) қайд этилди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

Савдо соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 2024 йил декабрь ойида (6 846,4 минг сўм), июль (6 580,1 минг сўм) ва август (6 443,3 минг сўм) ойларида бошқа ойларга нисбатан юқори шаклланган.

Савдо соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи



Савдо соҳасининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақи *(январь-декабрь, минг сўм)*

5 676,4

Автомобил ва мотоцикларнинг савдосидан ташқари ***чакана савдо***

6 692,0

Автомобил ва мотоцикларнинг савдосидан ташқари ***улгуржи савдо***

7 769,9

Автомобил ва мотоцикларнинг *улгуржи ва чакана* ***савдоси ва уларни таъмирлаш***

Савдо соҳасининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи автомобиль ва мотоцикларнинг улгуржи ва чакана савдоси ва уларни таъмирлаш соҳасида (7 769,9 минг сўм), энг паст кўрсаткич эса автомобиль ва мотоцикларнинг савдосидан ташқари чакана савдода (5 676,4 минг сўм) кузатилди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

2024 йил январь-декабрь даврида тармоқлар кесимида таҳлил қилганда, савдо соҳасида автомобиль ва мотоцикларнинг улгуржи ва чакана савдоси ва уларни таъмирлаш (7 769,9 минг сўм) ҳамда автомобиль ва мотоцикллар савдосидан ташқари улгуржи савдо (6 692,0 минг сўм) тармоқларида юқори иш ҳақи кўрсаткичлари қайд этилганини кўриш мумкин.

Савдо соҳасида тармоқлар бўйича иш ҳақи ўзгариши динамикаси

(январь-декабрь, минг сўм)



Ҳудудлар кесимида

(январь-декабрь, минг сўм)



Ўртача ойлик иш ҳақининг йиллар кесимидаги динамикаси

(январь-декабрь, минг сўм)



Савдо соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 6 235,0 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 24,6 % га ошди. Ҳудуд-лар кесимида таҳлил қилинса, ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳ-ри (7 001,2 минг сўм), Жиззах (6 892,5 минг сўм) ва Бухоро вилоятларида (5 493,8 минг сўм) кузатилди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

Ташиш ва сақлаш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 2024 йил декабрь ойида (8 856,6 минг сўм), июль (8 668,0 минг сўм) ва август (8 423,8 минг сўм) ойларида бошқа ойларга нисбатан юқори шаклланган.

Ташиш ва сақлаш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи



Ташиш ва сақлаш иқтисодий фаолият турининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи омбор хўжалиги ва ёрдамчи транспорт фаолиятида (9 599,9 минг сўм), энг паст кўрсаткич эса почта ва курьерлик фаолиятида (3 875,0 минг сўм) кузатилди.

Ташиш ва сақлаш иқтисодий фаолият турининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақи *(январь-декабрь, минг сўм)*

9 599,9 Омбор хўжалиги ва ёрдамчи транспорт фаолияти

6 929,3 Қуруқликдаги ва қувур транспорти

3 875,0 Почта ва курьерлик фаолияти

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

2024 йил январь-декабрь даврида тармоқлар кесимида таҳлил қилганда, ташиш ва сақлаш соҳасида омбор хўжалиги ва ёрдамчи транспорт фаолияти (9 599,6 минг сўм) ҳамда қуруқликдаги ва қувур транспорти (6 929,3 минг сўм) тармоқларида юқори иш ҳақи кўрсаткичлари қайд этилганини кўриш мумкин.

Ташиш ва сақлаш соҳасида тармоқлар бўйича иш ҳақи ўзгариши динамикаси *(январь-декабрь, минг сўм)*



Ҳудудлар кесимида
(январь-декабрь, минг сўм)



Ўртача ойлик иш ҳақининг йиллар кесимидаги динамикаси
(январь-декабрь, минг сўм)



Ташиш ва сақлаш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 8 113,3 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 18,5 % га ошди. Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинса, ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Самарқанд вилоятида (9 921,4 минг сўм), Тошкент шаҳрида (9 280,2 минг сўм) ва Хоразм вилоятида (8 944,9 минг сўм) кузатилди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

Ахборот ва алоқа соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 2024 йил декабрь ойида (15 833,5 минг сўм), август (13 698,9 минг сўм) ва ноябрь (13 219,7 минг сўм) ойларида бошқа ойларга нисбатан юқори шаклланган.

Ахборот ва алоқа соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи



Ахборот ва алоқа соҳасининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи компьютер дастурлаштириш, маслаҳат бериш ва бошқа ёрдамчи хизматларда (18 288,6 минг сўм), энг паст кўрсаткич эса алоқа соҳасида (10 917,1 минг сўм) кузатилди.

Ахборот ва алоқа соҳасининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақи *(январь-декабрь, минг сўм)*

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

Тармоқлар кесимида таҳлил қилганда, ахборот ва алоқа соҳасида компьютер дастурлаштириш, маслаҳат бериш ва бошқа ёрдамчи хизматлар (18 288,6 минг сўм) ҳамда ахборот хизмати кўрсатиш соҳасидаги фаолият (16 900,8 минг сўм) тармоқларида юқори иш ҳақи кўрсаткичлари қайд этилганини кўриш мумкин.

Ахборот ва алоқа соҳасида тармоқлар бўйича иш ҳақи ўзгариши динамикаси
(январь-декабрь, минг сўм)



Ҳудудлар кесимида
(январь-декабрь, минг сўм)

Ўртача ойлик иш ҳақининг йиллар кесимидаги динамикаси
(январь-декабрь, минг сўм)



Ахборот ва алоқа соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 13 157,4 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 24,2 % га ошди. Ҳудудлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрида (14 857,6 минг сўм), Андижон (9 024,6 минг сўм) ҳамда Самарқанд вилоятларида (8 944,7 минг сўм) кузатилди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 2024 йил декабрь ойида (22 277,8 минг сўм), август (16 102,1 минг сўм) ва апрель (15 669,3 минг сўм) ойларида бошқа ойларга нисбатан юқори шаклланган.

Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи



Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти иқтисодий фаолият тури бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи мажбурий ижтимоий суғурталашдан ташқари, қайта суғурталаш ва нафақа жамғармалари фаолиятида (17 848,5 минг сўм) энг паст кўрсаткичи эса суғурталаш ва нафақа таъминотидан ташқари молиявий хизматларда (15 004,1 минг сўм) кузатилди.

Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолиятининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақи *(январь-декабрь, минг сўм)*

15 004,1

Суғурталаш ва нафақа таъминотидан ташқари **молиявий хизматлар**

17 848,5

Мажбурий ижтимоий суғурталашдан ташқари, **қайта суғурталаш ва нафақа жамғармалари фаолияти**

16 579,7

Молиявий хизматлар кўрсатиш ва суғурталаш бўйича **ёрдамчи фаолият**

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

2024 йил январь-декабрь даврида тармоқлар кесимида таҳлил қилганда, банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти соҳасида мажбурий ижтимоий суғурталашдан ташқари, қайта суғурталаш ва нафақа жамғармалари фаолияти (17 848,5 минг сўм) ҳамда молиявий хизматлар кўрсатиш ва суғурталаш бўйича ёрдамчи фаолият (16 579,7 минг сўм) тармоқларида юқори иш ҳақи кўрсаткичлари қайд этилганини кўриш мумкин.

Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти соҳасида тармоқлар бўйича иш ҳақи ўзгариши динамикаси *(январь-декабрь, минг сўм)*



Ҳудудлар кесимида
(январь-декабрь, минг сўм)

Ўртача ойлик иш ҳақининг йиллар кесимидаги динамикаси
(январь-декабрь, минг сўм)



Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 15 263,7 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 14,3 % га ошди. Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинса, ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри (18 904,4 минг сўм) ва Андижон вилоятида (14 317,9 минг сўм) кузатилди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

Таълим соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 2024 йил декабрь ойида (4 139,6 минг сўм), ноябрь (4 008,5 минг сўм) ва октябрь (3 960,3 минг сўм) ойларида бошқа ойларга нисбатан юқори шаклланган.

Таълим соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи



Таълим соҳасининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи олий таълимда (8 562,1 минг сўм), энг паст кўрсаткич эса мактабгача таълимда (1 963,3 минг сўм) кузатилди.

Таълим соҳасининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақи *(январь-декабрь, минг сўм)*

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

2024 йил январь-декабрь даврида тармоқлар кесимида таҳлил қилганда, таълим соҳасида олий таълим (8 562,1 минг сўм) ҳамда техник ва профессионал таълим (3 750,0 минг сўм) тармоқларида юқори иш ҳақи кўрсаткичлари қайд этилганини кўриш мумкин.

Таълим соҳасида тармоқлар бўйича иш ҳақи ўзгариши динамикаси

(январь-декабрь, минг сўм)



Ҳудудлар кесимида,

(январь-декабрь, минг сўм)

Ўртача ойлик иш ҳақининг йиллар кесимидаги динамикаси,

(январь-декабрь, минг сўм)



Таълим соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 3 637,0 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 16,4 % га ошди. Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинса, ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри (6 091,2 минг сўм), Наманган (3 591,6 минг сўм) ҳамда Тошкент вилоятларида (3 591,2 минг сўм) кузатилди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 2024 йил декабрь ойида (3 983,0 минг сўм), ноябрь (3 693,3 минг сўм) ва октябрь (3 685,3 минг сўм) ойларида бошқа ойларга нисбатан юқори шаклланган.

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи



Ҳудудлар кесимида

(январь-декабрь, минг сўм)

Ўртача ойлик иш ҳақининг йиллар кесимидаги динамикаси,

(январь-декабрь, минг сўм)



Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 3 411,0 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 13,5 % га ошди. Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинса, ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри (4 313,9 минг сўм), Хоразм вилоятида (3 700,8 минг сўм) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (3 648,4 минг сўм) кузатилди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 2024 йилнинг июнь (4 932,3 минг сўм), апрель (4 904,5 минг сўм) ва май (4 892,0 минг сўм) ойларида бошқа ойларга нисбатан юқори шаклланган.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи



Ҳудудлар кесимида

(январь-декабрь, минг сўм)

Ўртача ойлик иш ҳақининг йиллар кесимидаги динамикаси

(январь-декабрь, минг сўм)



Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 4 670,7 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 13,4 % га ошди. Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинса, ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри (5 179,4 минг сўм), Самарқанд вилояти (5 098,2 минг сўм) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (4 416,6 минг сўм) кузатилди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 2024 йилнинг декабрь (4 791,8 минг сўм), ноябрь (4 557,5 минг сўм) ва октябрь (4 519,5 минг сўм) ойларида бошқа ойларга нисбатан юқори шаклланган.

Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи



Ҳудудлар кесимида

(январь-декабрь, минг сўм)

Ўртача ойлик иш ҳақининг йиллар кесимидаги динамикаси

(январь-декабрь, минг сўм)



Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 4 310,1 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 13,9 % га ошди. Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинса, ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент вилоятида (6 170,7 минг сўм), Тошкент шаҳрида (5 202,1 минг сўм) ҳамда Қашқадарё вилоятида (4 648,2 минг сўм) кузатилди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Номинал ҳисобланган иш ҳақи – маълум бир давр (соат, ой, йил) мобайнида ходим томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат) эвазига иш берувчилар томонидан, амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда солиқ ва бошқа тўловларни ўз ичига олувчи ёлланма ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тарзида жисмоний шахсга пул шаклида ҳисобланган даромадлардан иборат.

Меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар сони – ойнинг маълум бир санасига, яъни биринчи ёки охирги санасига кўрсатилади. Бунда ҳақиқатда ишлаётганлар, вақтинча ишламаётган, бироқ ишга расман бириктирилганлиги ҳуқуқини сақлаб қолганлар ҳам ҳисобга олинади. Битта ташкилотнинг ичида ички ўриндош сифатида расмийлаштирилган ходим бир киши сифатида ҳисобга олинади. Меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар таркибига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва бошқа меҳнатга оид қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларда келтирилганлар киритилади.

Қуйидаги ходимлар меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар таркибига киритилмайди: бошқа ташкилотлардан ўриндошлик бўйича ишга қабул қилинганлар; фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар бўйича иш бажарувчилар; ташкилот томонидан, ишдан ажралган ҳолда, таълим муассасаларига юборилганлар.

Ўртача иш ҳақини ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ходимлар сони – ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътилда бўлган, бевосита туғуруқхонанинг ўзидан янги туғилган чақалоқни фарзандликка олиш муносабати билан таътилда бўлган, ҳамда болани унинг қонун ҳужжатларига мувофиқ маълум бир ёшга тўлгунига қадар парвариш қилиш бўйича таътилда бўлган аёллар; таълим муассасаларида ўқиётган ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда қўшимча меҳнат таътилида бўлганлар, шунингдек, таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини топшириш учун иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилда бўлган ходимларни инобатга олмаган ҳолда, меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ва иш ҳақи ҳисобланган ходимларнинг ўртача сонини ифодалайди.

Ҳисобот ойини қўшган ҳолда, йил бошидан ҳисобот давридаги ходимларнинг ўртача сони ўтган жами ойлардаги ходимларнинг ўртача ойлик сонини қўшиш ва олинган суммани ҳисобот давридаги ойлар сонига бўлиш орқали аниқланади.

XVI. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

1-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТИ

Демография статистикаси – ижтимоий-иқтисодий статистика соҳаларидан бири бўлиб, аҳоли сони, таркиби, аҳоли ёки унинг гуруҳлари жойлашуви ва такрор ҳосил бўлиши билан боғлиқ маълумотларни статистик усуллардан фойдаланган ҳолда йиғиш, қайта ишлаш, ифодалаш ва таҳлил қилиш фаолияти билан шуғулланади.

2025 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳолиси сони **37 543,2** минг кишини ташкил этиб, 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан **2,0** фоизга кўпайган. 2024 йил январь-декабрь ойларида туғилганлар сони **926,4** минг нафарни, вафот этганлар **174,4** минг нафарни ташкил этиб, табиий ўсиш **752,0** минг кишига тенг бўлди. Қайд этилган никоҳлар **271,8** мингтани, никоҳдан ажралишлар **45,1** мингтани, мамлакатга хорижий давлатлардан кўчиб келганлар сони **2 229** кишини ва мамлакатдан хорижга кўчиб кетганлар сони **10 842** кишини ташкил этган.

Асосий демографик кўрсаткичлар

(2024 йил январь-декабрь ойлари бўйича)

Доимий аҳоли сони
(2025 йил 1 январь ҳолатига)
37 543,2 минг киши

Тирик туғилганлар сони
926 422 киши
Туғилиш коэффициенти
24,9 ‰

Вафот этганлар сони
174 413 киши
Вафот этиш коэффициенти
4,7 ‰

Қайд этилган никоҳлар сони
271 776 та
Никоҳ тузиш коэффициенти
7,3 ‰

Никоҳдан ажралишлар сони
45 135 та
Никоҳдан ажралиш коэффициенти
1,2 ‰

Хориждан кўчиб келганлар сони
2 229 киши

Хорижга кўчиб кетганлар сони
10 842 киши

2-БЎЛИМ. ДОИМИЙ АҲОЛИ СОНИ

Доимий аҳоли сони 2021 йил 1 январь ҳолатига 34 558,9 минг кишини ташкил этган бўлса, 2025 йилнинг 1 январига келиб 37 543,2 минг кишига етган. Доимий аҳоли сонининг йиллик ўсиш суръати 2021 йил 1 январь ҳолатига 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 1,9 фоизга кўпайган бўлса, 2025 йил 1 январь ҳолатига ўсиш 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 2,0 фоизни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳолиси сони
(1 январь ҳолатига)

Доимий аҳоли сони
(минг киши)



Ўсиш суръати
(% да)



Доимий аҳоли сони таркибида эркаклар 18 904,5 минг кишини, аёллар эса 18 638,7 минг кишини ташкил этган. Доимий яшаш ҳудуди бўйича шаҳар жойларда 19 135,8 минг киши, қишлоқ жойларда эса 18 407,4 минг киши истиқомат қилмоқда. Доимий аҳоли сонининг 50,4 фоизини эркаклар, 49,6 фоизини аёллар, шунингдек, 51,0 фоизини шаҳар аҳолиси, 49,0 фоизини қишлоқ жойлар аҳолиси ташкил этмоқда.

Аҳоли сонининг жинси бўйича тақсимланиши
(минг киши)



Шаҳар ва қишлоқ жойлар бўйича тақсимланиши
(минг киши)



Аҳолининг табиий ўсиши

Аҳолининг табиий ўсиши – ҳисобот даврида туғилганлар ва вафот этганлар сони ўртасидаги фарқнинг абсолют миқдорини ифодалайди. 2024 йил январь-декабрь ойларида аҳолининг табиий ўсиши 752,0 минг кишини ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан эса 37,2 минг кишига камайган.

Аҳолининг табиий ўсиши динамикаси

(январь-декабрь ойлари бўйича, минг киши)



Аҳоли зичлиги

Ўзбекистон Республикасида 2025 йил 1 январь ҳолатига кўра 1 квадрат километрга ўртача 83,6 киши тўғри келган бўлса, 2024 йилда ушбу кўрсаткич 82,0 кишини, 2021 йилда эса ушбу кўрсаткич 77,0 кишини ташкил этган.

Аҳоли зичлиги динамикаси

(1 январь ҳолатига, 1 кв.км.га тўғри келадиган аҳоли сони, киши)



Аҳоли зичлиги – муайян ҳудуддаги доимий аҳолининг умумий сонини шу ҳудуд майдонига нисбати орқали аниқланади.

Ўзбекистон Республикасида 2025 йил 1 январь ҳолатига кўра 1 квадрат километрга ўртача 83,6 киши тўғри келмоқда. Ҳудудлар бўйича таҳлил этилганда, аҳоли зичлигининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри (6 948,1 киши), Андижон (804,9 киши) ва Фарғона (613,1 киши) вилоятларида, энг паст кўрсаткичлар эса Навоий вилояти (9,9 киши) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига (12,2 киши) тўғри келган.

Ўзбекистон Республикаси бўйича аҳоли зичлиги

(2025 йил 1 январь ҳолатига, 1 кв.км.га тўғри келадиган аҳоли сони, киши)



Доимий аҳоли – рўйхатдан ўтказилаётган вақтда муайян аҳоли пункти ёки ҳудудда доимий истиқомат қилаётган аҳолидан иборат бўлиб, бунга ушбу ҳудудда доимий рўйхатда турган, лекин вақтинча яшамайдиган аҳоли ҳам киритилади.

Аҳоли умумий сонини ҳисоблаш жами республика ва унинг алоҳида маъмурий-ҳудудий бирликлари бўйича амалга оширилади.

Аҳоли сонини шаҳар ва қишлоқ жойлари бўйича ҳисоблашда маъмурий-ҳудудий ўзгаришлар натижалари – қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳар аҳоли пунктларига ўзгариши (қисман ёки тўлиқ), шаҳар жойлари таркибига киритилиши, шунингдек, шаҳар жойларининг қишлоқ аҳоли пунктларига ўзгартирилиши ва бошқалар ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича доимий аҳоли сони

Ҳудудлар бўйича доимий аҳолиси сони энг кўп Самарқанд вилоятида 4 297,5 минг киши (жами аҳолининг 11,4 % и), Фарғона вилоятида 4 144,7 минг киши (11,0 %), Қашқадарё вилоятида 3 639,3 минг киши (9,7 %), Андижон вилоятида 3 461,0 минг кишини (9,2 %) ва Наманган вилоятида 3 131,7 минг киши (8,3%) ташкил этган бўлса, энг кам аҳоли сони эса Сирдарё вилоятида 930,8 минг киши (2,5 %), Навоий вилоятида 1 094,7 минг киши (2,9 %), Жиззах вилоятида 1 537,6 минг киши (4,1 %) ва Хоразм вилоятида 2 032,4 минг кишини (5,4 %) ташкил этган.

Ҳудудлар кесимида доимий аҳоли сони
(2025 йил 1 январь ҳолатига, минг киши)



Аҳоли сони бўйича улуши юқори бўлган ҳудудлар
(жами аҳолига нисбатан, % да)

Аҳоли сони бўйича улуши кам бўлган ҳудудлар
(жами аҳолига нисбатан, % да)

3-БЎЛИМ. ТУҒИЛИШ

Мамлакатимизда 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида қайд этилган тирик туғилишлар сони 926,4 минг кишини, ҳар минг аҳолига нисбатан туғилиш коэффициенти 24,9 промиллени ташкил этди.

Туғилишларнинг чақалоқлар сони бўйича тақсимланиши
(2024 йил январь-декабрь ойлари бўйича, % да)

1 нафар туғилганлар	97,7
2 нафар туғилганлар	2,2
3 нафар ва ундан ортиқ туғилганлар	0,1

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида қайд этилган туғилишларни чақалоқлар сони бўйича таҳлил этилганда, қуйидаги улушга эга бўлганлиги кузатилди: бир нафар туғилганлар 97,7 фоизни, икки нафар туғилганлар 2,2 фоизни ҳамда уч нафар ва ундан ортиқ туғилганлар 0,1 фоизни ташкил этган.

Республикада тирик туғилганлар сони 926,4 минг кишини, шундан ўғил болалар сони 479,5 минг кишини, қиз болалар сони 446,9 минг кишини, шаҳар жойларида 454,5 минг кишини, қишлоқ жойларида 471,9 минг кишини ташкил этди.

Жинслар бўйича тақсимланиши
(2024 йил январь-декабрь, минг киши)

Шаҳар ва қишлоқ жойлар бўйича тақсимланиши
(2024 йил январь-декабрь, минг киши)



Чораклар якунлари,
(минг киши/улуши)

2024 йил январь-март



2024 йил январь-июнь



2024 йил январь-сентябрь



Туғилишлар сонида 2020 йилнинг январь-декабрь ойларидан 2023 йилнинг мос даврига қадар барқарор ўсиш кузатилсада, 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 35,6 минг нафарга камайган.

Ўзбекистон Республикасида қайд этилган туғилишлар
(январь-декабрь ойлари бўйича, минг киши)



2024 йил январь-декабрь ойларида туғилган чақалоқлар отасининг ёши бўйича 10,7 % чақалоқлар отасининг ёши 25 ёшгача, 82,5 % ининг отаси 25-39 ёшдагилар ҳамда 6,8 % чақалоқларнинг отаси 40 ёш ва ундан катта ёшдагилар ҳиссасига тўғри келган. Шунингдек, туғилган чақалоқлар онасининг ёши бўйича 39,3 % чақалоқлар онасининг ёши 25 ёшгача, 59,5 % ининг онаси 25-39 ёшдагилар ҳамда 1,2 % чақалоқларнинг онаси 40 ёш ва ундан катта ёшдагилардан иборат бўлган.

Ота-онасининг ёши бўйича туғилганларнинг тақсимланиши
(2024 йил январь-декабрь ойлари бўйича, % да)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича қайд этилган туғилишлар

Ҳудудлар бўйича энг кўп туғилишлар сони Самарқанд вилоятида 110 865 нафар (жами туғилишнинг 12,0 % и), Фарғона вилоятида 103 062 нафар (11,1 %), Қашқадарё вилоятида 100 909 нафар (10,9 %) ва Андижон вилоятида 86 305 нафар (9,3 %) қайд этилган бўлса, энг кам кўрсаткич Сирдарё вилоятида 22 113 нафар (2,4 %), Навоий вилоятида 25 763 нафар (2,8 %), Жиззах вилоятида 38 561 нафар (4,2 %) ва Қорақалпоғистон Республикасида 41 641 нафарни (4,5 %) ташкил этган.

Ҳудудлар бўйича туғилишлар сони ва коэффициенти
(2024 йил январь-декабрь, киши)



Туғилишлар сони бўйича улуши кўп бўлган ҳудудлар
(жамига нисбатан, % да)

Туғилишлар сони бўйича улуши кам бўлган ҳудудлар
(жамига нисбатан, % да)

4-БЎЛИМ. ВАФОТ ЭТГАНЛАР

Ўлим (вафот этиш) бу – тана ҳаётий фаолиятининг биологик ва физиологик жараёнлари тўлиқ тўхташи.

Ўлик туғилиш – нафас, юрак уриши, киндик пулсацияси, мускулларнинг беихтиёр қисқаришларидан бири мавжуд бўлмаса бола ўлик туғилган ҳисобланади. Бунда онанинг ҳомиладорлик муддати 22 ҳафта ва ундан ортиқ, боланинг бўйи 25 см ва ундан ортиқ, вазни 500 грамм ва ундан ортиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида вафот этганлар сони 174,4 минг кишини, ҳар минг аҳолига нисбатан ўлим коэффициенти эса 4,7 промиллени ташкил этди.

Жорий йилда қайд этилган ўлим ҳолатлари ойлар кесимида таҳлил этилганда, энг кўп вафот этиш август ойида 18 776 та қайд этилган бўлса, нисбатан кам вафот этишлар январь ойида 11 307 та қайд этилган.

Вафот этганларнинг 55,1 фоизини эркаклар, 44,9 фоизини аёллар ташкил этган.

Шунингдек, жами ўлимларнинг 56,3 фоизи шаҳар жойларда, 43,7 фоизи қишлоқ жойларда қайд этилган.

2024 йил январь-декабрь ойларида вафот этганлар сони 174,4 минг кишини ташкил этди, шундан эркаклар сони 96,0 минг кишини, аёллар сони эса 78,4 минг кишини, шаҳар жойларида вафот этганлар сони 98,2 минг кишини, қишлоқ жойларида 76,2 минг кишини ташкил этди.

Жинслар бўйича тақсимланиши
(*2024 йил январь-декабрь, минг киши)*



Шаҳар ва қишлоқ жойлар бўйича тақсимланиши *(2024 йил январь-декабрь, минг киши)*



Чораклар якунлари,
минг киши/улуши

2024 йил январь-март



2024 йил январь-июнь



2024 йил январь-сентябрь



Вафот этганлар сони 2020 йил январь-декабрь ойларида 175,6 минг кишини ташкил этган бўлса, 2024 йил январь-декабрь ойларида вафот этганлар сони 174,4 минг кишини ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси бўйича қайд этилган ўлимлар сони

(январь-декабрь ойлари бўйича, минг киши)



Ҳар минг аҳолига нисбатан вафот этиш коэффициенти 2020 йил январь-декабрь ойларида 5,1 промиллени ташкил этган бўлса, оралиқ йилларда қисман ўсиш кузатилиб, 2024 йил январь-декабрь ойларида 4,7 промилле қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси бўйича вафот этиш коэффициенти

(январь-декабрь ойлари бўйича, промилле)

Ўлим сабаблари – ўлимга ёки унинг содир бўлишига таъсир этган касалликлар, патологик ҳолатлар ва жароҳатлар, шунингдек, ўлим билан якун топган жароҳатга сабаб бўлган бахтсиз ҳодиса ва зўравонлик ҳолатлари;

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида қайд этилган ўлим ҳолатининг 57,6 фоизи – қон айланиш тизими касалликларидан, 9,4 фоизи – ўсимталардан, 6,3 фоизи – нафас олиш аъзолари касалликларидан, 5,8 фоизи – бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатланишлардан, 4,1 фоизи – овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан, 1,1 фоизи – юқумли ва паразитар касалликлардан, 15,7 фоизи бошқа касалликлардан вафот этганлар.

Вафот этганларнинг асосий ўлим сабаблари

(2024 йил январь-декабрь, ҳар 100 000 аҳолига нисбатан, киши)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича қайд этилган ўлимлар

Ҳудудлар бўйича вафот этганлар сони энг юқори бўлган Самарқанд вилоятида (18 854 киши), Фарғона вилоятида (17 880 киши), Андижон вилоятида (17 815 киши) ва Тошкент шаҳрида (16 720 киши) қайд этилган бўлса, нисбатан кам ўлимлар сони Сирдарё, Навоий ва Жиззах вилоятларида қайд этилган.

Ҳудудлар кесимида ўлимлар сони ва коэффициенти
(2024 йил январь-декабрь, киши)



Ўлимлар сони бўйича улуши энг кўп Самарқанд вилоятида 10,8 % га, Фарғона вилоятида 10,3 % га, Андижон вилоятида 10,2 % га, Тошкент шаҳрида 9,6 % га ва Тошкент вилоятида 9,4 % га тенг бўлган.

Ўлимлар сони бўйича улуши кўп бўлган ҳудудлар
(жамига нисбатан, % да)

Ўлимлар сони бўйича улуши нисбатан кам Сирдарё вилоятида 2,6 %, Навоий вилоятида 2,8 %, Жиззах вилоятида 3,5 %, Хоразм вилоятида 5,2 % ва Бухоро вилоятида 5,5 % ни ташкил этган.

Ўлимлар сони бўйича улуши кам бўлган ҳудудлар
(жамига нисбатан, % да)

5-БЎЛИМ. НИКОҲЛАР

2024 йил январь-декабрь ойларида қайд этилган никоҳлар сони 271,8 мингтани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 12,0 мингтага камайган.

Ўзбекистон Республикасида қайд этилган никоҳлар
(январь-декабрь ойлари бўйича, минг бирлик)



2024 йил январь-декабрь ойларида қайд этилган никоҳлар сони 271,8 мингтани ташкил қилди, шундан шаҳар жойларида 136,7 мингта (50,3 %), қишлоқ жойларида 135,1 мингта (49,7 %) қайд этилган.

Мазкур кўрсаткични ойлар бўйича таҳлил этилганда, энг кўп октябрь ойида, энг кам март ойида қайд этилган.

Шаҳар ва қишлоқ жойлар бўйича тақсимланиши
(минг бирлик)



Чораклар якунлари
(минг бирлик/улуши)

2024 йил январь-март



2024 йил январь-июнь



2024 йил январь-сентябрь



Никоҳ *– эркак ва аёл ўртасидаги, уларнинг бир-бирларига ва фарзандларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берадиган ўзаро муносабатлари шакли. Эр ва хотин ўртасидаги юридик муносабатлар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органларида никоҳларини рўйхатдан ўтказиш натижасида ўрнатилади;*

Никоҳланганларнинг ўртача ёши
(2024 йил январь-декабрь ойлари бўйича, ёш)

2024 йил январь-декабрь ойлари давомида қайд этилган никоҳларда аёлларнинг ўртача ёши 22,3 ёшни, эркакларнинг ўртача ёши эса 27,1 ёшни ташкил этган. Қайд этилган никоҳларнинг кўп қисми 25 ёшгача бўлган қизлар орасида бўлиб, жами қайд этилган никоҳларнинг 81,9 фоизини ташкил этган.

Никоҳ ёши *– Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига мувофиқ, никоҳ ёши эркаклар ва аёллар учун ўн саккиз ёш этиб белгиланади. Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда, никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.*

2024 йил январь-декабрь ойлари давомида қайд этилган никоҳларда 20-30 ёшдаги аёлларнинг улуши энг юқори, яъни жами никоҳларнинг 53,9 фоизини ташкил этган.

Никоҳланувчи аёлларнинг ёши бўйича тақсимланиши
(2024 йил январь-декабрь ойлари бўйича, % да)



Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича қайд этилган никоҳлар

Ҳудудлар бўйича қайд этилган никоҳлар сони энг кўп Самарқанд вилоятида 31 425 та, Қашқадарё вилоятида 29 256 та, ва Фарғона вилоятида 29 179 та қайд этилган бўлса, энг кам кўрсаткич Сирдарё вилоятида 6 873 та, Навоий вилоятида 7 538 та ва Жиззах вилоятида 11 165 та кузатилган.

Ҳудудлар бўйича никоҳлар сони ва коэффициенти
(2024 йил январь-декабрь, бирлик)



Никоҳлар сонининг энг кўп улуши Самарқанд вилоятида 11,6 % га, Қашқадарё вилоятида 10,8 % га Фарғона вилоятида 10,7 % га, Андижон шаҳрида 8,6 % га ва Сурхондарё вилоятида 8,6 % га тенг бўлган.

Никоҳлар сони бўйича улуши кўп бўлган ҳудудлар
(жамига нисбатан, % да)

Никоҳлар сонининг энг кам улуши Сирдарё вилоятида 2,5 %, Навоий вилоятида 2,8 %, Жиззах вилоятида 4,1 %, Қорақалпоғистон Республикасида 4,8 % ва Бухоро вилоятида 5,5 % қайд этилган.

Никоҳлар сони бўйича улуши кам бўлган ҳудудлар
(жамига нисбатан, % да)

6-БЎЛИМ. НИКОҲДАН АЖРАЛИШЛАР

Никоҳдан ажралиш (никоҳни бекор қилиш) *– эр-хотинларнинг ҳаёти давомида, томонлар учун қайта никоҳ ҳуқуқини берувчи никоҳларининг тўлиқ юридик тўхтатилиши, никоҳ суд ҳал қилув қарорлари асосида ёки ФҲДЁ ажралишни рўйхатдан ўтказганидан сўнг бекор қилинган ҳисобланади.*

2024 йил январь-декабрь ойларида қайд этилган никоҳдан ажралишлар сони 45,1 мингтани ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 4,1 мингтага ёки 8,3 фоизга камайган.

Жами қайд этилган никоҳдан ажралишларда 20-30 ёшдаги аёлларнинг улуши энг юқори, яъни жами никоҳларнинг 47,7 фоизини ташкил этган.

Қайд этилган никоҳдан ажралишларда эркакларнинг ёш гуруҳлари бўйича улуши энг кўп 30-40 ёшдагиларга тўғри келиб, жами никоҳдан ажралишларнинг 47,1 фоизини ташкил этганлигини кўрсатмоқда.

2024 йил январь-декабрь ойларида қайд этилган никоҳдан ажралишлар сони 45,1 мингтани, шундан шаҳар жойларида 28,0 мингта (62,0 %), қишлоқ жойларида 17,1 мингта (38,0 %)ни ташкил этди. Ойлар бўйича никоҳдан ажралишларнинг таҳлили энг кўп январь ойида (4297 та) ва энг кам июнь ойида (3139 та) қайд этилганлигини кўрсатмоқда.

Шаҳар ва қишлоқ жойлар бўйича тақсимланиши
(минг бирлик)



Чораклар якунлари
(минг бирлик/улуши)





2024 йил январь-декабрь ойларида қайд этилган никоҳдан ажралишлар сони 45,1 минг бирликни ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 16,9 мингтага ёки 59,9 фоизга кўпайганлиги кузатилди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича қайд этилган никоҳдан ажралишлар сони
(январь-декабрь ойлари бўйича, минг бирлик)



2024 йил январь-декабрь ойларида ҳар минг аҳолига нисбатан қайд этилган никоҳдан ажралишлар коэффициенти 1,2 промиллени ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 0,4 промиллега кўпайганлиги кузатилди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича никоҳдан ажралишлар коэффициенти
(январь-декабрь ойлари бўйича, промилле*)*



Никоҳдан ажрашганларнинг фарзандлар сони бўйича тақсимланиши
(2024 йил январь-декабрь ойлари бўйича, % да)

48,1

Фарзандсиз ажрашганлар

Фарзандсиз никоҳдан ажралишлар сони 21 726 нафарни ташкил этган.

Бир нафар фарзанд билан никоҳдан ажралишлар сони 12 906 нафарни ташкил этган.

28,6

1 нафар фарзанд билан ажрашганлар

23,3

2 ва ундан ортиқ фарзанд билан ажрашганлар

Икки ва ундан ортиқ фарзанд билан никоҳдан ажралишлар сони 10 503 нафарни ташкил этган.

Никоҳдан ажрашганларнинг ўртача ёши
(2024 йил январь-декабрь ойлари бўйича, ёш)

Аёллар
32,1

Эркаклар
35,4

Никоҳдан ажрашганларнинг ўртача ёши 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида эркаклар учун 35,4 ёшни, аёллар учун 32,1 ёшни ташкил этган. Никоҳдан ажрашганларнинг аксарият қисми 35 ёшгача бўлганлар орасида қайд этилган, яъни жами никоҳдан ажрашган аёлларнинг 64,6 фоизини ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича қайд этилган никоҳдан ажралишлар

Ҳудудлар бўйича никоҳдан ажралиш коэффициентининг энг юқори даражаси Тошкент шаҳрида 1,9 промиллени, Сирдарё вилоятида 1,6 промиллени, энг кам кўрсаткич Қашқадарё вилоятида 0,8 промиллени, Қорақалпоғистон Республикасида 0,9 промиллени, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида 1,0 промиллени ташкил этган.

Никоҳдан ажралишлар сони ва коэффициенти
(2024 йил январь-декабрь, бирлик)



Никоҳдан ажралишларнинг энг кўп улуши Тошкент шаҳрида 13,1 % га, Фарғона вилоятида 10,6 % га, Андижон вилоятида 10,6 % га, Самарқанд вилоятида 10,2 % га ва Тошкент вилоятида 10,1 % га тенг бўлган.

Никоҳдан ажралишлар сони бўйича улуши кўп бўлган ҳудудлар
(жамига нисбатан, % да)

Никоҳдан ажралишларнинг энг кам улуши Навоий вилоятида 2,8 %, Сирдарё вилоятида 3,3 %, Жиззах вилоятида 3,8 %, Қорақалпоғистон Республикасида 3,9 % ва Хоразм вилоятида 4,3 % эканлиги қайд этилган.

Никоҳдан ажралишлар сони бўйича улуши кам ҳудудлар
(жамига нисбатан, % да)

7-БЎЛИМ. МИГРАЦИЯ

2024 йил январь-декабрь ойларида жами кўчиб келганлар сони 241,8 минг кишини, улардан эркаклар 103,4 минг кишини, аёллар 138,4 минг кишини, шаҳар жойларида 182,2 минг кишини, қишлоқ жойларида 59,6 минг кишини ташкил этди.

Кўчиб келганлар сонининг ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши

(2024 йил январь-декабрь ойлари бўйича, % да)

2024 йил январь-декабрь ойларида кўчиб келганларни ёш гуруҳлари бўйича тақсимланганда 11,5 % и меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар, 80,7 % меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ва 7,8 % и меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Жинслар кесимида тақсимланиши *(2024 йил январь-декабрь, минг киши)*



Шаҳар ва қишлоқ жойлар бўйича тақсимланиши *(2024 йил январь-декабрь, минг киши)*



Чораклар якунлари, *(минг киши/улуши)*

2024 йил январь-март



2024 йил январь-июнь



2024 йил январь-сентябрь



2024 йил январь-декабрь ойларида кўчиб келганлар сони 241,8 минг кишини ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 50,7 минг кишига кўпайган.

Ўзбекистон Республикаси бўйича жами кўчиб келганлар сони
(январь-декабрь ойлари бўйича, минг киши)



Ўзбекистон Республикасига хорижий мамлакатлардан кўчиб келганларнинг асосий қисми Россия Федерацияси (жами хориждан кўчиб келганларга нисбатан (36,5 %), Қозоғистон Республикаси (24,2 %), Тожикистон Республикаси (10,8 %), Қирғиз Республикаси (6,9 %), Туркманистон Республикаси (2,5 %) ва бошқа мамлакатлар (19,1 %) ҳиссасига тўғри келган.

Хорижий мамлакатлардан доимий яшаш мақсадида кўчиб келганларнинг давлатлар бўйича тақсимланиши
(2024 йил январь-декабрь ойлари бўйича)



Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича жами кўчиб келганлар

Ҳудудлар бўйича кўчиб келиш коэффициентининг энг юқори даражаси Тошкент шаҳри, Навоий вилояти ва Тошкент вилоятларида кузатилган бўлса, энг кам кўрсаткичлар Наманган вилоятида 1,1 промилле, Андижон вилоятида 2,1 промилле, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятида 3,1 промиллени ташкил этган.

Кўчиб келганларнинг ўсиш суръати энг юқори даражаси Тошкент шаҳрида 38,1 % га, Тошкент вилоятида 13,4 % га, Фарғона вилоятида 5,5 % га, Самарқанд вилоятида 5,5 % га ва Навоий вилоятида 5,1 % га тенг бўлган.

Кўчиб келганлар сони ва коэффициенти
(2024 йил январь-декабрь, киши)



Кўчиб келганлар сони бўйича улуши кўп бўлган ҳудудлар
(жамига нисбатан, % да)

Кўчиб келганлар сонининг улуши нисбатан кам Наманган вилоятида 1,4 %, Андижон вилоятида 3,0 %, Сирдарё вилоятида 3,1 %, Жиззах вилоятида 3,1 % ва Бухоро вилоятида 3,8 % қайд этилган.

Кўчиб келганлар сони бўйича улуши кам бўлган ҳудудлар
(жамига нисбатан, % да)

2024 йил январь-декабрь ойларида кўчиб кетганлар сони 250,4 минг кишини ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 46,8 минг кишига кўпайган.

Ўзбекистон Республикаси бўйича жами кўчиб кетганлар
(январь-декабрь ойлари бўйича, минг киши)



Жинслар кесимида тақсимланиши
(2024 йил январь-декабрь, минг киши)



Шаҳар ва қишлоқ жойлар бўйича тақсимланиши
(2024 йил январь-декабрь, минг киши)



Чораклар якунлари,
(минг киши/улуши)

2024 йил январь-март



2024 йил январь-июнь



2024 йил январь-сентябрь



Кўчиб кетганлар сони *– кўчиб кетганларнинг абсолют миқдори, яъни муайян ҳудуддан унинг ташқарисига кўчиб кетганлардан иборат. Ички ишлар органлари томонидан аҳолини яшаш жойи бўйича рўйхатдан чиқаришда тузиладиган кўчиб кетишни статистик ҳисобга олиш варақаларини қайта ишлаш натижасида аниқланади.*

Кўчиб кетганлар сонининг ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши

(2024 йил январь-декабрь ойлари бўйича, % да)



2024 йил январь-декабрь ойларида кўчиб кетганларни ёш гуруҳлари бўйича тақсимланганда 12,0 % меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар, 80,0 % меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ва 8,0 % меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўзбекистон Республикасидан хорижий мамлакатларга кўчиб кетганларнинг асосий қисми Қозоғистон Республикаси (жами 81,1 %), Россия Федерацияси (14,8 %), Жанубий Корея (0,9 %), Қирғиз Республикаси (0,7 %), Туркманистон Республикаси (0,4 %) ва бошқа мамлакатлар (2,1 %) ҳиссасига тўғри келган.

Хорижий мамлакатларга доимий мақсадда кўчиб кетганларнинг давлатлар бўйича тақсимланиши

(2024 йил январь-декабрь ойлари бўйича)



Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича жами кўчиб кетганлар

Ҳудудлар бўйича кўчиб кетиш коэффициенти энг юқори Тошкент шаҳри, Навоий ва Тошкент вилоятларида қайд этилган бўлиб, энг кам кўрсаткич Наманган вилоятида 1,7 промилле, Андижон вилоятида 2,6 промилле ва Фарғона вилоятида 3,7 промиллени ташкил этган.

Кўчиб кетганлар сони ва коэффициенти
(2024 йил январь-декабрь, киши)



Кўчиб кетганларнинг энг кўп улуши Тошкент шаҳрида 28,6 % га, Тошкент вилоятида 11,5 % га, Қашқадарё вилоятида 7,1 % га, Самарқанд вилоятида 6,5 % га ва Фарғона вилоятида 6,1 % га тенг бўлган.

Кўчиб кетганлар сони бўйича улуши кўп бўлган ҳудудлар
(жамига нисбатан, % да)

Кўчиб кетганларнинг энг кам улуши Наманган вилоятида 2,1 %, Сирдарё вилоятида 3,4 %, Андижон вилоятида 3,6 %, Жиззах вилоятида 3,9 % ва Хоразм вилоятида 4,9 % қайд этилган.

Кўчиб кетганлар сони бўйича улуши кам бўлган ҳудудлар
(жамига нисбатан, % да)

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Доимий аҳоли – рўйхатдан ўтказилаётган вақтда муайян аҳоли пункти ёки ҳудудда доимий истиқомат қилаётган аҳолидан иборат бўлиб, бунга ушбу ҳудудда доимий рўйхатда туриб, лекин вақтинча яшамайдиган аҳоли ҳам киритилади.

Шаҳар аҳолиси – шаҳар ҳудудларида, яъни меъёрий ҳужжатлар билан шаҳарлар, шаҳарчалар сифатида белгиланган аҳоли пунктларида истиқомат қилувчи аҳоли.

Қишлоқ аҳолиси – шаҳарлар ва шаҳарчалар тоифасига киритилмаган ҳудудларда – қишлоқ жойлар (овуллар, қишлоқлар ва бошқалар)да истиқомат қилувчи аҳоли.

Туғилиш – туғилиш жараёнларининг содир бўлиши ва бошқа хусусиятларини тавсифловчи кўрсаткич.

1000 аҳолига нисбатан туғилиш коэффициенти – ҳисобот даврида жами туғилганлар (тирик) сонини ҳисобот давридаги доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади.

1000 аҳолига нисбатан ўлим коэффициенти – ҳисобот даврида жами ўлганлар сонини ҳисобот давридаги доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади.

Никоҳ – эркак ва аёл ўртасидаги, уларнинг бир-бирларига ва фарзандларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берадиган ўзаро муносабатлари шакли. Эр ва хотин ўртасидаги юридик муносабатлар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органларида никоҳларини рўйхатдан ўтказиш натижасида ўрнатилади.

1000 аҳолига нисбатан никоҳ коэффициенти – ҳисобот даврида тузилган никоҳлар сонини доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади.

1000 аҳолига нисбатан никоҳдан ажралиш коэффициенти – ҳисобот даврида никоҳдан ажралишлар сонини доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади.

Кўчиб келганлар сони – кўчиб келганларнинг абсолют миқдори, яъни муайян ҳудудга унинг ташқарисидан кўчиб келганлардан иборат. Ички ишлар органлари томонидан аҳолини яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда тузиладиган статистик ҳисобга олиш сўровномаларини қайта ишлаш натижасида кўчиб келиш.

Кўчиб кетганлар сони – кўчиб кетганларнинг абсолют миқдори, яъни муайян ҳудудга унинг ташқарисидан кўчиб кетганлардан иборат. Ички ишлар органлари томонидан аҳолини яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда тузиладиган статистик ҳисобга олиш сўровномаларини қайта ишлаш натижасида кўчиб кетиш.

Аҳолининг миграцион ўсиши (фарқи) – ҳисобот даврида кўчиб келганлар ва кўчиб кетганлар сони ўртасидаги фарқнинг абсолют миқдори.

XVII. ҲУҚУҚБУЗАРЛИК

1- БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА РЎЙХАТГА ОЛИНГАН ЖИНОЯТЛАР СОНИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида республика бўйича рўйхатга олинган жиноятларнинг умумий сони 132 298 тани ташкил этган[1)]. Бу 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 27,1 % га, 2021 йилнинг мос даврига эса 19,1 % кўпайганини кўрсатади. Ушбу даврда жиноятлар сони 10 минг кишига нисбатан 35,6 та, 2021 йилнинг шу даврида 31,8 та, 2022 йилда 29,2 та ва 2023 йилда 28,3 та бўлган.

Жиноятлар сони динамикаси

(январь-декабрь, бирлик)



Йиллар

Жиноятлар даражаси динамикаси

(январь-декабрь,10 минг аҳолига нисбатан, ҳолатлар)



Йиллар

Жиноят *– жиноят қонунида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик). Муайян қилмишни жиноят деб ҳисоблаш масаласи ҳар бир давлатда ўзининг ижтимоий тузуми, аҳолининг турмуш тарзи, миллий хусусиятлари, урф-одатлари, анъаналарига мувофиқ халқаро ҳуқуқ меъёрлари эътиборга олинган ҳолда ҳал этилади.*

[1)] *Шундан 806 та ҳолат Ўзбекистон Республикаси Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш департаменти (ТЖХТД) томонидан қайд этилган.*

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида жиноятчиликнинг 10 минг аҳолига нисбатан энг юқори даражаси Тошкент шаҳрида – 104,3 та қайд этилган бўлса, Тошкент вилоятида – 47,7 та, Навоий вилоятида – 38,0, Бухоро вилоятида – 36,3, Сирдарё вилоятида – 35,7 та ва Фарғона вилоятида – 34,8 та жиноятчилик ҳолатлари кузатилди.

Энг кам жиноят даражаси Қорақалпоғистон Республикаси (23,2 та), Самарқанд (22,1 та) ва Қашқадарё (21,8 та) вилоятларида аниқланган. Шунингдек, Хоразм вилояти жиноятчилик даражаси бўйича охирги ўринни эгаллаб, 10 минг аҳолига нисбатан 21,5 та жиноят ҳолати қайд этилган.

Жиноятлар даражаси ҳудудлар кесимида

(январь-декабрь, 10 минг аҳолига нисбатан, жиноятчилик ҳолатлари)



Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди, бу эса ҳуқуқ-тартиботини таъминлашда ижобий натижаларга эришиш, мамлакатда жиноятчилик билан боғлиқ вазиятни сезиларли даражада яхшилаш имконини берди.

Жиноят даражаси *– жиноятнинг мутлақ кўрсаткичларда (маълум бир ҳудудда маълум вақтда содир қилинган жиноятлар сони), нисбий миқдор (10 минг ёки 100 минг аҳолига нисбатан содир этилган жиноятлар сони) билан ўлчаниладиган жиноятчиликнинг миқдорий белгисидир.*

Жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра: ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир ва ўта оғир жиноятларга бўлинади.

Жиноятлар динамикаси таҳлилига кўра ўта оғир жиноятлар сони 5 357 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 24,1 % га ошган, оғир жиноятлар сони эса 2,4 марта ошган бўлса, унча оғир бўлмаган жиноятлар 33,4 % га ва ижтимоий хавфи кам бўлмаган жиноятлар сони эса 14,4 % га камайди

Жиноятлар динамикаси

(январь-декабрь, бирлик)

***Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар**га қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.*

***Унча оғир бўлмаган жиноятлар**га қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.*

***Оғир жиноятлар**га қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.*

***Ўта оғир жиноятлар**га қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.*

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳудудлар бўйича энг кўп жиноятлар Тошкент шаҳрида (32 106 та), Тошкент (14 702 та), Фарғона (14 289 та) ва Самарқанд (9 402 та) вилоятларида, энг кам эса – Сирдарё (3 295 та) Навоий (4 120 та) ва Жиззах (4 288 та) вилоятларида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасида ҳудудлар бўйича қайд этилган жиноятлар
(2024 йил январь-декабрь, бирлик)



Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан жиноятлар сони Сирдарё (92 тага) вилоятида камайиш ҳолати қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасида жиноятларнинг хавф даражаси бўйича улуши
(2024 йил январь-декабрь, жамига нисбатан улуши % да)

2021 йилнинг январь-декабрь ойларида жиноятлар сони 111 082 та қайд этилган бўлса, 2024 йилнинг мос даврида бу кўрсаткич 132 298 тани ташкил этди. Сўнгги тўрт йил давомида (2021-2024 йиллар январь-декабрь ойлари) қайд этилган жиноятлар сони 21 216 тага ёки 19,1 % га кўпайиш ҳолати кузатилди. Шу билан бирга, 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 27,1 % га, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан эса 27,6 % га ошган.

Ўзбекистон Республикасида ўта оғир жиноятлар, ҳудудлар кесимида

(2024 йил январь-декабрь, бирлик)

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар орасида Тошкент шаҳри – 20,8 %, Фарғона вилояти – 14,3 % ва Тошкент вилояти – 13,2 % билан етакчи ўринни эгаллаб турибди.

Унча оғир бўлмаган жиноятлар Тошкент шаҳри – 15,5 %, Тошкент – 13,2 % ва Фарғона вилоятида – 12,4 % қайд этилган. Шу билан бирга, энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (3,5 %) ва Хоразм вилоятида (3,1 %) қайд этилди.

Оғир жиноятлар орасида Тошкент шаҳри – 27,6 %, Тошкент – 9,5 % ва Фарғона вилоятлари – 8,8 % етакчилик қилмоқда. Кичик улушлар Жиззах вилоятида – 3,6 %, Навоий вилоятида – 3,3 %, шунингдек, Сирдарё вилоятида– 2,3 % ва Қорақалпоғистон Республикасида – 3,2 % дан тўғри келди.

Ўта оғир жиноятлар бўйича ҳам Тошкент шаҳри – 32,7 %, Тошкент вилояти – 10,5 %, Самарқанд вилояти – 9,1 % ва Фарғона вилояти – 7,7 % билан етакчилик қилмоқда. Кам нисбатлар эса Сирдарё вилояти – 3,1 %, Жиззах вилоятида – 1,9 %, ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида – 2,7 % қайд этилди.

Ўта оғир жиноятларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрида – 1 753 та, Тошкент – 563 та, Самарқанд – 489 та, Фарғона – 411 та, Андижон – 306 та, Наманган – 299 та, Хоразм – 271 та ва Сурхондарё вилоятларида – 263 та жиноятлар содир этилган. Нисбатан кам ҳолатлар Навоий (100 та) ва Жиззах (110 та) вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (145 та) кузатилди.

Барча хизмат йўналишлари бўйича рўйхатга олинган жиноятларнинг ҳудудлар кесимида сони

(2024 йил январь-декабрь, бирлик)

	Жами*	улардан:			
		ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар	унча оғир бўлмаган жиноятлар	оғир жиноятлар	ўта оғир жиноятлар
Ўзбекистон Республикаси	**132 298**	**36 995**	**18 276**	**71 670**	**5 357**
Қорақалпоғистон Республикаси	4 673	1 549	655	2 324	145
вилоятлар:					
Андижон	8 743	2 395	1 396	4 646	306
Бухоро	7 489	1 871	847	4 567	204
Жиззах	4 288	910	719	2 559	100
Қашқадарё	7 841	2 168	1 197	4 248	228
Навоий	4 120	926	731	2 353	110
Наманган	8 204	2 814	1 263	3 828	299
Самарқанд	9 402	2 923	1 570	4 420	489
Сурхондарё	8 001	1 596	954	5 188	263
Сирдарё	3 295	852	632	1 646	165
Тошкент	14 702	4 900	2 411	6 828	563
Фарғона	14 289	5 277	2 268	6 333	411
Хоразм	4 339	854	564	2 650	271
Тошкент ш.	32 106	7 707	2 837	19 809	1 753
ТЖХТБ	806	253	232	271	50

** Барча хизмат йўналишлари бўйича рўйхатга олинган жиноятлар*

Қонунчиликка кўра, жиноятлар иқтисодиёт соҳасидаги, тинчлик ва хавфсизликка қарши, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши, ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши, шахсга қарши, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши, экология соҳасидаги жиноятлар бўлимларига ажратилади.

Рўйхатга олинган жиноятларнинг аксарияти иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар – 62,9 %, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар иккинчи ўринда – 20,2 %, шу билан бир қаторда шахсга қарши жиноятлар – 11,2 %, шунингдек, ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолияти тартибига қарши жиноятлар – 5,4 % ни ташкил этди.

Шунингдек, тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар – 0,2 %, экология соҳасидаги жиноятлар – 0,1 % га етди.

Жиноятларнинг умумий таснифи

(январь-декабрь)



Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига кўра, иқтисодий соҳадаги жиноятлар ўзгаларнинг мулкини ўғрилаш, иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар, иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятларга бўлинади. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар тинчликка қарши жиноятлар ва инсоният хавфсизлиги, мамлакатга қарши жиноятларга бўлинади. Шахсга қарши жиноятлар ҳаётга, соғликка қарши, жинсий эркинликка қарши, оилага, ёшларга ва маънавиятга қарши, эркинлик, шаъни ва қадр-қимматига қарши, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятларга бўлинади. Давлат органлари, бошқарув ва жамоат бирлашмалари фаолияти тартибига қарши жиноятларга бошқарув тартибига ва одил судловга қарши жиноятлар киради.

Мамлакатимизда аниқланган иқтисодий соҳадаги жиноятлар орасида ўғрилик – 58,1 % ни, фирибгарлик – 35,1 % ни, талончилик – 0,6 % ни, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш – 1,6 % ни, босқинчилик – 0,2 % ни ташкил этди.

Иқтисодий соҳада қайд этилган жиноятлар сони динамикаси

(январь-декабрь, бирлик)



2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра иқтисодий жиноятлар ичида жами 29 252 та фирибгарлик (алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш) (35,1 %), 48 375 та ўғрилик (ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш) (58,1 %), 1 368 та ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш (1,6 %), 330 та солиқ тўлашдан бўйин товлаш (0,4 %), 517 та талончилик (0,6 %), 501 та товламачилик (0,6 %), 649 та қалбаки пул, акциз маркалари ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш (0,8 %), 163 та босқинчилик (ўзганинг мол-мулкини талон-торож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этиш) (0,2 %), 304 та электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш (0,4 %), 351 та этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш (0,4 %), 117 таси нодавлат тижорат ташкилотда ёки бошқа нодавлат ташкилотда мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш (0,1 %) ва бошқа турдаги жиноятларни ташкил этди.

Мамлакатимизда аниқланган шахсга қарши жиноятлар орасида қасддан баданга енгил шикаст етказиш – 20,2 %, қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказишга – 16,1 %, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш – 9,6 % ни ташкил этди.

Шахсга қарши қайд этилган жиноятлар сони динамикаси

(январь-декабрь, бирлик)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида 2023 йилнинг мос даврига нисбатан қуйидаги жиноят турлари камайган: қасддан баданга енгил шикаст етказиш – 21,8 % га, номусга тегиш ва номусга тегишга уриниш – 6,9 % га, қасддан одам ўлдириш ва одам ўлдиришга уриниш –11,4 % га, қасддан баданга оғир шикаст етказиш (ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш) 10,9 % га, камайди.

Жиноятларнинг қуйидаги турлари бўйича ўсиш қайд этилди: одам савдоси – 22,9 % га, эҳтиётсизлик орқасидан одам ўлдириш – 0,3 % га ўсган.

Босқинчилик *– ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли зўравонлик қўллаш ёки шундай зўравонлик қилиш таҳдиди билан бировнинг мулкини ўғрилаш мақсадида қилинган ҳужум (Ўзб.Респ. ЖК 164-модда).*

Талончилик *– ўзганинг мулкини очиқдан-очиқ ўғрилаш (Ўзб.Респ. ЖК 166-модда).*

Мамлакатимизда аниқланган жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар орасида гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаш ёки сотиш – 34,1 %, йўл ҳаракати хавфсизлиги ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш – 35,0 %, безорилик – 8,9 % ни ташкил этди.

Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар сони динамикаси

(январь-декабрь, бирлик)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида 2023 йилнинг худди шу даврига нисбатан жиноятларнинг қуйидаги турлари: гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаш ёки сотиш – 36,8 % га, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш – 21,6 % га ва транспорт воситаларини ўғрилаш – 8,5 % га, тақиқланган экинларни етиштириш – 13,3 % га ўсди.

Безорилик – 9,1 % га, йўл ҳаракати хавфсизлиги ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш – 4,9 % га, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш – 12,7 % га, даромадларни легаллаштириш, яъни мулк жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш – 50,8 % га камайди.

Безорилик *– безорилик, яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этиш (Ўзб.Респ. ЖК 277-модда).*

2-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАР СОНИ

Белгиланган даврда жиноят содир этган шахсларнинг умумий сони 59 951 нафарга етди. Шу жумладан, уларнинг 5,6 % ини вояга етмаганлар ташкил этса, ҳуқуқбузарлик содир этган аёлларнинг улуши 11,9 % ҳолатида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикасида жиноят содир этган шахслар сони динамикаси

(январь-декабрь, киши)



2024 йил январь-декабрь ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жиноят содир этган шахслар сони 28 962 нафарга ёки 32,6 % га камайган.

Ўзбекистон Республикасида жиноят содир этган шахсларнинг сони ҳудудлар кесимида

(2024 йил январь-декабрь, киши)

Жиноят содир этган шахслар *– ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан расман рўйхатга олинган, уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган шахслардир.*

Энг кўп жиноят содир этган шахслар Тошкент шаҳар (10 238 нафар), Фарғона (7 878 нафар) ва Тошкент (7 560 нафар) вилоятларида қайд этилган. Энг кам кўрсаткич Хоразм (1 617 киши) ва Сирдарё (1 724 киши) вилоятларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида – 2 007 киши қайд этилган.

Жиноят содир этган шахсларни ҳар 100 минг аҳолига нисбатан таҳлил қилганда Тошкент шаҳри – 332,8 минг киши, Тошкент – 245,4 минг, Фарғона – 192,0 минг, Сирдарё – 186,9 минг, Наманган – 169,4 минг, Навоий – 176,2 минг, Бухоро – 141,7 минг, Андижон – 132,5 минг, Самарқанд – 115,8 минг ва Жиззах вилоятлари – 128,3 минг киши ҳисобида устунлик қилмоқда.

Ҳудудлар кесимида жинси бўйича жиноятлар содир этган шахслар
(2024 йил январь-декабрь, киши)

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида жиноят содир этган аёлларнинг умумий сони 7 163 нафарни ташкил этди. Жиноят содир этган аёллар сонини таҳлил қилиш, ҳудудларда энг юқори даражада Тошкент шаҳрида – (1 189 нафар аёл), Фарғона – (940 нафар аёл) ва Тошкент вилоятларида – (737 нафар аёл) қайд этилганлигини кўрсатди. Паст кўрсаткичлар Сирдарё (169 нафар аёл) ва Жиззах (203 нафар аёл) вилоятларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида (265 нафар аёл) қайд этилган.

Шу билан бир қаторда, эркак жиноятчилар сони 52 788 кишига етди. Эркак жиноятчиларнинг юқори даражаси Тошкент шаҳрида – 9 049, Фарғона вилоятида – 6 938 ва Тошкент вилоятида – 6 823 нафарни ташкил этди.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида жиноят содир этганларнинг ёши бўйича таҳлили шуни кўрсатадики, қайд этилган ҳуқуқбузарларнинг умумий сонида энг катта улушни 31 ёш ва ундан катта ёшдаги фуқаролар – 56,7 % (33 969 нафар)ни ташкил этса, 18-30 ёш – 37,7 % (22 618 киши), 15-17 ёшлилар орасида кичик нисбатлар – 5,0 % (2 998 киши), 13-14 ёшлилар – 0,6 % (366 киши)дан иборат.

Жиноят содир этган шахсларнинг ёши бўйича тақсимланиши

(2024 йил январь-декабрь, киши)



Жиноят турлари бўйича жиноят содир этганларнинг сони асосий қисми қасддан одам ўлдириш ва одам ўлдиришга уриниш – 273 та, қасддан баданга оғир шикаст етказиш – 945 та, номусга тегиш ва номусга тегишга уриниш – 344 та, ўғрилик – 9 278 та, талончилик ва босқинчилик – 781 та, фирибгарлик – 5 430 та, товламачилик – 552 та, безорилик – 3 126 та, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш – 1 152 та ва порахўрлик – 1 329 тани ташкил этган.

Шундан, жиноят турлари бўйича 31 ёш ва ундан катта ёшдагилар орасида асосан ўғрилик – 42,5 % (9 278 тадан 3 940 та), фирибгарлик – 61,7 % (5 430 тадан 3 350 та). 18-30 ёшли ҳуқуқбузарлар орасида ўғрилик – 41,1 % (9 278 тадан 3 814 та), фирибгарлик – 36,2 % (5 430 тадан 1 967 та), безорилик – 52,8 % (3 126 тадан 1 650 та)ни ташкил этган. 15-17 ёшлилар орасида энг кўп ўғрилик 13,7 % (9 278 тадан 1 269 та), талончилик ва босқинчилик 22,0 % (781 тадан 172 та), безорилик – 10,3 % (3 126 тадан 323 та)ни ташкил этди. 13-14 ёшлилар ўртасида энг кўп ўғрилик – 2,7 % (9 278 тадан 252 та), ҳамда безорилик – 1,1 % (3 126 тадан 33 та) содир этилган.

Жиноят содир этган шахсларнинг жиноят турлари бўйича ёш таркиби

(2024 йил январь-декабрь, киши)

Жиноят турлари бўйича	Жами	улардан ёши бўйича:			
		13-14 ёш	15-17 ёш	18-30 ёш	31 ёш ва катталар
қасддан одам ўлдириш ва одам ўлдиришга уриниш	273	-	7	92	174
қасддан баданга оғир шикаст етказиш	945	9	97	407	432
номусга тегиш ва номусга тегишга уриниш	344	8	40	152	144
ўғрилик	9 278	252	1 269	3 814	3 943
талончилик ва босқинчилик	781	15	172	413	181
фирибгарлик	5 430	-	113	1 967	3 350
товламачилик	552	-	47	317	188
безорилик	3 126	33	323	1 650	1 120
ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш	1 152	-	3	221	928
порахўрлик	1 329	-	1	240	656

Жиноят содир этган шахсларнинг жинси ва жиноят тури бўйича тақсимланиши бўйича турлари, қасддан одам ўлдириш ва одам ўлдиришга уриниш жинояти бўйича 273 тадан 242 таси эркаклар, 31 таси эса аёлларни ташкил этган. 2023 йилга нисбатан эркаклар ўртасида 32,4 % га камайган, аёллар ўртасида 19,2 % га ошган. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш 945 тадан 894 таси эркаклар, 51 таси аёлларни ташкил қилган, 2023 йилга нисбатан эркакларда 26,0 % га, аёлларда 36,3 % га камайган.

Ўғрилик жинояти бўйича 9 278 тадан 7 951 таси эркаклар, 1 327 таси аёлларни ташкил этган. 2023 йилга нисбатан эркаклар ўртасида 5,8 % га, аёллар ўртасида 13,0 % га камайган. Фирибгарлик жинояти бўйича 5 430 тадан 4 646 таси эркаклар, 784 таси аёлларни ташкил этган. 2023 йилга нисбатан эркаклар ўртасида 60,6 % га, аёллар ўртасида 64,0 % га камайган.

Жиноят содир этган шахсларнинг жинси ва жиноят тури бўйича тақсимланиш динамикаси

(январь-декабрь, киши)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида вояга етмаганлар орасида аниқланган жиноят содир этган шахслар сони таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг сони 2023 йилнинг шу даврига нисбатан **235** кишига камайган.

Ҳаракатсизлик *– шахснинг норматив ҳужжатларда бажариши шарт қилиб белгиланган муайян ҳаракатларни бажармасликда ифодаланган ижтимоий хавфли, онгли ва суст хулқ-атвори.*

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганлар сони 3 364 нафарни ташкил этиб, уларнинг умумий сонидан 5,6 % ини ташкил этди. Таҳлиллар вилоятлар бўйича вояга етмаганлар ўртасида содир этилган жиноятларнинг 8,9 % ини (300 нафар) қиз болалар томонидан содир этилганини қайд этди.

Жиноят содир этган вояга етмаганларнинг жинси бўйича тақсимланиши
(2024 йил январь-декабрь, жамига нисбатан улуши)



Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар динамикаси
(январь-декабрь, киши)

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида 2023 йилнинг шу даврига нисбатан жиноят содир этганлиги аниқланган вояга етмаганлар сони 6,5 % га, 2022 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан эса 8,1 % га камайган. Жиноят содир этган вояга етмаганларнинг энг кўп улуши Тошкент шаҳрига (580 киши), Фарғона (594 киши), Наманган (375 киши) ва Тошкент вилоятларига (342 киши) тўғри келган. Шу билан бирга, Хоразм (45 нафар), Сирдарё (61 нафар) ва Жиззах (69 нафар) вилоятларида энг кам ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганлар қайд этилган.

Вояга етмаган шахс *– ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс.*

2024 йил январь-декабрь ойларида вояга етмаган шахслар 1 521 та ўғрилик, 356 та безорилик, 113 та фирибгарлик, 187 та талончилик ва босқинчилик, 106 та қасддан баданга оғир шикаст етказиш, 47 та товламачилик, 7 та қасддан одам ўлдириш жиноятларини содир этган.

Жиноят содир этган вояга етмаганларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши

(2024 йил январь-декабрь, киши)

Фарғона вилоятида жиноят содир этганлиги аниқланган вояга етмаганлар ичида ўғил болалар энг кўп кузатилмоқда, 536 нафар – бу вилоятда умумий сонининг 17,5 % и , кейин Тошкент шаҳрида – 524 нафар (шаҳардаги ҳуқуқбузарлар умумий сонининг 17,1 % и), Наманган вилоятида – 328 нафар (10,7 %), Тошкент вилоятида – 313 нафар (10,2 %). Вояга етмаган қизлар ўртасида Фарғона вилояти – 58 нафар, Наманган вилояти – 47 нафар, Тошкент 29 нафар ва Андижон вилояти – 24 нафарни ташкил этиб, устунлик қилмоқда. Тошкент шаҳрида жиноят содир этган вояга етмаган қизлар сони 56 тани ташкил этди.

Номусга тегиш *– зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш (Ўзб.Респ. ЖК 118-модда).*

Номусга тегишга уриниш *жинсий алоқа билан якунланмайдиган номусга тегишга уринишдир. Бироқ, уринишнинг ўзи жиноят ҳисобланади.*

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида 2023 йилнинг шу даврига нисбатан жиноятларнинг қуйидаги турларида камайиш ҳолатлари қайд этилди: ўғрилик – 5,1 %, номусга тегиш ва номусга тегишга уриниш – 11,1 %, фирибгарлик – 16,3 %, безорилик – 21,4 % ва қасддан одам ўлдириш ва одам ўлдиришга уриниш – 41,7%. Жиноятларнинг қуйидаги турлари бўйича ўсиш ҳолатлари қайд этилди: талончилик – 1,3 %, қасддан баданга оғир шикаст етказиш – 1,9 %, босқинчилик – 13,8%, товламачилик – 74,1 %, ва гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш – 61,4 % га.

Турлари бўйича жиноят содир этган вояга етмаган шахслар

(январь-декабрь, киши)



Бундан ташқари, 2024 йил январь-декабрь ойларида вояга етмаганлар ўртасида 92 та гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқариш ёки сотиш, 156 та транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш, 5 та қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш ҳолатлари аниқланган.

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Рўйхатга олинган жиноят – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан аниқланган ва расман ҳисобга олинган, жиноят қонунчилигида назарда тутилган ижтимоий хавфга эга хатти-ҳаракатдир.

Жиноятларни таснифлаш – жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра: ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир жиноятларга бўлинади (Ўзб.Респ. ЖК 15-модда).

Товламачилик – яъни жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб, ўзгадан мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишни, мулкий манфаатлар беришни ёхуд мулкий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш (Ўзб.Респ. ЖК 165-модда).

Қасддан баданга оғир шикаст етказиш – содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, руҳий ҳолатининг бузилишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда бузилишига, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига ёки ҳомиланинг тушиши ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлишидир (Ўзб.Респ. ЖК 104-модда).

Пора олиш – яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси томонидан шахсан ёки воситачи орқали моддий бойликларни амалга оширганлиги ёки бажармаганлиги учун моддий манфаатлар олиши ёки уларни била туриб қонунга хилоф равишда олиши, мансабдор шахс ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда қилиши керак бўлган ёки қилиши мумкин бўлган муайян пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракатни амалга ошириш (Ўзб.Респ. ЖК 210-модда).

Ноқонуний экинларни етиштириш – маълум бир мамлакат ёки минтақада қонун билан тақиқланган ўсимлик экинларини етиштириш. Бу гиёҳванд ўсимликларни етиштиришни ўз ичига олиши мумкин. Ноқонуний экинларни етиштириш жиноят ҳисобланади ва қоидабузарликнинг оғирлигига қараб жарима, ҳибсга олиш ва ҳатто қамоққа олиш билан жазоланиши мумкин.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (ёки жиноий даромадларни легаллаштириш) – ноқонуний йўл билан олинган пул маблағларини инвестиция қилиш, кўчириш ёки қонуний манбаларга ўтказиш йўли билан қонуний кўринишдаги фондларга айлантириш жараёни.

XVIII. ТУРИСТИК ОҚИМ

Ўзбекистон ўзининг қадимги тарихий-меъморий ёдгорликлари, табиий бойликлари ва шиддатли замонавий ривожланиши билан бутун дунё диққатини ўзига жалб этмоқда. Хивадаги Ичан қалъа мажмуаси, Бухоро, Шаҳрисабз ва Самарқанддаги тарихий марказлар ЮНЕСКОнинг махсус “Бутун дунё мероси” рўйхатига киритилган. Бу шаҳарларда жойлашган такрорланмас ёдгорликлар ва меъморий иншоотлар мамлакат тарихида катта рол ўйнаган ўтмиш замонларни ўзида акс эттиради.

Республикамиз ҳукумати томонидан туризм соҳасини модернизация қилиш, транспорт ва меҳмонхона инфратузилмасини яхшилаш, шунингдек, туризм соҳасидаги қонунчилик базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Туристик оқим таҳлилига кўра, 2024 йил январь-декабрь ойларида 7 957,2 минг[1] чет эл фуқаролари Ўзбекистонга туристик мақсадларда хориждан ташриф буюрган бўлса (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 20,1 % га кўпайган), хорижга чиқиб кетган Ўзбекистон фуқаролари 6 183,8 минг кишини (ўсиш – 29,2 %) ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқаролари ва хорижга туристик мақсадларда кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони

(2024 йил январь-декабрь)

Туризм *– одамларнинг доимий яшаш жойидан ташқарига чиқиши билан боғлиқ ижтимоий, маданий ва иқтисодий ҳодиса бўлиб, мақсади одатда кўнгил очиш ва дам олишдир.*

[1] *Республикага келганлар Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари тақдим этган аниқлаштирилган маълумотлари асосида шакллантирилди.*

[2] *Республикага келганларнинг умумий сонида бир киши бир неча марта ҳисобланиши мумкин ва бу алоҳида ҳолат сифатида ҳисобга олинади.*

[3] *Республикадан кетганларнинг умумий сонида бир киши бир неча марта ҳисобланиши мумкин ва бу алоҳида ҳолат сифатида ҳисобга олинади.*

1-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ТУРИСТИК МАҚСАДЛАРДА КЕЛГАН ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасига келган хорижий фуқаролар сони жами 7 957,2 минг нафарни ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан уларнинг сони 20,1 % га ошган.

Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқаролари динамикаси
(январь-декабрь, минг киши)



Маълумот учун: *Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган чет эл фуқаролари тўғрисидаги маълумотлари асосида шакллантирилади.*

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳаво транспорти (авиатранспорт)да келган сайёҳлар 1 378,9 минг кишини (17,3 %), темир йўл орқали келганлар – 97,8 минг кишини (1,2 %), автомобиль транспортида келганлар – 166,4 минг кишини (2,1 %) ташкил этган. Сайёҳларнинг энг кўп қисми, яъни 6 314,9 минг нафари (79,4 %) чегарани пиёда кесиб ўтган.

Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқароларининг келиш воситаси *(Ўзбекистон фуқаролиги бўлмаган шахсларни қўшган ҳолда, январь-декабрь, жамига нисбатан улуши % да, сони минг киши)*



Кирувчи туризм *– кўрилаётган мамлакат доимий яшовчиси бўлмаган ташриф буюрувчининг кирувчи сайёҳлик сафари вақтида ушбу мамлакат доирасидаги фаолиятини ўз ичига олади.*

Туристик мақсадларда Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг МДҲ ва бошқа хорижий мамлакатлар кесимида тақсимланиш динамикаси *(январь-декабрь, минг киши)*

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида МДҲ давлатларидан республикамизга ташриф буюрган фуқаролар сони 2023 йилнинг шу даврига нисбатан 17,6 % га кўпайди, бошқа мамлакатлардан келганлар сони эса 49,4 % га ошди.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасига МДҲ давлатларидан 7 184,2 минг киши ташриф буюриб, бу жами келганларнинг 90,3 % ини ташкил этди, бошқа давлатлардан – 773,0 минг киши (9,7 %) ташриф буюрган.

Туристик мақсадларда келган чет эл фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланиш динамикаси *(январь-декабрь, минг киши)*



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистонга келган чет эл фуқаролари сафар мақсадини қариндошларни йўқлаш учун деб белгилаганлар сони 6 105,3 минг кишига (жами келганларнинг 76,7 % и), бўш вақт ва дам олиш учун – 1 184,4 минг киши (14,9 %)га, хизмат сафари учун – 338,5 минг киши (4,3 %), тижорат мақсадида келганлар – 199,0 минг киши (2,5 %)га, даволаниш учун – 104,9 минг киши (1,3 %)га, тўғри келган. Энг кам саёҳатлар мақсадларини ўқиш деб белгилаганларга 25,1 минг киши (0,3 %) тўғри келган.

Туристик мақсадларда келган чет эл фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши *(2024 йил январь-декабрь, минг киши)*

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида 2023 йилнинг тегишли даврига нисбатан тижорат мақсадидаги саёҳатлар 2,8 баробарга, хизмат сафарлари 2,4 баробарга ва даволаниш мақсадидаги сафарлар 71,1 % га ошган. Шунингдек, бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш учун сафарлар 53,2 % га, ўқиш мақсадидаги сафарлар 49,4 % га ва қариндошларни йўқлаш учун амалга оширилган сафарлар 9,8 % га кўпайган.

Қуйида келтирилган графикдан хулоса қилиш мумкинки, 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида хорижий давлатлардан (МДҲ давлатларидан ташқари) чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикасига асосан бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш (бу хорижий давлатлардан (МДҲ давлатларидан ташқари) ташриф буюрганларнинг умумий сонидан 65,1 % ини ташкил этган), хизмат сафари (13,0 % и) ҳамда қариндошларини йўқлаш (10,5 % и) мақсадида ташриф буюрган. Улардан 9,1 % и – тижорат мақсадида, 2,2 % и – ўқиш учун ва 0,04 % и – даволаниш учун келган.

Туристик мақсадларда келган чет эл фуқароларининг МДҲ ва бошқа хорижий мамлакатлар кесимида тақсимланиши
(2024 йил январь-декабрь, минг киши)



Туризм мақсадлари *– туристларнинг саёҳатга чиқиш орқали эришмоқчи бўлган ниятлари ва истаклари ҳисобланади. Мақсадлар ҳар хил бўлиши мумкин, масалан, дам олиш ва ўйин-кулги, янги маданият ва анъаналарни ўрганиш, таълим ва ўзини ўзи такомиллаштириш, атроф-муҳит ва ижтимоий хабардорлик ва бошқалар. Улар ҳар бир туристнинг шахсий манфаатларига боғлиқ бўлиб, уларга жой ва саёҳат дастурини танлашда ёрдам беради.*

МДҲ давлатларидан ташриф буюрганларнинг умумий сонидан қариндошларини йўқлаш мақсадида келганлар 83,9 % ни, бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш учун келганлар – 9,5 % ни ташкил этган. Хизмат сафари мақсадида келганлар 3,3 % ни, тижорат мақсадида келганлар 1,8 % ни, даволаниш мақсадида келганлар – 1,5 % ни ва ўқиш сабабли келганлар – 0,1 % ни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасига хориж давлатларидан келган чет эл фуқаролари

(2024 йил январь-декабрь, жамига нисбатан улуши % да, сони минг киши)



Хорижий фуқароларнинг республикамизга энг кўп оқими қуйидаги давлатлардан қайд этилди: Қирғиз Республикасидан – 2 331,3 минг киши, Тожикистондан – 2 325,4 минг киши, Қозоғистондан – 1 483,6 минг киши, Россиядан – 788,6 минг киши, Туркманистондан – 197,8 минг киши, Туркиядан – 118,8 минг киши, Хитойдан – 74,3 минг киши, Афғонистондан – 73,3 минг киши, Ҳиндистондан – 70,6 минг киши, Корея Республикасидан – 41,2 минг киши, Италиядан – 38,7 минг киши, Германиядан – 37,5 минг киши, АҚШдан – 30,3 минг киши, Испаниядан – 23,6 минг киши ва Францияда – 23,4 минг киши. Қолган 298,9 минг киши Ўзбекистонга бошқа хорижий давлатлардан келганлар.

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида чет эл фуқаролари хизмат сафарлари билан Ўзбекистонга асосан Қирғиз Республикаси (64,0 минг киши), Тожикистон (58,6 минг киши) ва Қозоғистондан (45,3 минг киши) келган. Ўқиш учун асосан Ҳиндистон (11,9 минг киши), Туркманистон (4,4 минг киши) ва Тожикистондан (2,1 минг киши) ташриф буюрган. Бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш учун юртимизга келган чет элликларнинг асосий қисми Россия (300,9 минг киши), Қозоғистон (140,4 минг киши) ҳамда Қирғиз Республикаси фуқароларидан (74,1 минг киши) иборат бўлган. Мақсади қариндошларини йўқлаш бўлган сафарлар сонидан чет эл фуқаролари асосан Қирғиз Республикаси (2 181,5 минг киши), Тожикистон (2 077,8 минг киши) ва Қозоғистон (1 285,3 минг киши) каби қўшни давлатлардан Ўзбекистонга ташриф буюрган.

Ўзбекистон Республикасига ТОП-3 хориж давлатларидан келган чет эл фуқаролари сонининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши

(2024 йил январь-декабрь, сони минг киши, жамига нисбатан улуши % да)



Даволаниш учун ҳам, мақсади қариндошларини йўқлаш бўлган сафарлар каби, чет эл фуқаролари асосан Тожикистон (79,6 минг киши), Қозоғистон (12,1 минг киши) ва Қирғиз Республикасидан (10,2 минг киши) келган. Тижорат мақсадида амалга оширилган сафарларнинг асосий қисми Туркманистон (89,5 минг киши), Афғонистон (64,1 минг киши) ва Тожикистон (37,5 минг киши) фуқароларидир.

Ишга доир (хизмат) туризм *– касбий вазифаларни бажариш билан боғлиқ саёҳат туридир. У хизмат ва ишга доир сафарларни, конференцияларда, кўргазмаларда, семинарларда ва иш билан боғлиқ бошқа тадбирларда иштирок этишни ўз ичига олади.*

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида чет давлатлардан юртимизга ташриф буюрган эркаклар сони 2023 йилнинг шу даврига нисбатан 19,8 % га, аёллар сони эса 20,4 % га ошди.

Туристик мақсадларда келган чет эл фуқароларининг жинси бўйича тақсимланиш динамикаси

(2024 йил январь-декабрь, минг киши)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасига келган эркаклар сони 3 977,5 минг кишидан иборат бўлиб, бу келган барча хорижий фуқаролар умумий сонининг 50,0 % ини ташкил этди, шунигдек, аёллар сони 3 979,7 минг нафар (50,0 %)га етди.

Туристларнинг гендер тақсимоти *– бошқа мамлакатлар ёки минтақаларга саёҳат қиладиган эркаклар ва аёллар нисбатидир. Бу эркаклар ва аёллар туризмнинг қайси турларини афзал кўришлари, улар қандай турар жой турларини танлашлари, қандай диққатга сазовор жойлар ва тадбирларга ташриф буюришлари ва ҳар бир гуруҳ саёҳат пайтида қандай муаммолар ёки тўсиқларга дуч келиши мумкинлигини таҳлил қилишни ўз ичига олиши мумкин. Кириш туризмининг гендер тақсимоти, уларнинг жинсидан қатъий назар, янада самарали маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва туристлар учун шароитларни яхшилаш учун ишлатилиши мумкин.*

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасига келган эркаклар сонидан 2 858,4 минг нафари қариндошларини йўқлаш мақсадида, 630,8 минг киши – бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш учун, 302,1 минг киши – хизмат сафари учун, 121,3 минг киши – тижорат учун, 50,8 минг киши – даволаниш учун ва 14,1 минг киши – ўқиш учун ташриф буюрган.

Аёлларга келсак, уларнинг 3 246,9 минг нафари қариндошларини йўқлаш мақсадида, 553,7 минг нафари бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш учун, 77,8 минг нафари тижорат учун, 54,0 минг нафари даволаниш учун, 36,4 минг нафари хизмат сафари учун ва 10,9 минг нафари ўқиш учун келган.

Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари сонининг сафар мақсадлари бўйича гендер тақсимоти

(2024 йил январь-декабрь, минг киши)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида хориж давлатларидан республикамизга туристик мақсадларда келган чет эл фуқаролари сонининг жинси бўйича тақсимланиши таҳлилига кўра, эркаклар асосан Тожикистондан – 1 268,9 минг киши (уларнинг умумий сонидан 31,9 % и), Қирғиз Республикасидан – 996,2 минг киши (25,0 %), Қозоғистондан – 663,3 минг киши (16,7 %), Россиядан – 406,3 минг киши (10,2 %), Туркманистондан – 96,2 минг киши (2,4 %), Туркиядан – 90,2 минг киши (2,3 %), Афғонистондан – 67,2 минг киши (1,7 %), Хитойдан – 54,5 минг киши (1,4 %) ва Ҳиндистондан – 50,4 минг киши (1,3 %) ташриф буюрган.

Ўзбекистон Республикасига хориж давлатларидан келган чет эл фуқаролари сонининг жинси бўйича (эркаклар) тақсимланиши

(2024 йил январь-декабрь, сони минг киши, ўзгариш суръати % да)



Ўз ўрнида, аёлларнинг асосий қисми Қирғиз Республикасидан – 1 335,1 минг киши (уларнинг умумий сонидан 33,5 % и), Тожикистондан – 1 056,5 минг киши (26,5 %), Қозоғистондан – 820,3 минг киши (20,6 %), Россиядан – 382,3 минг киши (9,6 %), Туркманистондан – 101,6 минг киши (2,6 %), Туркиядан – 28,7 минг киши (0,7 %), Италиядан – 20,6 минг киши (0,5 %), Ҳиндистондан – 20,2 минг киши (0,5 %) ҳамда Хитойдан – 19,8 минг киши (0,5 %) туристик мақсадларда ташриф буюрган бўлса, 194,7 минг киши (4,9 %) бошқа мамлакатлар ҳиссасига тўғри келган.

Ўзбекистон Республикасига хориж давлатларидан келган чет эл фуқаролари сонининг жинси бўйича (аёллар) тақсимланиши
(2024 йил январь-декабрь, сони минг киши, ўзгариш суръати % да)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг ёши бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўзгариш таҳлилига кўра, 0-18 ёшдагилар – 24,5 % га, 19-30 ёшдагилар – 17,3 % га, 31-55 ёшдагилар – 19,2 % га, 56 ёш ва катталар эса – 20,8 % га ошган.

Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари сонининг ёши бўйича тақсимланиши динамикаси
(январь-декабрь, минг киши)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг ёши бўйича тақсимланиш таҳлилига кўра, уларнинг асосий қисми 31-55 ёшдагилар – 47,8 % ни (3 803,7 минг киши, шундан эркаклар – 50,6 % ни, аёллар – 49,4 % ни) ташкил этган. 56 ва ундан катта ёшдагилар – 20,8 % ни (1 654,4 минг киши, шундан эркаклар – 40,8 % ни, аёллар – 59,2 % ни), 0-18 ёшдагилар – 16,7 % ни (1 325,5 минг бола, шундан ўғил болалар – 51,1 % ни, қиз болалар – 48,9 % ни), 19-30 ёшдагилар – 14,7 % ни (1 173,6 минг киши, шундан йигитлар – 59,7 % ни, қизлар – 40,3 % ни) ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг ёши бўйича гендер тақсимоти

(2024 йил январь-декабрь, жамига нисбатан улуши % да, сони минг киши)



Туристларнинг ёши бўйича тақсимланиши *бу – турли ёш гуруҳларидаги туристлар сонини акс эттирувчи статистик кўрсаткичдир. Ушбу кўрсаткич туристик дастурларнинг мақсадли аудиториясини аниқлаш ва маълум бир ёш тоифасидаги туристларни жалб қилиш учун маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш учун ишлатилиши мумкин.*

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида хизмат сафари, бўш вақтларини ўтказиш ва дам олиш, қариндошларни йўқлаш, даволаниш ҳамда тижорат мақсадларида асосан 31-55 ёшдаги чет эллик фуқаролар (улар хизмат сафари билан келганлар сонидан 69,0 % ини, бўш вақтларини ўтказиш ва дам олиш мақсадида келганлар сонидан 49,9 % ини, қариндошларни йўқлашга келганлар сонидан 46,2 % ини, даволаниш мақсадида келганлар сонидан 48,5 % ини ва тижорат учун келганлар сонидан 53,8 % ини ташкил этганлар) келган.

Ўқиш мақсадида асосан 19-30 ёшдаги туристлар келган бўлиб, улар юртимизга таълим учун келганларнинг 75,2 % ини ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг ёши ва сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши

(январь-декабрь, сони минг киши, жамига нисбатан улуши % да)



Дўконларга қатнаш. *Бу тоифага қайта сотиш ёки келгусида қандайдир ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш учун (бу ҳолатда ишга доир ва касбий мақсадлар ўринли бўлади) товарлар харид қилишни истисно қилган ҳолда, шахсий истеъмол ёки совға учун истеъмол товарлари харид қилиш ва ҳ.к. киради.*

Шоппинг (савдо) туризми *туристнинг ўз мамлакатида мавжуд бўлмаган ёки қимматроқ бўлиши мумкин бўлган товарларни сотиб олиш мақсадида чет элда турли дўконлар ва савдо марказларига ташриф буюришини ўз ичига олади.*

2-БЎЛИМ. ТУРИСТИК МАҚСАДЛАРДА КЕТГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИ

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сони жами 6 183,8 минг нафарни ташкил этди.

2024 йил январь-декабрь ойлари давомида МДҲ давлатларига кетган юртимиз фуқаролари сони 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 29,1 % га ва бошқа давлатларга кетганлар сони 29,8 % га ошган.

Туристик мақсадларда кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони динамикаси

(январь-декабрь, минг киши)

Маълумот учун: *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш агентлигининг чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тўғрисидаги маълумотлари асосида шакллантирилади.*

Чиқувчи туризм *– кўрилаётган мамлакат доимий яшовчиси бўлган ташриф буюрувчининг ушбу мамлакат доирасидан ташқарига чиқувчи ёки ички сайёҳлик сафарига доир фаолиятини ўз ичига олади.*

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида МДҲ давлатларига кетганлар сони 5 361,5 минг кишидан иборат бўлиб, бу жами кетганларнинг 86,7 % ини ташкил этган, бошқа давлатларга эса 822,3 минг киши (13,3 %) кетган.

Сафар мақсадлари бўйича чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони динамикаси

(2024 йил январь-декабрь, минг киши)





2024 йилнинг январь-декабрь ойларида хизмат сафарлари мақсадида чет элга кетган Ўзбекистон фуқаролари сони 13,7 минг нафар (республикадан чиқиб кетганлар умумий сонидан 0,2 %), ўқиш учун – 35,9 минг нафар (0,6 %), даволанишга – 60,9 минг нафар (1,0 %), бўш вақтни ўтказиш ва дам олиш учун – 949,4 минг нафар (15,4 %) ҳамда қариндошларни йўқлашга – 5 214,0 минг нафарни (82,9 %) ташкил этган.

Таълим туризми *– саёҳат пайтида билим ва тажриба орттириш билан боғлиқ туризм туридир. У таълим муассасаларида, тил курсларида, маҳорат дарсларида, семинарларда, конференцияларда ва бошқа таълим тадбирларида қатнашишни ўз ичига олади. Таълим туризми мустақил таълим олиш шакли ҳам, ўқув дастурининг расмий қисми ҳам бўлиши мумкин.*

Ўзбекистон фуқароларининг энг кўп қисми МДҲ давлатларига қариндошларини йўқлаш (5 012,4 минг киши – МДҲ давлатларига чиқиб кетган сайёҳларнинг умумий сонидан 93,5 % и), бўш вақтни ўтказиш ва дам олиш (264,5 минг киши – 4,9 %) ҳамда даволаниш учун (49,9 минг киши – 0,9 %) кетган.

МДҲ давлатларига кетган сайёҳларнинг энг кам қисми ўқиш – 27,1 минг киши (0,5 %) ва хизмат сафарлари – 7,6 минг киши (0,1 %) мақсадида чиқиб кетганларга тўғри келади.

Туристик мақсадларда чет элга кетган Ўзбекистон фуқароларининг МДҲ ва бошқа хорижий мамлакатлар кесимида тақсимланиши

(2024 йил январь-декабрь, минг киши)



Бошқа давлатларга (МДҲ давлатларидан ташқари) кетган республикамиз фуқароларига келсак, энг кўп саёҳатлар бўш вақтни ўтказиш ва дам олиш (684,9 минг киши – бошқа давлатларга чиқиб кетганларнинг умумий сонидан 83,3 % и), қариндошларини йўқлаш (111,6 минг киши – 13,6 %) ва даволаниш (11,0 минг киши – 1,3 %) мақсадида амалга оширилган.

Энг кам саёҳатларнинг мақсади эса ўқиш (8,8 минг киши – 1,1 %) ва хизмат сафарларига (6,1 минг киши – 0,7 %) тўғри келган.

Хориж давлатларига кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг умумий сони

(2024 йил январь-декабрь, жамига нисбатан улуши % да, сони минг киши)



Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий оқими 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Қирғиз Республикасига – 2 880,1 минг киши, Тожикистонга – 1 187,0 минг киши, Қозоғистонга – 956,5 минг киши, Россияга – 308,2 минг киши, Туркияга – 229,3 минг киши, Саудия Арабистонига – 203,3 минг киши, БААга – 128,8 минг киши, Мисрга – 47,4 минг киши, Қувайтга – 35,0 минг киши, Корея Республикасига – 23,9 минг киши, Вьетнамга – 19,9 минг киши, Таиландга – 19,2 минг киши, Ҳиндистонга – 18,7 минг киши, Хитойга – 18,3 минг киши, Озарбайжонга – 16,1 минг киши ва бошқа давлатларга – 92,1 минг киши кетгани қайд этилган.

ТОП-3 хориж давлатларига кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сонининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши

(2024 йил январь-декабрь, сони минг киши, жамига нисбатан улуши % да)

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида хизмат сафари мақсадида Ўзбекистон фуқароларининг асосий қисми Россияга – 2,5 минг киши, Қирғиз Республикасига – 1,7 минг киши ва Туркияга – 1,7 минг киши кетган.

Ўқиш учун асосан Тожикистонга – 12,8 минг киши, Россияга – 8,6 минг киши ва Қирғиз Республикасига – 4,0 минг киши чиққан. Бўш вақтини ўтказиш ва дам олишга фуқаролар асосан Саудия Арабистонига – 176,3 минг киши, Туркияга – 174,1 минг киши ҳамда Қирғиз Республикасига – 118,7 минг киши кетган. Қариндошлариникига асосан Қирғиз Республикасига – 2 723,1 минг киши, Тожикистонга – 1 159,4 минг киши ва Қозоғистонга – 930,0 минг киши чиққан. Даволаниш мақсадида эса Қирғиз Республикасига – 32,6 минг киши, Тожикистонга – 7,9 минг киши ҳамда Россияга – 7,8 минг киши кетган.

Таътил, дам олиш ва бўш вақтини ўтказиш *– туристларнинг дам олиш, кўнгил очиш ва саёҳатга бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган туризм туридир. У ҳар хил турдаги фаол дам олишни, спорт тадбирларини, маданий ва тарихий диққатга сазовор жойларга ташриф буюришни, шопинг (харид) қилишни ва ҳоказоларни ўз ичига олади.*

Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жинси бўйича тақсимланиш динамикаси
(январь-декабрь, минг киши)



2024 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида туристик мақсадларда чет элга кетган эркаклар сони 2023 йилнинг шу даврига нисбатан 26,4 % га, аёллар сони эса – 32,1 % га ошган.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида республикамиздан туризм мақсадида чиқиб кетган эркаклар сони 3 087,8 минг кишидан иборат бўлиб, бу кетган барча фуқаролар умумий сонининг 49,9 % ини ташкил этган, аёллар сони эса – 3 096,0 минг киши (50,1 %)га етди.

Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сонининг сафар мақсадлари бўйича гендер тақсимоти
(2024 йил январь-декабрь, минг киши)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Узбекистон Республикасидан кетган эркакларнинг умумий сонидан 2 564,0 минг нафари (уларнинг умумий сонидан 83,0 % и) қариндошларини йўқлаш мақсадида, 462,2 минг нафари (15,0 % и) бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш учун, 29,8 минг нафари (1,0 % и) даволанишга, 20,3 минг нафари (0,7 % и) ўқишга ва 11,6 минг нафари (0,4 % и) хизмат сафари мақсадида чиққанлар.

Аёлларга келсак, уларнинг 2 560,0 минг нафари (аёллар умумий сонидан 82,7 % и) қариндошларини йўқлашга, 487,2 минг нафари (15,7 % и) бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш учун, 31,1 минг нафари (1,0 % и) даволаниш мақсадида, 15,6 минг нафари (0,5 % и) ўқиш учун ва 2,1 минг нафари (0,1 % и) хизмат сафари учун кетган.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида туристик мақсадларда хориж давлатларига кетган Ўзбекистон фуқаролари сонининг жинси бўйича тақсимланиши таҳлилига кўра, эркаклар асосан Қирғиз Республикасига – 1 398,0 минг киши (уларнинг умумий сонидан 45,3 % ини ташкил этган), Тожикистонга – 614,2 минг киши (19,9 %), Қозоғистонга – 510,3 минг киши (16,5 %), Россияга – 162,3 минг киши (5,3 %), Туркияга – 102,2 минг киши (3,3 %), Саудия Арабистонига – 89,4 минг киши (2,9 %), БААга – 64,7 минг киши (2,1 %), Мисрга – 22,7 минг киши (0,7 %) ва Қувайтга – 14,9 минг киши (0,5 %) сафар қилган бўлса, 109,0 минг киши (3,5 %) бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келган.

Хориж давлатларига кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сонининг жинси бўйича (эркаклар) тақсимланиши

(2024 йил январь-декабрь, сони минг киши, ўзгариш суръати % да)



Дўст ва қариндошларни йўқлаш *туризмнинг энг кенг тарқалган турларидан биридир. Бу ўз дўстлари ва қариндошлариникига ташриф буюриш учун одамларни бошқа шаҳарлар ёки мамлакатларга саёҳат қилишини ўз ичига олади. Бундай туризмнинг мақсади яқинлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва бирга вақт ўтказишдир.*

Чет элга туристик мақсадларда кетган аёлларнинг умумий сонидан Қирғиз Республикасига – 1 482,1 минг киши (уларнинг умумий сонидан 47,9 % ини ташкил этган), Тожикистонга – 572,8 минг киши (18,5 %), Қозоғистонга – 446,1 минг киши (14,4 %), Россияга – 145,9 минг киши (4,7 %), Туркияга – 127,8 минг киши (4,1 %), Саудия Арабистонига – 113,1 минг киши (3,7 %), БААга – 64,1 минг киши (2,1 %), Мисрга – 24,7 минг киши (0,8 %) ва Қувайтга – 20,1 минг киши (0,7 %) сафар қилган бўлса, 99,2 минг киши (3,2 %) бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келган.

Хориж давлатларига кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сонининг жинси бўйича (аёллар) тақсимланиши

(2024 йил январь-декабрь, сони минг киши, ўзгариш суръати % да)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида туристик мақсадларда чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёши бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўзгариш таҳлилига кўра, 0-18 ёшдагилар – 19,2 % га, 19-30 ёшдагилар – 25,6 % га, 31-55 ёшдагилар – 32,9 % га, 56 ёш ва катталар эса – 33,2 % га ошган.

Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сонининг ёши бўйича тақсимланиш динамикаси

(январь-декабрь, минг киши)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида хорижга чиққан Ўзбекистон фуқароларининг ёши бўйича тақсимланиши таҳлилига кўра 31-55 ёшдагилар 46,5 % ни (2 875,7 минг киши, шундан эркаклар – 49,4 %, аёллар – 50,6 %), 56 ва ундан катта ёшдаги фуқаролар – 19,6 % ни (1 210,3 минг киши, шундан ўғил болалар – 36,4 %, қиз болалар – 63,6 %), 0-18 ёшдаги болалар – 17,3 % ни (1 069,1 минг киши, шундан эркаклар – 53,4 %, аёллар – 46,6 %) ва 19-30 ёшдагилар – 16,6 % ни (1 028,7 минг киши, шундан йигитлар – 63,8 %, қизлар – 36,2 %) ташкил этган.

Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сонининг ёши бўйича гендер тақсимоти

(2024 йил январь-декабрь, жамига нисбатан улуши % да, сони минг киши)



Даволаниш ва соғломлаштириш туризми *туристнинг саломатлиги ва фаровонлигини яхшилашга қаратилган. Даволаниш туризми касалликларни даволаш, реабилитация дастурлари ва муолажалари каби тиббий ёрдам олишга қаратилган саёҳатларни ўз ичига олади. Соғломлаштириш туризми, ўз ўрнида, жисмоний ва психологик ҳолатни яхшилашга қаратилган саёҳатларни ўз ичига олади, масалан, курорт дастурлари, йога-турлари, фитнес саёҳатлари ва бошқалар. Туризмнинг ушбу тоифаси фақат қисқа муддатли даволанишни ўз ичига олади, чунки бир йил ёки ундан кўп вақт давомида тиббий муассасада қолишни талаб қиладиган узоқ муддатли даволаниш туризм соҳасига кирмайди.*

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида хизмат сафари, бўш вақтларини ўтказиш ва дам олиш, қариндошларни йўқлаш ҳамда даволаниш мақсадларида асосан 31-55 ёшдаги республикамиз фуқаролари (улар хизмат сафари билан кетганлар сонидан 71,9 % ини, бўш вақтларини ўтказиш ва дам олиш мақсадида кетганлар сонидан 44,0 % ини, қариндошларни йўқлашга кетганлар сонидан 47,2 % ини ва даволаниш мақсадида кетганлар сонидан 44,6 % ини ташкил этганлар) кетган. Ўқиш мақсадида асосан 19-30 ёшдагилар кетган бўлиб, улар юртимиздан таълим учун кетганларнинг 57,9 % ини ташкил этишган.

Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёши ва сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши

(2024 йил январь-декабрь, сони минг киши, жамига нисбатан улуши % да)



Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Туризм – жисмоний шахснинг вақтинча бўлиш мамлакатидаги (жойидаги) манбалардан даромад олиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда доимий яшаш жойидан жўнаб кетиши (саёҳат қилиши).

Турист – вақтинча бўлиш мамлакатидаги (жойидаги) манбалардан даромад олиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда, вақтинча бўлиш мамлакатига (жойига) йигирма тўрт соатдан кетма-кет ўн икки ойгача бўлган даврга борувчи ёки вақтинча бўлиш мамлакатида (жойида) камида бир кеча тунаб қолувчи жисмоний шахс.

Ишга доир ва касбий мақсадлар – ушбу тоифага, мустақил равишда банд бўлган шахслар ва ёлланма ишловчилар фаолияти, агарда улар билан ташриф буюрилаётган мамлакат ёки жойдаги ишлаб чиқарувчи-резидент ўртасида аниқ ёки назарда тутилган ёлланма меҳнат муносабатлари белгилари мавжуд бўлмаса, сармоядорлар, ишбилармонлар ва ҳоказолар фаолияти киради.

Таълим ва касбий тайёргарлик бу – тоифага, иш берувчи ёки бошқа ташкилотлар, шахслар томонидан тўланадиган қисқа муддатли курсларга қатнаш, тўлов асосида ўқиш, тилларни ўрганиш, касбий ёки бошқа махсус курслар, илмий таътилларни қўшган ҳолда муайян ўқув дастурларини ўтиш ёки курсларда муайян малакага эга бўлиш ва ҳоказолар киради.

Таътил, бўш вақтни ўтказиш ва дам олиш бу – тоифа, масалан, диққатга сазовор жойларни кўриш, табиий ва сунъий объектларга ташриф буюриш, спорт ёки маданий тадбирларда қатнашиш, профессионал бўлмаган спорт турлари билан шуғулланиш, пляжда дам олиш, сузиш ҳавзалари ва ҳар қандай дам олиш ва кўнгилочар объектлардан фойдаланиш, круизлар, қимор ўйинлари, ёзги ёшлар лагерлари, дам олиш уйлари, асал ойларига бориш, олий тоифадаги ресторанлар ва соғлом турмуш тарзига ихтисослашган муассасаларга ташриф буюриш (масалан, соғломлаштириш меҳмонхоналари), фитнес билан шуғулланиш, уй хўжалигига тегишли ёки ижарага олинган дала ҳовли (дача)ларда туриш ва ҳоказолар киради.

Дўстларни ва қариндошларни кўргани бориш бу – тоифа ўз ичига, қариндошлар ёки дўстларникига ташриф буюриш; тўйларга, дафн маросимлари ёки бошқа ҳар қандай оилавий тадбирларга ташриф буюриш; бемор ёки қарияларни қисқа муддат давомида парваришлаш ва бошқалар каби фаолият турларини қамраб олади.

Маълумот учун: туризм соҳасидаги кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сектори статистикаси шакллантирилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 263-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг 2024 йил 31 майдаги "Туризм статистикаси бўйича услубий низом"ни тасдиқлаш тўғрисидаги 133-сонли буйруғига мувофиқ шакллантирилади.

XIX. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАЪЛИМ

Ўзбекистонда таълим инсон капиталини ва давлат иқтисодиётини ривожлантириш учун муҳим омил ҳисобланади. Ҳукумат, таълим олиш имкониятлари ва унинг сифатига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, таълим тизимининг барча босқичларида – мактабгача таълимдан тортиб олий таълимгача – изчил ислоҳ қилмоқда. Асосий саъй ҳаракатлар ўқув дастурларини модернизация қилиш, ўқитувчиларни тайёрлаш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Таълим олишда тенг имкониятларга, ҳамда турли иқтисодиёт соҳаларини малакали кадрлар билан таъминлаш учун касбий тайёргарликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳадаги ислоҳотлар мамлакатнинг барқарор ривожланиши ва унинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлашга ёрдам беради.

Ўз ўрнида, Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон Фармони билан “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасида жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқейидан қатъи назар, ҳар кимга таълим олиш учун тенг ҳуқуқлар кафолатланган.

Саводсизликка барҳам бериш ва барча фуқаролар учун арзон таълимни таъминлашда катта муваффақиятларга эришган Ўзбекистон таълимни давлат томонидан молиялаштиришнинг устунлигини сақлаб келмоқда, бу шубҳасиз ижобий омилдир.

Ўзбекистон Республикасида таълим турлари қуйидагилардан иборат:

- мактабгача таълим ва тарбия;
- умумий ўрта ва ўрта махсус таълим;
- профессионал таълим;
- олий таълим;
- олий таълимдан кейинги таълим;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- мактабдан ташқари таълим.

1-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ [1]

Мактабгача таълим бола ҳаётидаги энг муҳим босқич бўлиб, у болаларнинг ривожланишида муҳим рол ўйнайди, шахснинг шаклланишига, унинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланишига, шунингдек болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга таъсир қилади ва уларнинг келажагини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган мактабгача таълим ташкилотлари сони

(тегишли йилнинг 1 январь ҳолатига, бирлик)



Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган мактабгача таълим ташкилотлари, оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари сонини қўшган ҳолда, 2024 йил 1 январь ҳолатига 35 973 тани ташкил этди, бу эса 2020 йил 1 январга нисбатан 22 358 тага (яъни 2,6 баробарга) ошган.

Агар 2024 йил 1 январь ҳолатига фаолият юритаётган мактабгача таълим ташкилотларининг энг катта қисми Самарқанд (4 285 та), Андижон (3 991 та) ва Фарғона (3 922 та) вилоятларида кузатилган бўлса, бошқа ҳудудларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Тошкент шаҳри (1 025 та), Сирдарё (1 182 та) ва Навоий (1 385 та) вилоятларида қайд этилган.

[1] *2024 йил учун маълумотлар Статистика дастурига мувофиқ 2025 йилнинг август ойида шакллантирилади.*

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим ташкилотларидаги ўринлар сони [1]

(тегишли йилнинг 1 январь ҳолатига, минг бирлик)



Мактабгача таълим ташкилотларидаги ўринлар сони ушбу соҳадаги энг муҳим кўрсаткичлардан бири деб ҳисобланиб, барча кичик ёшдаги болаларга болалар боғчаларига бориш ва мактабга тайёргарлик кўриш имкониятини давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан таъминланишини акс эттиради.

Мактабгача таълим ташкилотларидаги ўринлар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2024 йил 1 январь ҳолатига, минг бирлик)



2024 йил 1 январь ҳолатига мактабгача таълим ташкилотларидаги ўринлар сонининг энг катта қисми Самарқанд (342,4 мингта), Фарғона (327,6 мингта) ва Андижон (320,4 мингта) вилоятларига тўғри келган бўлса, бошқа ҳудудларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Навоий (97,1 мингта), Сирдарё (84,9 мингта) ҳамда Жиззах (125,5 мингта) вилоятларида кузатилган.

[1] *2024 йил 1 январгача оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларидаги ўринлар сони тўғрисидаги маълумотларсиз келтирилган.*

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим ташкилотларидаги гуруҳлар сони [1]

(тегишли йилнинг 1 январь ҳолатига, бирлик)



Мактабгача таълим ташкилотларидаги гуруҳлар болаларни тарбиялаш ва ўқитиш жараёнида муҳим роль ўйнайди. Ушбу гуруҳлар болаларнинг ёши ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади, бу эса уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун энг яхши шароитларни яратишга имкон беради.



2024 йил 1 январь ҳолатига ҳудудлар кесимида энг кўп мактабгача таълим ташкилотлари гуруҳлари Самарқанд (11 492 та), Фарғона (11 323 та) ва Андижон (11 104 та) вилоятларида қайд этилган бўлса, бошқа ҳудудларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (3 024 та), Навоий (3 402 та) ҳамда Жиззах (4 412 та) вилоятларида кузатилган.

Мактабгача таълим ва тарбия – болаларга таълим ва тарбия беришга, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий, этик, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга, шунингдек, болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга қаратилган узлуксиз таълим тури.

[1] *2024 йил 1 январгача оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларидаги гуруҳлар сони тўғрисидаги маълумотларсиз келтирилган.*

Ўзбекистон Республикасида оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари сони

(тегишли йилнинг 1 январь ҳолатига, бирлик)



Ўзбекистон Республикасида оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари сони 2024 йил 1 январь ҳолатига 26 858 тани ташкил этган, бу эса 2020 йил 1 январга нисбатан 20 211 тага (яъни 4 баробарга) ошган.

Ҳудудлар кесимида

(2024 йил 1 январь ҳолатига, бирлик)

Агар 2024 йил 1 январь ҳолатига оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг энг катта қисми Самарқанд (3 316 та), Қашқадарё (3 238 та) ва Андижон (3 212 та) вилоятларида қайд этилган бўлса, бошқа ҳудудларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Тошкент шаҳри (98 та), Сирдарё (935 та) ҳамда Навоий (1 077 та) вилоятларига тўғри келган.

Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фақат давлат-хусусий шерикликнинг оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини моддий-техник ва методик жиҳатдан таъминлаш шакли асосида ташкил этилади. Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида 50 нафаргача болаларга мактабгача таълим ва тарбия берилишига йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим ташкилотларидаги болалар сони

(тегишли йилнинг 1 январь ҳолатига, минг киши)



Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим ташкилотларидаги болалар сони 2024 йил 1 январь ҳолатига 2 169,5 минг кишини ташкил этган, бу эса 2020 йил 1 январга нисбатан 892,6 минг кишига (яъни 69,9 % га) ошган.

Мактабгача таълим ташкилотларидаги болалар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2024 йил 1 январь ҳолатига, минг киши)



2024 йил 1 январь ҳолатига мактабгача таълим ташкилотларидаги болалар сонининг энг кўп қисми Фарғона (254,8 минг киши), Самарқанд (251,1 минг киши) ва Андижон (230,7 минг киши) вилоятларида қайд этилган бўлса, бошқа ҳудудларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (57,3 та), Навоий (70,0 минг киши) ҳамда Жиззах (96,8 минг киши) вилоятларида кузатилган.

Мактабгача таълим ташкилотларидаги болалар сони – йил охирида мактабгача таълим ташкилотлари рўйхатида турган мактабгача таълим ёшидаги болалар сони.

Ўзбекистон Республикасида 3-6 ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиниши
(тегишли йилнинг 1 январь ҳолатига, % да)



3-6 ёшли болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиниши бўйича сезиларли ўсиш кузатилмоқда. Жумладан, 2020 йил 1 январь ҳолатига болаларнинг 45,6 % и мактабгача таълим олиш имкониятига эга бўлган бўлса, 2024 йил 1 январь ҳолатига эса бу кўрсаткич 71,1 % гача етди. Ушбу ижобий тенденцияни болаларни эрта болалик даврида ҳар томонлама ривожланиши учун таълим стратегиялари ва дастурларини муваффақиятли амалга оширилиши натижаси сифатида баҳолаш мумкин.

Ҳудудларда 3-6 ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиниши
(2024 йил 1 январь ҳолатига, % да)



Агар 2024 йил 1 январь ҳолатига 3-6 ёшдаги болаларнинг энг кўп қисми Бухоро (81,2 %), Навоий (80,6 %) ва Андижон (79,6 %) вилоятларида мактабгача таълим билан қамраб олинган бўлса, бошқа ҳудудларга нисбатан энг паст қамров Қашқадарё (56,2 %), Сурхондарё (59,8 %) ҳамда Тошкент (66,5 %) вилоятларида кузатилган.

Мактабгача таълим ташкилотларидаги болалар сонини жинси бўйича тақсимланиши [1]

(тегишли йилнинг 1 январь ҳолатига, минг киши)



2024 йил 1 январь ҳолатига мактабгача таълим ташкилотларидаги ўғил болалар сони 1 252,4 минг нафарга (бу мактабгача таълим ташкилотларидаги болаларнинг умумий сонидан 57,7 % ни ташкил этган), қиз болаларнинг сони эса 917,1 минг нафарга (42,3 %) етган.

Ўзбекистон Республикасида 3-6 ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан жинси бўйича қамрови

(тегишли йилнинг 1 январь ҳолатига, % да)



2024 йил 1 январь ҳолатига кўра, 3-6 ёшдаги қиз болаларнинг мактабгача таълим билан қамрови 62,6 % ни, ўғил болаларнинг қамрови эса 78,8 % ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичларни 2020 йил 1 январь ҳолати билан солиштирганда, қиз болаларнинг қамрови – 22,7 ф.п.га, ўғилларнинг қамрови – 38,7 ф.п.га ошган.

[1] *2024 йил 1 январгача оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларидаги қиз ва ўғил болалар сони тўғрисидаги маълумотларсиз келтирилган.*

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим ташкилотларидаги педагог ходимлар сони [1]

(тегишли йилнинг 1 январь ҳолатига, минг киши)



Мактабгача таълим ташкилотларидаги педагог ходимлар сони мактабгача таълим сифатини белгиловчи асосий омил ҳисобланади.

Болалар боғчалари малакали мутахассислар билан таъминланиши болаларни тарбиялаш ва ривожлантириш даражасига, шунингдек, таълим дастурларини самарали амалга оширишга бевосита таъсир қилади.

Мактабгача таълим ташкилотларидаги педагог ходимлар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2024 йил 1 январь ҳолатига, минг киши)



Агар 2024 йил 1 январь ҳолатига мактабгача таълим ташкилотларидаги педагог ходимларининг энг кўп қисми Фарғона (22,7 минг киши), Андижон (17,1 минг киши) ва Самарқанд (16,9 минг киши) вилоятларида қайд этилган бўлса, бошқа ҳудудларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (4,4 минг киши), Жиззах (5,9 минг киши) ҳамда Навоий (6,4 минг киши) вилоятларига тўғри келган.

[1)] *2024 йил 1 январгача олий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларидаги педагог ходимлар сони тўғрисидаги маълумотларсиз келтирилган.*

2-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ [1]

Умумий ўрта таълим ўқув дастурига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмалар ўзлаштирилишига, шунингдек таълимнинг кейинги тури танланишига ҳамда юқори малака талаб қилинмайдиган касблар эгалланишига қаратилган. У умумий ўрта таълим ташкилотларида узлуксиз тарзда, мажбурий бўлган ўн бир йил давомида амалга оширилади.

Умумий ўрта таълим кундузги таълим шаклида амалга оширилиб, қуйидаги босқичлар (I – XI синфлар)дан иборатдир:



Умумий ўрта таълим ташкилотларининг қуйидаги турлари мавжуд: бошланғич мактаб (ўқитиш муддати 4 йил: I – IV синфлар), умумий ўрта таълим мактаби (ўқитиш муддати 11 йил: I – XI синфлар), айрим фанларга ихтисослаштирилган мактаб (ўқитиш муддати 7 йил: V – XI синфлар), айрим фанларга ихтисослаштирилган мактаб-интернати (ўқитиш муддати 5 йил: VII – XI синфлар), ижод мактаби (ўқитиш муддати 5 йил: VII – XI синфлар), Президент мактаби (ўқитиш муддати 7 йил: V – XI синфлар), олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати (ўқитиш муддати 7 йил: V – XI синфлар), жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати (ўқитиш муддати 11 йил: I – XI синфлар), психик (интеллектуал) ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган (ёрдамчи) мактаб, мактаб-интернати (ўқитиш муддати 9 йил: I – IX синфлар), санаторий туридаги ихтисослаштирилган мактаб-интернати (ўқитиш муддати 11 йил: I – XI синфлар), республика ихтисослаштирилган ўқув-таълим муассасаси (ўқитиш муддати заруриятга кўра).

[1] *Дастлабки маълумотлар.*

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотлари сони

(тегишли ўқув йили бошига, бирлик)

Ўзбекистон Республикасида 2024/2025 ўқув йили бошида фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотлари сони 10 943 тани ташкил этган ва 2020/2021 ўқув йили бошига нисбатан 762 тага, яъни 7,5 % га ошган.

Фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотлари сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2024/2025 ўқув йили бошига, бирлик)



2024/2025 ўқув йили бошига фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотларининг энг кўп сони Самарқанд (1 135 та), Қашқадарё (1 272 та) ва Фарғона (1 080 та) вилоятларида қайд этилган бўлса, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (341 та), Навоий (384 та) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (488 та) қайд этилган.

Умумий ўрта таълим ташкилотлари – узлуксиз таълим тизимининг асосий бўғини ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига давлат умумтаълими андозалари доирасида бепул умумий таълим олишнинг кафолатланган ҳуқуқи ва имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган нодавлат умумтаълим ташкилотлари сони

(тегишли ўқув йили бошига, бирлик)



2024/2025 ўқув йили бошига республикада жами 455 та нодавлат умумтаълим ташкилотлари фаолият юритган ва 2020/2021 ўқув йилига нисбатан уларнинг сони 4,5 баробарга кўпайган. Энг кўп нодавлат умумтаълим ташкилотлари Тошкент шаҳри (131 та), Фарғона (93 та) ва Самарқанд (38 та) вилоятларида, энг кам кўрсаткичлар эса Сурхондарё ва Навоий вилоятлари (ҳар бир ҳудудда 4 тадан) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (7 та) қайд этилган.

Фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотлари сонини таълим турлари бўйича тақсимланиши

(тегишли ўқув йили бошига, бирлик)



* 2024/2025 ўқув йилида 2020/2021 ўқув йилига нисбатан ўзгаришлар

Ўзбекистон Республикасидаги умумий ўрта таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар сони

(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)

Ўзбекистон Республикасида 2024/2025 ўқув йили бошига умумий ўрта таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар сони 6 776,3 минг кишини ташкил этган ва 2020/2021 ўқув йили бошига нисбатан 488,4 минг кишига, яъни 7,8 % га ошган.

Умумий ўрта таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2024/2025 ўқув йили бошига, минг киши)



2024/2025 ўқув йили бошига умумий ўрта таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг энг юқори қисми Самарқанд (801,5 минг киши), Фарғона (721,7 минг киши) ва Қашқадарё (682,0 минг киши) вилоятларида қайд этилган ва бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (164,6 минг киши), Навоий (194,6 минг киши) ва Жиззах (280,0 минг киши) вилоятларига тўғри келган.

Умумий ўрта таълим ташкилотлари ўқувчиларига ўқув йили бошида умумтаълим муассасаларининг рўйхатида турган ва бошланғич, таянч ўрта ва ўрта таълим босқичларида ўқиётган шахслар ҳамда жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мактабларнинг ўқувчилари киритилади.

Умумий ўрта таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар сонини жинси бўйича тақсимланиши

(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)





2024/2025 ўқув йили бошига умумий ўрта таълим ташкилотларидаги қизлар сони 3 305,5 минг нафарни (бу умумий ўрта таълим ташкилотларидаги ўқувчиларнинг умумий сонидан 48,8 % ни), ўғил болалар сони эса 3 470,8 минг нафарни (51,2 % ни) ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасидаги нодавлат умумтаълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар сони

(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



Ўзбекистон Республикасида 2024/2025 ўқув йили бошига нодавлат умумтаълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар сони 112,1 минг кишини ташкил этган ва 2020/2021 ўқув йили бошига нисбатан 4,2 баробарга ошган. Энг кўп ўқувчилар сони Тошкент шаҳрига (41,3 минг киши), энг ками эса Сурхондарё ва Навоий вилоятларига (ҳар бир ҳудудда 0,7 минг кишидан) тўғри келган.

Ўзбекистон Республикасидаги умумий ўрта таълим ташкилотларининг IX синф битирувчилари сони
(тегишли йил учун, минг киши)

2024 йилда Ўзбекистон Республикасидаги умумий ўрта таълим ташкилотларининг IX синф битирувчилари сони 520,1 минг кишини ташкил этган ва 2020 йилга нисбатан уларнинг сони 36,6 минг кишига, яъни 7,6 % га кўпайган. IX синф битирувчиларининг энг кўп қисми Самарқанд вилоятига (58,6 минг киши), энг ками эса Сирдарё вилоятига (12,6 минг киши) тўғри келган.

Ўзбекистон Республикасидаги умумий ўрта таълим ташкилотларининг XI синф битирувчилари сони
(тегишли йил учун, минг киши)



2024 йилда Ўзбекистон Республикасидаги умумий ўрта таълим ташкилотларининг XI синф битирувчилари сони 405,9 минг кишини ташкил этган ва 2020 йилга нисбатан уларнинг сони 48,4 минг кишига, яъни 10,7 % га камайган. XI синф битирувчиларининг энг кўп қисми Самарқанд вилоятига (48,8 минг киши), энг ками эса Сирдарё вилоятига (10,2 минг киши) тўғри келган.

Ўзбекистон Республикасидаги умумий ўрта таълим ташкилотларида меҳнат фаолиятини юритаётган ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сони

(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)

2024/2025 ўқув йили бошига Ўзбекистон Республикасининг умумий ўрта таълим ташкилотларида меҳнат фаолиятини юритаётган ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сони 564,9 минг кишини ташкил этган ва 2020/2021 ўқув йили бошига нисбатан 56,7 минг кишига, яъни 11,2 % га кўпайган.

Умумий ўрта таълим ташкилотларидаги ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2024/2025 ўқув йили бошига, минг киши)



2024/2025 ўқув йили бошига умумий ўрта таълим ташкилотларида энг кўп ўқитувчилар сони (ўриндошларсиз) Самарқанд (64,0 минг киши), Қашқадарё (63,5 минг киши) ва Фарғона (59,3 минг киши) вилоятларида қайд этилган ва бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (14,0 минг киши), Навоий (21,9 минг киши) ва Жиззах (25,5 минг киши) вилоятларига тўғри келган.

Ўқитувчилар сони – ўқувчиларга таълим бериш ва касбий тарбияси билан шуғулланувчи, ўрта махсус, олий ёки махсус тайёргарликдан ўтган шахслар сони.

3-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ [1]

Ўрта махсус таълим академик лицейларда тўққиз йиллик таянч ўрта таълим асосида икки йил мобайнида амалга оширилади ва таълим олувчилар интеллектуал қобилиятларининг жадал ривожланишини, шунингдек чуқур, табақалаштирилган, касб-ҳунарга ва шахсга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган академик лицейлар сони

(тегишли ўқув йили бошига, бирлик)

Ўзбекистон Республикасида 2023/2024 ўқув йили бошига фаолият юритаётган академик лицейлар сони 91 тани ташкил этган ва ўтган ўқув йилига нисбатан 6 тага, яъни 7,1 % га ошган.

Фаолият юритаётган академик лицейлар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2023/2024 ўқув йили бошига, бирлик)



2023/2024 ўқув йили бошига фаолият юритаётган академик лицейларнинг энг кўп қисми Тошкент шаҳрида (27 та) жойлашган бўлса, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё, Навоий ва Жиззах вилоятларида (ҳар бир ҳудудда 3 тадан) қайд этилган.

[1)] *2024 йил учун маълумотлар Статистика дастурига мувофиқ 2025 йилнинг февраль ойида шакллантирилади.*

Ўзбекистон Республикасидаги академик лицейларга қабул қилинганлар сони

(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)

2023/2024 ўқув йили бошига Ўзбекистон Республикасидаги академик лицейларга қабул қилинганлар сони 17,4 минг кишини ташкил этган ва ўтган ўқув йилига нисбатан 1,8 % га ошган.

Академик лицейларга қабул қилинганлар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2023/2024 ўқув йили бошига, минг киши)



Академик лицейларга қабул қилинганлар сонини жинси бўйича тақсимланиши

(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



Ўзбекистон Республикасидаги академик лицейларда таҳсил олаётган ўқувчилар сони

(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



2023/2024 ўқув йили бошига Ўзбекистон Республикасидаги академик лицейларда таҳсил олаётган ўқувчилар сони 32,6 минг кишини ташкил этган ва ўтган ўқув йилига нисбатан 0,6 % га кўпайган.

Академик лицейларда таҳсил олаётган ўқувчилар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2023/2024 ўқув йили бошига, минг киши)



Академик лицейларда таҳсил олаётган ўқувчилар сонининг гендер тақсимоти

(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



Ўзбекистон Республикасидаги академик лицейларнинг битирувчилари сони

(тегишли йил учун, минг киши)



2023 йилда Ўзбекистон Республикасидаги академик лицейларнинг битирувчилари сони 14,9 минг кишини ташкил этган ва 2022 йилга нисбатан 23,2 % га камайган.

Академик лицейларнинг битирувчилари сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2023 йил учун, минг киши)



Академик лицейларнинг битирувчилари сонини жинси бўйича тақсимланиши

(тегишли йил учун, минг киши)





Ўзбекистон Республикасидаги академик лицейларда меҳнат фаолиятини юритаётган ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сони

(тегишли ўқув йили бошига, киши)

2023/2024 ўқув йили бошига Ўзбекистон Республикасидаги академик лицейларда меҳнат фаолиятини юритаётган ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сони 3 212 кишини ташкил этган ва ўтган ўқув йилига нисбатан 1,2 % га камайган.

Академик лицейлардаги ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2023/2024 ўқув йили бошига, минг киши)



Академик лицейлардаги ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сонини жинси бўйича тақсимланиши

(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



4-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ [1]

Профессионал таълим эгалланадиган касб ва мутахассислик бўйича бошланғич профессионал таълим, ўрта профессионал таълим, ўрта махсус профессионал таълим даражаларини ўз ичига олади.

Касб-ҳунар мактаби – халқаро таснифлагичнинг 3-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида IX синф битирувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган бошланғич профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасаси ҳисобланади.

Коллежлар – халқаро таснифлагичнинг 4-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида ўрта профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасалари ҳисобланади.

[1] *2024 йил учун маълумотлар Статистика дастурига мувофиқ 2025 йилнинг февраль ойида шакллантирилади.*

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган профессионал таълим муассасалари сони

(тегишли ўқув йили бошига, бирлик)

Ўзбекистон Республикасида 2023/2024 ўқув йили бошига ўтган ўқув йилига нисбатан фаолият юритаётган касб-ҳунар мактаблари сони 5 тага, коллежлар сони – 24 тага камайган, техникумлар сони эса 30 тага кўпайган.

Фаолият юритаётган профессионал таълим муассасалари сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2023/2024 ўқув йили бошига, бирлик)

Техникумлар – халқаро таснифлагичнинг 5-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида олий таълим тизими билан интеграциялашган ўрта махсус профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган, олий таълим ташкилотлари ҳузурида фаолият юритадиган таълим муассасалари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасидаги касб-ҳунар мактабларига қабул қилинганлар сони

(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



Ўзбекистон Республикасидаги коллежларга қабул қилинганлар сони

(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)





Ўзбекистон Республикасидаги техникумларга қабул қилинганлар сони

(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



Ўзбекистон Республикасидаги касб-ҳунар мактабларида таҳсил олаётган ўқувчилар сони

(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)

2023/2024 ўқув йили бошига

Ўзбекистон Республикасидаги коллежларда таҳсил олаётган ўқувчилар сони

(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)

2023/2024 ўқув йили бошига



Ўзбекистон Республикасидаги техникумларда таҳсил олаётган ўқувчилар сони

(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)

2023/2024 ўқув йили бошига



Ўзбекистон Республикасидаги касб-ҳунар мактабларининг битирувчилари сони

(тегишли йил учун, минг киши)





Ўзбекистон Республикасидаги коллежларнинг битирувчилари сони

(тегишли йил учун, минг киши)



Ўзбекистон Республикасидаги техникумларнинг битирувчилари сони

(тегишли йил учун, минг киши)



Касб-ҳунар мактабларидаги ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сони

(тегишли ўқув йили бошига, киши)



Коллежлардаги ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сони

(тегишли ўқув йили бошига, киши)

Техникумлардаги ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сони

(тегишли ўқув йили бошига, киши)



5-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ [1]

Ўзбекистон Республикасида олий таълим узлуксиз таълим тизимининг мустақил тури бўлиб, республика қонунчилигига мувофиқ, умумий ўрта ва ўрта махсус, профессионал таълим негизида, олий таълим ташкилотларида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган олий таълим ташкилотлари сони

(тегишли ўқув йили бошига, бирлик)



Ўзбекистон Республикасида 2023/2024 ўқув йили бошига фаолият юритаётган олий таълим ташкилотлари сони 219 тани ташкил этган ва 2019/2020 ўқув йили бошига нисбатан 100 тага, яъни 84,0 % га кўпайган.

Фаолият юритаётган олий таълим ташкилотлари сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2023/2024 ўқув йили бошига, бирлик)



[1] *2024 йил учун маълумотлар Статистика дастурига мувофиқ 2025 йилнинг март ойида шакллантирилади.*

Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим ташкилотларига қабул қилинган талабалар сони

(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



2023/2024 ўқув йили бошига Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим ташкилотларига қабул қилинган талабалар сони 365,2 минг кишини ташкил этган ва 2019/2020 ўқув йили бошига нисбатан 227,1 минг кишига, яъни 2,6 баробарга ошган.

Олий таълим ташкилотларига қабул қилинган талабалар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2023/2024 ўқув йили бошига, минг киши)



Олий таълим ташкилотларига қабул қилинган талабалар сонини жинси бўйича тақсимланиши

(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган талабалар сони

(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



2023/2024 ўқув йили бошига Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган талабалар сони 1 314,5 минг кишини ташкил этган ва 2019/2020 ўқув йили бошига нисбатан 873,5 минг кишига, яъни 3,0 баробарга ошган.

Олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган талабалар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2023/2024 ўқув йили бошига, минг киши)



Олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган талабалар сонини жинси бўйича тақсимланиши

(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим ташкилотларининг битирувчилари сони

(тегишли йил учун, минг киши)



2023 йилда Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим ташкилотларининг битирувчилари сони 184,1 минг кишига етган ва 2019 йилга нисбатан 113,3 минг кишига, яъни 2,6 баробарга ошган.

Олий таълим ташкилотларининг битирувчилари сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2023 йил учун, минг киши)



Олий таълим ташкилотларининг битирувчилари сонини жинси бўйича тақсимланиши

(тегишли йил учун, минг киши)



Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим ташкилотларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчи ходимлар сони

(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



2023/2024 ўқув йили бошига Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим ташкилотларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчи ходимлар сони 45,2 минг кишидан иборат бўлган.

Олий таълим ташкилотларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчи ходимлар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2023/2024 ўқув йили бошига, минг киши)



Олий таълим ташкилотларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчи ходимлар сонини жинси бўйича тақсимланиши

(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



Статистик кўрсаткичларга изоҳ

Таълим – таълим олувчиларга чуқур назарий билим, малакалар ва амалий кўникмалар беришга, шунингдек, уларнинг умумтаълим ва касбий билим, малака ҳамда кўникмаларини шакллантиришга, қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тизимли жараён.

Давлат таълим муассасаси – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан давлат мулки бўлган мол-мулк негизида ташкил этилган, давлат таълим стандартларига ва давлат таълим талабларига мувофиқ таълим берадиган муассаса.

Нодавлат таълим ташкилоти – давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия асосида ёки хабардор қилиш тартибида таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахс.

Давлат таълим стандартлари – давлат томонидан таълимнинг мазмуни ва сифатига нисбатан белгиланадиган талаблар мажмуи.

Давлат таълим талаблари – таълимнинг тузилмасига, мазмунига ва уни амалга ошириш шарт-шароитларига, шунингдек, таълим олувчиларнинг жисмоний, шахсий, интеллектуал, илмий ҳамда касбий сифатларига қўйиладиган мажбурий талаблар.

Таълим ташкилотларида таълим олаётган ўқувчилар (талабалар) сони – умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларида ўқиётган ва ўқув йили бошида рўйхатда турганлар сони.

Ўқитувчи (профессор-ўқитувчи)лар сони – ўқувчиларга таълим бериш ва касбий тарбияси билан шуғулланувчи, ўрта махсус, олий ёки махсус тайёргарликдан ўтган шахслар сони.

Таълим ташкилотларига қабул қилиш – ушбу ўқув йилида ўқишга қабул қилинганларнинг сонини кўрсатади. Қабул қилинган сонига иккинчи йил ўқиётганлар ва аввал ўқиганлар орасидан қайтиб келганлар қўшилмайди.

Таълим ташкилотларини битирганлар – таълим ташкилотларида ўқув курсини тўлиқ тугатган ва тегишли маълумот (мутахассислик)га эга бўлган шахслар сони.

3-6 ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиниши – мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган 3-6 ёшдаги болаларни мазкур ёшдаги аҳоли сонига нисбатини ифодалайди.

XX. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР [1]

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси фан ва инновацияларни ривожлантиришда салмоқли муваффақиятларга эришди. Мамлакат ҳукумати илмий инфратузилмани модернизация қилиш, ёш илмий тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш ва турли соҳаларга инновацион технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Фан ва инновацияларни ривожлантиришда қуйидаги асосий жиҳатларни таъкидлаш мумкин:

- мамлакат учун долзарб бўлган масалалар, жумладан, экология, қишлоқ хўжалиги ва тиббиёт соҳаларида ишлар олиб борадиган кўплаб замонавий лабораториялар ва илмий институтлар очилди;
- илмий маълумотларни бошқариш учун IT-платформалар жорий этилди ва глобал илмий маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди;
- давлат бюджетидан илмий тадқиқотларни молиялаштириш ҳажми оширилди;
- хусусий компаниялар ва илмий муассасалар ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш учун шароитлар яратилди;
- талабалар, аспирантлар ва ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш дастурлари, жумладан, халқаро грантлар йўлга қўйилди, илмий тадқиқотчиларнинг халқаро илмий лойиҳалар ва конференцияларда иштироки кенгайтирилди;
- йирик шаҳарларда технопарклар ташкил этилган бўлиб, уларда тадбиркорлар, илмий тадқиқотчилар ўз ғояларини тижоратлаштириш ишларини олиб бормоқдалар;
- қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳаларида кўплаб стартаплар ишга туширилди. Масалан, сунъий интеллект ва FinTech соҳаларидаги лойиҳалар фаол ривожланмоқда;
- Ўзбекистон БМТ ва ЮНЕСКОнинг фан ва таълимга оид дастурларида фаол иштирок этмоқда. Халқаро университетлар ва илмий институтлар билан шартномалар имзоланган.

Ўзбекистон Республикасида фаннинг устувор йўналишлари қуйидагилардир:

- **Қишлоқ хўжалиги**: аниқ деҳқончилик технологияларини жорий этиш ва хўжалик юритишнинг барқарор амалиётларини ўзлаштириш.
- **Энергетика**: қуёш ва шамол энергияси каби қайта тикланадиган энергия манбалари бўйича тадқиқотлар ўтказиш.
- **Тиббиёт**: фармацевтика кластерларини яратиш ва янги дори воситаларини ишлаб чиқариш.

Ушбу харакатлар нафақат илм-фан ва техника тараққиётини рағбатлантиришга, балки узоқ муддатда мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

---

[1] *2024 йил учун маълумотлар Статистика дастурига мувофиқ 2025 йилнинг май ойида шакллантирилади.*

1-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВА ТАЖРИБА-КОНСТРУКТОРЛИК ИШЛАНМАЛАРИ

Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари (ИТТКИ) – бу илмий билимлар, жумладан инсон, маданият ва жамият тўғрисидаги билимлар ҳажмини ошириш, шунингдек, мавжуд билимларни қўллашнинг янги соҳаларини излаш мақсадида амалга ошириладиган ижодий фаолиятдир.

ИТТКИ атамаси учта фаолият турини ўзида қамраб олади:

- фундаментал тадқиқотлар;
- амалий тадқиқотлар;
- илмий-техник ишланмалар.

Ўзбекистон Республикасида таянч докторантураси мавжуд ташкилотлар сони

(тегишли йил учун, бирлик)



2023 йил якунига кўра Ўзбекистон Республикасида таянч докторантураси мавжуд ташкилотлар сони 193 тага етди ва 2019 йилга нисбатан 79 тага, яъни 69,3 % га ошди.

Таянч докторантураси мавжуд ташкилотлар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2023 йил учун, бирлик)



Агар 2023 йил якунига кўра таянч докторантураси мавжуд ташкилотларнинг энг кўп қисми Тошкент шаҳри (94 та), Тошкент (18 та) ва Самарқанд (18 та) вилоятларида қайд этилган бўлса, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (1 та), Жиззах (3 та) ва Сурхондарё (4 та) вилоятларига тўғри келган.

Қабул қилинган фалсафа доктори даражаси изланувчилари сони

(тегишли йил учун, киши)



Таҳсил олаётган фалсафа доктори даражаси изланувчилари сони

(тегишли йил учун, киши)



Битирган фалсафа доктори даражаси изланувчилари сони

(тегишли йил учун, киши)



Таянч докторантура *фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD)) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли ҳисобланади.*

Ўзбекистон Республикасида докторантураси мавжуд ташкилотлар сони

(тегишли йил учун, бирлик)



2023 йилда Ўзбекистон Республикасида докторантураси мавжуд ташкилотлар сони 174 тани ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 100 та (яъни 2,4 баробар)га ошган.

Докторантураси мавжуд ташкилотлар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2023 йил учун, бирлик)



2023 йилда энг кўп докторантураси мавжуд ташкилотлар Тошкент шаҳри (84 та), Самарқанд (17 та) ва Тошкент (17 та) вилоятларида қайд этилган бўлса, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (1 та), Сурхондарё (1 та) ҳамда Жиззах (2 та) вилоятларида кузатилган.

Докторантура *фан доктори (Doctor of Science (DSc)) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли ҳисобланади.*

Қабул қилинган фан доктори даражаси изланувчилари сони [1]

(тегишли йил учун, киши)



Таҳсил олаётган фан доктори даражаси изланувчилари сони

(тегишли йил учун, киши)

Битирган фан доктори даражаси изланувчилари сони

(тегишли йил учун, киши)

[1] *Фалсафа доктори (PhD), фан номзоди илмий даражасига эга бўлган шахслар ёки хорижий давлатларда олинган уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бў лган шахсларни қўшган ҳолда.*

Ўзбекистон Республикасида ИТТКИни бажарган ташкилотлар сонини тақсимланиши

(2023 йил учун, бирлик)



2023 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикасида ИТТКИни бажарган ташкилотларнинг умумий сони 289 тани ташкил этган, шундан давлат секторига 47,4 % (137 та), олий таълим секторига – 34,3 % (99 та), тадбиркорлик секторига – 17,3 % (50 та) ва хусусий нотижорат секторга – 1,0 % (3 та) тўғри келган.

ИТТКИни бажарган ташкилотлар сонини иш турлари бўйича тақсимланиши [1]

(2023 йил учун, бирлик)

[1] *Иш турлари бўйича ИТТКИни бажарган ташкилотлар сонининг йиғиндиси уларнинг умумий сонига тенг эмас, чунки битта ташкилот бир неча турдаги ишларни бажариши мумкин.*

Ўзбекистон Республикасида ИТТКИ ҳажмини секторлар ва ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(тегишли йил учун, млрд сўм)



Ўзбекистон Республикасида ИТТКИга харажатларни секторлар ва ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(тегишли йил учун, млрд сўм)



Ўзбекистон Республикасида ИТТКИни бажарган мутахассис-тадқиқотчилар сонини илмий даража ва ҳудудлар кесимида тақсимланиши [1]

(тегишли йил учун, киши)



2023 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикасида ИТТКИни бажарган мутахассис-тадқиқотчилар сони 33 032 кишига етди ва 2019 йилга нисбатан 6 778 киши (яъни 25,8 %)га кўпайди. Шунда, Тошкент шаҳри (11 191 киши), Самарқанд (4 008 киши) ва Андижон (2 499 киши) вилоятларида энг кўп мутахассис-тадқиқотчилар қайд этилган бўлса, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Жиззах (62 киши), Наманган (843 киши) ва Сирдарё (848 киши) вилоятларига тўғри келган.

ИТТКИни бажарган мутахассис-тадқиқотчилар сонининг гендер тақсимоти [1]

(тегишли йил учун, киши)



[1] *Олий таълим ташкилотларининг педагогик фаолият билан бир қаторда илмий изланишларни бажарган илмий-педагогик ходимларини қўшган ҳолда.*

2-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИННОВАЦИЯЛАР

Инновация – янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, хизмат, технология ёки ташкилий ечимнинг пайдо бўлиши ва бозорда илгари сурилишига олиб келадиган илмий-техник фаолият натижаси ҳисобланади.

Инновацияларда янгилиги бўйича учта таърифи мавжуд:

- ташкилот учун янги;
- ички бозор учун янги;
- бутун дунё учун янги бўлиши керак.

Инновациянинг минимал белгиси – бу корхона амалиётида маҳсулот, жараён, маркетинг ҳамда ташкилий усуллар янги ёки қисман такомиллаштирилган бўлиши, яъни бошқа корхоналарда аниқ бу инновацияни ишлатиш мумкинлиги, лекин ушбу корхона учун у янги бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида ўз кучи билан инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхона ва ташкилотлар сони [1]

(2023 йил учун, бирлик)

Агарда 2023 йил якунига кўра Ўзбекистон Республикасида ўз кучи билан инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхона ва ташкилотларнинг умумий сони 5 026 тани ташкил этган бўлса, энг юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳри (912 та), Хоразм (446 та) ҳамда Тошкент (434 та) вилоятларида акс этган. Энг паст кўрсаткичлар эса Сирдарё (110 та), Наманган (116 та) ва Жиззах (219 та) вилоятларида қайд этилган.

[1] *Инновацион ишларни амалга оширган фермер хўжаликларини қўшган ҳолда.*

Ўзбекистон Республикасида ўз кучи билан бажарилган ва сотилган инновацион маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар ҳажми (ҚҚС ва акцизсиз) [1]

(2023 йил учун, млрд сўм)



2023 йилда Ўзбекистон Республикасида ўз кучи билан бажарилган ва сотилган инновацион маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар ҳажми (ҚҚС ва акцизсиз) 55 746,5 млрд сўмга етди ва 2019 йилга нисбатан 2,1 баробарга ошди. Тошкент шаҳрида (29 858,2 млрд сўм) энг кўп сотилган инновацион маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар ҳажми қайд этилган, энг паст кўрсаткич эса Наманган (59,5 млрд сўм) вилоятига тўғри келган.

Ўз кучи билан бажарилган ва сотилган инновацион маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар ҳажмини (ҚҚС ва акцизсиз) иқтисодий фаолият турлари кесимида тақсимланиши [1]

(2023 йил учун, млрд сўм)

[1)] *Инновацион ишларни амалга оширган фермер хўжаликларини қўшган ҳолда.*

Ўзбекистон Республикасида инновацияларга харажатлар [1]

(2023 йил учун, млрд сўм)

2023 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикасида инновацияларга харажатлар 10 616,5 млрд сўмни ташкил этди. Тошкент шаҳри (4 414,4 млрд сўм), Навоий (2 669,3 млрд сўм) ва Андижон (1 011,7 млрд сўм) вилоятларида инновацияларга энг юқори харажатлар қайд этилган бўлса, бошқа ҳудудларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Фарғона (53,9 млрд сўм), Наманган (63,0 млрд сўм) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (64,4 млрд сўм) белгиланган.

Инновацияларга харажатларни молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши [1]

(2023 йил учун, млрд сўм)

Инновацион фаолият *– ғоялар трансформацияси билан боғлиқ бўлган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотни бозор учун жорий этиш билан ҳамоҳанг бўлган фаолият ҳисобланади.*

[1] *Инновацион ишларни амалга оширган фермер хўжаликларини қўшган ҳолда.*

Технологик инновацияларга умумий (капитал ва жорий) харажатлар [1]

(2023 йил учун, млрд сўм)

2023 йилда Ўзбекистон Республикасида технологик инновацияларга умумий харажатлар 9 655,5 млрд сўмни ташкил этган, шундан 51,0 % ини (4 921,7 млрд сўм) маҳсулот инновациялари, 49,0 % ини (4 733,8 млрд сўм) жараён инновациялари ташкил этган.

Маркетинг инновацияларга харажатлар [1]

(2023 йил учун, млрд сўм)



Ташкилий инновацияларга харажатлар [1]

(2023 йил учун, млрд сўм)



[1)] *Инновацион ишларни амалга оширган фермер хўжаликларини қўшган ҳолда.*

Жорий қилинган технологик инновациялар сони [1]

(тегишли йил учун, бирлик)



Жорий қилинган маркетинг инновациялар сони [1]

(тегишли йил учун, бирлик)



Жорий қилинган ташкилий инновациялар сони [1]

(тегишли йил учун, бирлик)





[1] *Инновацион ишларни амалга оширган фермер хўжаликларини қўшган ҳолда.*

Статистик кўрсаткичларга изоҳ

Олий таълимдан кейинги таълим докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганишни ва илмий изланишлар олиб боришни назарда тутадиган таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчанлик асосида илмий даражага эга илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни таъминлайди.

Таянч докторантура фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD)) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли ҳисобланади.

Докторантура фан доктори (Doctor of Science (DSc)) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли ҳисобланади.

Мустақил изланувчилик фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD)) ёки фан доктори (Doctor of Science (DSc)) илмий даражаларига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли ҳисобланади.

Илмий-тадқиқот ходимлари – ижодий фаолияти тизимли равишда илмий билимлар ҳажмини оширишга ва ушбу билимларни қўллашнинг янги йўналишларини топишга қаратилган, шунингдек, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ хизматлар кўрсатадиган жисмоний шахслар.

Инновацияларнинг тўрт тури мавжуд: маҳсулот, жараён, маркетинг ва ташкилий инновациялар.

Маҳсулот ва жараён инновациялари **технологик инновациялар** ҳисобланади.

Маҳсулот инновациялари – бу маълум бир корхонада ишлаб чиқаришга киритилган хусусиятлари ёки фойдаланиш усуллари бўйича янги ёки сезиларли даражада яхшиланган маҳсулотлар (товарлар ёки хизматлар).

Жараён инновациялари – ишлаб чиқариш, логистика ва маҳсулотни етказиб беришда технологик жиҳатдан янги ёки сезиларли даражада такомиллаштирилган усулларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни, шу жумладан барча технологик жараёнларга дастурий таъминотни жорий этишни ўз ичига олади.

Маркетинг инновацияси – янги ёки сезиларли даражада такомиллаштирилган маркетинг усулларини амалга ошириш.

Ташкилий инновациялар – бизнес юритишда, иш жойларини ташкил қилишда ёки ташқи алоқаларда янги усулларни жорий этишга қаратилган.

XXI. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ [1]

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида аҳолини тиббий хизматлар билан тўлиқ қамраб олишни таъминлашга қаратилган соғлиқни сақлаш тизимини кенг кўламли модернизация қилиш ишлари амалга оширилди. Мамлакатда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш борасида муайян натижаларга эришилди.

Ўтган даврда қишлоқ врачлик пунктлари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникаларини ташкил этиш орқали бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш тизими такомиллаштирилди ҳамда аҳолининг ушбу хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди. Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона марказлашган тизими яратилди, фуқароларга, жумладан, жойларда юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармоғи ривожланмоқда.

“Электрон соғлиқни сақлаш” тизимининг ривожланиши беморларни электрон карталарини юритиш ва онлайн рўйхатга олиш орқали тиббий хизматлардан фойдаланишни соддалаштирди ва уларнинг самарадорлигини оширди.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қатор мақсадли миллий дастурлар амалга оширилди. Болаларнинг ирсий ва туғма касалликлар билан туғилишининг олдини олиш мақсадида республика ва ҳудудий скрининг марказлари ташкил этилди. Шунингдек, акушерлик хизматининг яхшиланиши ва перинатал марказларнинг ташкил этилиши сабабли гўдаклар ва оналар ўлими кўрсаткичлари ҳам камайди.

Давлат дастурлари орқали соғлиқни сақлаш тизимига катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон қарори билан тасдиқланган “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепция”си соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятни тартибга соладиган давлатнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек, Саломатлик – 2020 ва Барқарор ривожланиш мақсадлари – 2030 минтақавий сиёсати доирасида аҳолининг соғлиғини сақлаш соҳасидаги халқаро шартномаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ўлим даражасини пасайтириш ва тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини ошириш борасида салмоқли муваффақиятларга эришди. Соғлиқни сақлаш тизими, янги технологияларни жорий этиган ҳолда, ривожланишда давом этмоқда.

---

[1] *2024 йил учун маълумотлар Статистика дастурига мувофиқ 2025 йилнинг август ойида шакллантирилади.*

Ўзбекистон Республикасида шифохона муассасалари сони [1]

(тегишли йилнинг охирига, бирлик)



2023 йил якунига кўра Ўзбекистон Республикасида шифохона муассасалари сони 1 432 тага етган ва 2019 йилга нисбатан 227 тага ошган, бу 18,8 % га ўсишни ташкил этган.

Шифохона муассасалари сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2023 йил охирига, бирлик)



2023 йилда энг кўп шифохона муассасалари Андижон вилояти (179 та), Тошкент ш. (167 та) ва Фарғона вилоятида (135 та) қайд этилган бўлса, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Навоий (40 та), Сирдарё (44 та) ва Жиззах (58 та) вилоятларига тўғри келган.

Шифохона муассасалари сони *– бу кўрсаткич аҳолига стационар тиббий ёрдам кўрсатадиган тиббиёт муассасаларининг умумий сонини акс эттиради. Бундай муассасаларга касалхоналар, госпиталлар, ихтисослаштирилган клиникалар ва беморлар кечаю кундуз қолиши мумкин бўлган шароитда тиббий ёрдам кўрсатадиган бошқа муассасалар киради. Ушбу кўрсаткич ҳудуд ёки мамлакатда стационар тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини баҳолаш учун ишлатилади.*

[1] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотлар қўшилган ҳолда.*

Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъекти сифатида фаолият юритаётган шифохона муассасалари сони

(тегишли йилнинг охирига, бирлик)



2023 йил охирига Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъекти сифатида фаолият юритаётган шифохона муассасалари сони 724 тага етди ва 2019 йилга нисбатан 149 тага, яъни 25,9 % га ошди.

Ҳудудлар кесимида

(2023 йил охирига, бирлик)

Ҳудудий таҳлилга қараганда, Андижон вилояти (126 та), Тошкент ш. (81 та) ва Наманган вилоятида (80 та) энг кўп кичик тадбиркорлик (бизнес) субъекти сифатида фаолият юритаётган шифохона муассасалари қайд этилган, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар эса Навоий вилояти (11 та), Қорақалпоғистон Респ. (19 та) ва Сирдарё вилоятига (19 та) тўғри келган.

Тиббиёт муассасалари тармоғига *– барча мулкчилик шаклидаги касалхона ва амбулатория-поликлиника муассасалари, тез тиббий ёрдам муассасалари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари, санаторий-курорт муассасалари, санитария-эпидемиологик станциялар, тиббий-санитария қисмлари ва бошқалар киради.*

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган амбулатория-поликлиника муассасалари сони [1]

(тегишли йилнинг охирига, бирлик)



2023 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган амбулатория-поликлиника муассасалари сони 8 011 тага етди ва 2019 йилга нисбатан 2 097 тага кўпайиб, 35,5 % га ўсди.

Амбулатория-поликлиника муассасалари сони *– бу кўрсаткич аҳолига амбулатория ёрдам кўрсатадиган тиббиёт муассасаларининг умумий сонини акс эттиради. Бундай муассасаларга шифохоналарга жойлаштирмасдан консультация, диагностика ва даволаш хизматларини кўрсатадиган, шунингдек, профилактика ишларини олиб борадиган поликлиника, амбулатория ва тиббиёт марказлари киради. Ушбу кўрсаткич ҳудуд ёки мамлакатда амбулатор тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини ва қамровини баҳолаш учун ишлатилади.*

Фаолият юритаётган амбулатория-поликлиника муассасалари сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2023 йил охирига, бирлик)



[1)] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотлар қўшилган ҳолда.*

Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъекти сифатида фаолият юритаётган амбулатория-поликлиника муассасалари сони

(тегишли йилнинг охирига, бирлик)



2023 йилда Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъекти сифатида фаолият юритаётган амбулатория-поликлиника муассасалари сони 5 172 тага етди ва 2019 йилга нисбатан 1 810 тага, яъни 53,8 % га кўпайди.

Ҳудудлар кесимида

(2023 йил охирига, бирлик)

Ҳудудлар кесимида 2023 йил якунига кўра, кичик тадбиркорлик (бизнес) субъекти сифатида фаолият юритаётган амбулатория-поликлиника муассасаларининг энг кўп қисми Тошкент ш. (938 та), Самарқанд (529 та) ва Фарғона (458 та) вилоятларида қайд этилган бўлса, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (91 та), Жиззах (133 та) ва Навоий (199 та) вилоятларида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган шифохона муассасаларидаги бемор ўринлари сони [1]

(тегишли йилнинг охирига, минг бирлик)



2023 йил охирига кўра, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган шифохона муассасаларидаги бемор ўринлари сони 174,5 мингтани ташкил этди ва 2019 йилга нисбатан 21,1 мингтага кўпайди ва бу 13,8 % га ўсишни ташкил этди.

Шифохона муассасаларидаги бемор ўринлари сони *– бу кўрсаткич шифохона ва бошқа тиббий муассасаларда беморларни ётқизиш учун мавжуд бўлган ўринларнинг умумий сонини акс эттиради. У барча турдаги ётоқ ўринларини ўз ичига олади: ўткир касалликларни даволаш, реабилитация, ихтисослаштирилган хизматлар ва бошқа тиббий эҳтиёжлар учун. Ушбу кўрсаткич соғлиқни сақлаш тизимининг қувватини баҳолаш, ресурсларни режалаштириш ва тиббий ёрдамни аҳоли ўртасида тақсимлаш учун ишлатилади.*

Фаолият юритаётган шифохона муассасаларидаги бемор ўринлари сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2023 йил охирига, минг бирлик)



[1] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотлар қўшилган ҳолда.*

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган барча мутахассисликлар бўйича врачлар сони [1]

(тегишли йилнинг охирига, минг киши)



2023 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган барча мутахассисликлар бўйича врачлар сони 105,7 минг кишини ташкил этди ва 2019 йилга нисбатан 13,8 минг кишига, яъни 15,0 % га кўпайди.

Барча мутахассисликлар бўйича врачлар сони *– бу кўрсаткич мутахассислигидан қатъи назар, соғлиқни сақлаш тизимида ишлайдиган олий тиббий маълумотли мутахассисларнинг умумий сонини акс эттиради. У даволаш-профилактика, илмий-тадқиқот муассасалари, таълим ташкилотлари ва тиббиёт фаолияти билан боғлиқ бошқа соҳаларда банд бўлган врачларни ўз ичига олади. Ушбу кўрсаткич соғлиқни сақлаш тизимини кадрлар билан таъминлашни таҳлил қилиш ва аҳоли учун тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини баҳолаш учун ишлатилади.*

Барча мутахассисликлар бўйича врачлар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2023 йил охирига, минг киши)



[1] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотлар қўшилган ҳолда.*

Барча мутахассисликлар бўйича врачлар сонини гендер тақсимоти [1]

(тегишли йилнинг охирига, минг киши)



2023 йилда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган врачларнинг умумий сонида аёллар улуши 46,9 % ни, эркаклар улуши эса – 53,1 % ни ташкил этган. 2019 йил маълумотларига кўра аёл-шифокорлар сони – 12,0 % га, эркак-шифокорлар сони – 17,9 % га ошган.

Ихтисосликлар ва айрим мутахассисликлар бўйича врачлар билан таъминланганлик

(тегишли йилнинг охирига, 10 000 аҳолига нисбатан врачлар сони)

	2019	*2020*	*2021*	*2022*	*2023*
Жами врачлар,	**27,1**	**27,0**	**27,1**	**27,9**	**28,7**
улардан:					
терапевтик ихтисослиги бўйича	5,7	6,0	6,5	9,3	9,5
жарроҳлик ихтисослиги бўйича	3,4	3,3	3,3	3,2	3,3
акушер-гинекологлар *(10 000 аёлга нисбатан)*	3,4	3,1	2,9	3,0	3,0
педиатрлар *(0-14 ёшдаги 10 000 болага нисбатан)*	11,4	5,2	4,8	5,5	4,1
педиатрлар *(0-17 ёшдаги 10 000 болага нисбатан)*	9,9	4,5	4,1	4,8	3,6
офтальмологлар	0,5	0,5	0,4	0,5	0,5
отоларингологлар	0,6	0,5	0,5	0,5	0,6
фтизиатрлар	0,4	0,3	0,4	0,3	0,3
невропатологлар	0,9	0,8	0,8	0,9	0,9
психиатрлар	0,3	0,3	0,3	0,3	0,3
наркологлар	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
дермато-венерологлар	0,4	0,4	0,4	0,4	0,4
стоматологлар	2,6	1,6	1,8	2,2	2,1
санитария-эпидемиология гуруҳ врачлари	1,4	1,4	1,1	1,2	1,1
рентгенологлар ва радиологлар	0,4	0,4	0,4	0,4	0,5
онкологлар	0,2	0,1	0,1	0,2	0,3

[1] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотлар қўшилган ҳолда.*

Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъекти сифатида фаолият юритаётган шифохона муассасаларидаги врачлар сони

(тегишли йилнинг охирига, минг киши)



2023 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъекти сифатида фаолият юритаётган шифохона муассасаларидаги врачлар сони 18,5 минг кишига етди ва 2019 йилга нисбатан 7,9 минг кишига, яъни 74,9 % га ошди.

Ҳудудлар кесимида

(2023 йил охирига, минг киши)



Ҳудудлар бўйича таҳлил қилганда, кичик тадбиркорлик (бизнес) субъекти сифатида фаолият юритаётган шифохона муассасаларидаги врачларнинг энг кўп қисми Тошкент ш. (5,3 минг киши), Самарқанд (1,8 минг киши) ва Фарғона (1,8 минг киши) вилоятларида белгиланган, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар эса Навоий (0,4 минг киши), Жиззах (0,4 минг киши) ва Сирдарё (0,5 минг киши) вилоятларида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасида ўрта тиббиёт ходимлари сони [1]

(тегишли йилнинг охирига, минг киши)



2023 йил охирида Ўзбекистон Республикасида ўрта тиббиёт ходимлари сони 387,6 минг кишига етган ва 2019 йилга нисбатан 22,0 минг кишига кўпайган, бу эса, ўз ўрнида, 6,0 % га ўсишни ташкил этган.

Ўрта тиббиёт ходимлари сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2023 йил охирига, минг киши)



2023 йилда ўрта тиббиёт ходимларининг энг катта қисми Фарғона (45,9 минг киши), Қашқадарё (39,1 минг киши) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида (37,8 минг киши) қайд этилган бўлиб, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (13,4 минг киши), Навоий (15,6 минг киши) ва Жиззах (16,3 минг киши) вилоятларида белгиланган.

Ўрта тиббиёт ходимлари сони *– бу кўрсаткич ўрта-махсус тиббий маълумотга эга бўлган соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг умумий сонини акс эттиради. Ушбу тоифага ҳамширалар, фельдшерлар, акушерлар, лаборантлар ва беморларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда уларни парваришлаш билан шуғулланадиган бошқа мутахассислар киритилади.*

[1] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотлар қўшилган ҳолда*

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг касалланиш даражаси

*(тегишли йил учун, 100 000 аҳолига нисбатан
биринчи маротаба ташхиси аниқланган ҳолатлар сони)*



2023 йил якунига кўра, Ўзбекистон Республикасида аҳолининг касалланиш даражаси ҳар 100 000 аҳолига нисбатан 60 308,6 та биринчи маротаба ташхиси аниқланган ҳолатларни ташкил этган ва 2019 йилга нисбатан 29,2 % га ошган.

Касалланиш даражаси *– бу кўрсаткич маълум бир давр мобайнида ҳар 100 000 аҳолига тўғри келадиган биринчи маротаба рўйхатга олинган касаллик ҳолатлари сонини акс эттиради. У янги касалликларни пайдо бўлиши динамикасини таҳлил қилиш, профилактика чоралари самарадорлигини баҳолаш ва тиббий ресурсларни режалаштириш учун ишлатилади. Ушбу кўрсаткич тиббий ёрдамга илк бор мурожаат этиш ва ташхис қўйиш маълумотлари асосида ҳисобланади.*

Ҳудудларда аҳолининг касалланиш даражаси [1]

*(2023 йил учун, 100 000 аҳолига нисбатан
биринчи маротаба ташхиси аниқланган ҳолатлар сони)*



[1] ***Изоҳ:*** *Тошкент шаҳрида жойлашган марказий тиббиёт муассасаларининг ҳамда республиканинг барча ҳудудларидан пойтахтга даволаниш учун келаётган беморларнинг кўплиги сабабли Тошкент шаҳрида аҳолининг касалланиш даражаси 100 минг кишидан ортган.*

Касалликларнинг асосий гуруҳлари бўйича аҳолининг касалланиш даражаси

(2023 йил учун, 100 000 аҳолига нисбатан биринчи маротаба ташхиси аниқланган ҳолатлар сони)

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган шифохона муассасаларида даволанган беморлар сони [3]

(тегишли йил учун, минг киши)



2023 йилда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган шифохона муассасаларида даволанган беморлар сони 6 918,3 минг кишига етди ва 2019 йилга нисбатан 119,5 минг кишига, яъни 1,8 % га ошди. Тошкент ш. (776,1 минг киши), Фарғона (707,6 минг киши) ва Самарқанд (654,0 минг киши) вилоятларида энг кўп даволанган беморлар акс этирилган, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (173,2 минг киши), Навоий (241,4 минг киши) ва Жиззах (252,1 минг киши) вилоятларида қайд этилган.

---

[1] *Перинатал ёшдаги болаларга нисбатан.*
[2] *15-49 ёшдаги аёлларга нисбатан.*
[3] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотлар қўшилган ҳолда.*

Статистик кўрсаткичларга изоҳ

Соғлиқни сақлаш статистикаси – соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг миқдорий хусусиятлари (соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғи, уларнинг ҳолати ва жиҳозлари, тиббий ходимлар), аҳоли саломатлиги ҳолатининг миқдорий хусусиятлари умуман олганда ва унинг алоҳида контингентлари, тарқалиши, тузилиши ва умумий аҳоли ва уларнинг алоҳида гуруҳлари билан касалланиш даражаси.

Тиббиёт муассасалари тармоғига барча мулкчилик шаклидаги касалхона ва амбулатория-поликлиника муассасалари, тез тиббий ёрдам муассасалари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари, санаторий-курорт муассасалари, санитария-эпидемиологик станциялар, тиббий-санитария қисмлари ва бошқалар киради.

Шифохона муассасаси – кечаю кундуз тиббий ёрдам кўрсатувчи, беморларни диагностика, даволаш ва реабилитация қилиш учун мўлжалланган, профессионал тайёрланган амалиётга эга, камида битта шифокори мавжуд стационар даволаш муассасаси.

Амбулатория-поликлиника муассасалари сонига аҳолининг ушбу муассасаларга қатнаб ёки шифокорларнинг уйларга ташриф буюриши орқали аҳолига даволаш профилактика ёрдамини кўрсатувчи муассасалар киради (поликлиникалар, диспансерлар, шифохоналарнинг поликлиника бўлимлари, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, тиббий санитария қисмлар, амбулаториялар, қишлоқ (шаҳар) врачлик пунктлари, мустақил врачлик тиббиёт пунктлари, аёллар маслаҳат хоналари ва бошқалар).

Аҳолининг касалланиши йил давомида даволаш-профилактика муассасасига мурожаат қилганда ёки профилактик кўрикдан ўтаётганда аниқланган (ёки диспансер кузатуви остига олинган) илк бор ташхис қўйилган беморлар сони билан изоҳланади.

Шифохона муассасаларидаги бемор ўринлари – ушбу ҳудуд аҳолисига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган стационар даволаш-профилактика муассасаларининг (касалхоналар, туғруқхоналар, шифохоналар, ихтисослаштирилган диспансерлар ва бошқалар) шифохона ўринлари мажмуи.

Шифокорларнинг умумий сонига йил охирида тиббиёт, санитария ташкилотлари, ижтимоий таъминот муассасалари, тиббиёт илмий-тадқиқот институтлари, шунингдек, кадрлар тайёрлаш муассасаларида ва бошқаларда ишлайдиган олий тиббий маълумотга эга бўлган барча шифокорлар киради.

Ўрта тиббиёт ходимларининг умумий сонига тиббиёт ва санитария ташкилотлари, ижтимоий таъминот муассасалари, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, болалар уйлари ва бошқаларда ишлайдиган ўрта тиббий маълумотга эга бўлган барча шахслар (тиш шифокорларидан ташқари) киради.

XXII. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ [1]

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг энг муҳим қисми бўлиб, у фуқароларнинг муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилган. Сўнгги йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоя соҳасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдорини ошириш ва қўшимча ресурсларни жалб қилиш, ижтимоий ҳимоя дастурлари қамровини кенгайтириш ва оилаларни оғир ҳаётий ҳолатлардан олиб чиқишга қаратилган қўшимча механизмларни жорий этиш йўналишларида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатиш мақсадида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими жорий қилинди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб ҳамда ижтимоий ҳимоя соҳасида тизимли ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янада такомиллаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишда самарали идоралараро мувофиқлаштирувчи тизимни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги ПФ-175-сон Фармони билан “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси” тасдиқланган. У аҳолининг заиф қатламларни ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий адолатни таъминлашга йўналтирилган. Алоҳида эътибор кексаларга, ногиронлиги бор шахсларга ва кўп болали оилаларга ажратилган. Мамлакатда заиф қатламларни қўллаб-қувватлаш ҳар доим муҳим вазифа бўлиб келган, чунки бундай қадриятлар, яъни меҳр-шафқат ва ўзаро ёрдам Ўзбекистон халқи маданияти ва анъаналарининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ижтимоий ҳимоя – мамлакат аҳолисини ижтимоий ва моддий муҳофаза қилинишини таъминлайдиган ва жамиятда қарор топган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуидир. Давлат ва жамиятнинг ёши, саломатлиги ҳолати, ижтимоий аҳволи, тирикчилик воситалари билан етарли таъминланмагани туфайли ёрдамга, кўмакка муҳтож фуқаролар тўғрисидаги ғамхўрлиги. Унинг асосий мақсади аҳоли фаровонлигининг тўхтовсиз яхшиланишини таъминлаш, аҳоли қатламларининг таълим, маданият, касб малакаси, даромадлари жиҳатидан кескин тафовутларига барҳам бериш, жамият томонидан инсонга муносиб ҳаёт даражасини ва инсон тараққиётини таъминлашга ёрдам беришдан иборат.

[1] *2024 йил учун маълумотлар Статистика дастурига мувофиқ 2025 йилнинг май ойида шакллантирилади.*

1-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ

Пенсия – уни олиш ҳуқуқи қонунчиликда белгиланган шартларга ва меъёрларга мувофиқ аниқланадиган ҳамда шахсларга пенсия ёшига тўлиш, ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлик муносабати билан бериладиган ойлик пул тўлови ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида пенсия ва нафақа олувчи шахслар сони

(тегишли йилнинг охирига, минг киши)



Ўзбекистон Республикасида 2023 йил якуни бўйича пенсия ва нафақа олувчи шахслар сони 4 827,3 минг кишини ташкил этган ва 2019 йилга нисбатан 948,9 минг кишига, яъни 24,5 % га кўпайган.

Пенсия ва нафақа олувчи шахслар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2023 йил охирига, минг киши)



Пенсия ва нафақа олувчи шахсларнинг энг кўп қисми Фарғона (546,8 минг киши), Самарқанд (523,3 минг киши) ва Қашқадарё (448,3 минг киши) вилоятларида қайд этилган бўлса, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (126,9 минг киши), Навоий (165,1 минг киши) ва Жиззах (175,4 минг киши) вилоятларига тўғри келган.

Ўзбекистон Республикасида пенсия ва нафақа олувчилар сони [1]

(тегишли йилнинг охирига, минг киши)



Ўзбекистон Республикасида 2023 йил охирига пенсия ва нафақа олувчилар сони 4 715,7 минг кишини ташкил этган ва 2019 йил якунига нисбатан 920,9 минг кишига ортган, бу эса 24,3 % га ўсишни ташкил этган.

Пенсия ва нафақа олувчилар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши [1]

(2023 йил охирига, минг киши)

Ҳудудий таҳлилга қараганда, Фарғона (536,8 минг киши), Самарқанд (507,9 минг киши) ва Қашқадарё (435,4 минг киши) вилоятларида энг кўп пенсия ва нафақа олувчилар белгиланган, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (123,6 минг киши), Навоий (161,9 минг киши) ва Жиззах (169,5 минг киши) вилоятларида қайд этилган.

Нафақа – қонунчиликка мувофиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахсларга бериладиган ойлик пул тўловидир.

[1] *Кўрсаткич шахс (одам)лар сонини эмас, балки боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия ва нафақа оладиган оилалар сонини ўз ичига олади.*

Ўзбекистон Республикасида пенсия олувчиларнинг умумий сони [1]

(тегишли йилнинг охирига, минг киши)



Ўзбекистон Республикасида 2023 йил якуни бўйича пенсия олувчиларнинг умумий сони 4 066,2 минг кишини ташкил этган ва 2019 йилга нисбатан 636,4 минг кишига, яъни 18,6 % га ошган.

Пенсия олувчиларнинг умумий сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши [1]

(2023 йил охирига, минг киши)



Ҳудудлар кесимида қараганда 2023 йилда энг кўп пенсия олувчилар Фарғона (475,9 минг киши), Самарқанд (430,9 минг киши) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрига (385,0 минг киши) тўғри келган бўлса, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (103,6 минг киши), Жиззах (136,2 минг киши) ҳамда Навоий (139,3 минг киши) вилоятларида қайд этилган.

Пенсия олувчилар – қонунчиликка мувофиқ мунтазам равишда пуллик тўлов (пенсия)ларни олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар тоифасидир. Ушбу тўловлар пенсия ёшига етиши, ногиронлиги, боқувчисини йўқотганлиги ёки кўп йиллик хизматига кўра ижтимоий қўллаб-қувватлаш сифатида тақдим этилади.

[1] *Кўрсаткич шахс (одам)лар сонини эмас, балки боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия оладиган оилалар сонини ўз ичига олади.*

Ёшга доир пенсия, шу жумладан кўп йиллик хизмати учун пенсия, олувчи шахслар сони

(тегишли йилнинг охирига, минг киши)



Пенсия олувчи ногиронлиги бўлган шахслар сони

(тегишли йилнинг охирига, минг киши)



Боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия олувчи оилалар сони

(тегишли йилнинг охирига, минг оила)



Ўзбекистон Республикасида ёшга доир пенсияларнинг энг кам миқдори

(тегишли йилнинг охирига, минг сўм)



Ўзбекистон Республикасида ёшга доир пенсияларнинг энг кам миқдори таҳлили уни йилдан йилга ўсаётганини кўрсатмоқда. Шундай қилиб, 2019 йил якунига ёшга доир пенсияларнинг энг кам миқдори 436,1 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2023 йил якунига келиб у 363,9 минг сўмга ошди (яъни 83,4 % га) ва 800,0 минг сўмга етди.

Ёшга доир пенсияларнинг энг кам миқдори – бу давлат томонидан белгиланган пуллик тўловнинг энг кам миқдори бўлиб, у пенсия ёшига етган фуқароларга қонунчиликка мувофиқ тақдим этилади. Ушбу кўрсаткич пенсионерларнинг минимал эҳтиёжларини қондиришни таъминлаб, улар учун моддий қўллаб-қувватлашнинг базавий даражасини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасида ногиронлик гуруҳлари бўйича пенсия олувчи шахслар сони

(2023 йил охирига, минг киши)





Ўзбекистон Республикасида нафақа олувчиларнинг умумий сони [1]

(тегишли йилнинг охирига, минг киши)



2023 йилда Ўзбекистон Республикасида нафақа олувчиларнинг умумий сони 649,5 минг кишини ташкил этди ва 2019 йилга нисбатан 284,5 минг кишига, яъни 77,9 % га кўпайди.

Нафақа олувчиларнинг умумий сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши [1]

(2023 йил охирига, минг киши)



Энг кўп нафақа олувчилар Самарқанд (76,9 минг киши), Қашқадарё (75,4 минг киши) ва Фарғона (60,9 минг киши) вилоятларида қайд этилган бўлса, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (20,0 минг киши), Навоий (22,6 минг киши) ва Бухоро (26,7 минг киши)вилоятларига тўғри келган.

Нафақа олувчилар – қонунчиликка мувофиқ давлат ёки бошқа манбалардан ижтимоий тўлов (нафақа)лар олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар тоифасидир. Нафақалар инсон муайян ҳаётий вазиятларда моддий ёрдамга муҳтож бўлган вақтда унга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида берилади.

[1)] *Кўрсаткич шахс (одам)лар сонини эмас, балки боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақа оладиган оилалар сонини ўз ичига олади.*

2-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР

Ногиронлиги бўлган шахс – ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга тенг тўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилишига муҳтож барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахс.

Ўзбекистон Республикасида ногиронлиги бўлган шахслар сони

(тегишли йилнинг охирига, минг киши)



Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида ногиронлиги бўлган шахслар сони сезиларли даражада ошди. Агар 2019 йилда уларнинг сони 740,7 минг кишини ташкил этган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 941,9 минг кишига етди.

Ногиронлиги бўлган шахслар сонининг сезиларли даражада ўсиши сўнгги бир неча йил ичида уларни ҳисобга олиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Ногиронлиги бўлган шахслар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2023 йил охирига, минг киши)



Ногиронлиги бўлган шахслар сонини ногиронлик гуруҳлари бўйича тақсимланиши

(2023 йил охирига, минг киши)



2023 йилда ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий сонидан 18 ёшгача бўлган болалар 161,9 минг кишини (17,2 %), I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар – 87,3 минг кишини (9,3 %), II гуруҳ – 631,5 минг кишини (67,0 %) ва III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар – 61,2 минг кишини (6,5 %) ташкил этган.

Ногиронлик гуруҳлари – соғлиғини ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига қараб, ногиронликнинг уч гуруҳи аниқланади.

Ногиронлиги бўлган шахслар сонини ногиронлик гуруҳлари бўйича ва ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2023 йил охирига, минг киши)



Ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий сонига ногиронлик бўйича ҳисобда турган ва пенсия ёки нафақа оладиган ногиронлиги бўлган шахслар киритилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларни жинси бўйича тақсимланиши

(тегишли йилнинг охирига, минг киши)



2023 йил охирига ногиронлиги бўлган аёллар сони 420,1 минг кишини (ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий сонидан 44,6 %), эркаклар сони эса 521,8 минг кишини (55,4 %) ташкил этган. 2019 йил маълумотларига нисбатан аёллар сони 32,7 % га, эркаклар сони эса 23,0 % га ошган.

Ногиронлиги бўлган шахслар сонини ҳудудлар кесимида гендер тақсимоти

(2023 йил охирига, минг киши)



Статистик кўрсаткичларга изоҳ

Пенсионерлар − Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ пенсия олаётган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган шахслардир. Ўзбекистонда ёшга доир пенсияга чиқиш эркаклар учун 60 ёш ва аёллар учун 55 ёш деб белгиланган.

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига, эркаклар 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда, аёллар эса 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар.

Ногиронлик пенсиялари қонунчиликда белгиланган тартибда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар деб топилган шахсларга, шунингдек Чернобиль АЭСдаги авария туфайли майиб бўлиш ёки касаллик оқибатида III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар деб топилган шахсларга тайинланади.

Вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари **боқувчисини йўқотганлик пенсияси** олиш ҳуқуқига эга бўлади. Марҳумнинг қарамоғида турмаган ота-онаси ва эри (хотини) ҳам, кейинчалик кун кечириш учун зарур маблағ манбаидан маҳрум бўлиб қолсалар, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Нафақа – қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахсларга бериладиган ойлик пул тўлови бўлиб, қуйидагилар ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахслар ҳисобланади:

а) ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар;

б) ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг парвариши билан банд бўлган қонуний вакил;

в) Қонунда белгиланган шартлар ва меъёрларга мувофиқ давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар;

г) қонунда белгиланган шартлар ва меъёрларга мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлмаган вафот этган шахснинг қарамоғидаги оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзолари;

д) қонунда белгиланган шартлар ва меъёрларга мувофиқ давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги шахслар ҳамда болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналар.

Ногиронлиги бўлган болалар – барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари туфайли ҳаётий фаолияти чекланганлиги муносабати билан давлат ва жамият томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатилишига ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига муҳтож ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар.